

869
NC 88

ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Т.Ж.ЖУМАЕВ

ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим
йўналишлари талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

T.J.Jumaev

ECONOMICS OF ECOLOGY

This text book is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

20680/1

Т.Ж. Жұмаев. Экология иқтисодиёти - (Дарслик) – Т.:
ТДИУ, 2004 – 288 бет.

Ушбу дарслик давлат стандартлари, намунавий ўқув дастури асосида ёзилған.

Үнда «Экология иқтисодиёти» нинг фан сифатидаги таърифи берилған; назарий асослари барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси асосида таърифланған; хусусий экология иқтисодиёти табиат компонентларидан фойдалана-диган тармоқлар мисолида күриб чиқылған; амалий экология иқтисодиёти экологик сиёсат ва экологик бошқариш, экологик хисоб ва экологик аудит, экологик молия, экологик бозор механизмлари таҳлили асосида ёритилған; ҳозирги замон экология иқтисодиёти муаммолари ва уларнинг ечимиға алоҳида эътибор берилған.

Дарслик иқтисодиёт (экология) таълими йўналишидаги олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг талабалари ва экология иқтисодиёти муаммолари билан қизиқадиганлар учун мўлжалланған.

Масъул мухаррир: и.ф.д., проф.

Ш.Р. Холмўминов

Тақризчилар: г.ф.д., проф. А.С. Солиев;
и.ф.н., доцент А.Абулқосимов

T. J. Jumaev. Economics of ecology. (Textbook) – T.: TSUE, 2004 – 288 pages.

The textbook is written on the basis of sample teaching curriculum and state standarts.

There is given definition of the economics of ecology as a science. Theoretic bases of economics of ecology is seen based on the conception of social economic development. The private economics of ecology is studied by an example of environmental components. The practice of economics of ecology is written on the basis of analysis of ecologic management, ecologic accounting, ecologic audit, ecologic finance and ecologic market mechanisms.

It is given a special attention to current problems of ecologic economics and to their solutions.

The manual is designed for the students of Higher Educational Establishments studying in the area of issues related to economics of ecology.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh.R.

Reference: Doctor of geographical science
A.S.Soliev;
candidate of economic science,
senior lecturer A.Abulqosimov

КИРИШ

Жамият ва табиат ўргасидаги ўзаро муносабатларда иқти-
содиёт мухим роль ўйнайди. Аҳолининг тез кўпайиб бориши ва
эҳтиёжи тўхтовсиз ўсиши билан боғлиқ ҳолда содир бўлаётган
иқтисодий ривожланиш ресурс сифими юқори технология шароитида Ер сайёрасининг қиёфасини тез ўзгартиришга, унга тузатиб
ва тўлдириб бўлмайдиган зиён етказишига сабаб бўлаёттир.

Жамият илмий-техника салоҳиятиниң мисли кўрилмаган
ўсиши инсоннинг табиий мухитни ўзгартириш имкониятларини
янги сифат босқичига кўтарди ва унинг олдида фавқулодда катта
истиқболларни очди. Шу билан бир қаторда инсоннинг табиат
билан ўзаро муносабатларида Ер сайёраси ва инсониятнинг
мавжудлигига тобора кўпроқ хавф соладиган ташвишлантiriувчи
белгилар ҳам намоён бўлмоқда. Бунда ҳозирги илмий-техника
тараққиётининг салбий жиҳатлари (табиий мухитнинг техноген
келиб чиқишига эга бўлган маҳсулотлар билан ифлосланиши, табиий
ресурсларнинг тутаб қолиши хавфи ва бошқалар), демографик
порглаш билан боғлиқ бўлган озиқ-овқат ётишмовчилиги
муаммолари ва бошқалар назарда тутилади. Тез-тез содир бўлаётган
табиий оғатлар, техноген авариялар, ҳалокатлар ва улар
билан боғлиқ бўлган катта қурбонлар, моддий йўқотишлар габиий
ресурсларни аёвсиз эксплуатация қилиш, табиий мухитнинг
мисли кўрилмаган миқёсларда ифлосланиши миқёслари билан
биргаликда содир бўлаёттир. Атмосферанинг юқори қатламида
озон экранининг емирилиши, материк худудларнинг тобора кўпроқ
чўллашиб бориши, иқлим барқарорлитгининг йўқотилиши ва табиий
мухит ўзгаришидаги кўплаб бошқа тенденциялар экологик
бўхрон белгилари хисобланади.

Минерал хомашё ресурсларининг чекланганлиги, табиат
комплексларининг ресурсларни такрор ишлаб чиқариш имкониятлари,
ишлаб чиқариш чиқиндиларини нейтраллаш ва ўзига
сингдириш хоссаларининг чегараланганилиги экологик муаммолар
ечимини топишни мураккаблаштиради. Булар аниқланган
экологик-иқтисодий муаммоларни тадқиқ этадиган ва келгусида
содир бўлиши мумкин бўладиган ҳалокатли экологик муаммолар
ечимини топишга хизмат қиласидиган фанни шакллантириш ва
ривожлантiriшга ижтимоий эҳтиёжнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Шундай фан соҳаси «Экология иқтисодиёти» бўлиб, унинг
асосий вазифаси табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқаларида табиий
мухит ва табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни такрор ишлаб
чиқариш, асрарни ва муҳофаза қилиши жараёнида юзага келадиган

экологик-иктисодий муносабатларни ўрганиш ҳисобланади. Экологик-иктисодий муносабатлар йўналишларининг хилма-хиллиги «Экология иктисодиёти» кўплаб аспектлар ва экологик-иктисодий билимлар соҳаларига бўлинади. Бунда жамиятнинг иктисодий хаётини экологиялаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Экологик хавфсиз ва барқарор ривожланиш дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Узбекистон Республикасида ҳам «Мамлакатнинг барқарор ривожланиши концепцияси» (1998 й.), «Мамлакатнинг миллий стратегияси» (1999 й.), «XXI аср кун тартиби» (2002 й.) ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Улар изчил амалга оширилмоқда. Барқарор ривожланиш БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш масалаларига бағищланган конференция (Рио-де-Жанейро, 1992 й.) қабул қилган «XXI аср кун тартиби»га мувофиқ учта ғояни бирлашибди: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш; иктисодий хавфсизликни таъминлаш; ижтимоий адолатга амал қилиш.

Дунё ва ватанимиз тажрибалари шуну кўрсатади, барқарор иктисодий ривожланишини табиатни вайрон этиш, табиий ресурсларни тамом қилиш ҳисобига амалга ошириб бўлмайди ва аксинча, атроф-муҳитнинг зарур сифатини сақлашни кучли иқтисодиётсиз амалга ошириш мумкин эмас. Шу сабабдан «Экология иктисодиёти» доирасида тадқиқ этиладиган муаммоларни икки катта гурухга ажратиш мумкин. Биринчидан, иктисодиётда табиий-экологик шароит ва ресурслардан энг самарали фойдаланиш муаммоси, иккинчидан, атроф-муҳит иқтисодиёт таъсирида емирилиши ва ифлосланишининг зиёнини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш имкониятини берувчи энг мақсадга мувофиқ усусларни излаш ва асослаб бериш муаммосидир. Бу муаммолар табиий-тарихий характердаги қонуниятларга асосланиб, шунингдек, жамиятнинг ўзгариб турадиган эҳтиёжларини, ҳозирги замон иқтисодий муаммолари шароитида янги қийматлар тизимининг шаклланишини ҳисобга олиб ҳал этилиши керак.

«Экология иқтисодиёти» назарий жиҳатдан барқарор экологик-иктисодий ривожланиш концепциясининг илмий асосларини ишлаб чиқишига йўналтирилади. Унинг амалий аҳамияти табиий-экологик ресурслардан рационал фойдаланиш бўйича илмий асосланган аниқ тавсияларни ишлаб чиқинча ўз ифодасини топади.

Ушбу дарсликнинг мақсади – жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий-экологик ресурслардан фойдаланиш бўйича экологик-иктисодий муносабатларни иқтисодий тартибга солишнинг

назарий асосларини ва амалий ёндашувларини асослаб беришдан иборат. У барқарор ривожланишнинг илмий асосларини яратиш ва унинг механизмларини амалга оширишга, «жамияттабиат» тизимида янги турдаги муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, Ўзбекистонда бозор муносабатлари қарор топаётган шароитда иқтисодиётнинг экологиялашви жараёнлари хусусиятларини тўла очиб беришга ва мувозанатлашган ривожланишининг давлат стратегиясини таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни ўрганишга, шунингдек, хўжалик қарорлари самарадорлиги ва асослаб берилишини таъминлашга имкон беради.

Муаллиф и.ф.д., проф. Ш.Р.Холмўминовга танқидий фикрлари ва китобни напротив тайёрлашдаги ёрдами учун чуқур минниатдорчилик билдиради.

I бўлим

«ЭКОЛОГИЯ ИҚТISODIЁТИ»НИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

I боб

«ЭКОЛОГИЯ ИҚTISODIЁТИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. «Экология иқтисодиёти»нинг пайдо бўлиши ва мазмуни, предмети ва обьекти

«Экология» тушунчасини биринчи марта 1866 йилда немис натуралисти Э. Геккель организмлар туркумининг бир-бirlари ва атроф абиотик мухит билан ўзаро таъсирида юзага келадиган ўз-ўзини тартибга солиш жараёнлари мажмуининг таърифини ифодалаш учун тавсия этган: «Экология — бу табиат иқтисодиёти, бир вақтнинг ўзида тирикликтининг, мухитнинг органик ва ноорганик компонентлари билан барча муносабатларини тадқиқ этишидир... Бир сўз билан айтганда «экология» Дарвин яшаш учун қураш шароити сифатида қўриб чиққан табиатдаги барча мураккаб алоқаларни ўрганадиган фандир». Бу таърифда ўзаро экологик алоқалар таҳдилига микдорий ёндашувнинг заруратини назарда тутадиган «Табиат иқтисодиёти» тушунчасини алоҳида қўрсатиб ўтиши керак. Лекин Геккелдаги «Экология» тушунчасининг назарий мазмуни асосан физиологияга тааллуқлидир, яъни Геккель тирик организмлар ўзаро муносабатларининг физиологик механизмини таҳдил қиласи. Шундай қилиб, Геккель фикри бўйича, экологиянинг цивилизация муаммоларига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Шундан кейинги даврда экологиянинг мазмунига турли аломатлар (белгилар) қўшилди. Улар ушбу фан тармоғининг компентенциясини кенгайтирди ёки торайтирди, лекин аста-секин у ёки бу даражада унинг чегараларини ювиб кетди.

XIX асрнинг охирига келиб «Экология» тушунчаси физиология, XX асрнинг биринчи чорагида биология доирасидан чиқиб, социология, антропогеографияга тарқалади. Шундай қилиб, экология обьектига одам қўшилади ва унинг атроф-муҳити ўртасидаги барча муносабатлар комплексини ўрганиш экология деб аталадиган бўлди.

Кейинчалик «Одам (инсон) экологияси», «Муҳандислик экологияси», «Ижтимоий экология», шунингдек, унинг тармоқла-

ри -- «Урбоэкология» («Шаҳар экологияси»), «Саноат экологияси», «Агроэкология», «Транспорт экологияси», «Кимёвий экология», «Геоэкология» ва бошқалар ажralиб чиқди, яъни экологиянинг бошқа фан соҳаларига ва амалиётга кириб бориши -- билимлар ва фаолиятнинг экологизациялашуви содир бўлди.

Жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири концепцияси «Глобал экология» номини олди ва бу фан табиат структураси, функцияси ва унинг жамият билан ўзаро алоқаларини ўрганади. Ҳозирги вақтда «Экология» қатор фан соҳалари ва тармоқларига бўлинган бўлиб, уларнинг асосида экология ва экологиялаштиришнинг фундаментал фоялари ётади. Ўрганиш объектининг ўлчами бўйича «Экология» фани «Путоэкология» (организм ва унинг муҳити), синэкология (экотизимлар ва унинг муҳити), «Демоэкология» (популяция ва унинг муҳити), «Ландшафт (географик) экологияси» (йирик геотизимлар ва уларнинг муҳити) ва «Глобал экология»га (Ер биосфераси таълимоти) бўлинади.

«Экология» ўрганиш предметига кўра: микроорганизмлар, замбуруғлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, одам, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, муҳандислик, рекреация, маданият, экологик таълим-тарбия экологияси, назарий экология ва бошқаларга;

муҳит ва компонентлар бўйича қуруқлик экологияси, чучук сув ҳавзалари экологияси, денгиз экологияси, чўллар экологияси, тоғлар экологияси, чекка Шимол экологияси, кимёвий, физикавий экология ва бошқаларга;

тадқиқот предметига ёндашув бўйича «Аналитик (тахлий) экология» (организмларнинг табиий муҳит билан ўзаро муносабатларининг асосий қонуниятларини ўрганиш) ва «Динамик экология»га (динамик-эволюция йўналишида организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларининг қонуниятларини ўрганиш);

вақт омили нуқтаи назаридан «Тарихий экология» ва «Эволюция экологияси» (археэкология)га ажратилади.

Булардан ташқари ҳозирги «Экология» табиат ва жамият ўзаро таъсирининг умумий қонуниятларини ўрганадиган фан бўлиб, у жамиятнинг атроф-муҳитни муҳофазалашга ва табиий-экологик ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга йўналтирилган маҳсус фаолият соҳаси ҳам ҳисобланади. Айнан шу йўналишлар турли иерархия даражаларида (маҳаллий, мингақавий, миллий, глобал) экологик-иқтисодий муносабатлар ва иқтисодий жараёнлар нуқтаи назаридан «Экология иқтисодиёти»да муҳим ўринни эгаллайди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, кейинги 25-30 йилда олимларнинг эътибори ҳозирги экологик вазият шароитида инсонни

(одамни) асрарш, сақлаш ва ривожлантириш бүйича турли аспектлардаги тадқиқотларга қаратилаётір. Оқибатда «Экология» да фанлараро илмий йұналиш – «Инсон (одам) экологияси» шаклланың ва ривожланың. «Инсон экологияси» фаннинг комплекс экологик-ижтимоий-иқтисодий соҳаси бўлиб, унда яшааш муҳити табиий-экологик, ижтимоий, иқтисодий шароитлари инсоннинг турли эҳтиёжларини қондиришда тенг аҳамиятга эга бўлган муҳим қисмлар сифатида кўриб чиқилади ва тадқиқ этилади.

Шундай қилиб, ҳозирги экология жамият ва унинг яшааш муҳитини ўрганиш билан ҳайвонлар ва ўсимликлар экология-сидан иборат бўлган анъанавий экологиядан тубдан фарқ қиласади. У кўп ҳолларда инсон экологияси, ижтимоий экология, глобал экология номи билан юритилади. XX асрнинг охирида «Экология иқтисодиёти» ва «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» фанлари ривожлана бошлади.

Экология ва иқтисодиётнинг туташган чегараларида янги илмий йұналиш «Экология иқтисодиёти» шаклланиб ва ривожланиб бормокда. «Экология иқтисодиёти» иқтисодиёт ва атроф-муҳит хусусиятларининг бир-бираига мос бўлишини экологик-иқтисодий нуқтаи назардан ўрганади. Шу сабабдан «Экология иқтисодиёти»нинг назарияси табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фани учун ҳам асос бўлиб хизмат қиласади. «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий муаммоларини ўрганадиган фандир. «Экология иқтисодиёти»нинг обьекти – экологик-иқтисодий тизимлар табиатнинг, шу жумладан, табиий ресурсларнинг ҳолатини белгилаб беради. Табиий ресурслар экологик-иқтисодий тизимларнинг таркибий қисми бўлганлиги сабабли, «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» ҳам «Экология иқтисодиёти» таркибига киради. У бутуннинг қисмлари ҳисобланади «Экология иқтисодиёти», «Иқтисодиёт» ва «Умумий экология» («Инсон экологияси» ёки «Катта экология») назарияси ва амалиётига асосланиб ривожланади.

«Экология иқтисодиёти» шаклланишининг обьектив шарт-шароитлари атроф-муҳитга таъсир қилиш, уни ўзgartиришининг муҳим омилига айланган хўжалик фаолияти билан узвий боғлиқдир. Шу билан бир қаторда иқтисодиёт ривожланишига атроф-муҳит омилиниң таъсирини ҳисобга олиш ҳам фоят муҳимдир. Шу муносабат билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиши экологик омилларни, табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқаларини тартибга соладиган қонуниятларни ҳисобга олмасдан амалга ошириш кутилмаган иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу шароитда жамият иқтисодий

ривожланиши асосий омилларининг сабаб-оқибат алоқаларини ҳар томонлама тұғри ҳисобға одиш керак.

Бунда ишлаб чиқариши күчларининг ривожланиши инсонлар ва табиат ўртасидаги ижтимоий-иктисодий (экологик-иктиносидий) муносабатларга асосланади. Бу муносабатларнинг нағијаси турли тип ва миқёсдаги экологик-иктисодий тизимлар ҳисобланади. Экологик-иктисодий тизимлар – ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиатдаги табии жараёнларнинг ұзаро бөглиқ ва ұзаро шартланған ҳаракатини ифодалайдиган иктиносидееті ва табиат интеграциясынан.

Табиатдан фойдаланиши нұқтаи назаридан табиат ва жамият ўртасидаги модда алмашишнинг воситачилиги, тартибга солиниши ва назорати ишлаб чиқариши муносабатларининг үзига хос таркибий элементи – экологик-иктисодий муносабатлар ҳисобланади. Экологик-иктисодий муносабатлар – инсонлар ўртасыда табиатдан фойдаланиш, экологик тизимларни тиклаш ва мухофаза қилиш, фойдалы қазилмаларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш, ишлаб чиқаришни экологиялаштириш жараёнида юзага келадиган муносабатлардир.

Шундай қылеб, «Экология иктиносидееті» «иктиносидеет атроф-мухитта таъсир күрсатады, ифлюсланған атроф-мухит иктиносидееттегі таъсир күрсатады» принципінде амал қылеб ва ишлаб чиқаришнинг экологик харажатлары, ифлюсланишдан иктиносидий зиённи ҳисобға олиб, экологик-иктисодий муносабатларни таңқиқ этади.

«Экология иктиносидееті»нинг предмети табиат ва жамият ўртасидаги ұзаро таъсир жараёнида юзага келадиган экологик-иктисодий муносабатлар ва уларни оптимизациялаш хұжалик фаолиятининг иктиносидий оқибатлары, табиатдан оқилюна фойдаланиш ва табиатни сақлаш, аспаш, мухофаза қилишни тартибга солиш усууларидир.

«Экология иктиносидееті» фақат экологик-иктисодий муносабатларни ўрганибина қолмай, балки бозор иктиносидеети шароитида табиатдан фойдаланиш ва табиатни мухофаза қилиши соҳасыда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқыш, экологик барқарор ривожланишнинг миллий концепцияларини амалға ошириш ва уни таъминлаш механизмларини таъминлашдан иборат. Шундай ривожланиш амалиётда шаклланған иктиносидий үсішнинг экстенсив концепциясыдан воз кечиши ва барқарор ривожланишга ўтишни тақозо этади.

«Экология иктиносидееті»нинг обьекті турли миқёс ва даражадаги экологик-иктисодий тизимлардир (глобал, мамлакат, минтақа ва районлар, корхоналар, табии жудудий комплекслар ва бопқалар).

1.2. «Экология иқтисодиёти» фанининг таркибий қисмлари ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари

«Экология иқтисодиёти»нинг фан сифатидаги таркиби асосан учта йўналишдан иборат:

1) «Умумий экология иқтисодиёти» – фаннинг умумий назарий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади;

2) «Хусусий ёки компонентлар экологияси иқтисодиёти» – табиат компонентлари ва иқтисодий фаолият таъсиридаги экотизимлар экологияси иқтисодиёти хусусиятларини ўрганади;

3) «Амалий экология иқтисодиёти» – «Экология иқтисодиёти» назариясини амалиётга татбиқ этиш муаммоларини тадқиқ этади.

«Хусусий ёки компонентлар экология иқтисодиёти» таркибида «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» алоҳида ўринни эгаллайди. У асосан табиий ресурс компонентларидан фойдаланиш бўйича юзага келадиган ишлаб чиқариши муносабатларини ўрганиш билан шуғулланади. «Экология иқтисодиёти» эса экологик тизимларни ўзаро боғлиқ ҳолда ва экологик-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш нуқтаи назаридан тадқиқ этади ва уларнинг табиатга зиён етказмайдиган йўналишларини ишлаб чиқади. «Экология иқтисодиёти» «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти»дан экологик-иқтисодий тамойилларга асосланиши ва экологик-иқтисодий қонуниятларнинг устуворлиги билан ҳам тубдан фарқ қиласди. Улар ўртасидаги фарқлар табиатдан фойдаланиш нормативларида ҳам мавжуд бўлиб, «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» асосан компонентларга тааллуқли нормативларга, «Экология иқтисодиёти» эса тизимлаштирилган нормативларга асосланади.

Шуларни ҳисобга олганда, экологик-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида табиатдан фойдаланиш иқтисодиётини экология иқтисодиёти йўналишига ўтказиш объектив заруратга айланади.

«Экология иқтисодиёти» фанининг қомплекс характери ва тадқиқот объектигининг интеграл хусусияти унинг кўплаб иқтисодиёт, экология, хуқуқий, ижтимоий, табиий, техника ва технология фанлари билан ўзаро алоқаларда бўлиши заруратини белгилаб беради.

Экология иқтисодиёти иқтисодиёт ва атроф-мухитнинг ўзаро алоқалари жараёнидаги экологик, иқтисодий, ижтимоий, тиббий, хуқуқий, техник ва технологик ва бошқа аспектларни тадқиқ этади. Шу муносабат билан «Экология иқтисодиёти» кўпчилик иқтисодиёт фанлари билан, айниқса, «Статистика», «Мехнат иқтисодиёти», «Минтақавий иқтисодиёт», «Хўжалик

тармоқлари иқтисодиёти», «Эконометрия», «Стратегик режалаштириш» ва бошқа фанлар билан кең күламдаги алоқаларга эга.

«Экология иқтисодиёти» күплас экологик мұаммолосын ҳал этици йұналишларини аниқлашда қатта ахамият қасб этувчи табиий фанлар («Экология», «Геология», «Биология», «Физика», «Кимё», «География» ва бошқалар) билан ұзаро яқын алоқада бўлади.

«Экология иқтисодиёти» техника ва технология фанлари билан бевосита алоқада бўлиб, улар ишлаб чиқаришни экологија шафати фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллашга имкон беради.

«Экология иқтисодиёти» фанлараро «Иқтисодиёт» фанининг алоҳидаги тармоғи ҳисобланаб, табиий ва ижтимоий фанлар туташган чегараларда ривожланади. Бу жараёнда у турли фан соҳалари маълумотлари ва назарий-амалий ютуқларидан фойдаланиб, экология иқтисодиётининг барқарор, жамиятнинг мувозанатлашган ривожланиши концепцияларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш йұналишларини белгилашга имкон беради.

1.3. «Экология иқтисодиёти»нинг илмий-тадқиқот методлари

Фан методлари илмий тадқиқот йўли сифатида янги билимлар олиш ва уларни назарияга айлантириш учун фанда қўлланадиган усууллар ва услублар мажмунини билдиради.

«Экология иқтисодиёти» «Иқтисодиёт» фанининг үзига хос тармоғи бўлиб, табиий ва ижтимоий фанлар туташган чегараларда ривожланади. Шу сабабдан у умумилмий, умумиқтисодий, социология фанлари ва ўзининг тадқиқот усуулларини кең кўллайди. Бунда «Экология иқтисодиёти» ушбу методлардан ӯз предмети характеристига мувофиқ ва унга мослаштириб фойдаланади.

«Экология иқтисодиёти» умумилмий методлар ва ёндашуввудан диалектика методи, тизимли ёндашув, математик ва базоратлаш методларидан экологик-иқтисодий муносабатлар нуқтаси назаридан фойдаланади.

Умумиқтисодий ва социология методларидан баланс, статистик, индекс методлари ва иқтисодий-математик моделлаштириш, экология иқтисодиёти методларидан экологик-иқтисодий норматив, экологик-иқтисодий баҳолаш ва қиёсий таққослаш, натурал текшириш, экологик-иқтисодий эксперт баҳолаш, экологик хариталаш ва бошқалар кең кўлланилади.

Экология иқтисодиётида экологик-иқтисодий норматив методларидан фойдаланиш алоҳидаги ахамиятта эга. Масалан, экологик нормативлардан рухсат этилган концентрация (РЭК), рухсат

этилган чиқармалар (РЭЧ). Уларнинг асосий вазифаси – табиатга антропоген таъсириниг рухсат бериладиган объектив чегараларини белгилашдан иборат. Экология иқтисодиётида бошқа меъёрлар ҳам қўлланилади. Масалан, табиий ресурсларни, чиқиндиарни эксплуатация қилиш меъёрлари, табиат муҳофазасида капитал қўйилмаларниг иқтисодий самарадорлиги меъёрлари, санитария-гигиена меъёрлари ва бошқалар. Зарур меъёрий базаларсиз табиатдан фойдаланишининг хўжалик механизмини, уни режалаштириш, бошқариш, назорат қилиш, рафбатлаштириш йўлларини такомиллаштириб бўлмайди. Меъёрлар атроф-муҳиттга, инсон саломатлигига салбий таъсириниг олдини олишга йўналтирилган.

1.4. «Экология иқтисодиёти» фанининг аҳамияти, мақсади ва вазифалари

Хозирги вақтда экология даврига ўтиш жараёнлари жамият ривожланишининг барча соҳаларида кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инсонни экологик тарбиялаш ва унга экологик таълим беришининг аҳамиятини оширимоқда. Энг аввало, инсонларда табиат олдиғаги юқори маъсулиятни ҳис этишини шакллантириш мұхимдир. Хозирги авлод табиат ва жамият ўзаро алоқаларининг янги босқичи – ноосферага ўтишни таъминлашга маъсулдирлар.

Ўзбекистонда табиат муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қўйилган вазифалар ва талабларга мувофиқ жамиятининг экологик маданиятини, мутахассисларнинг қасбий тайёргарлигини ошириш мақсадларида узлуксиз экологик таълим-тарбиянинг оммавий ва комплекс тизими изчил амалга оширилаётir. Минимум экологик билим олиш мамлакатнинг ҳар бир фуқаросининг бурчига айланди. Шунинг учун «Экология иқтисодиёти» курсини ўрганиш жараёнида олинадиган билимлар иқтисодиёт йўналишидаги мутахассисларни фундаментал тайёрлашнинг зарурий шартидир. Ушбу фанни ўрганишда хозирги экологик-иқтисодий сиёсат муаммоларини тўғри туцунишга, истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мувозанатлашгага ечимини топишни таъминлайдиган барқарор экологик ривожланишининг миллий стратегияси тўғрисида тасаввурга эга бўлишга, шунингдек, уларни амалга ошириш соҳасида амалий кўнинкамлар олишига имкон беради.

Ушбу фанни ўрганишда Б. Коммонер тавсия этган қўйидаги табиат иқтисодиёти қонуни (принципи)ни ҳар томонлама ҳисобга олиш керак: ҳаммаси ҳаммаси билан боғланган; ҳаммаси қаёққадир ғойиб бўлади; ҳеч нарса бекорга инъом қилинмайди; табиат яхшироқ билади.

«Экология иқтисодиёти» курсининг мақсади талабаларга табиат ва иқтисодиёт ўртасидаги алоқаларнинг асосий қонуниятларини ва принципларини билиб олишга ёрдамлашиш, барқарор ривожланишни таъминлаш манфаатларида табиий-экологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор ишлаб чиқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг мураккаб, кўп омилли, фанлараро муаммоларини тадқиқ этишга халқ хўжалиги ёндашувларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш йўналишларини белгилашдан иборатdir.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида экология иқтисодиётининг асосий вазифаларига қуйидагиларни ўрганиш киради: халқ хўжалигида табиий ресурслардан фойдаланиш ва хўжалик фаолиятининг атроф-муҳитта таъсирини; мамлакатда яшаётган аҳолига соғлом муҳит яратиш; табиатдан фойдаланиш самара-дорлигини ошириш ва табиий ресурсларнинг озайиши натижасида етказиладиган иқтисодий зарарни камайтириши; Узбекистон табиатининг энг нозик ва қимматбаҳо унсурларини, биринчи навбатда, унинг флора ва фаунасини муҳофаза қилиш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор ишлаб чиқариш; табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни тартибга солишининг иқтисодий механизмларини тақомиллаштириш ва ривожлантириш; экологик тадбиркорликни ривожлантириш ва экологик товарлар ҳамда хизматлар бозорини щакллантириш ва бошқалар.

Бу муаммоларнинг ечимини топишда, энг аввало, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар ва кузатилаётган кўнгилсиз оқибатларнинг мураккаб тизими аниқланиши керак. Бунда асосий эътибор табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқаришнинг қуйидаги учта ўзаро боғлиқ босқичи таҳлилига қаратилади: табиий ресурсларни тиклаш, эксплуатация қилиш ва қайта ишлаш. Биринчи навбатда қуйидагилар ўрганилади:

- илмий-техника тараққиёти ривожланишининг ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсификациялашнинг асосий ричаги сифатидаги экологик-иктисодий оқибати;

- инвестиция ва структура сиёсатининг атроф-муҳит ҳолатига ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқарипга таъсири;

- экологик-иктисодий бошқарув ва табиат муҳофазаси йўналишидаги хўжалик юритиш тизими;

- табиатдан фойдаланиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлик.

Дарсликнинг биринчи бўлими «Экология иқтисодиёти»нинг назарий асослари, иккинчи бўлими хусусий экология иқтисодиётiga, учинчи бўлими амалий экология иқтисодиёти муаммоларига бағишлиланган.

Қисқача хуносалар

«Экология» тушунчаси дастлаб организмлар туркумининг бир-бирлари ва атроф абиотик мухит билан ўзаро таъсирида юзага келадиган ўз-ўзини тартибга солиш жараёнлари мажмууни ифодалаш учун қўлланилган. Бу тушунча XIX асрнинг охирига келиб, физиология, XX асрнинг биринчи чорагида биология доирасидан чиқиб, социология ва антроногеография, XX асрнинг чорагида иқтисодиётга ва бошқа фан соҳаларига тарқалди. Шу муносабат билан аста-секин «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» ва сўнгра «Экология иқтисодиёти» фанлари шаклланди.

«Экология иқтисодиёти»нинг предмети табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсири жараёнида юзага келадиган экологик-иқтисодий муносабатлар ва уларни оптимизациялаш, хўжалик фаолиятининг иқтисодий оқибатлари, табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни сақлаш, асрар, муҳофаза қилишини тартибга солиш усуулларидан. Унинг обьекти турли миёс ва даражадаги экологик-иқтисодий тизимлардир.

«Экология иқтисодиёти» фани таркиби «Умумий экология иқтисодиёти» (экология иқтисодиёти назарияси), «Хусусий экология иқтисодиёти» ва «Амалий экология иқтисодиёти»дан тузилган.

Экология иқтисодиёти ўзининг муаммолари ечимини топишида қўплаб иқтисодиёт, ижтимоий, юридик, техника ва технология фанлари билан яқин алоқада бўлади ва уларнинг маълумотларидан кенг фойдаланади.

«Экология иқтисодиёти» умумилмий, умумиқтисодий, социология, ўзининг тадқиқот усуулларига асосланади. Унинг усуулларидан экологик-иқтисодий меъёрлар, экологик-иқтисодий баҳолаш ва қиёсий таққослаш, натурал текшириш, эксперт баҳолаш, экологик хариталаш усуулларини кўрсатиш мумкин.

«Экология иқтисодиёти»ни ўрганиш жараёнида олинадиган билимлар иқтисодиёт йўналишидаги мутахассисларни фундаментал тайёрлашнинг зарурий шартидир. Ушбу фаннинг мақсади табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқаларда экологик-иқтисодий муносабатларнинг оптималь йўналишларини белгилашдан, асосий вазифалари табиатдан фойдаланиш, уни асрар ва сақлаш, муҳофаза қилишининг иқтисодий механизmlарини ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммоларини комплекс тадқиқ этишдаг иборат.

Назорат ва муҳокама саволлари

1. «Экология иқтисодиёти» фани қачон ва қандай шаклларди ва ривожланди?
2. «Экология иқтисодиёти» нимани ўрганади?
3. «Экологик-иқтисодий муносабатлар» ва «экологик-иқтисодий тизимлар» тушунчаларининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг.
4. «Экология иқтисодиёти»нинг предмети ва обьекти нима?
5. «Экология иқтисодиёти»нинг таркибий қисмлари нимадардан иборат?
6. «Экология иқтисодиёти» қандай фанлар билан ўзаро алоқаларда ривожланади?
7. «Экология иқтисодиёти»нинг асосий илмий тадқиқот методларини тарифланг.
8. «Экология иқтисодиёти»ни ўрганишнинг аҳамиятини тушунтиринг.
9. «Экология иқтисодиёти» олдида турган асосий вазифаларга нималар киради?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва меъёрий хужжатлар. –Т.: Адолат, 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 2002.
4. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка для 21 век. –Т., 2002.
5. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. –М.: ЮНИТИ, 1998.
6. Раймерс Н.Ф. Природопользование. Словарь – справочник. –М.: Мысль, 1990.
7. Степаневских А.С. Прикладная экология: охрана окружающей среды. Учебник для вузов. –М., 2003.



20690/1

ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Экология иқтисодиётининг умумий таърифи

Жамият ва табиат ўзаро таъсириининг тарихан боғлиқлиги ва шартланганлиги, инсониятнинг оптимал табиий шарорит ва ресурсларсиз яшай олмаслиги, атроф-муҳитга инсон хўжалик фаолияти таъсир кўрсатишининг муқаррарлиги, ва, ниҳоят жамият ва табиат ўзаро таъсириининг иқтисодий боғлиқлиги экология иқтисодиёти назарий асосларини тадқиқ этишининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Атроф табиий муҳитнинг асосий функцияси жамият ҳаётини таъминлаш бўлиб, у қўйидагиларда намоён бўлади:

- табиий шарорит ва ресурсларни такрор ишлаб чиқариш;
- жамиятни табиий ресурслар ва табиий-экологик неъматлар ва хизматлар билан таъминлаш;
- жамият яшаши ва фаолияти чиқиндилирини қабул қилиш ва ифлослантиришларининг ассимиляцияси.

Инсон хўжалик фаолиятининг жуда мураккаб ва хилмажил комплекслари ҳодисалари ва жараёнларининг барча босқичлари – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол табиий муҳит ва унинг ресурслари билан узвий боғлангандир. Бунда ишлаб чиқариш инсоннинг меҳнати орқали табиат предмети ва кучларига таъсирда бўлиб, уларни ўзининг у ёки бошқа эҳтиёжларини қондиришга мослаштириш мақсадларини кўзлайди. Инсон меҳнати одам ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсир усули сифатида табиат жараёнларининг табиий ҳолати билан унинг инсон учун зарур бўлган ҳолати ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишининг асосий усули бўлиб хизмат қиласади.

Меҳнат инсон томонидан маҳсус тайёрланган иш қуроллари ёрдамида амалга ошириладиган ўзига хос ҳаётий фаолият бўлиб, атроф-муҳит билан доимий модда ва энергия айирбошлишини амалга оширади. Меҳнат туфайли Ердаги айирбошлиш жараёнлари билвосита, онгли назорат қилинадиган ва тартибга солинадиган характерга эга бўлади. Шу билан бир қаторда меҳнат фақат яратувчи куч бўлибгина қолмай, балки вайрон қилувчи, емирувчи хусусиятга ҳам Ҷа. Унинг охирги хусусияти ишлаб чиқариш фаолияти миқёсларининг ошиб бориши билан табиий муҳитнинг емирилиши ва ифлосланишида яққол намоён бўлади. Шу сабабдан мамлакатлар ва глобал миқёсда барқарор ривожланишини таъминлаш меҳнат фаолия-

тини экологик хавфсиз йўналишларга – табиий мухит ва табиий ресурсларни қўллаб-кувватлаш, асрар, сақлаш, муҳофазалашга мўлжалланиши, мослаштирилиши, йўналтирилиши керак.

Табиий ресурсларга асосланган ишлаб чиқариш табиатдан фойдаланиш бўйича инсон фаолиятининг дастлабки бўғини бўлса, унинг истеъмоли якуний ҳисобланади; уларнинг маҳсулотларини тақсимлаш ва айирбошлиш ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғлайдиган билвосита бўғинлардир. Табиий ресурсларга асосланган ишлаб чиқариш табиатдан фойдаланишнинг дастлабки бўғини (босқичи) бўлса-да, у истеъмолга хизмат қилади. Истеъмол ишлаб чиқаришнинг охирги мақсади ва сабабидир; чунки истеъмолда маҳсулот сарфланади (йўқотилади) ва у ишлаб чиқаришга янги буортма беради. Эҳтиёжни қондириш янги эҳтиёжни келтириб чиқаради, истеъмолнинг ривожланиши табиий ресурсларга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантиришининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Лекин истеъмолнинг ўзининг пайдо бўлиши ишлаб чиқаришга боғлиқ ва у билан шартланган – янги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ушбу маҳсулотга ва унинг истеъмолига тегиши эҳтиёжни келтириб чиқаради. Маҳсулотни тақсимлаш ва айирбошлиш ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлади, чунки фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотнигина тақсимлаш ва айирбошлиш мумкин. Лекин, ўз навбатида, улар ишлаб чиқаришга нисбатан пассив (суст) бўлмайди, унга тескари йўналишда жиддий таъсир кўрсатади.

Айрим одам, одамлар гурӯҳи ва умуман, жамиятнинг хўжалик фаолияти маълум табиий-экологик шароитларда, вазиятда, иқтисодий-экологик мухитда амалга оширилади. Инсон хўжалик фаолияти, бир томондан, табиат билан, бошқа томондан эса ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан чекланади.

Табиий-экологик шароитлар ва ресурслар хўжалик юритишнинг табиий мухитини белгилаб беради. Табиий ресурслардан навбатдаги босқичларда қайта ишлаш учун қулай шаклларда фойдаланиб, жамият бу ресурсларни ўз эҳтиёжларини қондириш ва табиат капиталини тақрор ишлаб чиқариш мақсадларида истеъмол қилади. Табиий ресурслар моддий неъматларни кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этади. Айниқса ер, ўрмон, сув, балиқчилик хўжалиги фонdlари қатнашадиган тақрор ишлаб чиқариш жараёнларида экология иқтисодиёти мухим аҳамиятга эга бўлади. Ишлаб чиқарип табиий шароитлар ва ресурсларнинг худудий фарқлари, энергия ва сув билан таъминлаш имкониятлари, худудларни ўзлаштириш истиқболлари, экологик сифимлар ва бошқа омилларга кўп даражада боғлиқдир. Булар иқтисодий муносабат-

ларни экологизациялашни ва хўжалик фаолиятини экологик тартибга солишни, хўжалик юритишининг экологик-иқтисодий усулларини кенг қўллашни тақозо этади.

Одамни табиатдан фақат фикран, тасаввурда ажратиш мумкин. Ерда бирорта тирик организм эркин ҳолатда бўла олмайди. Уларнинг барчаси ўзини ўраб турадиган моддий-энергетика мухити билан энг аввало овқатланиш (озиқланиш) ва нафас олиш орқали ажралмас ва узлуксиз боғлангандир. Табиий шароитларда улардан ташқарида тирик организмларнинг яшаши ва одамнинг хўжалик фаолияти билан шугууланиши мумкин эмас. Ер ва бошқа сайёralар моддий жиҳатдан бир-биридан ажралмаган, балки ўзаро таъсирда бўлади. Космик моддалар Ерга тушади ва одамлар ҳаёти ва фаолиятига таъсир кўрсатади, Ердаги инсон ҳаёти ва фаолияти натижалари («Ернинг нафас» олиши номини олган) космик маконга тарқалади. Биосферанинг ҳолати тўлагигича Ердаги ҳаёт ва фаолиятга боғлиқдир. Ҳаётнинг атроф-муҳитта таъсирини тобора кучайтираётган инсон онги, тафаккури ва хўжалик фаолияти ролининг ошиб бориши, хўжалик шаклларининг бариси этилиши биосферанинг янги ҳолати – ноосферага (инсон ақлининг хукмронлиги) олиб келади.

Барча одамларнинг биологик бирлиги ва тенглиги табиат қонунидир. Шунга мувофиқ тенглик олий мақсадини, хўжалик ҳаётида эса, ижтимоий адолат тамойилини амалга ошириш қонуний ва муқаррардир. Фан хуносаларига қарши жазосиз бориб бўлмайди. Айнан шулар хўжалик фаолиятида ислоҳотлар муқаррарлигини белгилаб беради.

ХХ асрда ва ХХI асрда инсониятнинг ҳаёти ва фаолияти ягона бўлиб қолди, чунки Ернинг бирорта нуқтасида инсон яшамайдиган ва фаолият кўрсатмайдиган, радио, телевидение, электрон-хисоблаш машиналари ва бошқалар орқали алоқа ривожланмаган жой қолмади. Буларнинг ҳаммаси инсон ақли билан яратилган техника ривожланишининг оқибатларидир. Шу шароитда биринчи ўринга умуминсоний қадрият ва қийматлар чиқаёттир ва жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда глобал умуминсоний муаммолар, шу жумладан, экологик-иқтисодий муаммолар асосий ўринни эгаллаётir.

Табиий-экологик мухитнинг хўжалик фаолияти учун муҳимлиги ва аҳамияти шак-щубҳасиздир, лекин уларнинг таъсирини бўрттириб (ошириб) кўрсатмаслик керак, чунки одам шундай айёrona яратилганки, унинг организми у ёки бошқа шароитга мослашади, инсоннинг материаллар хоссалари тўғрисидаги билимлари ривожланади, улардан фан ва техниканинг ривожланиши, ижтимоий маданият даражасининг ўсиши асосида фой-

даланиш малакаси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсирини фақат енгиллаштирибгина қолмай, балки қийинлаштиради ва мураккаблаштиради.

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш фаолияти маълум ижтимоий муҳитда амалга оширилади, унинг асоси эса мулкчилик муносабатлари ҳисобланади. Айнан шу муносабатлар экология иқтисодиётининг ижтимоий муҳитини белгилаб беради ва улар хўжалик юритишнинг натижаларида ўз ифодасини топади. Хусусий мулкчилик эркин рақобат шароитини яратади ва ташаббускор, ижодий ва қўп натижа берадиган меҳнатга ундаиди. Мулкчилик муносабатлари ишлаб чиқарувчиларнинг дифференциацияшувига олиб келади, бойлар, ўртаҳоллар, камбағаллар пайдо бўлади.

Шундай қилиб «иқтисодий одам»нинг хулқ-атвори фақат табиий шароит билангина эмас, балки ижтимоий шароит билан ҳам, демак, фақатгина ижтимоий қонунлар билангина эмас, балки табиат, биология, космос қонунлари тизими билан ҳам белгиланади. Иқтисодиёт қонунлари табиат қонунларидан шу билан фарқ қиласади, улар онгли инсон фаолияти орқали намоён бўлади, тарихан ўткинчи характерли тенденцияга эга бўлади.

2.2. Моддий ва номоддий экологик-иқтисодий неъматлар ва хизматлар

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, моддий ва маънавий неъматларни такрор ишлаб чиқариш одамнинг табиат билан доимий ўзаро таъсирида амалга оширилади. Аҳоли ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда табиий ресурслар ва атроф-муҳит сифати такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг зарур шароити ва щарти ҳисобланади ва мамлакат миллий бойлигининг таркибий қисми бўлиб иштирок этади. Табиий ресурслар (моддий неъматлар) билан таъминланганлик ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим иқтисодий ва сиёсий омили ҳисобланади.

Бошқа томондан, ҳозирги шароитда ҳалқ фаровонлиги ва унинг саломатлиги ҳал қилувчи даражада атроф-муҳит сифати билан боғлиқdir. Гурмуш даражаси, ўз навбатида, хўжалик оборотига киритилаётган табиий ресурслардан қандай даражада рационал ва самарали фойдаланилаётганлиги билан белгиланади. Бунда экология иқтисодиёти стратегияси шундай назарияга асосланиши керакки, унда инсоният табиатнинг бир қисми, унинг яшаши истиқболи табиат ва унинг айрим геотизимларини сақлаш, асрар, муҳофаза қилишга боғлиқлиги асосий ўринни эгалайтидиган бўлсин. Чунки табиий ресурслар ва атроф-муҳит ша-

роитлари иқтисодий ўсишнинг асоси ва аҳолининг нормал ҳаёт — фаолиятини таъминлашнинг мухим шартидир. Атроф-мухит ҳолати ва унинг сифати иқтисодиётнинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади, уни секинлаштиради ёки тезлаштиради.

Атроф-мухитни экология иқтисодиёти назариясига ва умуман, иқтисодиёт назариясига ҳамда табиатдан фойдаланувчи субъектлар — корхоналар ва тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришдаги харажатларига ишлаб чиқариш омили сифатида, шунингдек, иқтисодий муносабатларга киритиш учун атроф-мухитнинг экологик-иқтисодий неъматлари ва хизматларини алоҳида хусусиятга эга бўлган маҳсулот сифатида умумий қабул қилинган қиймат тушунчалари ва кўрсаткичлари тизимида ҳисобга олиш керак. Бунинг учун атроф-мухитнинг ҳозирга қадар иқтисодиёт фани ва амалиётида етарли ҳисобга олинмаётган экологик-иқтисодий неъматлари ва хизматларни иқтисодиётда қўйидаги йўналишларда ифодалаш керак:

- атроф-мухит неъматлари ва хизматларининг халқ фаровонлигидаги ўрни ва роли;
- экологик-иқтисодий неъматлар ва хизматларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини экология иқтисодиётида ҳар томонлама тўлиқ ҳисобга олиш.

Атроф-мухитнинг сифати энг мухим истеъмол неъмати бўлиб, унинг асосини экологик-иқтисодий неъматлар ва хизматлар ташкил этади. Шу сабабдан ушбу неъматларни иқтисодиёт кўрсаткичлари билан таққослаш мухим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан атроф-мухит сифати ва унинг неъматлари мухим иқтисодий категория, ўзига хос товар бўлиб, унинг истеъмолчиси маълум ҳудудда яшайдиган аҳоли, саноат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ҳисобланади, шунингдек, улар истиқболда мамлакатнинг экологик барқарор ривожланишини таъминлашнинг мухим омили ҳам бўлиб хизмат қиласди. Умуман, атроф-мухит неъматлари ва хизматлари номоддий неъматлар бўлиб, улар жамиятнинг яшаш мұхити неъматларидир.

Номоддий (экологик-иқтисодий) неъматлардан (табиат ато этган «текин» неъматлар — тоза ҳаво, табиат осойишталиги ва тинчлиги, гўзаллиги, яшиллик, пейзаж, эстетик завқланиши ва бошқалар) фойдаланиши мөддий неъматлардан фойдаланишдан шу билан фарқ қиласди, улардан аҳоли бевосита иштирок этиб, лекин ўзлаштирмай фойдаланади; бу ерда индивидуал розилик эмас, коллектив тутувлик, иноқлик тамойиллари ҳаракатда бўлади; табиат сокинлиги, тоза ҳаво берадиган роҳатланиш, хузур (маза) қилиш мулк ҳисобланмайди, улар ижтимоий бойлик ва яшаш шароити сифатини белгилаб беради.

«Фаровонлик» түшунчаси яшаш даражаси, яшаш шароити ва яшаш муҳитининг мажмуасини билдиради. Уни қўйидаги формулада ифодалаш мумкин:

$$\Phi = \text{Я}_d + \text{Я}_w + \text{Я}_m$$

Бунда: Φ – фаровонлик;

Я_d – яшаш даражаси;

Я_w – яшаш шароити;

Я_m – яшаш муҳити.

Уларнинг барча ўзгаришлари эҳтимолини қўйидаги тенгламада ифодалаш мумкин:

$$\Delta\Phi = \Delta\text{Я}_d + \Delta\text{Я}_w + \Delta\text{Я}_m$$

Фаровонликнинг ўсиши ёки пасайиши ушбу таркибий қисмларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Масалан яшаш муҳити (табиий муҳит)нинг емирилиши, ўта ифлосланиши яшаш даражасининг ўсишини йўққа чиқариши ва фаровонликнинг умумий пасайишига олиб келиши мумкин.

Турли мамлакатлар, районларда ва уларга хос хилма-хил шарт-шароитларда фаровонликнинг таркибий қисмлари ҳар хил баҳоланади. Бунда, масалан, қўйидаги вариант устун бўлиши мумкин:

$$\Phi = 0,3\text{Я}_d + 0,5\text{Я}_w + 0,2\text{Я}_m.$$

Моддий яшаш даражаси (Я_d) етарли бўлмаган, лекин табиати бой хилма-хил (Я_w) мамлакатларда (ривожланаётган мамлакатлар) аҳолининг табиатга нисбатан яшаш даражасига қизиқиши кучлироқ бўлади. Юқори даражада ривожланган, лекин зарарли муҳитдан зиён кўраётган мамлакатларда тескари ҳолат қузатилади, яъни табиат кўпроқ баҳоланади.

Моддий неъматлар ва хизматлар кўриниб туради, ўлчанди, уларнинг мавжудлиги ҳамма учун аниқ, равшан бўлиб, улар сотиб олиш ва сотиш обьекти ҳисобланади. Аксинча, номоддий неъматлар ва хизматларни ҳисобга олиш ғоят қийин муаммодир. Бунда ҳозирги одамларнинг фаровонлик тизимида уларга қўядиган талаблари муҳим ўринни эгаллайди. Жамият қанча тез ривожланса, номоддий неъматлар ва хизматларга талаб шунча кучаяди, уларга колектив эҳтиёжлар шунча хилма-хил ва кўп сонли бўлади. Шунга мувофиқ бирин-кетин қўйидаги талаблар занжири пайдо бўлади: таълим ва дам олиш ҳуқуқи, сўнгра соғлиқни сақлаш ва маданиятга талаблар, ҳозирги даврда – табиатга ва экологик хавфсизликка талаблар.

Номоддий қийматлар дунёсида факатгина инсонлар баҳтигина эмас, балки инсоният омон қолишининг энг муҳим омили яшаш муҳити (атроф-муҳит) ҳисобланади. Инсон мавжудлигининг табиий шароити сув, ҳаво, ер мажмуасидан иборат элементлардан иборат бўлиб, улар табиат маконини ташкил этади. Улар француз олимни Ф. Сен-Марк илмий асослаб берган таълимотга кўра, инсониятга қуйидаги уч турдаги номоддий бойликларни беради:

– биологик «хизматлар» (инсон саломатлигига табиат соқинлиги, тоза ҳаво, жисмоний толиқишининг кетишидан келадиган фойда);

– эстетик «хизматлар» (гўзал табиат берадиган маънавий роҳатланиш, хузур қилиш);

– илмий «хизматлар» (геологик омиллар, ўсимлик ва ҳайвонот олами омиллари ва бошқаларни ўрганишдан олинадиган натижаларнинг фан ва педагогик тадқиқотлар учун маълумотлари).

Бу уч категориядаги хизматлар бир вақтда ва алоҳида кузатилиши мумкин. Жамоат боғлари (парклари) катта биологик фойда келтириши, лекин эстетик ёки илмий қийматга эга бўлмаслиги мумкин. Рассом учун ўзига тортадиган аҳамиятга эга бўлмаган қўриқҳоналар, тадқиқотчилар учун катта қизиқиши уйғотиши мумкин.

2.3. Моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар экологияси иқтисодиёти хусусиятлари

Атроф табиий муҳит икки ролни бажаради. Бир томондан, у моддий бойликлар майданга бўлиб, тог-кон саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини беради, қурилиш, транспорт, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашнинг асоси бўлиб хизмат қиласи. Бошқа томондан табиат одамнинг биологик, эстетик ва илмий эҳтиёжларини таъминлайдиган номоддий бойликларни яратади.

Табиатнинг моддий неъматлари ва хизматлари экологияси иқтисодиётида «капитал», «фойда олиш», «истеъмол», «қиймат» тушунчаларини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

Капитал – маълум муддатларда мавжуд бўлган табиий муҳит макони бўлиб, уларнинг миқдори бир қисми қурилишга ажратиб олинса камаяди, агар қурилиш билан банд жойлар ўсимлик ёки сув, ландшафт зонасига айлантирилса, унинг миқдори кўпаяди.

Бу капитал фойда беради ва у биологик, эстетик, илмий эҳтиёжларни қондиришда ўз ифодасини топади. «Капитал»нинг

ўзгаришига ёки унинг рентабеллигига боғлиқ ҳолда фойда ўзгариб туради. Масалан, ўтларнинг физиологик фойдалилиги дарахтларнинг физиологик фойдалилигидан анча камдир. Ўрмонлар, боғлар барпо этиш биологик эҳтиёжларни қондириш, демакдир. Аксинча, тоғ, ўрмонларини кесиш тоғ табиати қиймати ва жозибадарлиги пасайтишига олиб келади.

Истеъмол – табиатдан олинадиган биологик, эстетик, илмий «фойда»дан фойдаланишни билдиради. Истеъмол ушбу «фойда»нинг миқдорига ва табиат муҳити маконидан фойдалана олиш имкониятига боғлиқ бўлади. Улар қўйидагиларни ўз ичига олади: худудларни бориб кўриладиган майдонларнинг катталиги ва шароитлари (транспорт воситаларининг яқинлиги, мавжуд бўш вақтнинг давомийлиги, индивидуал фойдаланиш худудларининг қулайлиги ва бошқалар).

Табиий муҳит қиймати, энг аввало, у қондирадиган барча эҳтиёжларнинг ҳажми билан ўлчанади.

Моддий ва номоддий экологик-иккисодий неъматлар ва хизматлар бир-биридан қўйидаги йўналишларда тубдан фарқ қиласди:

Моддий ва номоддий неъматларнинг «қиймат», «истеъмол» ва «ишилаб чиқариш» тушунчалари мазмунидаги асосий фарқни биринчиси учун «эга бўлмоқ», иккинчиси учун эса «бор бўлмоқ» («мавжуд бўлмоқ») каби фундаментал (асосий) тушунчалар билан ифодалаш мумкин.

Моддий ва номоддий неъматлар учун умумий бўлган тушунча «қиймат» бўлиб, уларнинг ҳар бири фойдалилиги, ноёблиги, одамнинг индивидуал имкониятларига боғлиқ ҳолда ўз қийматига эга бўлади. Бу қиймат моддий неъматлар учун тайёрлов баҳосига (саломатликни сақлаб қолиш учун харажатлар) эга бўлади. Масалан, шаҳарларда яшил зоналарни барпо этиш чарchoқликни ва касал бўлишини камайтиради, демак, тибиёт хизмати учун харажатларни қисқартиради ва меҳнат унумдорлигини оширади.

Номоддий неъматлар моддий неъматлардан фарқ қилиб, товар ҳисобланмайди, уларнинг барча «сотиш» баҳолари ижтимоий фойдалилиги билан ифодаланади. Улар шундай афзаликка эгаки, фойдалилиги улардан фойдаланишнинг такрорланиши тезлиги билан белгиланади. Буни жамоат парклари, тоғ ўрмонларига бориб дам олишининг такрорланиб туришида кўриш мумкин.

Номоддий неъматлар «жамият равнақи» маъносидаги қийматга эга. Улар жисмоний неъматлар бўлмаса-да, лекин реал мавжуд неъматлардир. Улар ўз-ўзидан кўриниб турган (шуб-

ҳасиз) иқтисодий қийматга эга. Буни номоддий неъматлар асосининг емирилиши оқибатида яққол кўриш мумкин;

Моддий ва номоддий неъматларнинг истеъмол тизимлари ҳам турличадир. Номоддий неъматлар моддий неъматлардан фарқланиб, улар одамларнинг ўзларининг ҳолатини, атрофини ўраб турган шароитнинг яхшиланиши даражасини ифодалайди. Номоддий неъматлар у ёки бу буюмга мулкчиликни билдирамайди. Шунинг учун улар шахсан ўзлаштириш предмети бўла олмайди, уларда иштирок этиш предмети бўлади. Уларда иштирок этиш кўпинча текин бўлади. Улар моддий неъматлардан фарқ қилиб, ахолининг харид қувватларини акс эттирмайди. Агар моддий неъматлар истеъмоли уларнинг тугашига олиб келса, номоддий неъматлар истеъмоли ҳеч қачон уларнинг йўқотилиши ёки тугашига олиб келмайди ва уларни омборларда заҳира-лар сифатида тўплаб бўлмайди;

Номоддий неъматларни ишлаб чиқариш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Айрим одамларнинг харид қувватлари уларни яратишга имкон бермайди, бунинг учун давлат ҳокимияти органларининг молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлашлари зарур. Бирорта одам, у қанча бой бўлмасин, шахсан ўзи учун тоза ҳаво заҳирасини, табиат гўзаллигини яратса олмайди. Шу боис номоддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи моддий неъматлардан фарқ қилиб, шахсий манфаат эмас, балки умумий манфаатдорлик ҳисобланади.

Моддий неъматларнинг рентабеллиги жуда яхши ўрганилган ва ҳаммага маълум бўлса, номоддий экологик-иктисодий неъматларнинг рентабеллиги етарли тадқиқ этилмаган. Ф. Сен-Марк номоддий неъматлар рентабеллигини аниқлаш учун одатдаги фойдага асосланган ёндашувлар тўғри келмаслигини, уларга гуманистик истиқболни ҳисобга оладиган иқтисодий амаллар мос келишини таъкидлайди ва қуицдаги омилларни ҳисобга олиши тавсия этади:

- бориб кўриш омили, яъни «ижтимоий хизматлар» тушунчаси;
- такомиллантириш омили, яъни «одамнинг сифатий ўсиши» тушунчаси.

Шундай қилиб, номоддий неъматлар «яшаш сифатини» яратади ва унинг аҳамияти тобора ортиб бораверади. Экология иқтисодиётида табиат томонидан яратиладиган номоддий неъматлар ва хизматларни такрор ишлаб чиқариш ва истеъмолини ташкил этиш инсон учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналиш ҳисобланади. Табиат экология иқтисодиётида инсон учун ғоят муҳим зарурият ва энг олий қиймат сифатида кўриб чиқилади. Бу қиймат иқтисодий мавжудир ва пул

ифодасига эгадир. Некин уни ҳозирги вақтда рақамларда кўрсатиши қийин, чунки статистик маълумотларда заарли таъсир ва унинг оқибатлари етарли ҳисобга олинмаган.

Шу билан бир қаторда экология иқтисодиётида табиий муҳитнинг қийматини таҳлил қилиш мумкин. Бунда табиат емирилиши қиймати, табиатни тиклаш қиймати, табиатни муҳофаза қилиш қиймати, инсоннинг табиат билан алоқада бўлиши қиймати, табиат равнақи қиймати, табиатта одамнинг индивидуал эҳтиёжи қиймати таҳдил қилинади, таққосланади. Булар экология иқтисодиётида табиат қийматини эътироф этишининг (тан олиш) иқтисодий зарурият эканлигини исботлаб беришга иқтисодий асос бўлиб хизмат қиласди.

Инсоният учун табиатнинг реал қиймати мажмуи унинг коммерция (тижорат) қиймати ва инсон учун қиймати йигиндисидан иборатdir.

Табиатнинг коммерция (тижорат) қиймати харажат мезонига, «инсон» қиймати эса истеъмол мезонига асосланади.

Коммерция ёндашувида мамлакат учун табиатнинг емирилиши, уни тиклаш ёки муҳофаза қилишнинг бевосита ва билвосита пул маблағ харажатларига асосланиб, табиат қиймати аниқланади. Бу рентабеллик нуқтаи назаридан иқтисодий таққослашни билдиради.

Табиатнинг «инсон» қиймати қўйидаги икки мезонга асосланиб аниқланади: 1) миқдорий ёки табиат билан мулоқотда бўлишнинг тақрорланиб туриши; 2) сифат мезони ёки инсон равнақи учун табиий муҳитнинг қиймати.

Табиатнинг емирилиши қиймати қўйидаги тўртта харажатни ўз ичига олади: «инсон» харажатлари (саломатлик, меҳнат қобилияти, ижтимоий харажатлар); моддий харажатлар (кўчмас ва қўчар мулкнинг емирилиши); табиатни ўзлаштириш билан боғлиқ харажатлар (саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм, транспорт ривожланиши); экологик харажатлар (муҳитнинг емирилиши, ўсимлик ва ҳайвонот оламига етказиладиган зиён, экологик мувозанатнинг бузилиши ва бошқалар).

Табиатни тиклаш қиймати табиий муҳитга етказилган зарарни тиклаш харажатларидан иборат бўлади. У кўп харажат ва катта ҳаракатлар ҳисобига амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилиш қиймати зарарли жараёнлар ва ҳодисалардан оптималь огоҳлантириш қиймати ва зарарли ҳодисаларни стабиллаштириш қийматидан ташқил топади. Табиатни муҳофаза қилиш қийматининг иқтисодий таҳдили иккита муҳим холоса чиқаришга имкон беради: 1) табиат муҳофазаси тадбирларини комплекс амалга ошириш айрим тадбирлар-

ни алоҳида ўтказишга нисбатан анча арzonга тушади; 2) табии мухитни муҳофаза қилиш уни тиклаш қийматидан анча кам бўлади ва у мамлакат учун рентабеллироқдир. Масалан, ўрмонларни муҳофаза қилиш ҳар йили уларни тиклашга нисбатан 60 марта арzonга тушади.

Мамлакат миқёсида экология иқтисодиёти тадбирларини амалга оширишда табиатга етказиладиган зарар қийматини уни муҳофаза қилиш ва тиклаш қиймати билан таққослаш керак.

Табиатни асрashaда унга етказиладиган зарар конкретлаштирилиши, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар қарорларида ҳисобга олиниши лозим.

2.4. Экологик-иқтисодий барқарор ривожланиш концепцияси

Инсоният ўз тарихининг янги даврига кириб бормоқда. Бу давр жамият ва табиат ўзаро муносабатларининг щубҳасиз сўнгги босқичидир. Бу муносабатларнинг тарихи уч даврга бўлинади.

«Дехқончилик асри» XVIII асрнинг охиригача давом этиб, бу даврда иқтисодиёт табиат қонунлари маромига бўйсунеб ривожланган. Сўнгра XX аср биринчи ярмининг охиригача «Саноат асри» давом этди ва у иқтисодий фаолиятнинг табиат қонунлари маромига бўйсунмаслигининг устунлиги билан характерланади. Бу даврда табиат устидан ҳукмронлик қилиш, табиатни бошқарадиган қонунлардан узоклашиби хоҳиши устун бўлди.

Эндилиқда инсоният янги — «Ноосфера» («Янги экология») даврига кираётir. Бунда табиий мухитнинг мустаҳкам эмаслиги ва етишмаслиги инсоният истиқболининг энг қийин муаммосига айланди. Икки жонли тизим — инсонлар олами ва табиат олами ўртасидаги муносабатлар курашида тарихий бурилиш юз бераётir.

Биригчи икки «асрда» инсон табиатга, унинг қудратига, ундағи қайноқ ҳаётга куркув билан муносабатда бўлди. Дастлаб инсон табиат оламига бўйсунди, сўнгра «Саноат асри»да унинг устидан ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилди.

Ҳозир сўз одамни табиатдан ҳимоя қилиш тўғрисида эмас, балки табиатни одамдан ҳимоя қилиш, унинг ҳаддан ташқари қудрати ва ҳар нарсага қодир кучидан ҳимоя қилиш тўғрисида боради. Инсониятнинг табиатни вайрон қилиб, ўзини ҳам вайрон қилишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозирги индустрисиал — истеъмол номини олган жамиятдан ноосфера цивилизациясига ўтиши энг долзарб муаммога айланди. Ҳозирги емирилган, ифлосланган атроф-муҳитдан тоза ва ақл билан ташқил этилган ноосферага ўтиш табиатни асрashга, унинг барқарорлигини оширишга ва жамиятнинг барқарор ривожланишига ўтишига хизмат қиласи.

Шундай шароитда иқтисодиёт ўсишининг имкониятлари ва чекловлари тўғрисида кўплаб баҳслар одам ва табиатнинг ўзаро муносабатларида асосий бўлишга даъвогар бўлган концепция – барқарор ривожланиш концепциясини яратишга олиб келди. Бунда БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланишга бағишлиланган (1992, Рио-де-Жанейро, Бразилия) конференциясида барқарор ривожланиш тўғрисида қабул қилинган хужжатлари фавқулодда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ерда давлат бошлиқларининг олий даражада ўтказилган учрашувида қуйидаги муҳим хужжатлар қабул қилини: 1) XXI аср кун тартиби; 2) БМТнинг ҳаракат дастури; 3) атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича декларация; 4) ўрмонларга муносабат тўғрисида баёнот; 5) иссиқхона самарасини келтириб чиқарадиган газлар таъсирида иқлимнинг ўзгариши доираси тўғрисида конвенция; 6) биологик хилма-хилликни сақлаш тўғрисида конвенция. Бу тарихий хужжатлар барқарор ривожланишнинг барча аспектларини қамраб олади ва бу соҳада раҳбарий қўлланмалар ҳисобланади. Бу конференциядан 5 йил олдан 1987 йилда БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Халқаро комиссияси «Бизнинг умумий келажагимиз» («Наше общее будущее») маъruzасини тайёрлади ва унда барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича асосий ёндашувлар таърифланган. Маърузада кўплаб фактик материалиларни таҳдил қилиш ва умумлаштириш асосида иқтисодий ўсишининг ўз чекловлари йўқлиги ва аксинча иқтисодиётнинг ривожланиши кескинлашаётган экологик муаммоларни ҳал этиш учун зарурлиги асослаб берилган. Халқ фаровонлигининг ўсиши, иқтисодиётнинг экологик барқарор ривожланиши атроф-муҳитни муҳофаза қилинганинг мақбул шарт-шароитларини яратади.

Кўрсатилган маърузада биринчи марта барқарор ривожланиш концепцияси асосланган ва ушбу тушунчага қуйидаги таъриф берилган:

«Барқарор ривожланиш шундай ривожланишки, унда ҳозирги вақт эҳтиёжлари таъминланади, лекин келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини таъминлашлари қобилияти хавф остига қолдирмайди». (Наше общее будущее ...1987, 50-бет) БМТ Бош Ассамблеяси атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Халқаро комиссиясининг маъruzасини тасдиқлади ва унинг асосий хulosалари БМТнинг кўплаб хужжатларида, шу жумладан, Рио конференцияси хужжатларига асос қилиб олинган.

БМТнинг 1992 йилда Рио-де Жанейрода атроф-муҳит ва ривожланишга бағишлиланган конференциясида қабул қилинган Декларациясида экология иқтисодиёти учун бевосита аҳамиятга эга бўлган асосий принциплар ифодалаб берилган. Уларга қуйидаги принциплар киради:

- давлат атроф-муҳит ва ривожланиш масалаларида ўз сиёсатини ўтказишда унинг назоратида бўлган фаолият бошқа мам-

лакатлар ва районлар атроф-мухитига зиён етказмаслиги учун жавобгардир. Бунда гап атроф-мухитнинг трансчегара ифлосланини учун иқтисодий жавобгарлиги принципи тўғрисида боради;

- ривожланиш ҳуқуқи шундай амалга оширилиши керакки, унда хозирги ва келажак авлодларнинг атроф-мухитнинг ривожланиши ва сакланишига эҳтиёжлари таъминланиши керак;

- барқарор ривожланишга эришиш учун атроф-мухит муҳофазаси ривожланиши жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлиши ва ундан ажралган ҳолда кўриб чиқилмаслиги керак. Бу принцип иқтисодиёт ва экологиянинг органик бирлиги ва ўзаро алоқаларини ифрадлайди;

- давлатлар ер экотизимларининг соғломлиги ва яхлитлигини сақлаш, муҳофаза қилиш ва тиклаш мақсадларида жаҳон ширеклиги руҳида ҳамкорлик қилишлари керак;

- давлатлар барқарор ривожланиш ва юқори турмуш даражасига эришиш учун ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг барқарор ривожланишга имкон бермайдиган моделини камайтириши ва бартараф этиши керак («оғоҳлантириш принципи»);

- давлатлар илмий ва техника билимлар, технологияларни айирбошлаш воситасида фан соҳасида ўзаро бир-бирини тушунишни яхшилаш йўли билан ўзларининг барқарор ривожланишга эришиш қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадларида ҳамкорлик қилишлари керак («кооперация принципи»);

- экологик харажатларни тўлани принципи ёки етказилган зиён концепцияси шунда намоён бўладики, атроф-мухит муҳофазасига харажатларнинг интернализациясига эришиш ва иқтисодий инструментлардан фойдаланиб, зиён етказин билан боғлиқ сарфларни тўлашга эришиш;

- атроф-мухит ҳолатига таъсирини баҳолаш принципи атроф-мухитга сезиларли салбий таъсири кўрсатадиган оқибатлар эҳтимолини баҳолаш заруратида намоён бўлади.

Рио конференциясининг асосий ҳужжати «XXI аср кун тартиби» ривожланишни ижтимоий, экологик ва иқтисодий нуқтаи назардан барқарор қилиш мақсадларининг ҳаракат дастури ҳисобланади. Ўнинг матнида атроф-мухит ва ижтимоий-иктисодий ривожланишни ўзаро боғланмаган ҳолда кўриш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Иккни мақсад — дунёнинг барча халқлари учун атроф-мухитнинг юқори сифати ва соғлом иқтисодиёт — биргаликда ва яхлитликда кўриб чиқилиши лозим. Экология иқтисодиёти учун «XXI аср кун тартиби»да ифодаланган қуйидаги тавсиялар ва принциплар муҳим аҳамиятга эга:

- 1) иқтисодиётнинг ўсиши Ер сайдрасининг экологик имкониятлари чегараларига мос тушиши керак;

- 2) иқтисодий ривожланиш атроф-мухит учун хавфсиз бўлиши керак;

- 3) ривожланишни барқарор қилиш – ҳозирги авлод әхтиёжларини көлажақ авлодларнинг ўз әхтиёжларини таъминлаш қобиляйтларини хавф-хатарга қўймай таъминлаш;
- 4) аҳоли, истеъмол ва Ернинг ҳаётни қўллаб-қувватлаш қобиляти ўртасида барқарор мувозанат ўрнатиш;
- 5) лойиҳаларни амалга оширишга қадар экологик экспертиза;
- 6) ижтимоий гурухларга ва ноҳукумат ташкилотларига катта ресурслар ва маҳаллий ўкув марказларига катта имкониятлар бериш;
- 7) экологик муаммолар ечимиға, камбағал ва муҳтоҷларнинг асосий әхтиёжларига молиявий ёрдам берилиши керак;
- 8) табиий ресурсларнинг тўлиқ қийматини ҳисобга олиш;
- 9) бир вақтнинг ўзида энергия, хомашё сарфини ва чиқиндиларни ишлаб чиқаришни камайтирган ҳолда иқтисодий ўсишини таъминлаш;
- 10) ер шари узоқ муддатда таъминлайдиган бутун дунё учун мувозанатлашган истеъмол структурасини белгилаш;
- 11) ривожланаётган мамлакатларга экологик тоза технологияларни бериш;
- 12) иккиласми қайта ишлаш, упаковка (ўров) материаллари ҳажмини камайтириш;
- 13) экологик хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рафтлантириш;
- 14) аҳолинг маҳсулотларнинг уларнинг саломатлигига ва атроф-муҳитга таъсиридан хабардор қиласидиган экологик аҳборотларни ва бошқа маълумотларни товар ёрлиқларига (этикеткаларига) тушириш;
- 15) урбанизация суръатларини пасайтириш ва ишлаб чиқаришни марказлаштириш;
- 16) ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида аҳолининг кенг қатламлари иштироқи;
- 17) ишлаб чиқарилган товарларнинг баҳоси ресурсларнинг нисбатан етишмаслигини ва умумий қийматини акс эттириши керак;
- 18) ер ва табиий ресурсларни ялпи миллий бойлик сифатида кўриш;
- 19) одамларнинг фаоллигини уларга ерга эгалик қилиш ва ресурслар, молиявий таъминлаш ва уларнинг маҳсулотларини адолатли баҳоларда бозорга чиқариш воситаларида таъминлаш хуқуқини бериш йўли билан рафтлантириш;
- 20) биологик хилма-хилликни сақлаш чораларини кўриш;
- 21) ривожланаётган мамлакатлардан «ақллар чиқиб кетиши»ни тўхтатиш;
- 22) глобал исишга қарши туриш; улар хусусан, дengiz сатҳининг кўтарилишга олиб келиши мумкин; ер шари аҳолисининг катта қисми дengиз қирғоқлари чизифидан 60 км. масофада яшайдилар;

23) «яхшиси, баъзилар учун кўпдан кўра, ҳаммага озроқдан бериш»;

24) кимёвий моддаларнинг аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфлилигини аниқлаш; шундай маълумотлар кўпчилик моддалар учун мавжуд эмас;

25) пестицидларни ӯсимликларни биологик воситалар билан ҳимоя қилишга алмаштириш;

26) аҳолининг атроф-муҳит тўғрисидаги ахборотларга хуқуқини таъминлаш;

27) турли мамлакатларда қонунлар ва қоидаларнинг бир хиллиги;

28) «ифлослантирувчи ифлосланишини бартараф этишига жавобгар бўлиши ва харажатларни тўлаши керак»;

29) чиқиндиларни, шу жумладан, радиоактив чиқиндиларни ишлаб чиқаришни қисқартириш;

30) тўланмаган ишларнинг қийматини, уй хўжалиги ишларини ҳам кўшиб, ҳисобга олиш;

31) туб жой аҳолиси фойдаланадиган анъанавий билимлар ва қадриятлар, ресурслардан фойдаланиш методларини эътироф этиш;

32) 1996 йилгача ҳар бир ҳокимият органи маҳаллий «XXI аср кун тартиби»ни ишлаб чиқиш;

33) тоза ишлаб чиқаришни рагбатлантириш;

34) олимлар томонидан инсоннинг эҳтиёжлари ва атроф-муҳит муҳофазаси манфаатларини мувоғиқлаштириш учун ҳаракатлар ва раҳбарий кодексларини ишлаб чиқиш;

35) ривожланган мамлакатлар ялпи миллӣ даромадининг 0,7 фоизи бугун дунёни ривожлантириш учун ёрдамга ажратилиши керак;

36) ривожланаётган мамлакатларда олимлар сонини кўпайтириш, шу жумладан, уларни ватанига қайтариш;

37) таълим-тарбия, ривожланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси концепциясини асосий муаммоларни келтириб чиқарадиган сабаблар таҳлили билан барча ўқув дастурларига киритиш;

38) мактаб ўқувчиларини атроф-муҳит ҳолатини маҳаллий тадқиқ этишига жало этиши;

39) мавжуд ҳалқаро қонунчиликни самарадорлигини ошириш учун қайта кўриб чиқиш;

40) ривожланишнинг янги кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, чунки ялпи миллӣ даромад экотизимлари барқарорлиги тўғрисида етарли ахборот бермайди;

41) барча мамлакатларда кенг жамоатчилик иштироқида барқарор ривожланиш бўйича миллӣ ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, барқарор экологик-иқтисодий ривожланиш концепцияси иқтисодий ӯсишни тезлаштириш, камбағалликни бар-

тираф этиш, атроф-мухитни муҳофаза қилишни мувофиқлаштиришни тақозо этади. Шу муносабат билан барқарор ривожлантиришни режалаштиришни амалга ошириши талаоб қилинади. Айрим мамлакатлар ва регионларни барқарор ривожлантиришнинг экологик-иқтисодий ҳаракат режалари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- экологик-иқтисодий ривожлантиришнинг тури сценариялари бўйича табиий муҳит ва табиий-экологик ресурслар ҳолати ва улардан фойдаланиш тенденциясини баҳолаш;

- табиий муҳит ва табиий-экологик ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий оқибатларини аниқлаш;

- инсон фаолиятининг экологик-иқтисодий мақсадга мувофиқ мезонларини белгилаш;

- инвестиция сиёсатининг экологик-иқтисодий устувор йўналишларини белгилаш;

- табиий экологик ресурслардан фойдаланиш жараёнларини тартибга солишда давлатнинг аралашуви йўналишларини асослаш.

Экологик – иқтисодий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиши барқарор риволантириш индикатор (қўрсаткич)ларига асосланиб тузилади. Унда атроф-муҳит, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг қўрсаткичларидан фойдаланилади.

Атроф-муҳит қўрсаткичларига қўйидагилар киради: тоза бирламчи маҳсулотлар истеъмоли ва уларнинг ўзгариши; тоза бирламчи маҳсулотлар истеъмолидаги йўқотишлар; хўжалик фаолияти таъсирида бузилмаган майдонлар ва уларнинг мамлакат ҳудудидаги ҳиссаси, ўсиши; табиий ресурслар истеъмоли: ер, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот ресурслари, минерал ҳомашё, сув – тенденциялари; табиий ресурслар заҳираларининг камайиши суръатларининг ўзгариши; табиий муҳитнинг ифлосланиши: ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами; ифлослантирувчи моддалар чиқармалари ва уларнинг табиий муҳитда тўпланиши: газсимон, суюқ, қаттиқ - тенденциялари; атроф-муҳитга ўта хавфли ва радиоактив чиқиндиларнинг чиқарилиши ва уларнинг тўпланиши – тенденциялари; биологик хилмакиҳиллик – ўзгариш суръатлари; алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар майдони – ўсиши; озон қатлами – ўзгариши; техноген ва табиий авариялар, сони, зарари – тенденциялари; табиат муҳофазаси тадбирлари харажатлари.

Иқтисодиёт қўрсаткичлари: ялпи миллий маҳсулот ҳажми – тенденциялари; ички ялпи маҳсулотларнинг материал ва энергия сифими; хўжалик структурасининг ўзгариши; меҳнат унумдорлиги; чиқиндилардан фойдаланиш, уларни қайта ишлаш; хавфли ва радиоактив чиқиндиларни ишлаб чиқаришининг камайиши; минерал ҳомашё заҳираларининг ўсиши; ташки савдода табиий ресурслар экспорти ҳиссаси, шу жумладан, табиий биологик ресурслар.

Ижтимоий соҳа кўрсаткичларига саломатлик ҳолати, яшаш сифати, ижтимоий фаоллик, демографик кўрсаткичлар киради.

Барқарор ривожланиш концепцияси ҳам иқтисодиёт фанида, ҳам ҳалқаро амалиётда эътироф этилган. Барча ривожланган мамлакатлар барқарор ривожланиш йўналишига ўтишга қарор қилишган. Ҳозирги вақтда барча давлатлар ҳужжатларида ва ҳалқаро ҳужжатларда асосий мафкура сифатида «барқарор ривожланиш» тушунчасидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам Рио-92 конференциясида қабул қилинган тавсияларни амалга оширмоқда. 1997 йилда миллий миқёсларда барқарор ривожланишга ҳаракатни мувофиқлаштирувчи миллий структура ташкил этилди. 1998 йилда БМТнинг (ПРООН) фаол ёрдами ва қўллаб-қувватлашида барқарор ривожланиш концепцияси, 1999 йилда барқарор ривожланишнинг миллий стратегияси тайёрланди. 2002 йилда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш бўйича XXI аср кун тартиби қабул қилинди. Ҳозирги вақтда республикада барқарор ривожланишнинг XXI асрда маҳаллий кун тартибини амалга ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилаётир ва улар барқарор ривожланишнинг маҳаллий салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Барқарор ривожланиш концепциясида марказий ўринни ҳозирги вақтда қабул қилинаётган иқтисодий қарорларнинг узоқ муддатли экологик-иқтисодий оқибатларини ҳисобга олиш муаммоси әгаллайди. Заарали экологик-иқтисодий оқибатларни минималлаштириш, ҳозирги ва истиқболдаги истеъмол ўртасида оптималь муросага эришини мамлакатнинг узоқ муддатдаги истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши асосини ташкил этиши керак. Бунда барқарор ривожланишнинг қуидаги асосий мезонларига амал қилиш лозим:

- тикланадиган табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш режимини сақлаб қолиш;
- тикланмайдиган табиий ресурслар заҳиралари камайишини максимал даражада секинлаштириш ва уларни бошқалари билан алмаштириш;
- кам чиқиндили ва чиқиндисиз, ресурсларни тежовчи технологияларни қўллаш асосида чиқиндиларни мумкин қадар камайтириш;
- атроф-муҳит афлосланишини камайтириш.

Уларни ҳисобга олиш атроф-муҳитни келажак авлодлар учун сақлашга ва яшашнинг экологик шароитини ёмонлаштирумасликка имкон беради.

Барқарор ривожланишга ўтиш мамлакат районларида ҳам товарлар ва хизматлар истеъмолини чеклашни кўзда тутади. Шу муносабат билан минтақавий ҳусусиятларни ҳисобга олиб, экологик-иқтисодий балансни тузиш муҳим аҳамиятга эга (1-жадвал).

Минтақавий маъмурӣ органнинг экологик-иқтисодий баланси

Кўрсаткичлар	Чиким	Ўчновлар
	Бозор заҳиралари	
1. Ер	Урбанизация; сени қиппек хўжалик оборотидан чиқарни	Ресурс өгалари ва ахоли йўқотган фойда
2. Сув	Нормативдан ортиқ ифлосланиш; нормативдан ортиқ сув олиш	Сув муҳофазаси учун қолдирилган харажатлар, млн. сўм.
3. Ҳаво	Ёкилги истеъмолида ёкиш; нормативдан ортиқ ифлосланиш	Ҳаво муҳофазаси учун қолдирилган харажатлар, млн. сўм.
4. Биота	Махсулдор майдонларини ўғотиш; биота маҳсулдорлигининг пасайинши	Гектарга млн. сўм/ер бирлигига
5. Рекреация	Рекреация сифатининг ёмонлашувидан йўқотилиган фойда (наф)	Ахоли саломатлигини тиклаш харажатлари, млн. сўм.
Бозорга боғлиқ бўлмаган заҳиралар		
6. Биологик хилма-хиллилк	Муҳофаза қилинадиган худудларининг кискариши	Биологик хилма-хиллилкни билиносига баҳолаш, млн. сўм
7. Атроф-муҳитнинг эстетик сифати	Яшаш муҳити жизибадорлигининг пасайинши	Гедомик баҳонинг пасайинши
8. Глобал экотизимлар	Миллий (минтақавий) квотадан ортиқ углерод чиқармалари	Урмонларини кесини оқибатида углерод балансидинг бузилиши (углеродни ушлаг болини қиймати), млн. сўм
9. Ноёб объектлар	Зиёнининг ҳар қандай шакли	Қиймат баҳоси тўлашга тайёрлик методи бўйича ва эксперталар интироқида аниқланади ёки баҳолашдан озод қилинади.

Юқорида баён қилинганларга мувофиқ барқарор ривожланиш концепцияси техноген ривожланишни барқарор ривожланишга алмаштиришни, иқтисодий ривожланишни атроф-муҳит муҳофазасини ҳисобга олиб амалга оширишни тақозо этади.

Қисқача холосалар

Инсон хұжалик фаолиятининг барча босқычлари – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол табиий мұхит ва унинг ресурслари билан узвий боғлиқдир. Бунда меңнат табиат билан жамиятни боғловчи роль ўйнаиди. Табиатдан фойдаланишга асосланған ишлаб чиқариш, тақсимлап, айирбошлаш ва истеъмол ўзига хос экологик – иқтисодий хусусиятларга эга бўлади. Табиий-экологик шароит ва ресурслар хўжалик юритишнинг табиий мұхитини белгилаб беради. Лекин, уларнинг таъсирини бўрттириб кўрсатмаслик керак. Айни бир вақтда унинг аҳамиятини ҳам камайтириб бўлмайди.

Моддий экологик-иқтисодий неъматлар ва хизматлардан жамият бевосита, номоддий неъматлар ва хизматлардан эса билвосита фойдаланади. Биринчилари яхши ўрганилганлиги, иккинчиси эса етарли тадқиқ этилмаганлиги, билан ажралиб туради.

Атроф-мухитнинг сифати энг мұхим истеъмол неъмати бўлиб, унинг асосини экологик-иқтисодий неъматлар ва хизматлар ташкил этади. Улар табиат ато этган «текин» неъматлар – тоза ҳаво, табиат осойишталиги, тинчлиги ва гўзаллиги, пейзаж, эстетик завқланиш ва бошқалар бўлиб, улардан бевосита иштирок этиб, лекин ўзлаштиrmай фойдаланилади. Улар яшааш мұхити бўлиб, фаровонликнинг мұхим таркибий қисми ҳисобланади. У фаровонлик формуласида ўз ифодасини топади. Номоддий неъматлар уч турдаги номоддий бойликларни беради: биологияк «хизматлар», эстетик «хизматлар», илмий «хизматлар».

Табиатнинг номоддий неъматлари ва хизматлари экологияси иқтисодиёти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унда «капитал», «фойда олиш», «истеъмол», «қиймат» тушунчалари ўзига хос мазмун ва мұхиятта эга. Улар «яшааш сифатини» яратади. Экология иқтисодиётида табиат томонидан яратиладиган номоддий неъматлар ва хизматларни такрор ишлаб чиқариш ва истеъмолни ташкил этиш инсон учун ҳәёттій мұхим аҳамиятта эга бўлган йўналиш ҳисобланади.

Табиий мұхитнинг қийматини таҳлил қилишда табиат емирилиши қиймати, табиатни тиклаш қиймати, табиатни муҳофаза қилиш қиймати, инсоннинг табиат билан алоқада бўлиши қиймати, табиат равнақи қиймати, табиатга одамнинг инвидуал эҳтиёжи қиймати таҳлил қилинади ва таққосланади. Шуларга асосланиб иккита мұхим холосага келиш мүмкін: 1) табиат муҳофазаси тадбирларини комплекс амалга ошириш айрим тадбирларни алоҳида ўтказишга нисбатан анча арzonга тушади; 2) табиий мұхитни муҳофаза қилиш уни тиклаш қийматидан апча кам бўлади ва у мамлакат учун рентабеллироқдир.

Барқарор ривожланиши концепцияси табиат ва жамият ўртасидаги ұзаро муносабатларнинг ҳозирги босқичида дунёning деярли ҳамма мамлакатлари эътироф этган асосий ғоядир. Барқарор ривожланиши шундай ривожланишкі, унда ҳозирги вақт эҳтиёжлари таъминланади, лекин келажак авлодларнинг ўз эҳтиёжларини таъминлашлари қобилияти хавф остига қолдирилмайди. БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланишга бағищланган конференциясида (1992, Рио-де-Жанейро) барқарор ривожланиш бўйича қуидаги муҳим ҳужжатлар қабул қилинди: 1) XXI аср кун тартиби; 2) БМТнинг ҳаракат дастури; 3) атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Декларация; 4) ўрмонларга муносабат тўғрисида баёнот; 5) иссиқхона самарасини келтириб чиқарадиган газлар таъсирида иқлимининг ўзгариши доираси тўғрисида конвенция; 6) биологик хилма-хилликни сақлаш тўғрисида конвенция. Бу ҳужжатлар барқарор ривожланишнинг барча аспектларини қамраб олади ва раҳбарий қўлланма ҳисобланади. Уларга асосланиб барқарор ривожланишга оид бўлган ҳаракат режалари ишлаб чиқилади, қўрсаткичлар белгилана-ди. Ўзбекистон Республикасида ҳам барқарор ривожланишни амалга ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган ва улар ҳаётга татбик этилаётir.

Назорат ва мuloҳаза учун саволлар

1. Экология иқтисодиётининг умумий хусусиятлари ва атроф табиий муҳит функцияси ўртасида қандай боғлиқлик бор? Унда меҳнат қандай роль ўйнайди?
2. Экология иқтисодиётида умумиқтисодий тушунчалар – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш, истеъмол қандай ўзига хос маъно ва мазмунга эга?
3. Табиий-экологик шароит ва ресурсларнинг инсон фаолиятига таъсирини ва «иктисодий одам» хусусиятларини тушунтиринг.
4. Моддий ва номоддий экологик-иктисодий неъматлар нима? Уларнинг фарқини билиб олинг.
5. Фаровонлик формуласида яшаш муҳити қандай ўриннни эгаллади?
6. Номоддий неъматлар қандай турларга бўлинади?
7. Моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар экологијаси иқтисодиёти қандай хусусиятларга эга.
8. «Номоддий неъматлар ва хизматларда капитал», «фойда олиш», «истеъмол», «қиймат» тушунчалари қандай маъно мазмунга эга?
9. Табиий муҳитнинг қиймати нима, у қандай таҳлил қилинади?
10. Табиатнинг емирилиши қиймати, табиатни тиклаш қиймати, табиатни мухафаза қилиши қийматини таққосланг. Улардан қайси бири мамлакат учун фойдали ва рентабеллироқ?
11. Барқарор экологик-иктисодий ривожланиш нима?
12. Барқарор ривожланиш концепцияси қачон пайдо бўлган? Унинг мазмуни ва моҳиятини билиб олинг.
13. БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланишга бағишланган конференцияси (1992) қандай ҳужжатларни қабул қилган? Уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини тушунтиринг.
14. Барқарор ривожланиш кўрсаткичлари ва мезонларига нималар қиради?
15. Ўзбекистонда барқарор ривожланишга ўтиш бўйича қандай тадбирлар амалга оширилган? Улар қандай аҳамиятга эга.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат ревяси. – Т., 1998.
3. Атроф табиий муҳитини муҳофиза қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар. – Т.: Адолат, 2002.
4. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 2002.
5. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на 21 век. – Т., 2002.
6. Гиусов Э.В., Бобилев С.Н., Новоселов А.Л., Чепурных Н.В. Экология и экономика природопользования. Учебник. – М.: Единство, 2002.
7. Глухов В.В., Лисочкина Т.В., Некрасова Т.П. Экономические основы экологии. Учебник. СПБ. Специальная литература, 1995.
8. Наше общее будущее. Доклад Международной комиссии по окружной среды и развитию (МКОСР). – М.: Прогресс, 1989.
9. Программа действий. Повестка дня на 21 век и другие документы Конференции в Рио-де-Жанейро. Женева: Центр за наше общее будущее, 1993.
10. Щодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2002.
11. Экологическая экономика. –М.: Евразия, 1994.

ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИ ҚОНУНИЯТЛАРИ, ПРИНЦИПЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

3.1. Экология иқтисодиёти қонуниятлари ва принциплари түғрисидаги тушунча ва уларнинг умумий тушунчалари

Иқтисодиётда, шу жумладан экология иқтисодиётида ижтимоий ҳаётнинг бошқа барча соҳаларидағи ва табиатдаги каби ташқи томондан тасодифий ва тартибсиз кўринадиган жараёнлар ва ҳодисалар қонуний ривожланиш зарурати орқали ўзига йўл очади. Шу сабабдан жамиятдаги экологик-иқтисодий жараёнларни уларга хос бўлган ички экологик-иқтисодий қонунлар ёки кишиларнинг экологик-ижтимоий ҳаракатлари қонунлари бошқаради. Ҳар қандай қонун у ёки бошқа ҳодиса ва жараённинг моҳиятини, уни инсоннинг билиши чуқурлигини акс эттиради. Экология иқтисодиёти қонунлари объектив борлиқда табиат билан жамият ўртасидаги экологик-иқтисодий муносабатларга тааллукли турли ҳодисалар, жараёнлар ўртасида киши онги ва ихтиёридан ташқари ҳамиша мавжуд бўлган зарурий боғланиш ва муносабатларни билдиради. «Қонуний» тушунчаси эса объектив ҳодисалар ва уларнинг қонунларини англатади.

Экология иқтисодиёти қонуниятларини билиб олишда унинг қўйидаги фалсафий таърифига асосланиш керак: қонуниятлар – барқарор, мустаҳкам, кўп марта тақрорланадиган ҳодисалар ва жараёнлар бўлиб, улар ушбу ҳодиса ва жараёнларга хос бўлган ички, муҳим, зарурий, сабаб-оқибатли, доимий, умумий, ўзаро сифат ва миқдор алоқаларини (муносабатларини) ифодалайди.

Шунга мувофиқ экология иқтисодиёти қонуниятлари ҳам тасодифий эмас, балки типик, доимий экологик иқтисодий жараёнларни ва ҳодисаларни ва уларнинг ички моҳиятини ифодаляйди. Бунда экология иқтисодиёти қонуниятларини табиат (экология) қонуниятлари билан аралаштириб юбормаслик керак. Табиат (экология) ва экология иқтисодиёти қонуниятлари ўртасида қўйидаги муҳим ва принципиал фарқлар мавжуд: 1) табиат қонуниятлари – бу, табиатта хос қонуниятлар, экология иқтисодиёти қонуниятлари – экологик-иқтисодий ривожланиш ва кишиларнинг экологик-иқтисодий фаблияти қонуниятларидир. Табиат (экология) қонуниятлари жонли табиат тизимларининг уларнинг яшаши ва ривожланишини чеклайдиган омилларини, жараёнларини ифодалайди (масалан, минимум қонуни, толерантлик қонуни, экологиянинг асосий қонуни ва бошқа-

лар); 2) табиат қонуниятлари абадий, экология иқтисодиёти қонуниятлари тарихий характерга эга; 3) табиат қонуниятларининг қашф қилиниши бирмунча силлиқ кечади, экология иқтисодиёти қонуниятлари жамиятнинг ўз ҳаётини ўтаб бўлаётган кучлари томонидан қаттиқ каршиликка учрайди.

Экология иқтисодиёти қонуниятлари йигиндиси жамиятнинг экологик-иқтисодий ривожланиши қонуниятлари тизимини ташкил этади. Улар қуйидаги гурухларга бўлинади: 1) умумий қонуниятлар; 2) хусусий (ўзига хос хусусиятга эга) қонуниятлар.

Экология иқтисодиётининг умумий қонуниятлари барча тарихий даврларга хос бўлиб, экологик-иқтисодий ривожланишнинг олға қараб боришини ифодалайди. Масалан, табиий муҳит ҳолатининг жамият ривожланиши суръатлари ва характеристика оптималь мос бўлиши қонунияти, табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг умумий қонунияти, табиат муҳофазаси меҳнатини тежаш қонунияти, табиий ресурсларга эҳтиёжнинг ошиб бориши қонунияти ва бошқалар.

Хусусий экология иқтисодиёти қонуниятлари – маълум мамлакат ва районларда маълум ижтимоий-иқтисодий даврларнинг экологик-иқтисодий муносабатлари ва хўжалик юритиши шаклларига тааллукли бўлади. Бундай қонуниятларга табиий ресурсларнинг ижтимоий-экологик фойдалигини максималлаштириш қонунияти, табиий ресурсларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қонунияти ва бошқалар киради.

Экология иқтисодиёти қонуниятлари ўз-ӯзидан ҳаракатга тушмайди ва экологик-иқтисодий жараёнлар автоматик равишда амалга оширилмайди. Бунинг учун кишиларнинг ҳаракати керак, улар эса одамларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан ҳаракатга келтирилади. Кишиларнинг экологик-иқтисодий эҳтиёжлари ғоят хилма-хилдир. Табиатдан фойдаланувчи хўжалик субъектларининг хилма-хиллиги экологик-иқтисодий манфаатларнинг ҳам хилма-хиллигини келтириб чиқаради.

Экология иқтисодиёти амалиётида экологик-иқтисодий қонуниятларни билиш асосида ва экологик-иқтисодий ривожланиш мақсадларига мувофиқ ва мавжуд табиий экологик ресурсларни ҳисобга олиб экологик-иқтисодий принциплар ишлаб чиқиласди. Уларни экологик-иқтисодий сиёсат принциплари деб аташ ҳам мумкин. Экологик-иқтисодий принциплар экология иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги ва режалантирилаётган, башоратланаётган давр учун асосий йўналишлари ҳисобланади. Принципларнинг ҳар бири жамият экологик-иқтисодий ривожланишининг объектив эҳтиёжини ифодалashi керак; ўз асосида маълум қонуниятларга эга бўлиши; йирик эко-

логик-иқтисодий ривожланиш муаммосига тегишли бўлиши; миллий ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг умумий принципларига зид келмаслиги ва барқарор экологик ривожланишининг стратегик вазифалари инструменти бўлиб хизмат қилиши керак. Бу принциплар экологик сиёсат соҳасига тааллуқли бўлади. Принципларни таърифлашда унинг конструктив қисми — уларни амалга ошириш йўлларини ҳам кўрсатиш керак.

Принциплар қонуниятлардан ўзларининг ўзгарувчанлиги билан фарқ қиласди. Чунки улар мамлакатда экологик-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсатнинг ўзгаришига, айрим минтақалар стратегия аспектларининг ўзгаришига, шунингдек, илгари кашф қилинмаган янги қонуниятларининг очилишига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Шунинг учун принципларниң ҳаракат муддатлари чекланган бўлади.

Давлат экологик-иқтисодий принципларни шакллантира бориб ва уларга амал қилиб, экологик-иқтисодий жараёнларни зарур томонга йўналтиради. Шу сабабдан қонуниятлар принциплардан объективлиги, олиб ташлаш ва бекор қилиб ташлашнинг мумкин эмаслиги билан фарқ қиласди.

Экологик-иқтисодий принциплар экологик сиёсатда экология иқтисодиёти қонуниятларини ифодалайди. Шунга мувофиқ экологик-иқтисодий принциплар умумий ва хусусий принципларга бўлинади. Умумий принципларга табиатнинг устунлиги, табиатнинг ижтимоийлашуви, иқтисодиётни экологизациялаш, компенсация принциплари, хусусий принципларга илмийлик, оптимальлик, минтақавийлик, комплекслилик ва экологик асосланганлик, пул тўлаш (пуллилик) принциплари киради.

3.2. Экологиянинг асосий қонунлари, принциплари, омиллари ва уларнинг экология иқтисодиётида намоён бўлиши

Экология иқтисодиётида экология (табиат)нинг ўз-ӯзини тартибга солиши ва яхлитлигини таъминловчи ўзига хос қонунлари ва уларга мос келадиган принциплари ва омиллари муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Экологиянинг асосий қонунлари қаторига куйидагилар киради:

1. Минимумлик қонуни;
2. Толерантлик қонуни;
3. Рақобат истисноси қонуни;
4. Экологиянинг асосий қонуни;
5. «Энергия эхроми» қонуни;
6. Б. Коммонернинг экология «қонунлари»;
7. Зарурый хилма-хиллик қонуни;

8. Эволюциянинг қайтарилмаслиги қонуни;
9. Ташкил этишнинг муракаблашиши қонуни;
10. Биогенетик қонун;
11. Табиий унумдорликнинг камайиши қонуни;
12. Экология учун мұхим аҳамияттаға эга бўлган бошқа қонунлар.

Минимумлик қонуни (Ю.Либик қонуни) асосий қонунлар қаторига киради. Унинг асосий мөҳияти қўйидагиларда характерланади: организмнинг чидамлилиги унинг экологик эҳтиёжлари занжиридаги энг заиф звеноси билан белгиланади, яъни яшаш имкониятларини организм ёки экотизимга экологик омиллар, уларнинг микдори ва сифатининг зарур минимуми чеклайди. Уларнинг бундан кейинги камайиши организмларнинг ҳалок бўлишига ёки экотизимларнинг деструкциясига олиб келади.

Бунда омиллар ўзаро таъсирининг қўйидаги қўшимча қоидалари ҳам амал қиласди: организм мәълум даражада этишмайдиган моддани ёки бошқа таъсири кўрсатадиган омилларни бошқа функционал яқин бўлган модда ёки омил билан алмаштиришга қодирдир (масалан, бир моддани бошқа функционал ва кимёвий яқин модда билан).

Ушбу занжирнинг заиф звеносини аниқлаш лойиҳалари ни экологик-иқтисодий прогнозлаш (башоратлаш), режалаштириш ва экспертизадан ўтказишда фоят мұхимдир. Омиллар ўзаро таъсири қоидаси этишмайдиган (дефицит) моддалар ва таъсиринунча дефицит бўлмаганларига рационал алмаштиришга имкон беради. Булар табиий ресурслар эксплуатацияси жараённида мұхим ўринни эгаллайди.

Толерантлик қонуни (В.Шелфорд қонуни). Организмнинг равнақ топишини чеклайдиган омили экологик таъсирининг ҳам минимуми, ҳам максимуми бўлиши мумкин. Улар ўртасидаги диапазон организмнинг ушбу омилга чидамлилиги ўлчамини (**толерантлигини**) белгилаб беради. Бошқача айтганда етарли озиқлантирмаслик ҳам, ортиқча озиқлантириш ҳам заарли (ёмон), ҳаммаси ўз ўлчамида яхши. Уни ўсимликларни муваффақиятли этиштиришни ва чорва молларини боқишини баҳолашда, ёввойи турларни акклиматизациялаш имкониятларини баҳолашда ва бошқа шундай ҳолларда қўллаш зарур. Толерантлик қонуни моддалар ёки энергиянинг ҳар қандай ортиқчалиги атроф-муҳитни ифлослантириши қоидасини ҳам белгилаб беради. Масалан, сувнинг ортиқчалиги ҳаттоқи қурғоқчили минтақаларда ҳам заарарли ва бунда сув оддий ифлослантирувчи сифатида баҳоланади, оптималь микдордаги сув эса бу ерда жуда фойдалидир.

Шундай қилиб, минимум ва максимум ўлчами ўртасидаги

диапазон толерантлик чегараси ҳисобланади ва унда организм мұхитнинг таъсирига нормал жавоб беради. Ушбу қонун таърифини тұлдырувчи қуйидаги ҳолаттарни ҳам күрсатиш мүмкін:

- организмлар бир омилга нисбатан толерантликнинг кенг диапазонига, бошқаларга нисбатан эса тор диапазонга ега бўлиши мүмкін.

- барча омилларга кенг диапазондаги толерантликка ега бўлган организмлар энг кенг тарқалгандир.

- агар бир турдаги организмлар учун бир экологик омил оптималь бўлмаса, унда бошқа экологик омилларга толерантлик диапазони торайиши мүмкін.

- табиатда организмлар кўпинча лабораторияда аниқланган у ёки бошқа омилнинг оптималь ўлчамига мос келмайдиган шароитда яшайдилар.

- кўпайиш даври одатда қийин бўлади. Бу даврда мұхитнинг кўп омиллари кўпинча чеклайдиган бўлади.

Тирик организмлар табиий омилларнинг чекловчи таъсирини камайтириш учун мұхит шароитини ўзгартыради. Географик кенг тарқалган турлар маҳаллий шароитта мослашган экотип деб аталадиган популяцияларни ташкил этади. Уларнинг оптимуми ва толерантлик чегаралари маҳаллий шароитларга мос тушади.

Рақобат истисноси қонуни. Ушбу қонун қуйидаги йўналишда шаклланади: бир экологик жойни (маконни) әгаллаган икки тур бир жойда узоқ вақт чекланмаган ҳолда бирга яшай олмайди. Қайси турнинг енгиб чиқиши ташқи шароитга боғлиқдир. Ўхшащ ҳолда уларнинг (улардан) ҳар бири енгиши мүмкін. Популяциянинг ўсиши тезлиги енгиб чиқиш учун мұхим шароит ҳисобланади. Турнинг биотик рақобатга қобилиятсизлиги унинг сиқиб чиқарилишига ва янада қийин шароит ва омилларга мослашиши заруратига олиб келади.

Рақобат истисноси қонуни таъсиридан экология иқтисодиётida ҳам фойдаланиш мүмкін. Ушбу қонун таъсири ва ҳаратати шу билан белгиланадики, цивилизация ва экологик-иқтисодий фаолият ҳам ундан ажралиб кета олмайди, ҳам унинг таъсирини бартараф эта олмайди. Цивилизация ва инсон экологик-иқтисодий фаолияти ўз худудини ташлаб кета олмайди, ҳеч ерга қочолмайди, чунки табиатда (биосферада) ящаш ва жойлашиш учун бўш жой ва ресурслар ортиқчалиги йўқ. Булар барча келиб чиқадиган оқибатлар билан курашни кескинлаштиришга олиб келади. Мамлакатлар ўртасида экологик-иқтисодий рақобат ва ҳатто экологик урушлар ёки экологик-иқтисодий сабаблар билан боғлиқ бўлган урушлар тўғрисида гапириш мүмкін. Радиоактив ва заҳарли чиқиндиларни кўмадиган ҳу-

дудлар зарурати, урушлар ва бошқалар экологик-иқтисодий тұс олаётір. Ҳозир бир цивилизация фақат бошқасини забт қилиб-гина қолмай, балки noctor ва камбағалларини сотиб олиши ҳам мүмкін. Бу экологик-иқтисодий мұстамлакачылық бұлади. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик мұаммолован шундай чатишиб ва чигаллашиб кетади.

Экологияның асосий қонуны (Ички динамик мувозанат қонуны). Табиатдаги моддалар, энергия, ахбороттар айрим табиий тизимлар ва уларның иерархияси шундай ұзаро бөлшектенген, бу күрсаткыштардың бирортасини үзгартыриш бу тизимларның модда-энергия, ахборот ва динамик сифаттарынан умумий үйіндисини сақтайтын болады. Бу үзгаришлар содир бұладын тизимларда ёки уларның иерархиясида биргаликта функционал-структуралық мөктор да сифат үзгаришларини көлтириб қиқаради.

Бу қонунның эмпирик оқибатлардан қуидагиларни күрсатиб үтиш мүмкін:

1. Табиий мұхиттің ҳар қандай үзгариши (моддалар, энергия, ахборот, экотизимлардың динамик үзгариши) амалға оширилген үзгаришларни ёки янги табиий тизимлар шақлланишини нейтрализациялаш томонига борадын табиий занжирли реакцияның мұқаррар ривожланишига олиб келади. Янги тизимлар да амалға оширилген үзгаришлар мұхиттің катта үзгартырилиши шароитида қайтариб бўлмайдын болады. Янги тизимларда бўлиши мүмкін.

2. Экологик компонентлардың модда-энергетикасы (энергия, газлар, суюқликтар, субстратлар, продуцент, консумент, ва редуцент организмлари), табиий тизимлар ахборотлари ва динамик сифатларының ұзаро таъсири чизиқли (линиялы) характеристика эса әмас, яғни күчсиз таъсир ёки күрсаткышлардан бирортасиниң бир оз үзгариши бошқаларыда да умуман, бутун тизимда күчли үзгариш да четта чиқиши мүмкін.

3. Йирик экотизимларда амалға оширилген үзгартышлар нисбатан қайтарилемасынан. Пастдан юқорига иерархияси бўйича – таъсир жойидан умуман биосферагача – үтиб, улар глобал жараёнларни үзгартыради да уларни янги эволюция даражасига үтказади.

4. Табиатни ҳар қандай маҳаллий үзгартыши биосфера-нинг глобал мажмусида да унинг энг йирик қисмларида жавоб реакциясын көлтириб қиқаради. Улар экологик-иқтисодий потенциалнинг нисбатан үзгаришсиз бўлишига олиб келади, потенциални күпайтириш эса фақат энергетик қўйилмаларни (маблағни) анча күпайтириш йўли билан амалға оширилиши мүмкін. Экологик-иқтисодий потенциалнинг сунъий үсиши табиий тизимлар термодинамик барқарорлиги билан чеклангандир.

Ички динамик мувозанат қонуни табиатдан фойдаланыши

ва табиат муҳофазасининг ва умуман, экология иқтисодиётининг энг муҳим қоидаларидан биридир. Бунда экотизимлар стратегияси – «энг кўй муҳофаза» бўлса, инсон стратегияси эса «маҳсулот максимуми» билан характерланади. Жамият ўзлаштирилган худудлардан максимал ҳосил ва маҳсулот олишга ҳаракат қиласи ва ўз мақсадларини амалга ошириш учун сунъий экотизимларни барпо этади, шунингдек, максимум ҳосил олиш мумкин бўлган сукцессиянинг (маълум районда бир-бирини алмаштирадиган тўдаларнинг кетма-кетлиги) дастлабки босқичларда экотизимларнинг ривожланишини секинлаштиради. Экотизимларнинг ўзлари эса максимал стабилликка эришиш йўналишида ривожланишга ҳаракат қиласи. Максимал энергетика миқдори, тез ўсиш ва юқори стабилликка эришишини қўллаб-қувватлаш учун табиий тизимларга паст самараדורлик зарур. Инсон экотизимларнинг ривожланишини орқага қайтариб ва шу орқали уларни бекарор ҳолатга келтириб, тизимда «тартибни» қўллаб-қувватлашга мажбур бўлади ва унга сарфланган харажатлар экотизимларни ностабил ҳолатта ўтказишдан олинган фойдадан ошиб кетиши мумкин. Инсон томонидан экотизимларнинг самарасини ҳар қандай ошириш уни қандайдир чегарагача қўллаб-қувватлашга кетадиган харажатларнинг қўпайишига олиб келади, сўнгра харажатларнинг ҳаддан ташқари ўсиши самараדורликни кўтаришни бефойда қилиб қўяди. Шундай қилиб, экотизимларнинг фойдали иш коэффициенти (ФИК) максимал эмас, балки оптималь бўлишига эришиш ва бунда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш стабилликни йўқотишга олиб келмаслиги ва натижалар эса ўзини иқтисодий оқлаши керак.

Бу умумий таърифни аниқлаштириб, ушбу қонуннинг қуйидагича асосий хусусиятларини чуқур билиш ва тушуниш муҳимдир. Муҳитнинг ўзгариши ҳозирча озгина бўлса ва нисбатан кичикроқ майдонда амалга оширилган бўлса, улар аниқ жой билан чекланади ёки экотизимлар иерархияси занжирида «сўнади». Лекин йирик экотизимлар учун ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга бўлган тақдирда, масалан, катта дарё ҳавзаларида содир бўлса, улар кенг табиий бирликларда, улар орқали эса Ернинг биосфера қисмида сезиларли силжипшларга олиб келади. Улар нисбатан қайтарилиш бўлиб, охир оқибатда табиатдаги ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий нуқтәни назардан қийин нейтрализацияланадиган бўлади. Уларни тузатиш катта моддий маблаг ва жисмоний куч талаб қиласи.

Экотизимларнинг ривожланиши кўпинча айрим организмларнинг ривожланишига ўхшаш бўлади ва айни вақтда умуман, биосферанинг ривожланиши билан бир хил бўлади.

Сукцессия энергетик маънода тизимни қўллаб туришга йўналтирилган энергия оқимларининг энергия миқдорини кўпайтириш томонига фундаментал силжиши билан боғлиқдир. Сукцессия ўсиш, стабилизация ва климакс (тўхташ) босқичларидан ташкил топади. Уларни маҳсулдорлик мезони асосида фарқлаш мумкин: биринчи босқичда маҳсулот максимумгача ўсади, иккинчи босқичда доимий бўлади, учинчى босқичда тизимнинг деградациясига қараб нулгача камаяди.

Ўсаётган ва етук экологик-иқтисодий тизимлар ўртасидаги фарқлар қуидаги жадвалда берилган:

2-жадвал

Ўсаётган ва етук экологик-иқтисодий тизимлар ўртасидаги фарқлар

Кўрсаткичлар	Ўсаётган экотизимлар	Етук экотизимлар
Хосил	Юкори	Паст
Турлар хилма-хиллиги	Катта эмас	Катта
Структура хилма-хиллиги	Бўш ташкил қилинган	Яхши ташкил қилинган
Жой бўйича ихтиослашими	Кенг	Тор
Организм размери	Катта эмас	Ирик
Яшаш цикллари	Қисқа ва оддий	Узоқ ва мураккаб
Биоген моддаларнинг организмлар ва мухит ўртасида алмашини тезлиги	Юкори	Паст
Танлаш босимни	Тез ўсинга	Тескари алоканинг регуляциясинга
Ички симбиоз	Ривожланмаган	Ривожланган
Биоген моддаларнинг сакланиши	Йўқотишлар билан	Тўлик
Стабиллик	Паст	Юкори
Энтропия	Юкори	Паст
Ахборот	Катта эмас	Катта

2-жадвалда энтропия (энергетик мувозанат ўлчови) ва ахборот ўртасидаги тескари боғлиқлик ҳамда экотизимлар ривожланишида хилма-хиллик кўпайиши ҳисобига уларнинг барқарорлиги ошиб боришини яққол кўриш мумкин. Бир ва ҳатто икки турдаги тўдалар фойт бекарордир.

Юкори маҳсулдорлик паст таянчиликни беради. Бундан қуидаги қоида келиб чиқади: «Оптимал самарадорлик доимо максимал самарадорликдан кичикдир». Экологиянинг асосий қонунига мувофиқ хилма-хиллик бевосита барқарорлик билан боғлиқдир.

«Энергия эхроми» (пирамидаси) қоидаси (Р.Линдеман қонуни): экологик эхромнинг бир трофиқ даражасидан бошқа даражасига энергиянинг ўртача 10 % дан кўп бўлмаган қисми

ұтади. Бу қонун ақолини озиқ-овқат билан таъминлаш учун зарур бүлган ер майдонини ҳисоблашга ва бошқа экологик-иктисодий ҳисобларни амалға оширишга имкон беради.

Б. Коммонернинг экология «қонунлари»: 1) Ҳаммаси бар-часи билан бөгланган; 2) Ҳаммаси қаергадир ғойиб бўлиши ке-рак; 3) Табият яхши билади; 4) Ҳеч нарса бекорга берилмайди.

Зарурый хилма-хиллик қонуни: ҳар қандай тизим мутлақ бир хил элементлардан шаклланмайди, лекин иерархик ташкил этилишга ва интегратив даражага эга бўлиши мумкин.

Эволюциянинг қайтарилимаслиги қонуни: организм (понуляция, тур) унинг авлодлари қаторида мавжуд бўлган аввалги ҳолатга қайта олмайди.

Ташкил этишининг мураккаблашиши қонуни: тирик организмнинг тарихий ривожланиши уларни ташкил этишин органдар ва функцияларнинг дифференциацияси йўли билан мураккаблашишига олиб келади.

Биогенетик қонуни: организм индивидуал ривожланишда (ортогенез) қисқартирилган ва қонуний ўзгарган қўринишда ўз турининг (филогенез) тарихий (эволюцион) ривожланишини такrorлайди.

Табиий унумдорликнинг камайипши қонуни: доимий равишда ҳосил олинини, шунинг учун органикалар ва кимёвий элементларнинг тупроқдан олиб чиқилиши, тупроқ ҳосил бўлиши жараёнларининг бузилиши, шунингдек, узоқ монокультура (якка ҳокимлик) на-тижасида ўсимликлар заҳарли моддалар чиқариши (тупроқнинг ўз-ўзидан заҳарланиши) оқибатида экиладиган ерларда тупроқнинг табиий унумдорлиги камайипши содир бўлади. Илмий асосланган агротехника усуллари қишлоқ хўжалигини режалии юритишга, яхшиланган агротехника ва рационал алмашлаб экиц ва бошқа методлар ёрдамида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш имконини беради. Ушбу қонуннинг иккинчи изохланиши куйидагича: организм учун фойдали бўлган қандайдир омилнинг навбатдаги кўшилиши ўша омилнинг олдинги дозасидан олинган натижадан кам самара беради.

Экология учун муҳим бўлган бошқа қонунлар қаторига куйидагилар киради:

1. Эмержентлик қонуни: бутун (яхлит) доимо унинг қисмларида мавжуд бўлмаган алоҳида хусусиятларга эга бўлади.

2. Тизим қисмлари ривожланишининг иотскислиги қонуни: иерархиянинг бир даражадаги тизими қатъий синхрон ривожланмайди, айни бир вақтда битталари ривожланишининг юқорироқ босқичига эришади, бошқалари камроқ ривожланган босқичда қолади. Бу қонун зарурый хилма-хиллик қонуни билан бевосита боғлиқдир.

3. Ҳаётни сақлаш қонуни: ҳаёт фақат тирик тана орқали моддалар, энергия, ахборотлар оқими ҳаракати жараёнида мавжуд бўлади.

4. Энергия ва ахборот максимизацияси қонуни: ўз-ўзини сақлашнинг энг яхши имкониятларига энг кўп даражада энергия ва ахборотнинг киришига, ишлаб чиқаришига ва самарали фойдаланишига ёрдам берадиган тизимлар эга бўлади.

5. А.А. Григорьев – Н.Н. Будиконинг даврий географик зоналлик қонуни: Ернинг табиий-географик минтақаларининг алмасиши билан шунга монанд (ўхшаш) ландшафтларнинг ҳам бъязи умумий хоссалари даврий тақрорланади, яъни ҳар бир минтақада – субарктика, мўътадил, субтропик, тропик ва экваториал минтақаларда – зоналарнинг алмасиши қўйидаги схемада содир бўлади:

ўрмон → дашт → чўллар.

6. Тизимларнинг атроф-муҳит ҳисобига ривожланиши қонуни: ҳар қандай тизим фақат уларни ўраб турган атроф-муҳитнинг моддий-энергетик ва ахборот имкониятларидан фойдаланиши ҳисобига ривожланиши мумкин; мутлақ ажralган ҳолда ўз-ўзидан ривожланиш бўлмайди.

7. Мослашининг нисбатан эркинлиги қонуни: экологик омиллардан бирига юқори даражада мослашиш (адаптация) яшашнинг бошқа шароитларига шундай даражада мослашишга имкон бермайди, аксинча организмларнинг физиологик-морфологик хусусиятлари таъсирида мослашиш имкониятлари чекланиши мумкин.

8. «Организм-муҳит» бирлиги қонуни: ҳаёт энергия оқими-нинг муҳит ва унда яшайдиган организмлар умумий бирлиги асосида ва доимий модда ва ахборот алмасиши натижасида ривожланади.

9. Яшаш муҳити тазиёки (таъсири) ёки чекланган ўсиш қонуни (Ч.Дарвин): бир жуфт зот (организм) авлодлари геометрик прогрессияда кўпайиб, ер шарини тўлдиришига тўсиқ бўладиган чекловлар бор.

10. Энергия эҳроми (пирамидаси) қонуни: (Р.Линдеман): экологик эҳромнинг бир трофик даражасидан юқорироқ даражасига энергиянинг олдинги даражага тушган микдорнинг ўртаси 10% га яқини ўтади. Юқорироқ даражадан қўйироқ даражага энергиянинг тескари оқими анча кучсиз, у 0,5-0,25 % дан кўп бўлмайди. Шунинг учун биоценозларда энергия айланиши тўғрисида гапириб бўлмайди.

11. Сукцессия секинлашиши қонуни: баркарор ҳолатда турадиган етук мувозанатли экотизимларда содир бўладиган

жараёнлар, қоида тариқасида, ўсиш суръатларининг пасайипни тенденциясига эга бўлади.

12. Биотизимларнинг тарихий ўз-ўзидан ривожланиши қонуни (Э.Бауэр): биологик тизимларнинг ривожланиши улар ташки фаолиятининг ошиши – ушбу тизимларнинг атроф-мухитга таъсири натижаси ҳисобланади.

13. Бумеранг қонуни: одам меҳнати билан биосферадан олинган барча нарсалар унга қайтарилиши керак.

14. Биосферани алмаштириб бўлмаслик қонуни: ҳаётнинг янги турларини яратиб бўлмаслик сингари, биосферанинг сунъий муҳит билан алмаштириб бўлмайди. Инсон абадий двигателни яратса олмайди, айни бир вақтда биосфера амалий жиҳатдан «абадий» двигатель ҳисобланади.

15. Шагрень (саҳтиён) пусты (териси) қонуни: тарихий ривожланиш давомида дастлабки глобал табиий-ресурс потенциали (салоҳияти) камайиб боради. Бу шундан келиб чиқадики, ҳозирги вақтда бирорта принципиал янги ресурснинг лайдо бўлиш имконияти йўқ. Ҳар бир одамнинг яшаши учун йилига 200 т. қаттиқ модда керак, улар 800 т. сув ва ўртача 1000 Вт энергия ёрдамида инсон учун фойдали маҳсулотга айлантирилади. Буларнинг ҳаммасини инсон табиатда мавжуд нарсалардан олади.

Бу экологик қонунлардан «инсон – табиий муҳит» тизими учун хулосалар чиқариш керак. Экологик қонунлар асосан хилма-хилликни чеклаш қонунлари типига киради, яъни инсоннинг табиатни ўзгартириш фаолиятига чеклашлар қўяди. Бошқа томондан экология қонунларини инсоннинг атроф-муҳит биални ўзаро муносабатларига қанчалик кўчириш мумкинлиги масаласи ҳозирга қадар аниқланмаган ва очиқ қолмоқда. Бунинг сабаби одамнинг барча турлардан фарқ қилиши билан боғлиқdir. Масалан, кўпчилик турларда популяциянинг ўсиш тезлиги улар зичлигининг кўлайиши билан камаяди; инсонда, аксинча, бу ҳолда аҳолининг ўсиши тезлашади. Демак, одамда табиатнинг айрим тартибга солувчи механизмлари мавжуд эмас.

Экология қонунларини билиш асосида улардан фойдаланишининг асосий йўналишларини ифодалайдиган кўплаб экологик принциплар ва қоидалар ишлаб чиқилган. Улардан энг муҳимларининг қисқача таърифи кўйидагилар билан характерланади:

1. Тартибга солишнинг сақланиши принципи (И.Пригожин): очиқ тизимларда энтропия (ўзгартириш) ошмайди, балки доимо нолдан катта бўлган доимий минимал ўлчамга етишга қадар камайиб боради.

2. Вант – Гофф – Аррениус термодинамиқ қоидаси: ҳароратнинг 10°C га ошиши кимёвий жараённинг 2-3 марта тезлашишига олиб келади. Шу сабабдан инсон хўжалик фаолияти таъсирида ҳароратнинг ошиши хавфли жараён ҳисобланади.

3. Эволюянинг тезлашиши қоидаси: биотизимларни ташкил этишнинг мураккаблашиш даражаси ошиши билан турлар мавжудлигининг ўртacha давомийлиги қисқаради, эволюция суръатлари эса кучаяди. Куш турларининг ўртacha яшаш давомийлиги 2 миллион йилга, сут эмизувчиларнинг турларининг қирилиб кетганлари сони уларнинг барча умумий миқдорига нисбатан кўпроқ.

4. Генетик ўта мослашиш (адаптация) принципи: организмларнинг мослашиш қобилияти азалдан уларнинг қонида бор бўлиб, улар генетик коднинг амалий жиҳатдан битмас-туғаннаслиги билан боғлиқдир.

5. Кучайиб борадиган ихтисослашиш принципи: ихтисослашиш йўлига кирган гурухлар, қоида тариқасида, бундан кейинги ривожланишда янада чуқурроқ ихтисослашиш йўлидан борадилар.

6. А.Уоллес қоидаси: шимолдан жанубга силжиган сари турлар хилма-хиллиги кўпаяди. Бунинг сабаби шундаки, шимол биоценозлари тарихан ёпроқ ва Күёшдан тушадиган энергиянинг камлиги шароитида бўладилар.

7. Биологик кучайиш қоидаси: экологик эхромнинг юқорироқ даражасига ўтганда айрим моддаларнинг тўпланиши, шу жумладан, токсик ва радиоактив моддалар, тахминан шу нисбатда (пропорция) кўпаяди.

8. Экологик такрорлаш қоидаси: экологик эхромнинг бир даражаси доирасида йўқ бўлиб кетган ёки йўқотилган турни шунга ўхшайдиган бошқаси қуйидаги схема бўйича ўрнини босади: кичиги каттасини, юқори генетик лабиль ва мутабеллари генетик камроқ лабиль ва мутабелларини алмаштиради. Зотлар майдалашади, лекин умумий биомасса миқдори кўпаяди, чунки филлар ҳеч қачон майдон бирлигидан чигирткалар ва янада майдароқ умуртқасизлар бера оладиган биомасса ва маҳсулотларни беришга қодир эмас.

9. Экологик жой (уя)ларнинг албатта тўлдирилиши қоидаси: бўши экологик жой (уя)лар доимо ва албатта табиий тўлдирилган бўлади («табиат бўшлиқقا йўл қўймайди»).

10. Биосферадаги турлар сони константилиги (ўзгармас сон, цаража миқдор) қоидаси: турларнинг ўртacha пайдо бўлиши

(туғилиши) ўлганлари сонига тенг бўлади ва биосферадаги турларнинг умумий хилма-хиллиги константа ҳисбланади. Бу қоида шаклланган биосферага хосdir.

11. Экотизимларнинг кўплиги қоидаси: рақобатли – ўзаро таъсир қилувчи экотизимларнинг кўплиги биосферанинг барқарорлигини кўллаб-куватлаш учун зарурdir.

12. Ёлғон бешикастлик (хотиржамлик) қоидаси: ўйланган лойиҳаларга тааллукли мақсадларни амалга оширишдаги дастлабки муваффақиятлар бешикастлик мухитини яратади ва ҳеч ким кутмаган салбий оқибатлар келиб чиқишини эсдан чиқаришга мажбур қиласdi.

13. Воқеаларнинг узоқлиги қоидаси: авлодлар эҳтимол тутилаётган салбий оқибатларни бартараф этишининг қандайдир тадбирларини ўйлаб чиқадилар.

14. Бир фоиз қоидаси: табиат тизимлари энергетикасининг 1% даражада ўзгариши табиат тизимларини мувозанат (квазистационар) ҳолатдан чиқаради. Бу қоида глобал тизимлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Унинг энергетикаси ўзгариши келаётган қуёш радиациясининг тахминан 0,2% даражасидан ошмаслиги керак.

15. Ўн фоиз қоидаси: экологик эхромнинг бир трофик даражасидан бошқа энергиянинг (ёки энергетикада ифодалangan моддалар) ўрта максимал 10%га ўтиши (7 дан 17 %гача) қоида тариқасида, экотизимлар учун ноқулай оқибатларга олиб келмайди.

16. «Нол» максимуми принципи: экотизимлар сукцессия (изчил боғлиқлик) ривожланишида энг кам биологик маҳсулдорликда энг кўп биомассани шакллантиришга ҳаракат қиласдилар.

17. Реди принципи: тириқлик фақат тириқдан пайдо бўлади, жонли ва жонсиз моддалар ўртасида ўтиб бўлмайдиган чегара мавжуд.

Экологияда энг мухим омиллар қаторига қуруқлика ёрутлик, ҳарорат ва сув (ёғинлар), денгизда эса ёруғлик, ҳарорат ва шўрлик киради. Организмлар яшашининг бу табиий шароитлари чекловчи ёки қулай таъсир кўрсатиши мумкин. Мухитнинг бу омиллари бир-бирларига боғлиқ бўлиб, улар биргаликда (мос ҳолда) таъсир кўрсатидилар.

Бошқа чекловчи омиллар қаторига атмосфера газлари (исгази, кислород) ва биоген тузлар, табиий мухитнинг ифлосланиши, «ойкос» («табиий истиқоматгоҳ») катталиги ва сифати, популляциялар сони ва бошқалар киради.

Табиий мухитда кичик ва домий бўлмаган миқдорда иштирок этадиган ҳаётий мухим кимёвий элементларнинг орга-

нисмларга таъсирини ҳисобга олиш экологияда мухит аҳамиятта эга. Микроэлементлар деб аталадиган бу элементларга темир, мис, рух, бор, кремний, молибден, хлор, ванадий, кобальт, йод, натрий киради. Кўпчилик микроэлементлар витаминлар каби катализаторлар сифатида таъсир кўрсатади. Организмлар нисбатан кўп миқдорда талаб қиласидиган фосфор, калий, кальций, олтингугурт, магний макроэлементлар, деб аталади.

Табиий мухитнинг ифлосланиши мухитнинг табиий, кимёвий ва биологик таърифини номақбул ўзгаришига олиб келади. Улар экотизимлар ва инсонга нокулай таъсир кўрсатади. Ифлосланишининг баҳоси – саломатлик уни тиклаш харажатлари баҳоси ҳисобланади. Ифлосланиш антропоген таъсирнинг оқибатида бўлиб, кимёлий, иссиқлик, шовқин, тарзида намоён бўлади.

Инсоннинг «Табиий истиқоматгоҳи» ҳисобланган Ер, унинг ландшафтларини сақлаш, асрар, муҳофаза қилиш энг мухим экологик вазифалар қаторига киради. Ю. Одум тавсияларига мувофиқ инсон яшаш мухитининг учдан бири (33-34 %)ни алоҳида муҳофаза қилинадиган маконларга ёки миллий ва маҳаллий парклар, қўриқчоналар, буюртмалар, яшил зоналар, табиат участкаларига айлантириш керак.

Бир одамга зарур бўлган ҳудуд, турли баҳолашларга мувофиқ, 1 дан 5 гектаргача бўлиши лозим. Ҳозирги аҳоли зичлигига бир одамга 2 гектар куруқлик ери тўғри келади. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар куруқликнинг атиги 24% ини ташкил этади. Ю. Одум маълумотларига кўра, бир одамнинг яшашини қўллаб-қувватлаш учун 0,12 га майдондан олинадиган калория етарли бўлади, лекин гўшт, мева ва кўкларнинг кўп миқдорини ўз ичига оладиган тўлақонли овқатланиш учун бир одамга 0,6 га ер майдони керак. Бундан ташқари яна 0,4 га ер турли толаларни (қофоз, ёғоч, паҳта) ишлаб чиқариш учун, яна 0,2 га йўл, аэропорт, бинолар ва бошқалар учун керак. Шунга мувофиқ «олтин миллиард» концепцияси юзага келган бўлиб, унга мувофиқ Ер шарида аҳолининг оптималь сони 1 миллиард киши ҳисобланади ва ҳозирнинг ўзида 5 миллиард одам «ортиқча» бўлиб қолади. Инсон ўз тарихида биринчи марта энг охирги чегарадаги чеклашларга дуч келди.

Чекловчи омилларни бартараф қилиш ғоят катта миқдорди маблағ, модда ва энергия сарфлашни талаб қиласиди. Ҳосилдорликни иккى марта ошириш учун ўғит, заҳарли химикатлар ва машина ёки ҳайвонлар қувватини ўн марта кўлайтириш керак.

Чекловчи омиллар қаторига популациянинг сони ҳам киради. Уларнинг камлиги ёки ортиқчалиги чекловчи таъсир кўрсатади.

Экология қонунлари, принциплари, қоидалари ва омила-ри түғрисида батафсул маълумотларини Н.Ф. Реймерс (1990, 1992, 1994 й.й.) асарларидан олиш мумкин.

3.3. Экология иқтисодиёти қонуниятлари

Табиий-экологик ресурсларни такрор ишлаб чиқариш иқти-
сиёт қонуниятлари ва экологик-иқтисодий соҳанинг инсон-
нинг (бошқа фаолият турларидан фарқ қиласиган) мустақил
фаолият тури эканлиги билан узвий боғлиқдир. Шу сабабдан
экология иқтисодиёти қонуниятлари ўз моҳиятига кўра, табиат
ва жамият ўзаро муносабатларининг экологик-иқтисодий ти-
зими сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан жамият
«Катта» Табиатнинг ажралмас таркибий қисми, табиат эса жа-
миятнинг табиий асоси ҳисобланади. Жамиятнинг табиат
 билан ўзаро таъсири яхлит Катта Табиат ичидаги содир бўладиган
жараёндир. Жамиятнинг табиатга нисбатан нисбий мустақи-
лиги жамиятда табиат қонуниятларининг таъсирини бекор
қилолмайди. Шу сабабдан ҳар қандай яхлитликнинг таркибий
қисмлари яхлитлик қонуниятларига бўйсунгани сингари жами-
ят ҳам табиатнинг умумий қонуниятларига бўйсунади.

Экология иқтисодиёти қонуниятлари жамиятнинг эколо-
гик-иқтисодий ривожланиши қонунлари тизими мажмууси бў-
либ, улар турли гуруҳдаги қонунларни ўз ичига олади. Қонуни-
ятлар эса қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) экология иқтисо-
диётининг умумий қонуниятлари; 2) экология иқтисодиётининг
хусусий қонуниятлари.

Экология иқтисодиётининг умумий қонуниятлари барча та-
рихий даврга хос бўлиб, улар экологик-иқтисодий ривожланиш-
нинг олға бориши жараёнини ифодалайди. Масалан, жамият билан
табиат ривожланишининг ўзаро мос бўлиши қонуниятлари, та-
биий-экологик ресурслардан рационал фойдаланиши ва табиат
муҳофазасининг умумий қонунияти шулар жумласига киради.

Экология иқтисодиётининг хусусий қонуниятлари конкрет мамлакатлар ва районларда намоён бўлади. Уларнинг маз-
мунни ва натижалари минтақавий экологик-иқтисодий муносабатлар,
табиат ва жамият бирлигининг минтақавий хусусиятлари билан белгиланади. Хусусий қонуниятларга табиий-эколо-
гик ресурсларнинг минтақавий ижтимоий фойдалилигини мак-
симизациялаш қонунияти, табиий-экологик ресурсларнинг кен-
гайтирилган такрор ишлаб чиқариш қонунияти киради.

«Катта» Табиат (жамиятни ҳам қўшиб) яхлит тизим ҳи-
собланади. Унинг айрим жараёнлари, ҳодисалари бир-бири билан

узвий боғлиқ ва бири бошқасини тақазо этади. Табиат ўзаро алоқа ва ўзаро таъсирда бўлган сон – саноқсиз конкрет шакларни ўз ичига олади. Табиатнинг барча даражаларида намоён бўладиган энг асосий қонунияти ушбу моддий тизим ва уни ўраб турадиган ташки шароитларнинг бирлиги қонуни ҳисобланади. Буни жамиятга нисбатан кўллаганда, жамиятнинг табиий мухит билан бирлиги қонунияти мавжудлиги аниқ бўлиб қолади ва исботланади. Шунга мувофиқ табиат билан жамият ривожланишининг ўзаро мос бўлини қонунияти намоён бўлади.

Дунёнинг моддий бирлиги, шунингдек, ўзаро таъсир кўрсатувчи ҳодисалар ва жараёнларнинг албатта мос бўлиши қонунияти ҳаракатида ҳам намоён бўлади. Ҳар қандай ҳодиса ва жараёнлар ўзгара бориб, у билан ўзаро таъсирда бўладиган бошқа ҳодисалар ва жараёнларнинг унга мос ҳолда ўзгаришини тақазо этади. Улар ўртасидаги ўзаро таъсир қанчча кучли (интенсив) бўлса, бирор ҳодиса ва жараёнлардаги ўзгаришлар улар билан ўзаро таъсирда бўладиган ҳодисалар ва жараёнларни шунча кўп даражада ўзгартиради. Ўзаро таъсирда бўладиган ҳодисалар ва жараёнларнинг албатта мос бўлиши қонунияти ҳам жамиятда, ҳам ижтимоий-табиий тизимларда ўзларининг кўплаб конкрет шаклларида намоён бўлади, яъни улар жамият билан табиатнинг ўзаро таъсиридаги барча жараёнларда содир бўлади. Ушбу қонуният табиатнинг ва унга мос ҳолда экология иқтисодиётининг умумий қонуни бўлиб, у ҳам жамиятнинг, ҳам табиатнинг ривожланишида ўз ифодасини топади. Бу қонуният жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқаларда жамият ва унинг ривожланиши мухити албатта мос бўлишининг шартлигида намоён бўлади. Бунда агар жамият ўз ривожланишининг табиий шароитиларини бузса, уни асрар қоидаларига риоя қилимаса, уларни издан чиқарса ва ўз ҳаракатларида табиий мухитга мос келишни тўхтатса, унда жамият ушбу мос бўлишни тиклашга мажбур бўлади. Акс ҳолда жамият ҳалок бўлади!

Мос бўлиш қонуни доимий ҳаракатда бўлади ва шу жараёнда таъсир кўрсатади ва бу турли даражаларда, барқарорликцининг доимий равишда бузилиши шароитларида намоён бўлади. Материя ҳаракати мутлақ бўлгани ҳолда барқарорлик, мувозанат доимо нисбий бўлади. Умумий ривожланиш нисбий мувозанатни бузиш орқали ўзига йўл очади.

Одамнинг табиатга муносабати табиатдан фаол фойдаланиш ва табиатни мухофаза қилиш бўйича меҳнат фаолияти орқали ифодаланади. Ишлаб чиқариш муносабатлари эса мулкчилик муносабатларига асосланади. Табиатга муносабат меҳнат жараёнида одамларнинг табиат билан ўзаро таъсирини

қамраб олади ва турли технологик шаклларда иштирок этади. Ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий-иқтисодий характерга эга бўлади ва ижтимоий шаклда намоён бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнида технологик ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзаро қўшилиб ва чатишиб кетади ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моҳиятини акс эттиради.

Одамлар ҳаёти ва фаолиятининг ўзига хос усули меҳнат бўлиб, у инсон томонидан маҳсус тайёрланган қуроллар билан амалга оширилади. Меҳнат туфайли Ердаги табиат ва жамият ўртасидаги айирбошлиш жараёнлари билвосита, оигли назорат қилинадиган ва тартибга солинадиган характерга эга бўлади. Щулар орқали одам меҳнат жараёнида атроф-мухит билан бевосита ўзаро таъсирда модда алмашишининг ўзгариши ва миқёсларида содир бўладиган чекловларни бартараф қиласди. Бунда айирбошлиш жараёнларининг микдор параметрлари биосфера-нинг табиий имкониятларига ва табиий экотизимларнинг сифи-мига боғлик бўлади.

Шу муносабат билан табиат ва жамият ривожланишининг ўзаро мос бўлиши қонунияти ижтимоий ривожланишининг муҳим қонунияти ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг анъанавий ва янги йўналишлари табиат билан жамият ўртасида модда айирбошлиш жараёнларини онгли бошқариш ва тартибга солишни тақазо этиши учбу қонуниятларнинг асосий моҳиятини белгилаб беради.

Табиий экологик ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг умумий қонунияти асосида диалектика қонунлари ётади ва у табиий шароит ва ресурсларнинг модда ва экологик-иқтисодий томонларини ўзида акс эттиради.

Учбу қонуниятнинг модда томонини энергиянинг сақла-ниш ва айланиш қонуни белгилаб беради. Бу ҳаракатнинг асосий ва буюк қонуни сифатида таърифланади. Ҳаракат табиатдаги барқарорликнинг энг умумий ва асосий ифодаси ҳисобланади. Шунинг учун табиат барқарорлигини диалектик тушуниш керак. У табиатнинг доимий ўз-ўзини такрор ишлаб чиқариши ва ўз-ўзини янгилашига асосланади. Табиатнинг ўз-ўзини такрор ишлаб чиқариши ва ўз-ўзини янгилаши функциясини Ернинг жонли моддалари бажаради ва улар биосферанинг компонентлари ўртасида асосий ролни ўйнайди. Дунёда доимий таъсири қиласидиган кимёвий куч йўқлиги сабабли ўзининг якуний оқибатларига кўра, умумий ҳолда олинган тирик организмларга тенг келадиган қудратли куч ҳам табиатда мавжуд эмас. Жонли моддалар куёш энергиясини тўплаб, уларни кимёвий энергияга айлантиради ва шу орқали табиатда кўп хил жонли ва жонсиз компонент-

ларни яратади. Тирик организмлар минераллар ва тоғ жинсларининг пайдо бўлишида бевосита иштирок этади ва алоҳида гео-кимёвий функцияларни – оксидлаш – тиклаш, газ, концентрация (тўплаш), емириш ва яратувчилик ва бошқаларни бажаради.

Тирик организмлар яшашининг асоси биосферада энергетик жараёнларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Сўнгти вақтда атроф табиий муҳитнинг мувозанат ҳолати, табиат билан жамият ўртасидаги айирбошлиш жараёнлари кўп жиҳатдан жаҳон индустрияси энергияси билан белгиланаётир. Куёш энергияси, гравитация кучи, тектоник кучлар, биоген энергия (фотосинтез ва хомосинтез, ҳайвонларда озукани оксидлаш ва ҳазм қилиш энергияси, биомассаларнинг кўпайини ва маҳсулдорлиги), кимёвий энергия (табиатдаги оксидлаш ва тиклаш жараёнлари) қаби энергетик омиллар геологик шкала вақти бўйича 4-5 млрд. йилда табиий муҳитни ва одам қаби биологик турни шакллантириди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг шаклланиши ва ишланиши янги омил – жаҳон индустрияси энергиясининг пайдо бўлишига олиб келди. У тарихий шкала вақти бўйича шаклланаётир ва ҳар 12-15 йилда ўз қувватини 2 марта кўпайтираётир.

Жаҳон энергетикасининг ривожланиши кўплаб табиат ресурслари истеъмоли билан биргаликда содир бўлаётир. Ҳар йили дунёда 10 млрд. тоннадан ортиқроқ шартли ёқилги ёқилмоқда, бунда унинг фойдали иш коэффициенти 33 % га тенг бўлиб, ҳавога 1 млрд. тоннадан ортиқ турли қаттиқ жисм зарралари, муаллақ юрган суюқлик, газлар, шу жумладан, кўплаб концероген моддалар чиқарилаётир. Ҳозир атмосферада чиқарилган 20 млн. тонна турли зарралар мавжуд. Сўнги 100 йилда атмосфера га 1 млн. тоннадан ортиқ кремний, 1,5 млн. тонна мишъяқ, 900 минг тонна кобальт чиқарилган. Фақат АҚШда атмосферага ҳар йили 200 млн. тонна зарарли модда чиқарилмоқда. Ҳисобларга кўра, АҚШ ўз устидаги барча кислородни ёқиб тутатган ва энергетик жараёнларни Ернинг бошқа худудларидан келаётган кислород оқими ҳисобига кўллаб-қувватлаб турибди. АҚШда дунёнинг 6 % аҳолиси яшагани ҳолда дунё табиий ресурслари нинг 40 % га яқини истеъмол қилинади ва унинг ҳиссасига сайёррамизнинг 60 % ифлосланиши тўғри келади.

Табиий муҳит ҳолатига иссиқлик ифлосланиши катта салбий таъсир кўрсатади. Инсоният ёқилгини ёқишида ҳар йили 34×10^{15} ккал иссиқликни чиқаради. Улар атроф-муҳитга тарқалиб, муҳитнинг ҳарорат режимини ва унда содир бўладиган жараёнларни кучли ўзгартиради.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва инсон ҳаёти ва фаолияти жараённида кўп миқдорда қаттиқ, суюқ, газсимон чиқиндилар

ҳосил бўлади. Улар табиатга катта емирувчи ва ифлослантирувчи таъсир кўрсатади. Фақат технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишининг мукаммал эмаслиги оқибатида ҳар йили 40 млрд. тоннага яқин табиий моддалар чиқиндилар сифатида биосферага қайта тушмоқда ва жонли моддаларнинг ҳаракат қилиш самарасини пасайтираётir.

Хозирги атроф-муҳитнинг хўжалик фаолияти таъсирида деградацияси ва емирилиши жараёнлари нуқтаи назаридан Ер саёрасининг бир қунини қўйидаги маълумотлар билан баҳолаш мумкин:

- ҳар куни атмосферага саноат ва транспорт фаолиятининг чиқиндиси сифатида 60 млн. тонна иссиқлик газлари (CO_2) чиқарилади;

- ҳар куни 55 минг гектар тропик ўрмонлари вайрон қилинади ва йўқотилади, кесиб юборилади;

- ҳар куни Дунё океани ифлосланиши оқибатида 220 минг тонна балиқ ҳалок бўлади;

- ҳар куни 220 минг гектар ер чўлга (саҳрога) айланади;

- ҳар куни 10 дан 20 тургача ҳайвонот ва ўсимлик олами вакиллари ҳалок бўлади ва йўқотилади.


Бир кунга тенг бўлган бу рақамларни 365 кунга кўпайтириб, антропоген таъсир миқёсини ҳисоблаш мумкин.

Атмосфера «иссиқхона газлари» деб аталадиган газларни (углекислий газ, метан, фреон ва бошқалар) чиқариш оқибатида хозирги вақтда шимолий ярим шарда ҳаво ҳарорати 1956-1980 йиллардагига нийбатан $0,4^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиган. Прогнозларга кўра, атмосфера ҳарорати 2020 йилда (шунга тенг бўлган чорак аср мобайнида) $2,5^{\circ}\text{ga}$, 2050 йилда $3-4^{\circ}\text{ga}$ кўтарилади. «Иссиқхона самараси» деб аталадиган бу жараён сайёра иқлимини издан чиқаради, ёғин миқдори, шамоллар йўналиши, булут қатламлари, океан оқимлари ва қутбий муз қопламларининг ҳолати ва муҳим кўрсатгичларини ўзгартиради. Оқибатда Дунё океани сатҳи кўтарилади, океан ва денгиз қирғоқларида жойлашган мамлакатлар учун хавфли сув босиш муаммолари ва бошқалар юзага келади.

Биосферадан олинаётган табиий моддалар миқёси ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши интенсивлигининг ошиб бориши кўп ҳолларда фотосинтез жараёнлари ва биогеоценозлар маҳсулдорлигининг издан чиқишига, маҳаллий ва минтақавий бўхонлар пайдо бўлишига сабаб бўлаётir.

Табиат билан жамият ўртасидаги узлуксиз модда алмашиниши биосферанинг нормал ишлашини таъминлайдиган биогеоценозларни антропоген шароитда такрор ишлаб чиқаринш

орқали амалга ошиши мумкин. Булар эса экотизимларни сунъий ва табиий тиклашни, ижтимоий ишлаб чиқаришининг экологизаторларини – ресурсларни тежовчи технологияларни, рекуперация тизимлари, тозалаш иншоотлари ва бошқаларни жадал жорий этишни талаб қиласди. Жамият билан табиат ўртасидаги модда ва энергия алманишининг умумий схемаси I-чизмада кўрсатилган.



I-чизма. Жамият ва табиат ўртасида модда алманиши

Табиат ва жамият ўртасидаги айирбошлигининг рационаллигига қўйидагилар боғлиқдир: ишлаб чиқариш ривожланишининг моддий ҳисобланган табиий ресурсларга ижтимоий эҳтиёж-

нинг таъминланиши; атроф табиий мухитнинг зарур хусусиятлари ва сифатини сақлаш ва яхшилаш ҳисобига жамиятнинг экологик эҳтиёжларини қондириш. Жамият билан табиат ўртасида рационал модда айирбосланни таъминлаш табиат қонунларини билиш ва улардан тўғри фойдаланишга асосланиши керак.

Инсон табиат қонунларини билиш асосида уларнинг характеристики ва таъсирини техника ва технологияларда моддийлаштиради ва шу асосда табиатга хос бўлган хоссалар ва қонунлар ҳар томонлама ҳисобга олинади. Инсон ақл-заковатининг табиий жараёнларга таъсири шундай даражага етдики, инсоният эндилиқда янги атроф-мухитни – ноосферани (юонча поо-акл, spheira-шар сўзларидан таркиб топган) шакллантирмоқда. В.И. Вернадский фикрича, XX асрда биосфера энг аввало инсоннинг ижтимоий меҳнатига, фаннинг ривожланиши ва илмий тушунишига асосланган ноосферага айланади. Ноосфера – инсоният ривожланишининг оптимал йўлини ташлаш ва жамиятнинг табиат биалин ўйғулигини сақлаб қолишга йўналтирилган тушунчадир.

Табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири жонли моддалар ҳолати билан белгиланади. Биосферада жонли моддаларни доимий ишлаб чиқариш жамият билан табиат ўртасидаги айирбосланни жараёнларининг зарур шарти ҳисбланади. Шу сабабдан табиий-экологик ресурслардан фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг умумий қонуниятининг экологик моддий томони айрим табиий-экологик тизимлардан ва умуман биосферада зарур миқдор ва нисбатларда тирик моддаларни ишлаб чиқариш билан характерланади. Бу шартни жаҳон индустрисининг ҳозирги миқёслирида ижтимоий ишлаб чиқаришни тегишли экологизациялаш, табиат муҳофазаси техникаси ва технологиясини қўллаш, яъни табиат муҳофазаси меҳнатини тўхтовсиз ривожлантириш асосида бажариш мумкин. Табиат муҳофазаси меҳнати табиат ҳодисаларининг табиий ҳолати билан унинг жамият учун керак бўлган ҳолати ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишининг асосий усулига айланган.

Табиат иқтисодиёт қонуниятларини бўйсундира олмагани ҳолда, уларнинг характеристики ва таъсирини маълум даражада ўзгартириши ва уларга «тузатиш» киритиши мумкин. Ушбу жараённи тушуниш учун жамият-табиат катта тизимининг икки кичик тизими структурасини билиш, уларнинг биргаликда мавжудлиги ва ривожланишининг умумийлигини аниqlashi керак. Табиат ва жамият принципиал фарқ қиласидаган турли тизимлардир. Шу билан бир қаторда бу икки кичик тизим ўртасида ўзаро алоқа ва ўзаро таъсири мавжуд. Буни 2-чизмада кўриш мумкин, икки кичик тизим алоқалари узук-узук (пунктир) чизикда кўрсатилган.

Табиат	Жамият	
Жонсиз табиат	Ишлаб чиқариш күчлари	Ишлаб чиқарни мұносабатлари
Жонли табиат		

2-чизма. Жамият-табиат қатта тизимиңнің структура схемаси.

Табиат тизимида икки кич ик тизим – жонли табиат ва жонсиз табиат – ажралып туради. Жамият тизимида ҳам икки кичик тизим – ишлаб чиқариш күчлари ва ишлаб чиқариш мұносабатлари ажратылади. Табиат билан жамият ўртасыда ишлаб чиқариш күчлари боғловчи звено ҳисобланади. У ишлаб чиқариш мұносабатлари билан тұхтосыз ұзаро таъсирда бұлып, улар инсоннинг табиат қонунлари ва күчларини әгаллашлари даражасини ифодалайды. Бир томондан, жамиятнинг ишлаб чиқариш күчлари илмий-техника тараққиеті туфайли тоборо күп даражада табиат күчларини үзларига сингдиради, шу сабабли, ижтимоий мәхнат унумдорлигининг ўсишига ижобий таъсир күрсатади. Бошқа томондан атроф-мухитта тушадиган оғирликни күпайтиради ва шу орқали мәхнат унумдорлиги даражасини пасайтиради.

Мәхнат унумдорлигининг ўсиши асосида вақтни тежаш умумий қонуни ётади. Унинг таъсири халқ ҳұжалигининг барча сохаларига тарқалади. Ижтимоий мәхнат унумдорлигига атроф-мухит ҳолати ҳам сезиларлы таъсир күрсатади. Шу сабабдан табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат мухофазаси умумий экология иқтисодиеті қонунияттегің экологик-иқтисодий томонини табиат мухофазаси мәхнати унумдорлигининг ўсиши ифодалайды. Шундай қилиб, ушбу қонуният үзіде иккита түрли қонунияттар – энергиянинг сақланиши ва айланиши (табиат қонуни) ва вақтни тежаш (иқтисодиёт қонунияти) қонунияттарининг таъсири ва ҳаракатини үзіде бирлаштиради.

Инсон учун зарур бўлган энергиянинг сақланиши ва айланиши биосферанинг асосий компоненти – жонли моддаларнинг мавжудлиги ва ҳолатига бевосита боғлиқdir. Шунинг учун табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат мухофазаси умумий қонунияттегің ўзига хос хусусиятини экологик-иқтисодий (табиат мухофазаси) соҳа белгилаб беради.

Табиатдан фойдаланишининг етакчи томони иқтисодий соҳа ҳисобланған сабабли, ушбу умумий қонунияттегің мөхиятини ҳам вақтни тежаш қонуни белгилаб беради. Энергиянинг сақланиши ва айланиши қонуни таъсирида табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат мухофазасининг умумий қону-

нияти ўз мохиятига кўра, табиат мухофазаси меҳнати унумдорлигининг ўсиши қонуниятига айланади.

Экология иқтисодиётининг хусусий қонуниятлари қўйидаги икки қонуният шаклида намоён бўлади: 1) табиий экологик ресурсларнинг миңтақавий ижтимоий фойдалилигини максимализациялаптириш қонунияти; 2) табиий-экологик ресурсларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қонунияти.

Экологик-иқтисодий аспект доимий равишда барча хусусий қонуниятларга хос бўлиб, улар у ёки бошқа иқтисодий қонунлар ёки қонунлар тизими таъсири ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмайди. Уларнинг мазмунини табиатдан фойдаланиш ва табиат мухофазаси умумий қоунуниятлари ва принциплари белгилаб беради.

Табиий экологик ресурсларнинг миңтақавий ижтимоий фойдалилигини максимализациялаш қонуниятининг намоён бўлиши ижтимоий зарур (ижтимоий мақсадга мувофиқ) меҳнат сарфи ва табиий ресурсларга ижтимоий эҳтиёж билан узвий боғлиқдир.

Табиатдан фойдаланишнинг ижтимоий фойдалилиги ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Табиатдан фойдаланишнинг ижтимоий фойдалилиги ижтимоий меҳнатни максимал имкон борича тежашга қаратилиб, жамиятнинг энергия – ресурс эҳтиёжларини максимал имкон борича қондиришда ифодаланади. Уни кўйидаги формулада ифодалани мумкин:

$$\Phi_i = C_x / C_h$$

Бунда: Φ_i - табиатдан фойдаланишнинг ижтимоий фойдалилиги, бутуннинг ҳиссаларида;

C_x – ҳозирги даражада экологик-ресурс эҳтиёжларини қондиришнинг табиатдан фойдаланишдаги ҳақиқий самарадорлиги;

C_h – энергия-ресурс эҳтиёжларини максимал даражада қондиришда табиатдан фойдаланишнинг норматив самарадорлиги.

Табиий-экологик ресурсларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қонуниятининг намоён бўлиши экологик-ресурс эҳтиёжлар билан узвий боғлиқ бўлиб, у конкрет шароитларда мамлакат ва унинг районлари нормая мавжудлигини таъминлаш учун доимий равишда хилма-хил табиат маҳсулотларини такрор ишлаб чиқаришни талаоб қиласди. Шу муносабат билан ялпи ижтимоий маҳсулотни экологик мақбул шароитларда реализация қилиш (сотини) шартлари топилиши, табиат

муҳофазаси тадбирларини ҳисобга олиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш назарияси ишлаб чиқилиши керак. Экологик мақбул кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни қўйидаги йўналишларда амалга ошириш мумкин:

1) ундирувчи (қазиб олувчи) тармоқлар ўсиш суръатлари моддий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидан паст бўлиши керак;

2) ишлаб берувчи тармоқларнинг ўсиш суръатлари хомашёдан рационал фойдаланишга боғлиқ ҳолда ундирувчи тармоқларнинг ўсиш суръатларидан юқори бўлиши керак;

3) чиқиндисиз, кам чиқиндили ишлаб чиқаришнинг, шунингдек, табиат муҳофазаси жиҳозлари тайёрлашнинг ўсиш суръатлари ифлослантирувчи тармоқларнинг ўсиш суръатларидан юқори бўлиши керак;

4) табиатни тикловчи тармоқларнинг ўсиш суръатлари ундирувчи тармоқларнинг ўсиш суръатларидан паст бўлмаслиги керак;

5) табиат муҳофазасига капитал қўйилмаларининг ўсиш суръатлари моддий ишлаб чиқаришга капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръатларидан юқори бўлиши керак.

Ушбу шартларга амал қилиш мамлакат ва унинг районларининг табиатдан фойдаланишдаги экологик-иқтисодий манфаатларини тўла ҳисобга олишга имкон беради.

Табиий-экологик ресурсларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қўйидаги тадбирларни қамраб олади:

- бевосита табиатни тиклаш миқёсларини кенгайтириш (ўрмонлар барпо этиш, дарахтларни экиш, ер рекультивацияси ва бошқалар);

- табиий хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш;

- табиий хомашёдан комплекс фойдаланиш;

- атроф табиий муҳитни муҳофaza қилиш.

Ижтимоӣ маҳсулотни кенгайтирилган такрор ишалб чиқаришнинг асосан интенсив типига ўтиш маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни табиий ресурслар истеъмолини кўпайтирмасдан таъминлашга имкон беради. Табиатдан фойдаланишни интенсификациялаш бирламчи хомашёни энг мақбул йўналишда сарфлаш ҳисобига таъминланади, улардан янада юқори сифатли маҳсулот олиш заруратига, атроф табиий муҳит ифлосланишининг олдини олишга ва заарли чиқармалардан фойдали маҳсулот олиш учун фойдаланишга, табиат комплексларининг маҳсулодригини оширишга ва бошқаларга асосланади.

Табиатда фойдаланишнинг бу йўналишлари фақат фан

ва техниканинг энг сўнги ютуқларини қўллаш асосида амалга оширилиши мумкин. Кўп ҳолларда экологик муаммони келтириб чиқарган илмий-техника тараққиёти уларни ҳал этишининг ҳам энг муҳим шарти ҳисобланади. Шу сабабдан табиий-экологик ресурсларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи шарти экология иқтисодиёти нуқтаи назаридан максимал самара берадиган меҳнат воситаларини — машиналар, механизмлар, технология линияларини ва бошқаларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш ҳисобланади.

3.4. Экология иқтисодиёти принциплари

Атроф-муҳитнинг яхлитлигини сақлаш жамият томонидан унинг табиий мувозанатини қўллаб-кувватлашни талаб қилади. Бу фоят мураккаб вазифани табиий жараёнларнинг хусусиятларини билиш ва улардан шунга мос фойдаланиш асосида ҳал этиш мумкин. Жамият табиатнинг тиклаш қобилиятини таъминлаш функциясини ўзига олиши керак. Ноосфера фояси нуқтаи назаридан «жамият-табиат» тизими ҳозирча ўзининг шаклланиши босқичида турибди, уни норматив ҳолат йўналишида кўриб чиқиш мумкин.

Экология иқтисодиётининг умумий ва хусусий қонуниятларига мос ҳолда жамият уларнинг таъсири ва ҳаракатини амалга оширишнинг тегишли раҳбарий қоидаларини — принципларини ишлаб чиқади.

Табиат ва жамиятнинг оптималь мослиги қонунияти куйидаги принципларда намоён бўлади:

- жамият ва табиатнинг оптималь мослиги принципи;
- табиий муҳитнинг табиий мувозанатини қўллаб-кувватлаш принципи;
- табиатдан олингандарни тегишли тадбирлар билан компенсациялаш (ўрнини тўлдириш) принципи;
- инсон фаолиятининг экологик тозалиги принципи;
- қабул қилинадиган қарорларнинг комплекслиги ва экологик асосланиши принципи;
- ижтимоий манфаатларнинг хусусий манфаатлардан устуворлигини таъминлаш принципи.

Табиат ва жамиятнинг оптималь мослиги принципига кўра, табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири ҳақиқатан ҳам икки томонлама тенг бўлиши, ишлаб чиқариш жараённада модда ва энергия айирбошлиши эквивалент бўлиши, инсон томонидан модда ва энергиядан фойдаланиш оптималь цикли, тўхтовсиз, табиатдаги жараёнларга ўхшаш чиқиндисиз бўлиши керак. Бу

принципнинг талабларини амалга ошириш учун одат бўлиб қолган қатор тушунчалар, мезонлар, баҳолашлардан воз кечиш лозим. Бунда энг аввало инсоннинг табиий жараёнлардаги ва умуман, инсон фаолиятидаги ўрни ва ролига сифат нуқтаи назаридан бошқача қарашга ўтиш талаб қилинади. Жамоат табиатининг моддий-энергетик жараёнлари динамикасида табиатнинг яхлитлигини кўллаб-кувватлаш бўйича тегишли вазифани бажариши керак. Айнан шу функция жамиятнинг Ердаги асосий функцияси бўлиб, уни табиий жараёнларни билиш ва улардан шунга мос фойдаланиш ва муҳофаза қилиш орқали амалга ошириш мумкин.

Табиий муҳитнинг табиий мувозанатини кўллаб-кувватлаш принципи атроф-муҳитнинг яхлитлиги инсониятнинг энг муҳим табиий ресурси сифатида кўриб чиқишига, яхлитликни кўллаб-кувватлашни эса табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишининг марказий вазифаси сифатида қараб чиқишига асосланади. Шу муносабат билан табиат муҳофазасига истеъмол ёндашувида қарашга барҳам бериш ва тегишли оптимал йўналишга ўтиш талаб қилинади.

Табиатдан олинадиган нарсаларни тегишли тадбирлар билан компенсациялаш (ўрни тўлдириш) принципига кўра, асосий ресурсларнинг тугаб қолмаслигини таъминлаш мақсадида биосферада табиий ресурсларнинг мувозанати ва такрор ишлаб чиқариш механизмини кўллаб-кувватлаш, асрар ва муҳофаза қилиш талаб қилинади.

Инсон фаолиятининг тозалиги принципи ишлаб чиқариш ва маиший истеъмолнинг қўшимча маҳсулотларини тўлиқ утилизация қилишга йўналтирилган.

Қабул қилинадиган қарорларнинг коммлекслиги ва экологик асосланиши принципи инсон фаолиятининг турли жиҳатларини бир-бирига ва табиатга ўзаро боғлаш билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий аспектларидан бири узоқ муддатли қарорларнинг қисқа муддатли қарорлардан устунилигини таъминлашга қаратилган. Ҳозирги вақтда фақат келажакни прогнозлаш етарли эмас. Уни тузишда олдиндан қўйилган мақсаддага тарихан эришилган натижалар мос бўлишига эришиш лозим.

Ижтимоий манфаатларнинг хусусий манфаатлардан устуворлигини таъминлаш принципи асосидагина ҳақиқий ижтимоий тараққиётга ва доимий суръатда турмуш сифатини ошириш мақсадларини амалга ошириш мумкин. Унинг асосий мезони инсон саломатлиги бўлиб, у эса ўз навбатида соғлом ва гармоник табиий муҳит билан узвий боғлиқдир.

Табиат ресурсларидан рационал фойдаланиш ва табиат

муҳофазаси умумий қонунияти (табиат муҳофазаси меҳнати унумдорлигининг ўсиши қонунияти) экологик сиёсатда қўйидаги принципларда амалга оширилади: 1) табиатнинг устунлиги; 2) табиатни ижтимоийлаштириш; 3) ишлаб чиқаришни экологизациялаштириш.

Табиатнинг устунлиги принципи жамият ва табиатнинг диалектик бирлиги ва айни бир вақтда уларнинг сифат жиҳатдан бир-бирига қарши туриши, лекин ҳам табиат, ҳам жамият моддий дунёнинг бирлиги объектив умумий қонуни таъсирида ривожланишига асосланади. Шу сабабдан жамият ўз ривожланишининг табиий асоси ҳисобланган табиатнинг устунлигини ҳар доим ҳисобга олиши керак. Инсон ҳаёти ва фаолияти табиатдан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Одам бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий мавжудот, ҳам табиатнинг бир қисми ҳисобланади, шу сабабли у биокижтимоий мавжудот саналади. Жамият ва табиатнинг бирлиги табиат қонунлари билан белгиланади. Табиат билан алоқаларни бузмаслик учун жамият ушбу бирликни ҳар томонлама ҳисобга олиши, ўзининг табиат билан муносабатларини табиат ривожланишининг олъектив қонунларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши керак. Бошқача айтганда, табиат билан жамият ўзаро таъсирининг муҳим принципи табиатнинг устунлиги бўлиб, у жамиятнинг табиатга таъсири табиат қонунларини ҳисобга олиб, амалга оширилишини талаб қиласади. Ушбу принципга амал қилимаслик ёки уни бузиш жамиятнинг табиий асосини, демак, жамиятнинг ўзини барбод қилишга олиб келади.

Табиатнинг ижтимоийлашиши принципи табиатни умумий неъматга айлантириши тақазо этади. Бу принцип табиатдан фойдаланиш бўйича жамият манфаатларини айрим шахслар, тармоқлар, муассасалар, минтақалар ва бошқалардан устун қўяди. Табиий ресурслардан фақат жамият ва халқ манфаатларида фойдаланиш ва бунда зарур қоидалар ва нормаларга амал қилиш лозим.

Ишлаб чиқаришни экологизалаштириш принципи табиий ресурсларни кенгайтирилган такрор такрор ишлаб чиқаришни моддий ишлаб чиқаришнинг технологиясини ва ташкил этилишини такомиллаштириш, экологик соҳада меҳнат самарадорлигини ошириш асосида амалга оширишга йўналтирилган. Ижтимоий ишлаб чиқаришни экологизалаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиш мумкин:

- экологик тизимларни сақлаш ва тиклаш;

- хомашёни қазиб олишнинг прогрессив технологияларини жорий этиш;

- моддий ресурслардан рационал фойдаланиш;
- кам чиқиндили ва чиқиндисиз ишлаб чиқаришни жорий этиш ва құллаш;
- табиат муҳофазаси ҳудудларини (халқ парклари, күриқхоналар, буортмалар ва бошқаларни) көнгайтириш;
- ишлаб чиқаришни экологик мақбул жойлаштириш ва ҳудудий ташкил этиш;
- атроф табиий мұхит ифлосланишини камайтириш ва бартараф этиш.

Экология иқтисодиётининг хусусий қонуниятлари қуйидаги хусусий принциплар орқали амалга оширилади: 1) илмийлик; 2) оптималлик; 3) минтақавийлик; 4) комплекслик; 5) тұловлилик (пуллилик).

Илмийлик принципи табиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазаси ҳам табиатнинг, жамиятнинг ривожланиши қонуларини чуқур билиш, фан ва техниканинг әнг янги ютуқларига асосланиб, ҳал этишни күзде тутади.

Оптималлик принципи табиатдан әнг самарали фойдаланиши таъминлашни, табиий ресурсларни тақрор ишлаб чиқаришнинг әнг яхши вариантларини танлашни, хұжалик вазифаларини экологик-иктисодий манбаатларни ҳисобға олиб ҳал этишга йұналтирилған.

Минтақавийлик принципи маълум ҳудудларда уларнинг табиий-экологик ва ижтимоий-иктисодий шароитлари, конкрет минтақаларнинг ривожланиши истиқболарини ҳисобға олиб, табиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазасини ташкил этишга асосланади. Тармоқ табиатдан фойдаланиши минтақаларнинг табиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазаси манбаатларини ҳисобға олиши керак.

Комплекслилик принципи бирламчи табиий хомашёдан рационал фойдаланиш ва уни чуқур қайта ишлашни талаб қилаади. Ҳудудий ишлаб чиқариш комплексларининг шаклланиши ва корхоналарнинг ривожланиши чиқиндисиз ва кам чиқиндили ишлаб чиқаришга асосланиши керак.

Тұловлилик (пуллилик) принципи табиий ресурслардан фойдаланишни тұловлар асосида амалга оширишни, уларни тежашни, хұжалик юритиш шароитларини тенглаштиришни, табиатдан юқори самарада фойдаланишни рағбатлантиришга асосланади.

Қисқача хуросалар

Қонуниятлар – барқарор, мустаҳкам, кўп марта тақрорла-надиган ҳодисалар ва жараёнлар бўлиб, уларга хос ички, муҳим зарурӣ, сабаб-оқибатлар, доимий, умумий, ўзаро сифат ва миқдор алоқаларини ифодалайди. Принциплар эса қонуниятларга асосланиб, жамият томонидан амалга ошириладиган қоидаларни билдиради ва улар экологик-иқтисодий сиёсатнинг йўналишларини белгилаб беради.

Экология иқтисодиёти учун табиат (экология) ва жамият қонуниятларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Экология иқтисодиёти қонуниятлари умумий ва хусусий қонуниятларга бўлиниади. Умумий қонуниятлар барча тарихий даврларга хос бўлиб, экологик-иқтисодий ривожланишининг олға қараб боришини ифодалайди. Хусусий қонуниятлар эса маълум ижтимоий-иқтисодий даврларнинг маълум мамлакатлар ва районларда экологик иқтисодий муносабатлари ва хўжалик юритиш шаклларига тааллуқли бўлади. Қонуниятларга мос ҳолда турли принциплар ишлаб чиқилади.

Экология иқтисодиётида экологиянинг (табиатнинг) ўз-ўзини тартибга солиш ва яхлитлигини таъминловчи ўзига хос қонунлари ва уларга мос келадиган принципларининг ҳаракати ва таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш ҳаётий муҳим аҳамиятга эга. Бундай қонунлар ва принциплар кўп. Булар қаторига минимумлик, толерантлик, рақобатлик истисноси, экологиянинг асосий қонуни, энергия эҳроми, Б. Коммонернинг «экология» қонунлари, зарурӣ хилма-хиллик, эволюциянинг қайтарилмаслиги, ташкил этишнинг мураккаблашиши, биогенетик, табиий унумдорликнинг камайиши ва бошқа қонунлар киради. Принциплардан тартибга солишнинг сақланиши принципи, Вант-Гафф-Аррениус термодинамик қоидаси, эволюциянинг тезлашиши қоидаси, генетик ўта мослапиш принципи, кучайиб борадиган ихтисослашиш принципи, А. Уоллес қоидаси, биологик кучайиш қоидаси, экологик тақрорлаш қоидаси ва кўплаб бошқа принцип ва қоидаларни кўрсатиш мумкин. Экологиянинг энг муҳим омиллари қаторига қуруқликда ёргулик, ҳарорат ва сув (ёғинлар), денгизда эса ёргулик, ҳарорат, шўрлик киради. Булар чеклов омиллар ҳисобланади.

Экология иқтисодиёти қонуниятлари икки гурухга бўлиниади: 1) умумий; 2) хусусий. Умумий қонуниятларга табиат билан жамият ривожланишининг ўзаро мос бўлиши қонунияти ва табиий экологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг умумий қонунияти киради. Экология

иқтисодиётининг хусусий қонуниятлари қўйидаги икки шаклда намоён бўлади: 1) табиий экологик ресурсларнинг минтақавий ижтимоий фойдалилигини максимализациялаш қонунияти; 2) табиий экологик ресурсларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қонунияти.

Экология иқтисодиёти принциплари экология иқтисодиёти қонуниятларига мос ҳолда уларнинг таъсири ва харакатини амалга оширишнинг раҳбарий қоидалари шаклида жамият томонидан шакллантирилади. Табиат ва жамиятнинг оптимал мослиги қонунияти қўйидаги принципларда намоён бўлади: 1) табиат ва жамиятнинг оптимал мослиги; 2) табиий мухитнинг мувозанатини қўллаб-қувватлаш; 3) табиатдан олингандарни тегишли тадбирлар билан компенсациялаш; 4) инсон фаолиятининг тозалиги; 5) қабул қилинадиган қарорларнинг комплекслиги ва экологик асосланиши; 6) ижтимоий манфаатларнинг хусусий манфаатлардан устиворлигини таъминлаш. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг умумий қонунияти қўйидаги принципларда амалга оширилади: 1) табиатнинг устунлиги; 2) табиатни ижтимоийлаштириш; 3) ишлаб чиқаришни экологизациялаш. Экология иқтисодиётининг хусусий қонуниятлари қўйидаги хусусий принциплар орқали амалга оширилади:

- илмийлик;
- оптималлик;
- минтақавийлик; комплекслилик;
- тўловлилик (пуллилик).

Назорат ва мұхқомама учун саволлар

1. Экология иқтисодиёти қонуниятлари ва принциплари нима? Улар қандай намоён бўлади?
2. Экология иқтисодиёти қонуниятлари ва принциплари табиат (экология) ва жамият қонуниятлари ҳамда принциплари билан қандай алоқада бўлади? Улар бир-бирларига қандай таъсир кўрсатади?
3. Экология иқтисодиётининг умумий, хусусий қонуниятлари ва принциплари нима? Уларнинг фарқи ва ўхшашлиги хусусиятларини тушунтириб беринг.
4. Экологиянинг асосий қонунлари ва принциплари экология иқтисодиётида қандай аҳамиятга эга?
5. Экологиянинг асосий қонунлари ҳаракати ва таъсирини талқин қилинг. Улардан фойдаланиш йўналишларини таърифланг.
6. Экологиянинг асосий принциплари мазмуни ва моҳиятини тушунтиринг.
7. Экологик омиллар нима? Улар экология иқтисодиёти учун қандай аҳамиятга эга?
8. Экология иқтисодиёти қонуниятлари қандай гуруҳларга бўлинади? Гуруҳдаги қонуниятлар бир-биридан қандай фарқ қиласди?
9. Экология иқтисодиётининг умумий ва хусусий қонуниятларини таърифланг.
10. Табиат билан жамият ривожланишининг ўзаро мос бўлиши қонунияти нима?
11. Табиий-экологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг умумий қонунияти хусусиятлари нималардан иборат?
12. Экология иқтисодиётининг хусусий қонуниятларини таърифланг. Уларнинг таъсири ва ҳаракати хусусиятларини тушунтириб беринг.
13. Экология иқтисодиёти принциплари нима? Улар нимага боғлик бўлади?
14. Табиат ва жамиятнинг оптималь мослиги принциплари нималарни кўзда тутади?
15. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг умумий принциплари нима? Уларни таърифланг.
16. Экология иқтисодиётининг хусусий принциплари нима? Улар қандай принципларни қамраб олади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. - Т.: Адолат, 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. - Т., 2002.
4. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ, 1998.
5. Бобылев С.Н. Экологизация экономического развития. Учебное пособие. - М.: МГУ, 1993.
6. Гирусов Э.В., Бобылев С.Н., Новоселов А.П., Чепурнах Н.В. Экология и экономика природопользования. Учебник. 2-я изд. - М.: Единство, 2002.
7. Одум Ю. Экология. Т I и II. -М.: 1986.
8. Реймерс Н.Ф. Природопользование. Словарь-справочник. - М.: Мысль, 1990.
9. Реймерс Н.Ф. Экология (теории, законы, правила, принципы и гипотезы). - М.: Молодая Россия, 1994.
10. Реймерс Н.Ф. Надежды на выживание человечества: концептуальная экология. - М.: 1992.

ЭКОЛОГИЯ ИҚТISODIЁТИНИНГ ИҚTISODIЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

4.1. Экология иқтисодиёти иқтисодий механизмларининг мазмуни ва моҳияти

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги суръатлари табиий-экологик ресурслар муаммоларни кескинлаштириди ва шу сабабдан иқтисодиётга экологик талабларни ошириш зарурати пайдо бўлди. Шуни қайд этиш керакки, иқтисодиётнинг ўзи қуйидаги ички зиддиятларга эга: бир томондан, у қатор кескин экологик муаммоларни туғдиради, бошқа томондан эса, иқтисодиёт ривожланишининг ўзида бу зиддиятларни бартараф этиш асослари солинган. Бу зиддиятларнинг табиатини билиб олиш ушбу икки тизимнинг – ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитнинг алоқаларини тушуниб олишга имкон беради. Бунда шуни эсда тутиш керакки, «иқтисодиёт – атроф-муҳит» тизимида улардан бирорта қисмига афзалик бериб бўлмайди. Шундай ўзаро таъсир ва ўзаро алоқаларни таъминлаш керакки, бунда такрор ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлари, иқтисодий ўсиш ва халқ фаронлигини ошириш фақат атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш билангина боғланиб қолмай, балки унинг айрим компонентлари ва бутун атроф табиий муҳитнинг тўхтовсиз яхшиланиши ва ривожланишига ҳам имкон берсин.

Ҳозирги экологик вазият хўжалик муаммоларини атроф табиий муҳитнинг талаблари нуқтаи назаридан, ва, айни бир вақтда табиий муҳитни жамиятнинг иқтисодий ривожланиши талаблари нуқтаи назаридан комплекс кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Табиат муҳофазаси ва экология иқтисодиёти муаммолари сиёсат, мағкура, ижтимоий соҳа ва биринчи навбатда иқтисодиёт билан узвий боғлиқдир.

Иқтисодиёт ва экологиянинг қарама-қарши туриши – атроф табиий муҳитнинг асосий муаммоласидир. Ушбу муаммони илтари тоталитар тузум шароитида тақиқлаш асосида маъмурӣ-бўйруқбозлиқ методлари, чеклашлар, маъмурӣ ва жиноий жазолаш чоралари таъсири асосида ҳал этишга ҳаракат қилинган.

Агар маъмурӣ таъсири кўрсатиш методлари ҳокимият ва бўйсуниш муносабатларидан келиб чиқсан бўлса, иқтисодий механизм эса реал мақсадга эришишда ижрочи ва бажарувчнинг моддий манфаатдорлигига асосланади. Экология иқтисо-

диётгининг механизмлари қаторига доимий ҳаракатдаги институтлар ҳамда бозор муносабатларига ўтиш асосида пайдо бўлган янги белгилар мажмуи киради.

Доимий ҳаракатдаги институтларга қўйидагилар киради: табиий ресурслар кадастрлари, моддий-техника ва молиявий таъминлаш тадбирлари, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар, атроф табиий мухитни ифлослантирганлик учун тўловлар; кредитлаш, соликқа тортиш бўйича имтиёзлар; соликқа тортишдан озод қилиш.

Янги иқтисодий рағбатлантирувчи омилларга қўйидагилар киради: экологик суғурта, табиат муҳофазаси асосий ишлаб чиқариш фонdlари, экологик тоза маҳсулотларга рағбатлантирувчи баҳоларни жорий этиш, экологик ноқулай маҳсулотларга баҳоларни пасайтириш, экологик хизматлар банкини шакллантириш, тартибга солишининг иқтисодий механизмлари кўзга кўринадиган ўринни эгалайдиган шартнома муносабатларини, масалан, табиатдан комплекс фойдаланиш, ижара, объектларни доимий фойдаланишга бериш, табиат ёдгорликларини муҳофaza қилиш ва бошқалар бўйича шартномалар тузишини такомиллаштириш.

4.2. Табиий ресурслар кадастри

Дунё амалиётида табиий ресурслар тўғрисида табиий-иктисодий ахборотларни кадастр шаклида бериш ҳамма томонидан эътироф этилган.

Табиий ресурслар кадастри иқтисодий, экологик, ташкилий ва техник ҳудудий-адресли кўрсаткичларнинг тизимлашган тўплами бўлиб, у табиий ресурсларнинг миқдори ва сифатини, шунингдек, табиатдан фойдаланувчиларнинг таркиби ва категориясини, ресурслар ҳолатининг табиий, технологик ва иқтисодий омиллар таъсирида ўзгариши характерини таърифлайди. Бундан ташқари кадастр ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни муҳофaza қилишининг зарур тадбирлари бўйича тавсияларни ўз ичига олиши мумкин.

Мавжуд табиий ресурс кадастрлари тизими тармоқ кадастрларининг қўйидаги асосий компонентларини қамраб олади:

- табиатдан фойдаланувчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- табиий ресурсларнинг миқдор ҳисоби;
- табиий ресурслар бонитировкаси;
- табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш.

Бу тизимни шакллантиришининг асосий тамойиллари табиатдан комплекс фойдаланиш талабларини таъминлаш, табиий ресурсларни миқдор ва сифатини ҳисобга олишининг тўла-

ишончилилиги, уларни фойдаланувчилар ва худудлар бўйича таксимлаш, табиий-ресурс салоҳиятининг фактик ҳолатини баҳолаш ҳисобланади.

Кадастр маълумотлари табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш асосида ётади; улар асосида табиий ресурсларни пулли баҳолаш, уларни сотиш баҳолари, атроф-муҳитни тиклаш ва соғломлаштириш бўйича тадбирлар белгиланади.

Табиий ресурсларнинг ягона қадастри мавжуд эмас. Улар табиий ресурслар турлари бўйича берилади ва маълум иқтисодий-хуқуқий тузилмани ташкил этади.

Амалиётда табиий ресурслар кадастрининг қўйидаги турлари ўрин олган:

– ер қадастри – ернинг табиий, хўжалик ва хуқуқий ўрни тўғрисида маълумотлар тўплами бўлиб, у ердан фойдаланувчиларнинг рўйхати, ернинг миқдори ва сифати ҳисоби, тупроқ банитировкаси ва ерни иқтисодий баҳолаш маълумотларини ўз ичига олади;

– сув қадастри – сув обьектлари тўғрисида, уларнинг сув ресурслари, сув обьектларидан фойдаланиши, сувдан фойдаланувчилар тўғрисида тизимлаштирилган маълумотлар тўпламиди;

– ўрмон қадастри – ўрмон фондининг экологик, иқтисодий ва бошقا миқдор ва сифат таърифи тўғрисида тизимлаштирилган маълумотлар тўпламиди;

– фойдали қазилма конлари қадастри – ҳар бир коннинг асосий ва биргаликда ётган фойдали қазилмалари сифати ва миқдорини таърифлайдиган, уларда мавжуд компонетларни, конни ўзлаштириш шароитлари, коннинг геологик-иқтисодий баҳоланиши тўғрисида, шунингдек, фойдали қазилмаларнинг аниқланган пайдо бўлиши тўғрисидаги маълумотлар тўпламиди;

– овчилик қадастри – овчиликнинг ўёки бошقا обьектлари сифат ва миқдор таърифи, тиклаш динамикаси, овлашнинг рухсат бериладиган нормаси берилган маълумотлар тўпламиди; овчилик қадастрларига ов ва балиқ ресурслари қадастри киради.

Бундан ташқари фойдаланишининг алоҳида тартибига (режимига) эга бўлган алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар қадастри (миллий боғлар, кўриқхоналар, буюртмалар) ҳам тузилган. Ноёб ҳайвонлар ва ўсимликларнинг Қизил китоби ҳам ўзига хос қадастр бўлиб хизмат қиласи.

Кадастрлар Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат ҳисоби маълумотлари асосида тузилади. Кадастрларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

Мавжуд тармоқ ресурс кадастрлари тизимининг асосий муаммоларига қўйидагилар киради:

- турли кадастрларнинг алоҳидалиги табиий-ресурс потенциалини комплекс баҳолашни амалга оширишга имкон бермайди, демак, мавжуд тизим худудий даражада табиатдан фойдаланишини бошқаришни таъминлай олмайди;

- ўсимлик ва ҳайвонот олами ресурслари кадастри, рекреация ва қўриқланадиган худудлар кадастри жиддий ишланмаларни амалга оширишни талаб қиласди;

- тармоқ кадастрларининг мазмуни, кўрсаткичлари доирасини таққослаб бўлмаслик, конкрет ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг мавжуд эмаслиги.

Кадастр ҳисобининг янги элементи – табиий ресурсларнинг комплекс худудий кадастри (ТРКХК) кўрсатилган камчиликларни тузатишга имкон беради. Бундан ташқари ТРКХК қўшимча маълумотлар тизими қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- табиий ресурслар ва умуман табиий ресурс потенциалининг ҳуқуқий режими тўғрисида;

- табиий ресурсларнинг мулкчилик, фойдаланувчилар ва ижарачилар, табиий-ресурс потенциали таркиби, унинг миқдор ва сифат таърифи (табиий ресурсларнинг қийматини ҳам қўшиб) бўйича тақсимланиши тўғрисида.

ТРКХКда табиий ресурс потенциалини миқдорий баҳолаш алоҳида ўринни эгаллайди, чунки ҳар қандай худуднинг табиий ресурс потенциали улар иқтисодий ривожланишининг асоси ҳисобланади, жорий ва узоқ муддатли ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва экологик қийинчиликлардан чиқишига имкон беради.

ТРКХКнинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқарув органдарини минақалар табиатидан рационал фойдаланиш ва табиий-ресурс потенциалини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборотлар ва назорат воситалари билан таъминлашдан иборат.

ТРКХК табиий-кадастр ахборотларини йиғиши, ҳисобга олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва етказиб беришни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, ТРКХКни қўйидаги икки аспектда кўриб чиқиши мумкин:

- 1) конкрет худудий-маъмурий бирликнинг табиий-ресурс потенциали тўғрисидаги худудий ташкил этилган маълумотлари банки сифатида;

- 2) табиатдан фойдаланишини бошқариш соҳасида ушбу маълумотларни таққослаш ва конкрет қарорларни қабул қилишини асослаб беришнинг автоматлаштирилган тизими сифатида.

ТРҚҲҚ ишлаб чиқарувчи корхоналарга ушбу ҳудудда табиий ресурслардан назарда тутилган фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хўжалик қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни олишга имкон беради.

Кадастрлар тизимини барпо этиш табиий ресурсларни хўжалик эксплуатацияси ва муҳофаза қилишни бошқаришни та-комиллаштириш ишининг фундаментал муаммоси ҳисобланади. Шу сабабдан бозор муносабатларига ўтиш шароитида табиий ресурсларни бошқариш қулай ва тўпланган шаклда бериладиган мукаммал ва комплекс ахборот мавжудлиги шароитида амалга ошиши мумкин.

4.3. Табиат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш. Экологик жамғармалар. Экология сұгуртаси

Атроф табиий муҳитни муҳофaza қилиш бўйича тадбирларни молиялашнинг асосий маңбаи Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар, туманлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларининг бюджетлари ҳисобланади. Шунингдек, уларга республика ва ҳудудий экологик фондлар, корхоналарнинг хусусий маблағлари киради.

Мамлакатнинг бюджет тизимида табиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазаси соҳалари фаол роль ўйнай бошладилар. Барча дараҷадаги бюджетларнинг даромад қисмига табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни ифлостирганлик учун тегишли солиқлар, тўловлар ва ажратмалар ўтказилади. Даромад қисмида тўпланган маблағлар республика қонун хужжатлари талабларига мувофиқ табиат муҳофазаси фаолиятини мақсадли молиялашга йўналтирилиши керак.

Экологик жамғармалар (табиатни муҳофaza қилиш жамғармалари) табиатни муҳофaza қилиш фаолиятининг турли турларини маблағ билан (пул билан) ишончли таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари хузурида ташкил этилади. Шунга мувофиқ экологик фонднинг республика жамғармаси ва маҳаллий жамғармалари, атроф-муҳит сұгурта жамғармалари, корхоналарнинг экологик жамғармалари таркиб топади.

Экологик жамғармаларни таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланадиган «Табиатни муҳофaza қилиш жамғармалари тўғрисидаги низом»да белгилаб қўйилади.

Экологик жамоат жамғармалари ҳам табиатдан фойдаланиши тартибга солишнинг иқтисодий механизмининг ажрал-

мас таркибий қисми бўлиб, улар аҳолининг, корхоналар, муассасалар бадаллари ва бошқа манбалар ҳисобидан, шунингдек, чет эл юридик шахслари ва фуқароларнинг ажратмалари ҳисобидан ҳосил бўлади. Жамоат жамғармаларини ташкил этиш ва сарфлаш тартиби тегишли жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланадиган «Табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари тўғрисида»ги низомлар билан белгилаб қўйилади.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари ҳузурида ташкил этиладиган экологик жамғармалар қўйидаги йўналишлар учун молиялаш ва кредитлашнинг қўшимча манбаи бўлиб хизмат қиласди:

- табиат муҳофазаси мақсадидаги объектларни қуриш, техник қайта жиҳозлаш, реконструкциялаш ва капитал таъмирлаш, шу жумладан, шаҳар тозалаш қурилмалари, канализация ва бошқа ҳудудий йўналишдаги табиат муҳофазаси тадбирлари;

- автоматлаштирилган мониторинг тизимларини барпо этиш ва такомиллаштириш ва улар учун техник воситалар назоратини амалга ошириш учун приборларни, жиҳозлар ва техникани ишлаб чиқиш, сотиб олиш ва изярага олиш;

- маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг моддий-техника базаларини ривожлантириш (машиналар, приборлар, ҳисоблаш техникаси ва бошқаларни сотиб олиш);

- экологик ахборот ва ҳудудлар бўйича ахборотларни йириш, тўплаш, сақлаш, тартибга солиш ва қайта ишлашнинг маҳаллий ахборот тизимларини барпо этиш;

- қўриқхоналар, буюргамалар, миллий паркларни барпо этиш ва ривожлантириш ва табиат ёдгорликларини сақлаш;

- ресурс тежовчи ва табиат муҳофазаси техника ва технологиясининг турларини яратиш бўйича илмий ва амалий ишлар;

- ҳудудларни ва экологик хизматлар бозорини ривожлантиришни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари;

- объектлар экологик экспертизасини ўтказиш ишлари;

- экологик муаммоларни ҳал этиш мақсадларида корхоналар барпо этиш;

- аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, хўжалик фаолияти таъсирида бузилган айрим табиий экотизимларни тиклаш, асрар, такрор ишлаб чиқиш бўйича тадбирларни ўтказиш;

- экология ва табиатдан фойдаланиш бўйича экологик таълим ва тарбияни, экологик билимларнинг тарғиботини, нашриёт фаолиятини ташкил этиш.

Корхоналарнинг экологик жамғармалари келажак истиқболда кўплаб ташкил этилиши лозим. Улар фойдадан чегирмалар ва бошқа тушумлардан шаклланади. Бу жамғармаларга аж-

ратиладиган фойда солиққа тортилмайды. Экологик жамғармаларнинг маблағларини атмосферага чиқармаларнинг белгиланган стандартларга мөс бўлишига хизмат қиласидиган табиат муҳофазаси тадбирларини амалга оширишга сарфлаш керак.

Корхоналарнинг экологик жамғармаларини ташкил этиш учун даставвал имтиёзли солиққа тортиш, табиат муҳофазаси бўйича лойиҳаларни имтиёзли кредитлаш ва субсидия (ёрдамга бериладиган пул) бериш, табиат муҳофазаси асосий фондларининг тезлаштирилган амортизациясини қўшиб оладиган табиат муҳофазаси фаолиятини иқтисодий рағбатлантириш тизимини жорий этиш керак.

Солиқ имтиёзлари тизими қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- табиат муҳофазаси тадбирларини амалга оширишда солиққа тортилайдиган фойдани камайтириш;
- табиат муҳофазаси жиҳозлари, материаллари ва реагентларини, экологик мониторинг учун приборлар ва жиҳозларни ишлаб чиқарадиган корхоналар учун, шунингдек, экологик характердаги ишлаб чиқариш хизматлари кўрсатадиган корхоналар учун (шаҳар сув тозалаш қурилмалари эксплуатацияси, маиший чиқиндиларни тўплаш, утилизация қилиш ва кўмиш, табиат муҳофазаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ва бошқалар) солиқ имтиёзлари бериш.

Имтиёзли солиққа тортиш учун қўйидагиларни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ:

- солиққа тортилайдиган даромад суммаларини камайтириш;
- солиқларни тўғридан-тўғри камайтириш (имтиёзли солиққа тортиш тизими бўйича дифференциялашган коэффициентлардан фойдаланиш);
- айрим турдаги харажатларни ялпи даромаддан чиқариш;
- солиқ кредитлари кичик тизимидан тегишли фойдаланиш.

Солиққа тортиш тизимини тартибга соладиган экологик мезонларга қўйидагилар киради:

- ресурслардан фойдаланиш ва ресурсларни тежаш фактик даражасининг минтақавий норматив чегараларига мөс келиши меъёри (даражаси);
- атроф табиий муҳитга норматив оғирликлар (юкламалар);
- халқ хўжалиги тузилмасини экологик асосларда қайта қуришнинг зарур суръатлари;
- тадбирларнинг экологик-иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олиб баҳоланадиган табиат муҳофазаси тадбирларига асосий капитал қўйилмаларнинг даражаси;
- ҳудудларнинг табиат муҳофазаси қиймати.

Экологик имтиёзлар корхоналарнинг тури, катталиги, ривожланишининг йўналиши, ҳудудларга техноген юкламалар лимити билан боғлиқ ҳолда якуний маҳсулотнинг характеристига боғлиқ ҳолда берилади.

Бюджет даромадларининг имтиёзли солиқларни жорий этиш ҳисобига йўқотишлар – экологик хавфли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ёки экологик хавфли технология ёки жиҳозларни қўллаётган корхоналарнинг маҳсулотларини қўшимча солиқقا тортишдан келадиган тушумлар ҳисобига қоплаш (компенсациялаш) мумкин.

Шунингдек, имтиёзли солиқقا тортишни юқори экологик кескинлик ҳудудларига ҳам қўллаш керак.

Экология суғуртаси Ўзбекистон Республикаси қонунлари га кўра мамлакат ҳудудларида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар этиш ҳолларини назарда тутиб, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурта қилинади («Табиат муҳофазаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (1992), 36-модда).

Экология суғуртасининг мақсади атроф-муҳитнинг кутилмаган ва олдиндан мўлжалланмаган емирилиши, ифлосланишидан учинчи шахсларнинг мулкий манфаатларини суғурта ҳимоясига олишдан иборат.

Бунда мамлакат ҳудудида ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар суғурталанувчилар ҳисобланади. Одатда, бу корхоналар авария вазияти ёки ҳалокатлари пайдо бўлиши учун объектив потенциал хавф ҳисобланади (кимёвий корхоналар, атом реакторлари, нефть, газ қувурлари, транспорт). Суғурта ихтиёрий ҳисобланади. Шунинг учун суғурталанувчилар давлат суғурта компаниилари билан шартнома тузадилар ва унда шартноманинг суғурта баҳоси, суғурта тўловлари, тўлашнинг тартиби ва шартлари белгиланади. Ихтиёрий экологик суғуртада суғурта баҳолаш – бу корхонанинг йиллик обороти размери, яъни маҳсулотни сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинган даромад ҳисобланади.

Суғурта тўловлари корхонанинг йиллик оборотидан фоизларда белгиланадиган тариф ставкаси бўйича тўланади.

Экология суғуртасининг суғурта ҳодисаси (воқеаси) авария натижасида табиий муҳитга тұсатдан, кутилмаган зарар етказиш оқибатида атмосферага кутилмаган ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, тупроқни ифлослантириш, оқава сувларни чиқаришни билдиради.

Суғурта ҳодисаси содир бўлишининг зарур шарти (демак, суғурта ҳақи тўлашнинг ҳам) қўйидаги икки омил ҳисобланади:

1) тўсатдан рўй бериш (кутилмаганда), яъни ҳодиса содир бўлгунга қадар ҳимоя чораларини қўллаш имкониятларидан маҳрум бўлиш;

2) бехосдан содир бўлиш, қасдан қилинмаганлик, яъни ифлослантирувчи корхона томонидан атайин қилинмаганлик.

Бу шартларнинг йўқлиги (масалан, корхона авария содир бўлиши имконияти борлиги тўғрисида бир неча марта огоҳлантирилган ёки авариянинг потенциал хавфини билиб, уни барта-раф этишда сусткашлиқ қилган, ўзига ортиқ даражада ишонган) суғурта тўлаш ҳуқуқидан маҳрум қиласди.

Суғурта тўловлари суғуртаси (суғурта эгаларига) тузилган шартномада кўрсатилган миқдорда тўланади. Ў бир неча кўрсаткичларни ўз ичига олади:

- зарарни қоплаш (компенсация);
- яшаш шароити ва атроф-муҳитнинг ёмонлашувидан олинган зарарни тўлаш;
- ҳудудларни тозалаш бўйича, одамлар ҳаёти ва мулкини қутқариб қолиш бўйича харажатлар компенсацияси.

Экология суғуртаси қўйидаги турларга бўлинади: шахсий, мулкий, экологик масъулият (жавобгарлик) (З-чизмага қаранг).



З-чизма. Экология суғуртаси бўйича тўловларнинг тури, шакллари ва манбалари

Шахсий ва мулкий сұғурта фуқаролар учун аҳамиятта эга, экологик масъулият сұғуртасида фуқаролар иштирок әтмайды, лекин у ҳам оқибатда уларнинг манфаатлариға дахлдор бўлади, чунки экологик зарарни қоплашга қўшимча молиявий кафолат яратади.

Учинчи шахслар олдидағи сұғурта масъулиятига қўйидагилар киради:

– учинчи шахслар олдида умумий фуқаролик масъулияты сұғуртаси, у юридик шахслар ва фуқаролар мулкига етказилган зиён учун зарарни қоплашни, шунингдек, авариялар ва ҳалокатлар оқибатида аҳоли ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарни қоплашни кўзда тутади;

– атроф табиий муҳитга етказилган зарар учун масъулият сұғуртаси (экология сұғуртасининг ўзи) – потенциал хавфли обьектларнинг әгаларини сұғурталаш бўлиб, у технологик авариялар ва ҳалокатлар билан боғлиқ бўлган учинчи шахсларга етказилган зиённи қоплаш зарурати билан асосланади; бу сұғурталаш оғатлар таъсиридан мулкий зиённи, ифлосланишининг оқибатларини қоплашни назарда тутади.

Корхоналар атроф-муҳитни авария, ифлослантиришнинг иқтисодий зиёни (зарари) ўлчамига асосланиб, қўйидаги учта гурухга бўлинади:

1) ўта хавфли – «А» гурухи (авариялар эҳтимоли 0,09 даражадаги корхоналар) мажбурий сұғурталаниши керак;

2) хавфли – «Б» гурухи (авариялар эҳтимоли 0,085 дарожадаги корхоналар) – мажбурий сұғурталаш бўйича қарорни минтақа табиат муҳофазаси органлари қабул қиласди;

3) кам хавфли – «В» гурухи (авариялар эҳтимоли 0,059) – корхоналар экологик авариялар хавф-хатарини ўzlari ихтиёрий сұғурталайдилар.

4.4. Табиий-экологик ресурсларга тўловлар

Табиий-экологик ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар бозор ислоҳотлари асосида ўтказилаётган табиий-ресурс муносабатларини қайта ўзгартиришнинг тўғридан-тўғри оқибатидир. Шундай тўловларни ўрнатиш тоталитар тузум даврида хукмрон бўлган ерга ва бошқа табиий ресурсларга ягона давлат монополиясининг бекор қилиниши ва ер ҳамда бошқа ресурсларнинг сотиши – сотиб олиш ва фуқаролик-хуқуқий битишув (келишув) обьектига айланиши туфайли мумкин бўлиб қолди. Табиий ресурслардан фойдаланиш учун тўловларни ўрнатишида қўйидаги вазифалар қўйилди:

1. Ишлаб чиқарувчиларнинг табиий ресурслар ва ердан самарали фойдаланишга манфаатдорлигини ошириш;
2. Моддий ресурсларни сақлаш ва такрор ишлаб чиқаришга манфаатдорлигини ошириш;
3. Табиий ресурсларни тиклаш ва такрор ишлаб чиқаришга қўшимча маблағлар олиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиат муҳофазаси тўғрисида»ги қонунининг (1992 йил) 34-моддасида асосан икки турдаги тўловлар белгиланган: ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ва атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларга қўйидагилар киради: ресурслардан фойдаланиш хуқуқи учун тўловлар; табиий ресурслардан лимитдан юқори ва норационал фойдаланганлик учун тўламоқ; табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва муҳофаза қилишга тўловлар.

1. Ер учун тўловлар уч шаклда амалга оширилади: ер солиғи; ижара ҳақи; ернинг норматив баҳоси.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга солиқ ставкалари (нормаси) тупроқ таркиби, майдонлар сифати ва майдонларнинг жойлашган ўрнини ҳисобга олиб белгиланади. Ижарага ер берувчилар маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобланади. Ернинг норматив баҳоси потенциал даромадларнинг ҳисобланган муддатларда чиқимни қоплай олишини ҳисобга олиб, маълум сифатга ва жойлашган ўрнига эга бўлган ер участкасининг қимматини таърифлайди. Ернинг норматив баҳоси ерни мулкчиликка текин беришда, ерга умумий мулкчиликни белгилашда, ерни меросга беришда, ҳадя қилишда, ер участкасини гаровга қўйиб, банк кредити олишда қўлланилади. Норматив баҳолашдан ташқари (чекланган ҳажмда) ернинг шартнома баҳоси (сотиш-сотиб олиш), конкурс (конкурс бўйича сотишда) ва аукцион (аукционда сотишда) баҳолари ҳам мавжуд.

2. Ер ости бойликларидан фойдаланиш учун тўловлар уч шаклга эга: фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш хуқуқи учун; уларни қазиб олиш; ер ости бойликларини фойдали хомашёларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган бозиқа мақсадларда фойдаланиш учун. Чиқиндиларни кўмиш ва жойлаштирганлик учун ҳам тўловлар мавжуд.

3. Сув обьектларидан фойдаланганлик учун тўловлар. Икки шаклдаги тўловлар мавжуд: 1) сув обьектларидан фойдаланганлик учун; 2) сув обьектларини тиклаш ва уларни муҳофаза қилиш учун.

Сувдан фойдаланиш хуқуқи учун тўловлар сувдан фойдаланиш муддатлари давомида истеъмолчилар томонидан доимий

тўлаш шаклида топширилади (тўланади). Тўлов тартиби ва миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Сув объектларини тиклаш ва муҳофаза қилишга тўловлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига (1993 йил) мунофиқ белгиланади. Тўловлар сувдан фойдаланувчилардан учирилади.

4. Ўсимлик ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар «Ўсимлик оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун, хукумат қарорлари, Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг норматив ҳужжатлари билан белгиланади. Бундай тўловларга қўйидагилар киради: тайёрловчи-ларнинг доривор ўсимликлар ва хомашёни териб олиш учун тўловлари; мева, резавор меваларни териб олиш; техник хомашёни тайёрлаш.

5. Ҳайвонот олами ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар ҳайвонот оламидан ҳайвонларни овлаш ва уларнинг маҳсулотларидан фойдаланиш тарзида фойдаланишининг хилма-хил тўловлари кўринишида амалга оширилади. Тўловларнинг бошқа шакли овчилик ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўловлар ҳисобланади. Ҳайвонот оламидан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўловлар, ов ва балиқ овлашни ҳам қўшиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6. Атроф табиий мухитни ифлослантирганлик ва атроф табиий мухитга бошқача тарзда заарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундириш табиий ресурслардан фойдаланишининг пул тўлаш турларидан бири ҳисобланади. Унинг моҳияти учта маънога эга: компенсация (бадал), рафбатлантирувчи, экологик.

Биринчидан, ифлослантирганлик учун тўловлар табиий мухитга, инсон саломатлигига, моддий қийматларга етказилган заар компенсациясига йўналтирилган. Ҳуқуқбузарлик факти бўйича белгиланадиган тўловлар юридик фарқ қилиб, ифлослантирганлик учун тўлов мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъектнинг айбига қарамасдан, ваколатли давлат органлари ҳал қилган ҳаққоний фактлар бўйича юзага келади.

Иккинчидан, белгиланган тўловлар ифлослантирувчи корхонанинг даромадларидан ёки маҳсулоти таннархидан албатта ундирилади, ва, шу асосда у ифлослантирувчи, заарли моддаларни атроф табиий мухитга чиқаришни, оқизиш ва жойлаштиришни камайтиришни рафбатлантириши керак. Булар хўжалик фаолиятини экологизациялашнинг асосий қалити бўлиб, улардан фойдаланиб атроф-табиий мухит муҳофазасини иқтисодий фойдали ишга айлантириш мумкин. Бу тадбирлар бошқа то-

мондан табиатнинг ўз-ўзини такрор ишлаб чиқариш ва бошқариш потенциалининг тикланишига ва табиий функциялар мувозанатини таъминлашга хизмат қиласида шу асосда катта экологик-иктисодий фойда беради.

Учинчидан, ифлостирганлик учун тўловлар бюджетдан ташқари экологик фондларни шакллантириш ва тўлдиришининг асосий манбай ҳисобланиб, уларнинг маблагларидан атроф табиий муҳитни соғломлаштириш ва муҳофаза қилишда фойдаланилади. Тўловларнинг экологик-иктисодий аҳамияти шуларда намоён бўлади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ифлослантирганлик учун уч турдаги тўловлар белгиланган: 1) заарли моддаларни белгиланган лимитлар доирасида чиқарганлик, оқизганлик учун тўловлар; 2) заарли моддаларни белгиланган нормалардан ортиқ микдорда ёки ваколатли органларнинг рухсатисисиз чиқарганлик ва оқизганлик учун тўловлар; 3) чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловлар.

Тўловларни белгилаш тартиби уч босқичдан таркиб топади: асосий (база) норматив тўловларни белгилаш; дифференцияланган ставкаларни белгилаш; ифлослантирувчилар учун тўловларнинг конкрет размерини (микдорини) белгилаш.

Асосий (база) нормативлари ифлослантирувчиларнинг ҳар бир тури бўйича ёки заарли таъсирнинг тури бўйича (шовқин, электромагнит нурланиши) уларнинг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги учун хавфлилиги даражасини ҳисобга олиб белгиланади. Нормативлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарлигига тегишли вазирликлар ва ташкилотлар иштирокида ишлаб чиқилади.

Асосий нормативлар икки турда берилади: белгиланган нормативлар бўйича заарли моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун; белгиланган нормативлардан юқори, лекин белгиланган нормативлар бўйича ёки вақтинча келишилган оқизишлар учун.

Дифференцияланган нормативлар Табиат муҳофазаси давлат қўмитаси томонидан асосий нормативлар асосида ҳисобланади, лекин уларга тегишли минтақаларнинг экологик вазияти ва экологик омиллари хусусиятларига мувофиқ келадиган ўзгаришлар киритилади. Сўнгги вазият ва омилларга худудларнинг табиий-экологик шароити, ижтимоий-иктисодий хусусиятлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий объектларнинг аҳамияти киради. Конкрет минтақалар, районлар, дарё ҳавзалари учун тўловларнинг дифференцияланган ставкалари, уларнинг (минтақаларнинг) экологик хусусиятларини акс эт-

тирувчи коэффициентларини базавий (асосий) ставка тўловла-
рига қўнайтириш билан аниқланади.

Ифлослантирганлик учун ифлослантирувчи корхоналарга
тўловларнинг конкрет размери тегишили ваколатли органлар
томонидан белгиланади.

Ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик ва чиқинди-
ларни жойлаштирганлик учун тўловлар маҳсулот таниархи
ҳисобига, ифлослантирганлик лимитларидан ортиғи учун тўлов-
лар ифлослантирувчи корхона ихтиёрида қоладиган фойда ҳи-
собига ундирилади.

Ифлослантирганлик учун тўловлар солиқ характеристига эга.
Агар ифлослантирувчи корхонанинг ўзида қолаётган фойда
микдори унинг ифлослантирганлик учун тўловларига баравар
ёки ундан ортиқ бўлса, ваколатли органлар ушбу хўжалик юри-
тувчи субъектнинг фаолиятини тўхтатиш ёки маълум вақтга
тўхтатиш масаласини қўйишлари мумкин.

4.5. Атроф-мухит ифлосланишининг иқтисодий зиён етказишини аниқлаш методикаси

Атроф-мухнита иқтисодий зиён етказиш деганда халқ хў-
жалигига ифлосланиш зарар етказишининг қиймат шаклида
ифодаланган фактик ва эҳтимол тутилаётган зарар кўриши ёки
ушбу зарар кўришининг компенсациясига сарфланадиган қўшим-
ча харажатлар тушунилади. Ҳозирги вақтда атроф-мухит иф-
лосланишининг икки методи ишлаб чиқилган: 1) тўғри счёт
(ҳисоблаш) методи; 2) эмпирик йириклаштирилган (яхлит-
лашган) счёт (ҳисоблаш) методи.

Ифлосланишдан И (сўм/йил) йиллик иқтисодий зиён қуй-
идаги формула бўйича аниқланади:

$$I = I_{\text{атм}} * v * M_{\text{н}} \quad (1)$$

Бунда: И — ифлосланиш;

$I_{\text{атм}}$ — атроф-мухит ифлосланишидан чиқарилган зарарли
моддаларнинг бирлигига зиён солиштирмаси (сўм/тонна);

в — маҳсулот бирлигига чиқарилган зарарли моддалар-
нинг вазни (массаси), т/т; $M_{\text{н}}$ — йиллик маҳсулот ишлаб чиқа-
риш, т/йил.

Иқтисодий зиён қуйидаги формулада ҳисбланиши мум-
кин:

$$I_{\text{ч}} = I_{\text{атм}} * a + I_{\text{сув}} * b + I_{\text{еп}} * v + I_{\text{ф}} * \Pi \quad (2)$$

Бунда: $I_{\text{ч}} -$ айрим манбалардан ёки умуман корхоналардан табиий муҳитга тушадиган барча турдаги чиқармалар масаси (вазни) нинг иқтисодий зиёни, сўм/йил;

$I_{\text{атм}}$ – атмосфера ҳавосига чиқармалар етказадиган иқтисодий зиён, сўм/йил;

$I_{\text{сув}}$ – сув манбаларига йиллик ифлослантирувчи моддаларни оқизишнинг етказадиган иқтисодий зиёни, сўм/йил;

$I_{\text{ср}}$ – ер ресурсларининг йиллик бузилиши ва ифлосланишининг етказадиган иқтисодий зиёни, сўм/йил;

I_{ϕ} – фойдали қазилмалар (ер ости бойликлари) нинг йиллик бузилиши ва ифлосланишининг етказадиган иқтисодий зиёни, сўм/йил; а, в, п – тузатиши коэффициентлари; йириклиштирилган счёт (ҳисоблаш) усулининг ишончлилиги даражасини тузатиши коэффициентлари йириклиштирилган счёт (ҳисоблаш) методи билан аниқланган зиён кўрсаткичлари ва тўғри счёт (ҳисоблаш) усули билан аниқланган зиён кўрсаткичлари ўртасидаги нисбат сифатида аниқланади.

Ҳар қандай манба учун атмосфера ҳавосининг ифлослантирувчи моддаларни чиқариши етказадиган иқтисодий зиёни йириклиштирилган счёт (ҳисоблаш) усули билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_{\text{атм}} = K * \chi * f * M \quad (3)$$

Бунда: K – константа (ўзгармас сон, доимий миқдор), унинг миқдорий аҳамияти баҳонинг ошишига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин, сўм/шартли тонна;

χ – худудлар типига боғлиқ бўлган нисбий ҳавф-хатар коэффициенти ва улар курорт ва қуриқхоналар учун 10, шаҳар атрофи зоналари ва дам олиш зоналари учун 8, ўрмонлар учун 0,2-0,0025, ҳайдалган ерлар учун – 0,25, боғлар учун 0,5 – коэффициентга тенг;

f – атмосферада аралашмаларнинг тарқалиши характеристикини ҳисобга оладиган размерсиз коэффициент. Унинг ўлчами зарраларнинг чўкиш тезлигига, уларнинг ердан қанча баландликда чиқарилишига, газларнинг ҳароратига боғлиқ. Масалан, 1-20 см/сек тезликда чўкаётган зарралар учун ушбу коэффициент 0,89-1 ўртасида бўлади, 1 см/секдан камроқ тезликда чўқадиган зарралар учун – 1-0,08га тенг. M – манбалардан йиллик чиқарилаётган чиқармаларнинг бир-бирига мувофиқлаштирилган (келтирилган) массаси.

Атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддаларнинг бир-бирига мувофиқлаштирилган (келтирилган) массаси ўлчами қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M = \sum_{i=1}^c \Phi_i * m \quad (4)$$

Бунда: c — ифлослантирувчиларнинг умумий сони;

Φ_i — i турдаги аралашманинг нисбий фаоллигининг размерсиз күрсаткичи; улар углерод окиси учун 1га тенг, олтингугурт ангириди учун — 22, сероводород учун — 54,8, фтор буфлари учун — 980, кокс ва агломерация чанглари учун — 100 ва бошқалар;

m_i — атмосферага йиллик i турдаги заарли чиқармаларнинг массаси, т/йил.

Сув объектларига оқизилган ифлослантирувчи моддаларнинг йиллик иқтисодий зиёни йириклиштирилган счёт (ҳисобланаш) усули билан қуйидаги формула бўйича баҳоланади:

$$I_{\text{сув}} = K * \chi_k * M \quad (5)$$

Бунда: K — константа, унинг микдорий аҳамияти сўм/шартли тонна билан ифодаланади; χ_k — турли сув хўжалиги учатсалари учун ҳар хил бўлган коэффициент;

M ўлчами қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$M = \sum_{i=1}^c x_i^1 * m_i \quad (6)$$

Бунда: x_i^1 — оқаваларнинг нисбий хавфлилиги күрсаткичи;

m_i — йиллик i оқаваларнинг массаси, т/йил;

x_i^1 — ўлчами күрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$x_i^1 = \frac{1 \text{т/}^3}{P\mathcal{E}M b/x_i}, \quad (7)$$

Бунда: $P\mathcal{E}M b/x_i$ — балиқчилик хўжалиги мақсадлари учун фойдаланилган сув объектлари сувида рухсат этилган мөъёр ($P\mathcal{E}M$) бўйича i моддаси концентрацияси, г/м³. x_i^1 күрсаткичи ўлчами муаллақ сузуб юрувчи моддалар учун 0,33, нефть маҳсулотлари учун — 20, мис учун — 100 ва бошқаларни ташкил этади.

Ер ресурсларининг деградацияси (бузилиции) оқибатида иқтисодий зиён йириклиштирилган счёт (ҳисобланаш) усули билан қуйидаги формула ёрдамида баҳоланади:

$$I_{\text{еп}} = (I_{\text{атм}} + I_{\text{сув}} + I_o) * B_{\text{еп}}, \quad (8)$$

Бунда: $I_{\text{атм}} =$ ернинг бузилини оқибатида атмосферанинг ифлосланиши зиёни, сўм (га. йил); $I_{\text{сув}} =$ ернинг бузилиши оқибатида сув ҳавзаларининг ифлосланиши зиёни, сўм/(га. йил); $I_{\text{а}} =$ ернинг олиб қўйилиши оқибатидаги зиёnlар, сўм (га. йил); $B_{\text{ср}} =$ бузилган ерлар майдони, га.

Бу формулага кирадиган кўрсаткичлар қўйидаги боғлиқликлар бўйича ҳисобланади:

$$I_{\text{атм}} = I_a * B_a * k * h * z, \quad (9)$$

Бунда: $I = 1$ га ерга туцган чанг-газсимон чиқармаларнинг ҳажми, $t/(га.йил)$; B – йиллик чиқармалар зиёнининг солиштирма баҳоси, сўм/ t ; k – худудларниң зонал хусусиятлариши ҳисобга оладиган коэффициент; h – чиқармаларнинг баландлигига боғлиқ бўлган коэффициент; z – бузилган ер таъсири зонасидаги худудлардан фойдаланиш характеристини ҳисобга оладиган коэффициент.

$$I_{\text{сув}} = I_{\text{сувх}} * B_{\text{сувх}}, \quad (10)$$

Бунда: $I_{\text{сувх}} =$ сув ҳавзасига 1 га ердан сув оқизиб келган ифлослантирувчи моддалар ҳажми, $t/(га.йил)$; $B_{\text{сувх}} =$ сув ҳавзаларига ифлослантирувчи моддаларнинг тушини оқибатидаги зиёнининг солиштирма баҳоси, сўм/ t .

$$= I_o = \sum_{n=1}^c O_m (T_m^o - T_m), \quad (11)$$

Бунда: $I_o =$ ернинг олиб қўйилиши оқибатидаги зиёnlар, сўм/(га.йил);

M - қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти турининг индекси;

$O_m =$ ернинг бузилиши оқибатида олинмаган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг йиллик микдори, $t/(га.йил)$;

T_m^o ва T_m – м турдаги олинган маҳсулотнинг тегишли ҳолда назорат зонасида ва бузилган ерлар таъсиридаги зонадаги таннархи, сўм/ t .

Ер ости бойлик (фойдали қазилма)ларининг йиллик бузилиши ва ифлосланиши оқибатида йириклиштирилган счёт (ҳисоблаш) усули билан иқтисодий зиён қўйидаги формула бўйича баҳоланади:

$$I_{\phi} = I_{\text{буз}} + I_{\text{ифл.}}, \quad (12)$$

Бунда: $I_{\text{буз}} =$ ер ости бойликларининг бузилиши оқибатида иқтисодий зиён, сўм/йил; $I_{\text{ифл.}} =$ ер ости бойликларининг ифлосланиши оқибатида иқтисодий зиён, сўм/йил.

Йириклаштирилган усууларда бажарилган ҳисоблар шуну күрсатадыки, халқ хұжалигига умумий иқтисодий зиённинг 60 %га яқини атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, 30 %га яқини – сув ҳавзасининг ифлосланишига, 10 %га яқини қаттың чи-қындылар билац ифлосланишига (жами 100 %) тұғри қелади.

Иқтисодий зиённи тұғри счёт (ҳисоблаш) усули билан аниқлаш күпілаб бирламчи материалларни талаб қылади, улар эса корхоналар ва уларнинг таъсир зонасини мұхандислик-иқтисодий текширип ішті билан олинини мүмкін.

Табиат мұхофазаси тадбирларининг иқтисодий самараси ушбу тадбирлар натижасыда мұхит ифлосланишининг йиллик иқтисодий зиёнини бартараф этиш миқдори ёки табиат мұхофазаси тадбирлари оқибатида бартараф этилган зиённинг суммаси ва ишлаб чиқариш натижаларини яхшилаш асосыда даромаднинг йиллик ўсиши билан ифодаланади.

Ағроф-мұхит ифлосланишининг бартараф этилаёттан иқтисодий зиёни амалга оширилган тадбирларгача мавжуд бұлған зиённинг миқдори билан ушбу тадбирларни ўтказғандан кейинги қолдиқ зиён ўртасидаги фарққа теңгидір.

4.6. Табиат мұхофазаси тадбирларининг иқтисодий самарасини ҳисоблаш

Табиат мұхофазаси тадбирларининг иқтисодий самарасини ҳисоблаш үларни амалга ошириш харажатларини ушбу тадбирлар туфайли ершилған иқтисодий натижалар билан тақысlaşаша асосланади. Бу натижә ресурснинг бузилиши ёки йүқтелиши оқибатида содир бұлған иқтисодий зиёнини бартараф этиш ёки уларнинг олдини олишнинг ўлчами (миқдори) билан ифодаланади.

Иқтисодий натижаларнинг уларға ершиш харажатлардан ошиб кетиши табиат мұхофазаси тадбирлари иқтисодий самарадорлигидан далолат беради. Натижалар ва харажатлар ўртасидаги фарқ иқтисодий самараны ифодалайды.

Умумий (мұтлақ) иқтисодий самарадорлик C_y йиллик тұлиқ самаранинг тадбирларни амалга оширишнинг солиштирма харажатларига нисбати сифатида қуйидаги формула билан аниқланады:

$$C_y = \frac{C}{X + H_c * K}, \quad (1)$$

Бунда: C – йил давомида олинган самара; X – йил давомида жорий харажатлар; H_c – капитал қўйилмаларни йиллик

бир хил солишигирма ўлчовга келтиришнинг норматив самара-дорлиги; K – самарали белгиловчи капитал қўйилмалар.

Агар С самараси бир неча йилга чўзишиб кетган узоқ муддатли тадбирларни ўтказиши натижалари бўлса, унда харажатларни қоплаш муддатидан ошиб кетган давр учун $t = 1/H_c$ интеграл самарани ΣC ҳисоблаш мумкин. Шунда харажатлар қўйидаги формула билан аниқланади:

$$C_y = \frac{\sum C}{\sum(X + K)}, \quad (2)$$

Бирламчи самара C_{6c} , яъни муҳитга салбий таъсирни камайтиришдан олинган самара (масалан, ифлосланишни камайтиришдан) қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_y = \frac{\sum C}{\sum(X + K)}, \quad (3)$$

Бунда: ΔT – муҳитга салбий таъсир кўрсатишининг камайиши кўрсаткичи (масалан, атмосфера ёки сувда заарли моддаларнинг рухсат этилган концентрацияси).

Ушбу бирламчи самара қўйидаги формула билан ифодаланиши мумкин:

$$C_{6c} = \frac{Y}{X + H_c * K}, \quad (4)$$

Бунда: Y – шу жойда атроф-муҳит ҳолатининг яхшиланишини характерловчи кўрсаткич.

Табиат муҳофазаси тадбирларининг иқтисодий самараси қўйидаги аниқланиши мумкин: умумий самара сифатида табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳоланишига мувофиқ қийматида соғ маҳсулотнинг ўсиши бўйича; хўжалик ҳисоби самараси сифатида – корхона даромадининг ўсиши ёки маҳсулот таннархининг пасайиши бўйича.

Зиённинг камайишидан ΔZ олинадиган самара ва корхона даромадининг кўпайиши ΔD қўйидаги формула бўйича аниқланиши мумкин:

$$C = \Delta Z + \Delta D(X + H_c * K), \quad (5)$$

Корхона учун табиат муҳофазаси тадбирларига қўшимча капитал қўйилмаларнинг мутлақ (абсолют) самарадорлиги (C_m) қўйидагилардан иборат бўлади:

$$C_m = \frac{4D}{K}, \quad (6)$$

Табиат мұхофазаси тадбирларининг мутлақ самарадорлиги қыйидаги формула бүйіч аниқланади:

$$C_m^n = \frac{\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m}{C + H_c * K}, \quad (7)$$

Бунда: C_{ij} – j обьектдеги i турдаги иқтисодий самара; H_c – капитал құйилмаларнинг 0,16 га тенг бұлған самарадорлиги норматив коэффициенті.

Атроф-мұхитни мұхофаза қилишга капитал құйилмаларнинг самарадорлигини ҳисоблашда табиат мұхофазаси тадбирларининг халқ хұжалиғы ва хұжалик ҳисоби самарапар фарқланади.

Табиий ресурсларнинг нобудгарчилегини камайтириш ёки бартараф этишдан олинадиган халқ хұжалиғы самараси ушбу ресурсни табиат мұхофазаси тадбирларини үтказғанға қадар ва үтказғандан кейинги иқтисодий баҳолашнинг фарқлари сифатида ёки тадбирларни амалға ошириш ҳисобига табиий ресурслардан олинған соф маҳсулотнинг ўсиши сифатида ҳисоблаб чықлади.

Табиий ресурсларнинг нобудгарчилегини ва уларнинг сипати пасайишини бартараф қилишдан олинадиган хұжалик ҳисоби самараси даромаднинг ўсиши бүйіч аниқланади.

Табиат мұхофазасына белгиланған капитал құйилмаларнинг қиёсий самараси солиширмада жағдайлар асосида аниқланади.

Ижтимоий самара қыйидаги құрсақчишлар билан ифодаланади:

– соф маҳсулотлар нобудгарчилегини бартараф этишдан олинған самаранинг (C_{em}) мұхитнинг ифлосланиши таъсирида касалланиш оқибатидаги ҳолати:

$$- C_{em} = I_{kac} * M_k (B_2 - B_1), \quad (8)$$

Бунда: I_{kac} – ишлаб чиқаришдан касаллик ёки касалларға қарааш туғайли ажратылған ишловчилар сони;

M_k – бир иш (мехнат) кунига туғри келадиган соф маҳсулот;

B_1 ва B_2 – тадбирни амалға оширишгача ва ундан кейин бир ишловчининг меҳнат ҳажми – сермеҳнатлилігі (трудоемкість), киши-күн (мехнат күни);

— юқорида кўрсатилган сабабларга кўра ижтимоий сугурта фондидан тўловларнинг қисқариши таъсирида олинган самара:

$$- C_{\text{тк}} = I_{\text{иф}} * H_m (B_2 - B_1) , \quad (9)$$

Бунда: $I_{\text{иф}}$ — атроф-муҳит ифлосланиши таъсирида қасаллик сабабли нафақа оладиган ишловчилар сони;

H_m — нафақанинг ўртача микдори.

— муҳитнинг ифлосланиши таъсирида қасалланган меҳнаткашларни даволашга жамият харажатларининг қисқаришидан олинадиган самара:

$$- C_{\text{мх}} = K_a * D_a * X_a + K_c * D_c * X_c , \quad (10)$$

Бунда: K_a ва K_c — мос ҳолда поликлиника ва стационарларда атроф-муҳитнинг ифлосланиши таъсиридаги қасалликдан даволанаётган беморлар сони;

D_a ва D_c — бир беморнинг ўртача даволаниши муддати;

X_a ва X_c — поликлиника ва стационарларда бир кунда бир беморни даволаш учун сарфланадиган ўртача харажатлар.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат унумдорлиги ошишидан олинадиган умумий самара соғ маҳсулотининг ўсиши бўйича, ноишлаб чиқариш соҳасида — харажатларнинг камайини бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Хомашё, ёқилғи ва материаллар сарфининг камайишидан олинадиган умумий самаралар, хусусан чиқиндишлар, оқава сувлар, газ, чангларнинг камайишидан олинадиган самаралар соғ маҳсулотининг ўсиши бўйича, хўжалик самараси эса даромаднинг ўсиши бўйича ҳисобланади.

Атроф-муҳит ҳолатининг яхшиланиши таъсирида жиҳозлардан яхши фойдаланишидан олинадиган умумий самара соғ маҳсулотининг ўсишини таъмирдаги жиҳозларнинг бекор туришини қисқартиришга, таъмирлаш ва хизмат кўрсатишнинг барча турларига харажатнинг камайишига, ходимлар меҳнат унумдорлигининг ўсишига боғлиқ ҳолда аниқланади. Хўжалик ҳисоби самараси $C_{\text{хх}}$ таъмирлаш харажатларининг қисқариши ва жиҳозлар хизмат муддатларининг узайиши таъсирида даромаднинг ўсиши бўйича қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$C_{\text{хх}} = (X_1 - X_2) + Ж * K_{\text{иф}} * (D_2 - D_1) , \quad - (11)$$

Бунда: X_1 ва X_2 — табиат муҳофазаси тадбирлари ўтказилганга қадар ва ундан кейин таъмирлашга харажатлар;

$Ж$ — жиҳозларнинг йиллик ўртача қиймати;

$K_{\text{иф}}$ — асосий фонdlарнинг йиллик рентабеллиги коэффициенти;

Δ_1 ва Δ_2 – табиат муҳофазаси тадбирларини ўтказишга қадар ва ундан кейин жиҳозлар хизмат қилишининг муддати давомийлиги.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сифати ошиши (камайиши), ҳаво ва сувни тозалаш харажатларининг камайиши (кулайиши), ўрмонларнинг кесилиб кетишини бартараф этиш, уларнинг тикланишини таъминлаш таъсирида умумий ва хўжалик ҳисоби самарадорлиги ҳам юқорида кўрсатилган усулда ҳисобланади.

Табиат муҳофазаси тадбирларини ўтказишнинг энг яхши вариантини ташлаш зарурати пайдо бўлганда вариантларни иқтисодий тақоёлаш усулларидан фойдаланилади. Бунда энг кам солиштирма харажатлар варианти, яъни капитал қўйилмалар самарадорлиги нормативи бўйича эксплуатация харажатлари ва солиштирма харажатлар суммаларининг тақоёсланиши афзаликка эга:

$$C + Hc * K \rightarrow \min, \quad (12)$$

Агар узоқ муддатли ва давомий капитал қўйилмалар талаб қиласидан тадбирлар ўтказилаётган бўлса, шунингдек, эксплуатация харажатлари ўзгараётган бўлса, унда ҳисоблар қуидагича олиб борилади:

$$? \min, \quad (13)$$

Бунда: M – барча тадбирларни амалга оширишнинг умумий муддатлари;

K_b – бирламчи (дастлабки) капитал қўйилмалар;

K_k - табиат муҳофазаси объектларининг нормал ишлashi учун зарур бўлган қўшимча капитал қўйилмалар, m – йил эксплуатация килиш ($m=1,2*3\dots M$);

X – эксплуатация харажатлари м-йилда;

H_c – саноат объектларини қуриш бўйича 0,08 коэффициентига тенг бўлган харажатлар коэффициенти.

4.7. Экстерналия харажатлари.

Табиий мухитнинг ассимиляция потенциали

«Экстерналия харажатлари» ёки «ташқи самаралар» экология иқтисодиётининг энг муҳим тушунчаларидан ҳисобланади. Экологик-иктисодий фаолият жараёнида табиатга, аҳолига турли объектлар доимий таъсири кўрсатади. Экстерналияниң пайдо бўлиши ушбу таъсири билан боғлиқдир. Экстерналия – бу, иқтисодий фаолиятнинг ташқи самараси (ёки оқибатида) бўлиб, у ушбу фаолиятнинг субъектига ижобий ёки салбий (кулайч) таъсири кўрсатади:

Экстерналия муаммоси мулкчилик, табиий ресурсларнинг чекланганлиги, табиатнинг ассимиляция потенциалига мулкчилик масалалари билан узвий боғлиқдир.

Мулкчиликнинг икки субъекти – жамият ва тадбиркор нуқтаи назаридан иқтисодий манфаатлар фарқ қиласди: жамият ифлосланишнинг зиёнини камайтиришдан, тадбиркор эса ишлаб чиқаришнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларига таъсир қиласдиган табиат муҳофазаси харажатларини камайтиришдан манфаатдор бўлади. Бунда табиатдан фойдаланувчи тадбиркор учун «учинчи» шахсларга етказиладиган зиён ўз моҳиятига кўра, унинг ишлаб чиқаришининг ташқи харажатлари ҳисобланади. Бу ташқи харажатлар ишлаб чиқаришнинг ички харажатларидан тубдан фарқ қиласди ва тадбиркорлик фаолиятининг зарари ҳисобланади. Шундай қилиб, умумий ҳолда мулкчиликнинг турли субъектлари манфаатининг ихтилофи (низо) юзага келади.

Экстерналия харажатлари табиий ресурсларнинг чекланганлиги билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Бунда атроф-муҳитнинг сезиларли заарорли оқибатларсиз маълум миқдордаги чиқармаларни ўзига олиши (сингдириши) қобилияти ресурсларнинг чекланганлиги сифатида иштирок этади. Атроф табиий муҳитнинг бу сифати ассимиляция потенциали деб аталади. Ассимиляция потенциали ҳажмидан ошиб кетган чиқармалар зиёни келтириб чиқаради ва шунга мос ҳолда экстерналия харажатлари пайдо бўлади.

Бир томондан, табиат ассимиляция потенциалининг чекланганлиги, бошқа томондан турли мулкдорлар манфаатининг бир-бирига мос келмаслиги оқибатида ассимиляция потенциалига мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги масала келиб чиқади. Ундан фойдаланиш имкониятига (хуқуқига) эга бўлган мулкдор иқтисодий заарнинг йўқлиги ва табиат муҳофазаси харажатларини тежаш ҳисобига фойда қиласди. Айни бир вақтда ассимиляция потенциали тегмаган бошқа мулкдор учун биринчи мулкдор фаолияти туфайли зарар кўриш эҳтимоли каттә бўлади. Бунда иккинчи мулкдорнинг зарари биринчи мулкдор учун экстерналия харажатлари ҳисобланади.

Шундай қилиб, жамият ва тадбиркор манфаатлари ихтилофларини ҳамда жамиятнинг ифлосланишдан зарар кўришни камайтиришдан, тадбиркорнинг эса табиат муҳофазаси харажатларини қисқартиришдан манфаатдорлигини ҳисобга олиб, атроф табиий муҳитга таъсирни тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиши зарурати пайдо бўлади. Тартибга солишнинг моҳияти экстерналия харажатларини интернализациялаши (инглизча «internal» ички сўзидан, буни мутлақо қарама-қарши маънога эга бўлган «интернализация» тушунчаси билан аралаштириб

риб юбормаслик керак) ҳисобланади, яъни жамиятга ташқи харажатларни ички харажатларга айлантириш зарур ва шу асосда тадбиркорни унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлашга мажбур қилиш керак.

Бу мақсадни амалга ошириш учун жамият чиқармаларга экстерналия харажатларига тенг бўлган тўловларни – махсус соликни жорий этиши керак. (Назарияда бундай тұловлар «Пигу соликлари» номини олган. Инглиз иқтисодчиси А.С. Пигу XX асрнинг бошида ушбу солик зарурлигини асослаб берган). Тўловлар размери (миқдори) етказилган зиён компенсацияси тамойилига асосланиши керак. Лекин ифлосланишдан иқтисодий зиённи ҳисоблашдаги қийинчиликларни ҳисобга олиб, амалий мақсадларда атроф-муҳит сифатининг қўйидаги кўрсаткичларига асосланиш керак: айрим ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг рухсат этилган меъёри (РЭМ), чиқармаларнинг рухсат этилган меъёри нормативлари. Булар ифлослантиришнинг рухсат этилган меъёри даражасини аниқлашга ва экология иқтисодиётининг асосий тамойили – «ифлослантирувчи тўлайди» тамойилини амалга оширишга имкон беради.

Экстерналия таъсирнинг хилма-хиллигига кўра қўйидаги турларга бўлинади: темпорал, глобал, секторлараро, минтақалараро, маҳаллий. Темпорал (авлодлар ўртасидаги) экстерналия барқарор ривожланиш концепцияси билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳозирги авлод ўз эҳтиёжларини келажак авлодларнинг манфатларини ҳисобга олиб таъминлашлари кераклиги тамойилига амал қилишни талаб қиласди. Глобал экстерналия ифлослантиришнинг трансчегара тарқалиши билан боғлиқ ва уларга қарши курашда махсус халқаро конвенциялар ва шартномаларни тузиш заруратини кўзда тутади. Секторлараро экстерналия иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, табиатни эксплуатация қилувчи соҳалар бошқа соҳаларга экологик зиён келтиришини ҳисобга олади ва экологик муаммоларнинг муқобил ечимини топишга ва иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришга йўналтиради. Минтақалараро экстерналия глобал экстерналиянинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб, у айрим мамлакат ва унинг минтақаларида юзага келадиган экстерналия оқибатларини бартараф этиш мақсадини кўзда тутади. Маҳаллий экстерналия чекланган худудларда ифлослантирувчи корхоналарнинг рецептиентларда (бошқа корхоналар ва обьектлар) экстерналия харажатлари таҳлили бўлиб, у ушбу соҳада хулоса ва тавсиялар беради.

Ассимиляция потенциали – атроф табиий муҳитнинг (атмосфера, сув манбалари, тупроқлар) маълум миқёсларда чекланмаган узоқ истиқболда ўзининг асосий хоссаларини ўзгар-

тирмай, турли антропоген таъсирни ўзига олиши (шу жумладан, зарарли аралашмаларни) қобилиятидир.

Атроф-муҳитнинг ассимиляция потенциали (АМАП) ўзига хос табиий ресурс бўлиб, у чекланган ёки танқис (камчил) ресурс ҳисобланади.

Ушбу табиий ресурсни миқдорий баҳолашнинг мураккаблиги антропоген таъсир турлари хилма-хиллилигига, шунингдек, бу турдаги таъсиридан ҳар бирининг хавфсизлик даражасини аниқлашнинг қийинлиги билан боғлиқдир.

АМАПнинг алоҳида хусусиятига эга бўлган табиий муҳит сифатида иқтисодий аҳамияти табиат муҳофазаси харажатларини тежашнинг принципиал имконияти бирлигига ифодаланади. Бу тежаш АМАПнинг ижтимоий фойдалилигини ёки қимматини белгилайди.

АМАПнинг мавжудлиги чиқармаларни тозалаш бўйича харажатларни тежашдан ташқари ифлосланишдан келадиган зиёни (тўғрироғи, атроф-муҳит асосий хоссалари ифлосланиш натижасида салбий ўзгаришининг зиёнини) бартараф этишга имкон беради. Шундай қилиб, бартараф этилган зиён – ифлосланишни бартараф қилиш бўйича харажатларни тежаш – харажат ёндашуви асосида АМАПнинг иқтисодий баҳосини белгилайди.

АМАПни баҳолашнинг рента усули ёки квазирента баҳолаши (унинг тақчиллигига асосланган баҳолаш) АМАПни сунъий такрор ишлаб чиқариш имкониятларига асосланади. Бунда баҳолаш чиқармаларни (таъсирни) экологик нормативларгача камайтиришнинг ижтимоий зарур харажатлари билан АМАП баҳоланадиган конкрет ҳудудлар доирасида экологик нормативларга эришишнинг индивидуал харажатлари ўртасидаги фарқни ифодалайди. Бу ёндашув АМАПни ҳам табиий ресурснинг объектив қийматига мос келиши нуқтаи назаридан, ҳам амалиётда фойдаланиш нуқтаи назаридан афзалликка эга.

Рента усули асосида АМАПни иқтисодий баҳолашни амалиётда амалга оширишда баҳоланаётган районда экологик нормативлардан ошиб кетиши даражасидан (карралилик, бир неча марталилик) фойдаланиш мумкин. Шундан кейин олинган кўрсаткич (коэффициент) орқали ва этalon районда (экологик нормативларга риоя қилинаётган районда) олдиндан белгиланган АМАПни иқтисодий баҳолашнинг қиймати орқали АМАПнинг изланган иқтисодий баҳосини ҳисоблаш керак. Бундан ташқари ушбу ёндашув АМАПни иқтисодий баҳолашни айрим ифлослантирувчи моддалар учун ҳам амалга оширишни назарда тутади. АМАПнинг умумий иқтисодий баҳоси айрим моддалар бўйича баҳолашни жамлаш билан аниқланади.

Шундай қилиб, экология иқтисодиёти иқтисодий механизм мининг, атроф табиий мухит муҳофазаси соҳасидаги бевосита ва бозор регуляторларининг энг муҳим вазифаси ташки харажатларни интернализациялаш ҳисобланади. Бунда асосий эътибор ифлослантирувчи корхона фойдаси (манфаати) ва у томонидан ифлосланишнинг «қурбонлари»га компенсация тўлашнинг умумий нисбатларини таҳдил қилиш ва ундан мақсадга мувофиқ хulosалар чиқариш ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни экология иқтисодиёти амалиётига жорий этишга қаратилади.

Қисқача хulosалар

Экология иқтисодиётининг иқтисодий механизмлари реал мақсадга эришишда ижрочи ва бажарувчининг моддий манғфатдорлигига асосланади. Шундай механизмларга умумий ҳаракатдаги институтлар (турли кадастрлар, моддий-техника ва молиявий таъминлаш тадбирлари, турли тўловлар, кредитлаш, солиқча тортиш бўйича имтиёзлар) ҳамда бозор муносабатларига ўтиш асосида пайдо бўлган янги белгилар (экологик суурта, табиат муҳофазаси фонdlари, рагбатлантирувчи баҳолар, экологик хизматлар, шартнома муносабатлари ва бошқалар) киради.

Табиий ресурс кадастрлари – табиий ресурслар тўғрисида табиий-иқтисодий ахборотларни кадастр шаклида беришdir. Амалиётда уларнинг қуйидаги турлари кенг қўлланилади: ер, сув, ўрмон, фойдали қазилма конлари, овчилик, алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар кадастри ва бошқалар. Эндиликда табиий ресурсларнинг комплекс худудий кадастрини (ТРКХК) тузиш амалиётга кириб келаётir. Бу эса бозор муносабатларига ўтиш шароитида табиий ресурсларни бошқариш қулай ва тўплangan шаклда бериладиган мукаммал ва комплекс ахборотга эга бўлишга имкон беради.

Табиат муҳофазаси тадбирларини молиялаштиришнинг асоси давлат бюджетлари ҳисобланади. Барча даражадаги бюджетларнинг даромад қисмiga табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тегишли солиқлар, тўловлар ва ажратмалар ўтказилади.

Экологик жамғармалардан экологик фонднинг республика жамғармаси ва маҳаллий жамғармалари, атроф-муҳит суурта жамғармалари, корхоналарнинг экологик жамғармалари таркиб топган.

Экология сууртаси мамлакат худудларида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарап етказиш ҳолларини назарда тутиб, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мулкини ихтиёрий ва мажбурий суурта қилиш асосида амалга оширилади.

Табиий-экологик ресурсларга тўловлар ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ва атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар шаклида амалга оширилади. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларга ер учун тўловлар, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўловлар, сув объектларидан фойдаланганлик учун тўловлар (сувдан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўловлар, сув объектларини тиқлаш ва муҳофаза қилишга тўловлар), ўсимлик ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар,

ҳийонот олами ресурсларидан фойдаланганлик учун тұловлар киради. Атроф табиий мұхитни ифлослантирганлик ва атроф табиий мұхитта бошқача тарзда зарарлы таъсир күрсатғанлик учун тұлов ундириш табиий ресурслардан фойдаланишининг пул тұлаш турларидан бири ҳисобланади. Унинг моҳиятини компенсация, рағбатлантирувчи, экологик йұналишлар белгилайди. Бундай тұловлар нормативларга асосланиб амалта оширилади.

Атроф-мұхит ифлосланишининг иқтисодий зиён етказишини аниқлаш методикаси халқ хұжалигига зарар етказишининг қиймат шақлида ифодаланған ва әхтимол тутилаётган зарар күришини ёки ушбу зарар күришнинг компенсациясига сарфланған құшимча харажатларни таҳлил қылиш ва зарур хulosалар чиқариш йұналиши ҳисобланади. Унинг иккита асосий усули ишлаб чиқылған: 1) түғри счёты (хисоблаш) усули; 2) эмпирик йириклиштирилған счёты (хисоблаш) усули. Улар тегишли формулалар орқали аниқланади. Бунда умумий зиён, компонентлар бўйигча зиён формулаларидан фойдаланилади.

Табиат мұхофазаси тадбирларининг иқтисодий самарасини ҳисоблаш уларни амалта ошириш харажатларини ушбу тадбирлар туфайли эришилған иқтисодий натижалар билан таққослашга асосланади. Бу натижә ресурснинг бузилиши ёки йүқотилиши оқибатида содир бўлган иқтисодий зиённи бартараф этиш ёки уларнинг олдини олишининг ўлчами (миқдори) билан ифодаланади. Иқтисодий натижаларнинг уларга эришиш харажатларидан ошиб кетиши табиат мұхофазаси тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида далолат беради. Натижалар ва харажатлар ўртасидаги фарқ иқтисодий самарани ифодалайди. Иқтисодий самарадорликнинг турли йұналишлари тегишли формулалар орқали аниқланади.

Экстерналия харажатлари ёки ташқи самаралар бу иқтисодий фаолиятнинг ташқи самараси (ёки оқибати) бўлиб, у ушбу фаолиятнинг субъектига ижобий ёки салбий (күпинча) таъсир күрсатади. Экстерналия харажатлари табиий ресурсларнинг чекланғанлиги билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлади. Бунда атроф табиий мұхитнинг сезиларли зарарли оқибатларсиз маълум миқдордаги чиқармаларни ўзига олиши (сингдириши) қобилияти ассимиляция потенциали ҳисобланади. Ассимиляция потенциали ҳажмидан ошиб кетган чиқармалар зиённи келтириб чиқаради ва шунга мос ҳолда экстерналия харажатлари юзага келади. Экстерналия таъсирнинг хилма-хиллигига кўра темпорал, глобал, секторлараро, минтақалараро, маҳаллий турларга бўлинади. Атроф-мұхитнинг ассимиляция потенциали (АМАП) ўзига хос табиий ресурс бўлиб, у чекланған ёки камчил ресурс ҳисобланади. АМАП турли усулларда аниқланади (рента ва бошқалар).

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Экология иқтисодиётининг иқтисодий механизмлари нима? Уларнинг таркибини билиб олинг.
2. Доимий ҳаракатдаги ва янги иқтисодий рағбатлантирувчи механизмлар қандай хусусиятларга эга ва улар бир-биридан қандай фарқ қиласиди?
3. Табиий ресурслар кадастри нима? Улар қандай аҳамиятта эга?
4. Табиий ресурслар кадастри қандай турларга бўлиниди? Уларнинг асосий хусусиятларини билиб олинг.
5. Табиат муҳофазаси тадбирлари қандай молиялаштирилади?
6. Экологик жамғармалар нима? Улар қандай турларга бўлиниди?
7. Экология суғуртаси нима? Унинг асосий хусусиятларини тушуниб олинг.
8. Табиий-экологик ресурсларга тўловлар, уларнинг аҳамияти ва турларини билиб олинг. Тўловлар қандай нормативларга асосланади?
9. Атроф-муҳит ифлосланишининг иқтисодий зиён етказишини аниқлаш методикаси қандай хусусиятлар ва йўналишларга эга? Уларни батафсил тушунтиринг.
10. Иқтисодий зиён етказиши формуналарини билиб олинг ва улардан қандай фойдаланиш кераклигини тушунтиринг.
11. Табиат компонентларига етказиладиган иқтисодий зиён қандай аниқланади?
12. Табиат муҳофазаси тадбирларининг иқтисодий самараси қандай ҳисобланади?
13. Умумий, компонентлар бўйича самарадорлик қандай аниқланади? Унинг формулаларини билиб олинг.
14. Экстепропалия ҳаражатлари нима? Улар қандай ҳисобланади?
15. Табиий муҳитнинг ассимиляция потенциали нима? У қандай ҳисобланади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфчиликка таҳдиц, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолитлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва нормативи хуҗжатлар. – Т.: Адолат, 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 2002.
4. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1998.
5. Бобылов С.Н. Экологизация экономического развития. Учебное пособие. – М.: Изд-во МГУ, 1993.
6. Гиуров Э.В., Бобылов С.Н., Новоселов А.П., Чепурных Н.В. Экология и экономика природопользования. Учебник 2-е изд-во. – М.: Единство, 2002.
7. Нестеров П.М., Нестеров А.П. Экономика природопользования и рынок. Учебник для вузов. – М., 1997.

II бўлим

ХУСУСИЙ ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИ

V боб

АТРОФ-МУҲИТ ВА УНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

5.1. Атроф-муҳит ва унинг компонентлари

«Табиат», «атроф-муҳит», «атроф табиий муҳит», «табиий шароит», «табиий ресурслар», «табиий неъматлари», «табиатдан фойдаланиш», «табиат муҳофазаси» ва бошқа қатор тушунчаларни билиш экология иқтисодиёти учун муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Уларни табиий илмий ва экологик-иктисодий аспектларда кўриб чиқиши талаб этилади.

Коинотнинг тузилиши мураккаб бўлиб, унинг энг кичик зарраларидан то ўлчами бўйича буюк бўлган осмон жисмларигача пайдо бўлиш ва йўқ бўлиб кетишнинг, тўхтовсиз оқимнинг, доимий ҳаракат ва ўзгаришларнинг абадий жараёни таъсирида бўлади. Бу моддий борлиқнинг ўзига хос қонунларига эга бўлган, жамият ривожланиши қонунларидан тубдан фарқ қиласидиган, лекин уларнинг ҳаракатини таъминлайдиган алоҳида осмон сфераси ҳисобланади.

Табиатнинг барча мураккабликларига, «Табиатшунослик» фани ривожланишининг етарли даражада эмаслигига қарамасдан замонавий фан табиат ва жамият ўзаро таъсирига алоқадор ва экология иқтисодиётининг илмий-методологик асосларини ишлаб чиқиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган қатор асосий қоидаларни ишлаб чиқсан. Бу қоидаларга қуйидагилар киради:

1. Оптималь табиий шароитларни таъминламасдан инсон ҳаётининг мумкин эмаслиги;

2. Атроф-муҳитга Инсон фаолиятининг таъсирининг мукаррарлиги;

3. Жамият ва табиат ўзаро таъсирининг тарихан шартланганлиги;

4. Жамият ва табиат ўзаро таъсириниң иқтисодий шартланганлиги;

5. Табиат ягона тизим ҳисобланади, ишлаб чиқариш операциялари эса ташкилотлар ва корхоналар доирасида ёпиқ хусусиятга эга. Ишлаб чиқариш соҳасида зарур бўлган муассаса меҳнат тақсимоти табиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазаси

заси соҳасида мувофиқлаштирилган режали иш олиб борилмаса, ягона ва яхлит табиатга муқаррар заар етказади.

Табиат кенг маънода Коинотниг барча моддий-энергетик ва ахборот олами ҳисобланади. Табиат инсоният жамияти мавжудлигининг табиий шароитлари мажмуаси бўлиб, унга инсоният бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади ва у билан хўжалик фаолияти орқали боғлангандир. Инсон табиатнинг элементи сифатида мураккаб «табиат - жамият» тизимининг бир қисми ҳисобланади. Инсоният табиат ҳисобига ўзининг кўплаб эҳтиёжларини таъминлайди.

Табиатнинг барча элементлари «атроф-муҳит» тушунчасини ифодалайди. «Атроф-муҳит» тушунчасига инсон томонидан яратилган предметлар (бинолар, автомобиллар ва бошқалар) кирмайди, чунки улар айрим одамлар доирасига тааллуқли бўлиб, жамиятни ўраб турадиган атроф-муҳит ҳисобланмайди. Лекин инсон фаолияти ўзгартирган табиат участкалари (шахарлар, қишлоқ хўжалик ерлари, ўрмон иҳотазорлари) атроф-муҳитга киради, чунки улар жамият муҳитини барпо этади.

Табиий муҳит – abiотик ва биотик тизимлар ва умуман, литосфера, атмосфера, гидросфера ва биосферанинг мураккаб ва хилма-хил биримларни ифодалайди. Унда экзоген, эндоген ва космик омиллар ва жараёнлар таъсир кўрсатиб, ғоят хилма-хил физик, кимёвий ва биологик реакцияларни келтириб чиқаради ва улар рельефнинг ривожланишини, жинсларнинг емирилиши ва минералларнинг пайдо бўлиши моддалар миграциясининг геокимёвий жараёнларини ва уларнинг тарқалиши ва концентрациясини, органик дунёнинг ривожланишини, қуруқлик ва Дунё океани учун характерли бўлган ўзига хос ландшафт типларини, табиий муҳит ва геотизимларнинг лантшафт типларини, табиий муҳит ва геотизимларнинг шаклланишини белгилаб беради.

Табиий муҳитнинг структурасида геоқобиқлар – атмосфера, гидросфера, литосфера (географик зоналарнинг табиий шароитларини ҳам қўшиб) мураккаб комплекс моддий тизим сифатида намоён бўлади ва улар бир-бирлари ва Космос билан қаттиқ, суюқ, газсимон шаклларда ўзаро таъсирида бўладилар. Уларнинг мувозанат ҳолати модда ва энергиянинг космик ва планетар миграцияси, дифференциялашуви ва уларнинг бир ҳолатдан бошқасига ўтиши орқали таъминланади.

Экология иқтисодиёти аспектида табиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиб, атроф тибиий ресурслар типлари ажратилади.

Табиий шароит – табиатнинг жисми ва кучи, сифати бў-

либ, у ишлаб чиқарип кучлари ривожланишининг ҳозирги даражасида инсон фаолиятида бевосита иштирок этмасада, жамиятнинг ҳәёти ва фаолиятини белгилаб беради.

Табиий ресурслар – инсонлар фойдаланаётган ёки фойдаланиши мумкин бўлган табиатнинг жисми ва кучларидир. «Табиий ресурслар» категорияси биринчи навбатда табиатнинг инсон хўжалик фаолияти билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Ресурс аспектида табиат кўп даражада моддий ишлаб чиқарип манфаатларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади. Шу билан бир қаторда табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уни тиклаш ва муҳофаза қилиш экотизимларнинг таркибий қисми бўлиб ёки уларнинг ҳолатига маълум даражада таъсир кўрсатиб туриши моддий ишлаб чиқарип манфаатларига бевосита таъсир кўрсатмаган ҳолда ҳам – бу фақатгина иқтисодий муаммо бўлибгина қолмай, балки экологик муаммо ҳам ҳисобланади.

Инсонни ўраб турадиган атроф табиий мухит тизим сифатида иштирок этади. Унинг ҳар бир элементи бошқасига боғлиқ бўлади. Компонентлардан бирининг ўзгариши бошқасининг ўзгаришига олиб келади. Бундай тизимлар табиат комплекслари деб аталади. Географик қобиқ Ернинг энг йирик табиий комплекси ҳисобланади. Географик қобиқда литосферанинг юқори қисми барча гидросфера ва биосфера, атмосферанинг қуий қатламлари ўзаро таъсирда бўлади. Уларнинг бирлигини тоғ жинсларининг айланиши, ҳаво циркуляцияси, сувнинг айланиши ва биологик модда алмашиши таъминлаб туради. Қуёш радиацияси ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қиласди. Модда айланиши жараёнида улар бир ҳолатдан бошқасига ўтади.

Табиий ресурслар ҳозир, ўтмишда ва келажакда бевосита ва билвосита фойдаланиладиган табиат объектлари, жисмлари ва кучлари сифатида моддий бойликларни яратишга, меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришга имкон беради. «Табиий ресурслар» категорияси биринчи навбатда табиатнинг инсон хўжалик фаолияти билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Уларга фойдали қазилмалар, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами, атмосфера ҳавоси, сув, иклим, қуёш ва космик радиация киради.

Табиат ресурс аспектида кўп даражада моддий ишлаб чиқарип манфаатларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

Жамият ҳәётида ҳозирги вақтда фойдаланилаётган ёки яқин келажакда фойдаланилиши мумкин бўлган табиий ресурслари ва табиий шароити мажмую табиат неъматлари деб аталади.

Экологик ресурслар – биосферада экологик мувозанатни таъминлайдиган мухитни шакллантирувчи компонентларнинг мажмую бўлиб, улар инсоннинг ижтимоий-биологик мавжудот

сифатидаги ҳаёти нормал мұхити ҳисобланади, экологик ресурслар ҳаётий мұхим функцияни бажарадиган табий тизимларға киради. Бу ресурсларнинг характерли хусусияти шундаки, улар асосан жамиятни зарурий неъмат шаклидаги хизмат билан таъминлайды. Экологик ресурсларга ҳаво, сув, ер (тупроқ) киради.

Табиатдан фойдаланиш – табий-ресурс потенциали эксплуатациясининг ва уларни сақлаб қолиш тадбирларининг барча шакллари мажмудидир. Агар табиатдан фойдаланиш табий-ресурс потенциалининг кескин ўзгаришига олиб келмаса, у табиатдан рационал фойдаланиш ҳисобланади.

Атроф-мұхит мұхофазаси – табий бойликларни асрашва тиклашни, жамият фаолияти натижаларининг табиатта ва инсон саломатлигига бевосита ва билвосита заарарлы таъсири – олдини олиб табий ресурслардан рационал фойдаланишни таъминлайдиган инсон фаолияти билан атроф табий мұхит ўртасидаги ўзаро таъсирни мақсаддага мувофиқ құллаб қувватлашга йўналтирилган тадбирлар тизимицир.

Экология иқтисодиётининг атроф-мұхит ва унинг компонентларидан фойдаланиш ва уларни мұхофаза қилишдаги асосий вазифаси жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсирнинг экологик-иктисодий сабаб-оқибат алоқаларини очиб бериш, инсон хўжалик фаолияти салбий оқибатларининг сабабларини бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишидан ва уларни амалга оширишга эришишдан иборатдир. Бунда асосий стратегик линия, таниқли олимларнинг фикрига кўра, қуйидаги формулага асосланиши керак: олдиндан кўриш учун тушуниш, рационал фойдаланиш учун олдиндан кўриш.

Табиатдан рационал фойдаланиш экология иқтисодиёти нуқтаи назаридан табий-экологик жараёнлар ва инсон хўжалик фаолиятинини «ишлаб чиқариш – табий мұхит»нинг ягона биоиктисодий тизими сифатида кўриб чиқиши тақазо этади.

Табий тизимлар доимий ҳаракат ва ўзгаришда бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг модда ва энергия айланиши типи ва уларга хос натижалар билан ҳарактерланади.

Инсон хўжалик фаолияти жараённада ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимлар вужудга келади ва уларнинг ишлаши оқибатида модда ва энергия, маҳсулот, хўжалик ва майший чиқиндиларнинг хўжалик айланиши содир бўлади ва хўжалик тузилмалари шаклланади: ишлаб чиқариш тузилмалари (иншоотлар, йўллар ва бошқалар) ва ижтимоий тузилмалар (шаҳарлар, қўрғонлар, қишлоқлар). Табий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимлар биргаликда инсон яшайдиган ва меҳнат қиладиган атроф-мұхитни ташкил этади.

Табиий – экологик, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимлар доимий ўзаро таъсир ва ривожланишида бўлади. Бунда табиат жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун моддий, маънавий, экологик асос бўлиб хизмат қиласи.

Табиатнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимлар билан ўзаро таъсирини ўрганиш экология иқтисодиётининг асосий муаммоси ҳисобланади. Бу ўзаро таъсирида табиий тизимлар бирламчи ва абадий тизим бўлиб иштирок этади. Табиий тизимлар ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иктисодий тизимлар ривожланишининг табиий асоси бўлиб, уларнинг ривожланиши суръатларига ва самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатади ва бундан ташқари, инсонлар авлоди ўртасидаги алоқалар ва изчилликни таъминлайди. Шундан маълум бўладики, табиат умумисониятнинг бойлиги ва мероси, уни инсонларнинг турли авлодлари ўзларининг ривожланишлари учун бир хил имкониятларга эга бўлиши учун доимий ўрганиб ва баҳолаб туриши энг муҳим зарурат ҳисобланади. Табиат ҳолати – жамият ривожланишининг муҳим омили, шу сабабдан экология иқтисодиётида табиий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимларининг ўзаро таъсирини, шунингдек, табиий тизимлардаги тартибга солишни чукур ўрганиш лозим. Табиат ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимларга нисбатан инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти учун ресурс сифатида иштирок этади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, «иктисодиёт - муҳит» тизимида иқтисодиётта атроф-муҳитга нисбатан афзаллик бериб бўлмагани каби, атроф-муҳитга ҳам иқтисодиёга нисбатан афзаллик бериб бўлмайди. Шундай ўзаро таъсирини таъминлаш керакки, унда кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва халқ фаравонлигининг ўсиши атроф-муҳит ва унинг компонентлари сақланиши, тўхтовсиз яхшиланиши ва ривожланиши билан қўшиб олиб борилиши таъминланиши лозим.

5.2. Табиий ресурслар классификацияси ва улардан экология иқтисодиётида фойдаланиши

Жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини турли муддатларга режалаштириш ва башоратлаш муаммолари ечимини топишда ҳамда экология иқтисодиёти нуқтаи назаридан табиий ресурсларнинг табиатнинг ўёки бошқа элементларига тегицли белгиси бўйича классификацияланган муҳим аҳамиятта эга. Табиий ресурслар табиат тизимларида ўрни ва улардан хўжаликда фойдаланишининг хусусиятлари бўйича қуйидагича классификацияланади:

1. Ресурсларнинг табиат тизимларига қарашли бўлиши ва уларга муносабати ва жойлашиши бўйича:

◆ тизимларга муносабатлари бўйича: табиат тизимлари элементлари (минераллар, ўсимлик ва ҳайванот турлари ва бошқалар) ва уларнинг ишлаши (ҳаракати) натижалари (биологик массанинг кўпайиши ва бошқалар).

◆ тизимларга қарашлилиги бўйича: космик (нурлар, метеоритлар), планетар (қуёш ва гравитация энергияси), ер ресурслари ва унинг атмосфера, гидросфера, литосфера, биосфера ва уларнинг элементлари билан биргаликдаги ресурсларини ҳам қўшган ҳолда;

◆ модда айланишининг тури ва доимийлиги бўйича: узоқ муддатли модда айланишида (космик, геологик) ва қисқа муддатли модда айланишида (биологик, сувнинг айланиб юриши);

◆ планета юзасида жойлашиши бўйича: нисбатан текис тақсимланган (атмосфера, биосфера) ва бир ерга тўпланган (литосфера ва унинг элементлари);

◆ ҳудудлар бўйича кўчиб юриши, жойини ўзгартириш имкониятлари бўйича: табиий кўчиб юрадиган (сув ҳаво массалари) ва кўчиб (аралашиб) юрмайдиган (биологик ресурслар);

◆ турлари бўйича: хомашё, сув, ер, ўрмон, генетик ва бошқалар.

2. Хўжаликда фойдаланилиши бўйича:

◆ қарашли бўлиши бўйича: дунёвий (глобал) ва миллий (худудлар билан бөғлиқ бўлган ресурслар);

◆ тугаши бўйича: нисбатан тугамайдиган (қуёш энергияси, биологик ресурслар), тугайдиган (қазилма бойликлар);

◆ тикланниши бўйича: тикланадиган (биологик), қисман тикланадиган ёки қайта фойдаланишга жалб қилинадиган (хомашёлар), тикланмайдиган (қазилма бойликлар);

◆ фойдаланиш йўналиши бўйича: ёқилғи-энергетик, минерал-хомашё, озиқ-овқат ва бошқалар;

◆ ўрганилиш даражаси бўйича: башоратланган, аникланган, мукаммал ўрганилган;

◆ фойдаланиш имкониятлари бўйича: ўзлаштириб бўлмайдиган, резерв (эҳтиёт заҳира), фойдаланиш мумкин бўлган, фойдаланилаётган;

◆ фойдаланиш характери бўйича: бир мақсадли фойдаланилган (хомашёлар) ва кўп мақсадли фойдаланиладиган (ўрмон, сув, ер);

◆ сифати бўйича: табиий ресурсларнинг ҳар бир тури типлар бўйича, класслар (синфлар) бўйича, грухлар бўйича ва бошқа класификация бирликлари бўйича бўлинади;

◆ ишлаб чиқаришнинг таъсири бўйича: заарли таъсирга дучор бўлган (биологик ресурслар), заарли таъсирга кучиз чалинган, дучор бўлган (гидросфера, атмосфера, литосфера юзаси), таъсирга дучор бўлмаган (ер қаъри).

3. Инсонга муносабати бўйича:

◆ ҳаёт учун зарурлиги бўйича: ниҳоятда зарур (ҳаво, сув, овқат) ва нисбатан аҳамияти бўлмаган ресурслар;

◆ мақсадли вазифаси бўйича: моддий ва рекреация, эстетик, билим ортиришдаги аҳамияти бўйича, илмий, маданий, тарихий қимматли ва бошқа аҳамиятта эга ресурслар.

Бу классификациядан турли ресурсларнинг ўрни ва ролини тушуниб олишда ва улардан рационал фойдаланишин ташкил этишида фойдаланиш мумкин. Ҳўжалик оборотига киритилаётган табиий ресурсларнинг таркиби ва улардан фойдаланиш имкониятлари айниқса атом, океан, космос, ер қаърини ва юқори географик кенгликларни интенсив ўрганиши ва ўзлаштириш муносабати билан доимий равишда кенгайиб бораёттир. Булар табиий ресурсларни классификациялашни аниқлаштиришни тақозо этади.

Табиий ресурсларни ҳўжалик фаолиятига жалб қилиш имкониятларига кўра эксплуатацияга тортиладиган ва потенциал ресурсларга бўлиш мумкин. Биринчисига ернинг юқори қобиги ресурслари ва қуёш энергияси, иккинчисига космос ва ер қаъри ресурслари киради. Лекин бу бўлинниш шартли ҳисобланади, чунки ўзлаштириладиган ресурсларнинг чегаралари ўзгариб ва силжиб туради.

Ҳўжалик фаолиятига жалб қилиш нуқтаи назаридан эксплуатацияга тортилиш эҳтимоли бор ресурсларни қўйидаги тўрт гурӯхга бўлиш мумкин:


1. Ташки ресурслар. Қуёш энергияси ва бошқалар;

2. Ер юзаси ресурслари. Улар ўз навбатида табиий мухит ресурсларига (литосферанинг юзаси ва гидросфера) ва биологик ресурсларга (ер усти, сув, тупроқ ресурслари) бўлинади.

3. Ер қаъри ресурслари. Минерал-хомашё ресурслари.

4. Ёқилғи-энергетика ресурслари.

Табиий ресурслар ҳудудий ва тармлокарабо комплекслар, суперкомплекслар шаклланишининг табиий асоси ҳисобланади ва улар табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш, хомашёни кетма-кет қайта ишлаш, бир турдаги маҳсулотлар ва умумий ҳудуд асосида ташкил топади (4-чизма).



4-чизма. Табиий-экологик ресурстар, худуди комплекстар (ХК), тармоқтардағы комплекстар (ТК) және суперкомплекстар (СК) классификациясы.

Халқ хұжалиғи йирик табиий ресурслар гурухыдан комплекс фойдаланыш ёки бир турдаги маҳсулот асосида унча күп сонли бўлмаган тармоқлараро суперкомплекслардан ташкил топади. Суперкомплекслар доирасига асосан хомашёни кетма-кет қайта ишлаш асосида тармоқлараро комплекслар шаклланади. Тикланадиган табиий ресурслар – биологик ва сув ресурсларидан рационал фойдаланыш, уларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш асосида қишлоқ хұжалиғи, ўрмон хұжалиғи, овчилик хұжалиғи ва сув хұжалиғи шаклланади. Бунда биологик ресурслардан фойдаланыш ва уларни такрор ишлаб чиқариш масалаларини комплекс ҳал этиш учун шу хұжаликлар асосида биохұжалик комплексини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Тармоқлараро комплекслардан ташқари ҳудудлар ва табиий мұхит ресурслари асосида инфратузилмада шаклланади. Яна ҳудудлар бўйича ҳудудий ишлаб чиқариш ва минтақавий комплекслар ҳам шаклланади.

5.3. Биосфера ва унинг компонентлари экологияси иқтисодиёти хусусиятлари

«Биосфера» сўзини биринчи марта фанга XIX асрнинг иккинчи ярмида Австралийлик геолог Эдуард Зюсс киритган. Лекин биосфера тўғрисидаги таълимот фақат XX асрнинг бошида пайдо бўлди. Уни буюк рус олими Владимир Иванович Вернадский яратди. У биосферани ернинг тирик организмлар яшайдиган алоҳида фаол қобиғи деб ҳисоблади. Бу қобиқда одамлар билан бир қаторда барча тирик организмлар фаолияти Ерни ўзгартирадиган мұхим омил бўлиб иштирок этади. В.И.Вернадский биосфера тўғрисида таълимотнинг ўзидан олдинги ўтмишдоши сифатида француз натуралисти Жан Батис Ламаркни тан олган.

Биосфера қуйидаги учта қобиқни ўз ичига олади: атмосфера – ҳаво қобиғи; гидросфера – сув қобиғи; литосфера – қаттық қобиқ. Литосферада тирик организмлар асосий массанинг тарқалиши ер юзасидан ўн метр чукурликкача давом этади (лекин нефть конларида уч км гача бактериялар борлиги аниқланган). Атмосферада тирик организмлар яшайдиган юқори чегара озон экранигача – таҳминан 20 км гача баландликкача давом этади. Сувда хамма жойда ҳаёт мавжуд. Океанинг энг чукур чўкмаси – 10-11 км. чукурликда ҳам организмлар яшайди. Тирик моддаларнинг асосий массаси қуруқлик ва сув юзасининг 20-30 метр яқинида тўпланган. Биосферани ернинг катталиги билан таққосланганда у энг юпқа плёнка (пўст) ҳисобланади.

Тирик мавжудотлар уч ярим млрд. йил давомида астасекин ер қобигига тарқалиб ва уни ўзгартирган.

Биосфера моддаларнинг тўхтовсиз биокимёвий айланиб юриши содир бўлмасдан яшай олмайди. Кимёвий элементларнинг айлана ёки цикл бўйича араласиб кетиши оқибатида элементлар мунтазам равишда тирик организмларга ва ер қобигининг жонсиз қисмларига ўтади. Бу ҳаракат бир-бирига қара-ма-қарши бўлган қуйидаги икки жараён орқали таъминланади: ноорганик моддалардан мураккаб органик моддаларни синтез қилиш ва органик моддаларнинг оддий ноорганик моддаларга-ча емирилиши.

Биосфера мавжуд бўлиши энергиянинг тўхтовсиз келиб туриши билан боғлиқdir. Унинг асосий маънаи Қўёшнинг ёруғлиқ ва иссиқлик нур тарқатиши ҳисобланади. Қўёш ёруғлигининг энергияси яшил ўсимликлар органик моддаларида кимёвий алоқалар энергияси сифатида тўпланади ва улар бир организмдан бошқасига узатилиши мумкин.

Биосферанинг тирик моддалари тўхтовсиз яратилади, ўзгаради, парчаланади ва бунда минерал моддаларнинг катта масасини ушбу модда айланишига тортади. Такрор ишлаб чиқариладиган тирик моддалар ҳажми ҳар йили биологик массаси умумий ҳажмининг 10%га яқинини ташкил этади.

Тирик моддалар асосан кислороддан (70%), углероддан (18%) ва водороддан (10,5 %) ташкил топган. Бошқа элементларга (кальций, азот, калий, фосфор, олtingутурт, магний ва бошқалар) 1,5%ни тўғри келади. Тирик моддалар ўзлари орқали жуда катта массадаги сув, тоғ жинслари, газларни ўтказади. Моддаларнинг (кимёвий элементлар ва молекулалар) ана шундай тўхтовсиз араласиши (миграцияси) биокимёвий модда айланиши деб аталади ва унга кислород, углерод, ис гази (углевислий гази), азот, фосфор, олtingутурт, сув каби тирик моддаларнинг асосий компонентлари энг фаол жалб қилинади.

Жонли табиатни асраб қолиш учун қуйидагилар зарур: заарли моддалар таъсирини нейтраллаштирувчи физиологик фаол эритмаларни қўллаш; яшил қопламаларни кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини ўғитлар, ер мелиорацияси ва бошқалар ҳисобига ошириш; биотик модда алмашишини иссиқлик чиқиндилари, углевислоталар ва бошқа моддалардан фойдаланиш йўли билан ошириш.

Биотик моддалар айланиши ҳажми биоценоз алоқаларнинг кўп хиллилигига, флора ва фаунанинг хилма-хиллилигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун флора ва фаунани хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва қўриқхоналарни ташкил этиш йўли

билин сақлааб қолиш шундай моддалар алмашишини күчайтиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Жонли (биоценоз) ва жонсиз табиатнинг ўзаро тарьсири остида пайдо бўладиган тизим экологик тизим ёки биогеоценозлар номи билан аталади.

Биоценозларнинг асосий компонентлари уч гурух организмлар – ўсимлик, ҳайвонлар ва микроблар ҳисобланади.

Моддаларнинг айланиб юришида уч гурух организмлар – продуцентлар, консументлар, редуцентлар иштирок этади.

Продуцентлар (ишлаб чиқарувчилар) – автотроф организмлар ва яшил ўсимликлар бўлиб, улар қуёш энергиясидан фойдаланиб, жонли моддаларнинг бирламчи маҳсулотини барпо этади. Улар углекислий газ (ис гази), сув, тузни истеъмол қиласи ва кислородни чиқаради. Бу гурухга органик моддаларни яратишга қодир бўлган баъзи хемосептика бактериялари ҳам киради.

Консументлар (истеъмолчилар) – гетеротроф организмлар бўлиб, улар автотрофлар ва ўз-ӯзлари ҳисобига озиқланади. Улар қўйидагиларга бўлинади: биринчи даражадаги консументлар – ўсимликлар билан озиқланадиган, кислород истеъмол қиласидиган ва ис гази (углекислий газ) чиқарадиган ҳайвонлар; иккинчи даражали консументлар – ўсимлик организмларининг йиртқичлари ва паразитлари; учинчи ва тўртингчи даражали консументлар – ўта паразитлардир. Ҳаммаси бўлиб озуқа занжира бештадан кўп бўлмаган бўғин мавжуд.

Редуцентлар (тикловчилар) – организмлар, бактериялар ва замбуругулар билан озиқланадиган организмлар. Бу ерда охиригача органик қолдикларни парчаловчи, уларни якуний маҳсулотга айлантирувчи микрогорганизмларнинг роли foят буюkdir: минерал тузлар, ис гази (углекислий газ), сув, тупроқка тушадиган ва қайтадан ўсимликлар истеъмол қиласидиган энг оддий органик моддалар.

Фотосинтез натижасида қуруқликда ҳар йили $1,5 \cdot 10^{10}$ - $5,5 \cdot 10^{10}$ тонна ўсимлик биомассаси яратилади ва уларда $3 \cdot 10^{18}$ К Дж энергия тўпланади. Барча тирик моддаларнинг ўсиши $8,8 \cdot 10^{11}$ т/йилга teng. Ердаги тирик моддаларнинг умумий массаси 500 минг турга яқин ўсимлик ва 2 млн. турга яқин ҳайвонларни ўз ичига олади.

Биологик моддаларнинг (биомасса) пайдо бўлиши тезлиги, яъни вақт бирлигига моддалар массасининг пайдо бўлиши экотизимлар маҳсулдорлиги деб аталади.

Қуруқликда биомассанинг умумий ҳажми $6,6 \cdot 10^{12}$ тоннага teng, бу эса $4,5 \cdot 10^{18}$ К Дж га яқин қуёш энергиясини ташкил этади. Океанлар биомассаси қуруқликка нисбатан анча кам, яъни

$3 \cdot 10^{10}$ тоннага тенг. Океанларда ҳайвонлар массаси ўсимликларга нисбатан 30 марта күп, қуруқликда эса ўсимликлар барча биомассанинг 98-99 %ни ташкил этади. Қуруқлик ва океанлар биологик маҳсулдорлиги тахминан тенг, яъни океанлар биомассаси бир хужайрали сув ўтларидан (ўсимликлари) ташкил топган бўлиб, улар ҳар куни янгиланади. Қуруқликда биомассаларнинг янгиланиши 15 йил давомида содир бўлади.

Энергиянинг айланиши моддалар айланиши билан боғлиқ. Биосферада содир бўладиган жараёнлар учун углероднинг айланиб юриши энг характерлидир. Углероднинг қўшилмалари пайдо бўлади, ўзгарада ва парчаланади. Углероднинг асосий йўли – ис газидан (углекислий газ) тирик моддаларга ва аксинча. Углероднинг бир қисми модда айланишидан чиқади ва океаннинг чўкинди жисмларида ёки органик келиб чиқишга эга бўлган фойдали ёқилги моддалари қатламини ҳосил қиласди, уларда эса асосий масса тўпланади. Бу углерод секин геологик модда алмашишида ҳам иштирок этади.

Шунингдек, карбонат ангридрид газининг айирбошлиши ҳам атмосфера ва океан ўртасида содир бўлади. Океаннинг юқори қатламларида атмосфера билан мувозанатда бўлган катта микдордаги карбонад ангридрид гази эритилган. Гидросфера да ҳаммаси бўлиб, $13 \cdot 10^{13}$ т. эритилган карбонад ангидрид гази мавжуд, атмосферада эса ундан 60 марта камроқдир. Ердаги ҳаёт ва атмосферанинг газ баланси ўсимлик тўқималарида ($5 \cdot 10^{11}$ т.) ва ҳайвонлар тўқималарида ($5 \cdot 10^9$ т.) мавжуд бўлган нисбатан унча катта бўлмаган микдордаги углерод билан қўллаб-куватланади.

Биосфера жараёнларида азотнинг айланиб юриши муҳим роль ўйнайди. Унда фақат маълум кимёвий бирикмаларга кирадиган азот иштирок этади, унинг кимёвий бирикмаларда тўпланиши (фиксацияси) вулқонлар фаолиятида, атмосфера да момалқалдироқ бошланганда унинг ионизацияси жараёнида, материаллар ёнгаңда рўй беради. Азотнинг тўпланишида микроорганизмлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Азот бирикмалари (нитратлар, нитритлар) эритмаларида моддаларнинг пайдо бўлишида (аминокислоталар, оқсиллар) қатнашиб, ўсимлик организмларига киради. Азот бирикмаларининг бир қисми дарёларга, денгизларга оқиб чиқади, ер ости сувлари ичига киради. Денгиз суларида парчаланганди бирикмалардан азот сув организмларига ютилади (сингади, ўтади), улар нобуд бўлгандан кейин эса океан қаърига аралашиб, қўшилиб, қоришиб кетади. Шу сабабдан океаннинг юқори қатламларида азотнинг тўпланиши сезиларли даражада кўпаймоқда.

Биосферанинг энг мухим элементларидан бири фосфор бўлиб, у нуклеин кислотаси ҳужайрали мемран, суяк тўқималари таркибига киради. Шунингдек, фосфор табиатда содир бўладиган катта ва кичик модда айланниб юришида иштирок этади, ўсимликлар томонидан ҳазм қилинади. Сувда натрий ва кальций фосфатлари ёмон эрийди, ишқорли мухитда эса улар амалда эримайди.

Сув биосферанинг асосий элементи ҳисобланади. Сувнинг айланниб юриши атмосферага сув ҳавзалари ва қуруқлик юзасидан буғланиш орқали содир бўлади, сўнгра буғ ҳаво массалари билан ҳавога кўтарилади, буғ конденцияланади, сувга айланади ва ёғин бўлиб тушади, яъни ёғин ёғади, ёғингарчилик бўлади.

Биологик модда айланниб юришига тортилган углерод, азот ва сувнинг алмашиши умумий циклининг ўртача давом этиш муддати 300-400 йилга тенг. Шу тезликка мувофиқ биомасса билан боғланган минерал бириккмалар озод бўлади. Тупроқ гумуси моддалари ҳам озод бўлади ва минераллашади.

Турли моддалар биосферада турли тезлиқда алмашинади. Ҳаракатчан моддаларга хлор, олтингутурт, бор, бром, фтор киради. Пассив элементлар кремний, калий, фосфор, мис, никель, алюминий ва темир ҳисобланади. Барча биоген элементларнинг айланниб юриши биогеоценозлар даражасида рўй беради. Биогеоценозлар маҳсулдорлиги кимёвий элементлар айланниб юришини амалга оширишнинг мунтазамлиги ва тўлалигига боғлиқ бўлади.

Модда айланниб юриши жараёнига инсоннинг аралашуви салбий таъсир қўрсатади. Масалан, ўрмонларни кесиш ёки ифлосланиш оқибатида ўсимлик моддаларининг ассимиляция жараёнларини бузиш углеродни ўзлаштириш (ҳазм қилиш) интенсивлигининг пасайишига олиб келади. Саноат оқавалари таъсирида сувда органик элементларнинг керагидан ортиқлиги сув ҳавзаларининг айнишига (ифлосланишига) ва сувда эриган кислороднинг ортиқча сарфланишига олиб келади ва булар аэроб (кислород истеъмол қиласидан) бактерияларнинг ривожланишига тўқсинглик қиласиди. Инсон қазиб олинган ёқилгини ёқиб, атмосфера азотини ишлаб чиқариш маҳсулотларида тўплаб, фосфорни детергентлар (синтетик ювиш воситалари) билан қўшиб, элементларнинг айланниб юришини бузади. Булар экология иқтисодиёти натижаларига салбий таъсир қўрсатади.

Биоген элементларнинг айланниб юриши тезлиги етарли даражада юқоридир. Атмосфера углеродининг айланиси вақти 8 йилга яқинни ташкил этади. Ҳар йили ер усти экотизимларида модда айланнишига ҳаво таркибида бўлган диоксид углеродининг тахминан 12 фоизи жалб қилинади, азот айланниб юри-

шининг умумий вақти 110 йилдан кўнрок, кислородники 2500 йил баҳоланади.

Табиатда моддаларнинг айланиб юриши популяциядан тортиб то биосфера даражасигача жараёнларнинг жойи, вақти ва тезлигини мувофиқлаштиришни тақозо этади. Табиат ҳодисаларининг бундай мувофиқлаштирилиши экологик мувозанат деб аталади, лекин бу мувозанат ҳаракатчан ва ўзгарувчандир (динамикдир).

Одам ўз хўжалик фаолияти жараёнида умуман экотиизимларга ёки унинг айрим бўғинларига (звеноларига) доимий таъсири кўрсатади. Масалан, булар ҳайвонларни овлаганда (отиб олганда), дарахтларни кесганда, табиий мухитни ифлослантирганда содир бўлади. Бу барча тизимни доимий бўлмаган ва дарров амалга ошмаган емирилишга, унинг барқарорлиги бузилишига олиб келади. Лекин тизимнинг сақланиб қолиши у ўзгартмай қолганилигини билдирамайди. Тизим ўзгариши (трансформацияланади) ва бу ўзгаришни экология иқтисодиётида баҳолаш ниҳоятда мураккабдир.

Хозирги вақтда Ерда одамнинг таъсирига учрамаган экотиизимлар амалий жиҳатдан қолмаган. Одамнинг экотиизимларга таъсири шу қадар интенсивки, уларга организмлар мослашишига улгирмаётирлар. Айрим зотлар (организмалар) даражасида қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар юз беради: ҳашоратларнинг бир қисми заҳарли гербицитлардан халок бўлаётир, кирилиб кетаётир, бошқаларга эса уларга чидамли, барқарор (толерантли) бўлиб қолаётир. Айримларида ирсиятга таъсири кўрсатадиган хромосомоларда (мутация) ўзгаришлар қайд қилинган.

Атмосферага ифлослантирувчи моддаларни (олтингугурт оксиди, азот, фторли бирикмалар, углеродлар) чиқариш атмосфера ҳавосида газлар нисбатини ўзгаририди ва фотосинтез реакциясига тўсиқ яратади, баъзи ҳолларда эса япроқларни, баргларни қуритади. Индустрιал районларда тупроқларда маргANEЦ, хром, никель, мис, кобальт, кўрғошин миқдорининг ошиши қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлигини пасайтиради. Масалан, буғдой хосилдорлиги 20-30%га, картошка 47%, қанд лавлаги 35%га камаяди. Бундай тўсиқлар умуман экотиизимнинг емирилишига олиб келади. Яъни асосий трофик даражаси – продуцентлар йўқотилади. Айрим экотиизимларнинг емирилишидан кейин умуман биосферанинг емирилиши рўй бериши ёки унинг маҳсулдорлиги анча пасайиши мумкин.

Ўрмонларни кесиш, тупроқ эрозияси, табиий ланшафтни қурилиш обьектлари, ўзлаштирилган конлар, шаҳарлар билан алмаштириш фотосинтетикларнинг умумий массасини камай-

тиради, биотик айланиб юришни одатга айлантиради, инсоннинг ҳаётига салбий таъсир қиласи.

Биосферанинг ривожланиши Ерда одамнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ, лекин узоқ вақт одамнинг биосферага таъсири унинг биологик тур сифатида мавжудлиги билан белгиланган.

Тирик организмларнинг ҳаёти, шу жумладан одамнинг ҳаёти ҳам атроф-муҳитсиз, табиатсиз бўлиши мумкин эмас. Одамга атроф-муҳит билан модда алмашиш хос бўлиб, у ҳар кандай организм яшашининг асосий шароити ҳисобланади.

Одамнинг организми кўпроқ биосфера компонентлари – ўсимлик, ҳашоратлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар билан боғлиқ. Одам организми, бошқа ҳайвонларнинг организми каби, суткалик ва фаслий ритмларга (маромга) мойилдир, атроф ҳароратининг мавсумий ўзгаришларига, қуёш радиацияси интенсивлигига (фаоллигига) таъсирчандир.

Одам – табиатнинг бир қисми, лекин биологик тизимларнинг эволюцион ривожланиши туфайли одамнинг ҳайвон аждоди шундай чегарага келдики, ундан кейин унинг ижтимоий эволюцияси имконияти очилди. Хозир одам алоҳида ижтимоий муҳит – жамиятнинг қисмига айланди. Одам ўз-ӯзини билишнинг атроф дунёни билиш ва ўзгартиришнинг уникал қобилиятига эгадир.

Одам тирик мавжудот сифатида ва одам авлоди (уруги) индивидлари мажмуи сифатида экотизимлар ва экосфера қонунларига бўйсунади. «Одам-атроф-муҳит» тизимининг ўзига хос ҳусусияти фақат табиий ва биологик омиллар билангида белигиланмайди, шунингдек, ижтимоий-иктисодий шароитлар билан ҳам белгиланади ва улар жамият ривожланган сари одам ва табиат муносабатларида табора кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб боради. Одам мақсадга мувофиқ колектив меҳнат фаолияти жараёниларида табиатга таъсир қиласи, ўз ҳаётини ташкил этиш усулларини ўзгартиради, ижтимоий муносабатларнинг алоҳида шаклларини яратади. Бунда экотизимлар ва экосфера қонунларининг инсон фаолиятига таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва ушбу фаолиятни уларга мослаштириш муаммоларини ҳал этиш экология иктисодиётининг асосий вазифалари қаторига киради.

Одам ва табиат ўртасида биологик модда алмашиш сақланиб қолган. Табиат одам ҳаёти ва жамият ривожланишининг доимий шароити бўлиб қолаётир. Лекин ишлаб чиқариш фаолияти натижасида табиат ва жамият ўртасида модда ва энергия алмашишининг янги жараёни пайдо бўлди. Бу алмашиш эндиликда техноген характерга эга ва у антропоген ёки ижтимоий модда ва энергия алмашиши деб аталади.

Антропоген алмашиш умумпланетар модда айланиб юришини жиддий равиша ўзгартыради ва уни кескин тезлаштиради. У биотик модда айланиб юришидан ёпік әмаслиги, очиқ харakterи билан фарқ қиласы. Антропоген алмашишнинг кириш қисмида табиий ресурслар, чиқиши қисмида эса, ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндилар туради. Антропоген алмашишнинг экологик мүкаммал әмаслиги шундаки, табиий ресурслардан фойдаланиш көэффициенті қоюда тарықасыда, ҳаддан ташқары паст, чиқиндилар күп, ишлаб чиқариш чиқиндилари эса табиий мұхитни ёмонлаштиради ва ифлослантиради, уларнинг күпчилігі табиий ҳолатгача парчаланмайды. Ілмий-техника тараққиеті даврида ва унинг интенциялашуви босқичида антропоген алмашиш миқёслари ва суръатлари кескин ўсаётir ва биосферада сезиларлы кескинликни келтириб чиқараётir.

Одамнинг пайдо бўлишигача биосфера мувозанатини қўйидаги бешта энергетик омил белгилаб берган: қуёш радиацияси, гравитация кучи, тектоник кучлар, кимёвий энергия (оксидловчи-тикловчи жараёнлар), биоген энергия (ўсимликларда фотосинтез, бактерияларда хемосинтез, ҳайвонларда озуқани ҳазм қилиш ва оксидлаш, биомассаларда қўпайиш ва маҳсулдорлик). Бу омиллар геологик вақт шкаласи бўйича ривожланди ва 3,5 млрд. йилда табиий мұхитни шакллантириди.

Ҳозирги вақтда янги омил – дунё ишлаб чиқариши энергияси пайдо бўлди. Бу омил геологик вақт шкаласи бўйича әмас, балки тарихий вақт шкаласи бўйича ривожланаётir. Биосферада ҳаракатчан мувозанатни сақлаш ёки қайтариб бўлмайдиган бузилиш ишлаб чиқаришни ташкил этишга боғлиқдир.

Тарихий ривожланишининг ҳозирги босқичида жамият ва таабиатни ишлаб чиқариши мөнбети – икътисодий ва экологик. Икътисодий шакл – табиат ресурслари истеъмоли, яъни улардан инсоннинг ўз моддий ва маънавий әхтиёжларини таъминлаш учун фойдаланиш. Экологик шакл – инсонни биологик ва ижтимоий организм сифатида сақлаш мақсадларида атроф табиий мұхитни ва инсоннинг табиий яшаш мұхитини муҳофаза қилиш.

Бу иккى шаклни бир-бирига оптималь боғлаш экология икътисодиётининг энг мұхит мұаммоси ҳисобланади.

Одам ўзининг хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун табиий ресурсларни истеъмол қилиб, яна табиатни ҳам ўзгартыради, улар бумеранг сифатида, инсоннинг ўзига зарарли таъсир кўрсата бошлайди.

Цивилизация тарихи мобайнида ўрмонларнинг 2/3 қисми кесиб юборилган, 200 турдан ортиқ ҳайвон ва ўсимликлар йў-

қотилган, атмосферадаги кислород заҳираси 10 млрд. тоннага камайган, қишлоқ хўжалигини нотўғри олиб бориш оқибатида 200 млн. гектар қишлоқ хўжалик ерлари йўқотилган.

Сўнгги йилларда табиатга одамнинг хўжалик босими жиддий ошган: фақат норационал хўжалик фаолияти оқибатида ҳар йили 44 минг га ер чўлга айланәтири, 690 минг га ўрмон йўқотилаётир, бир турдаги ҳайвон ва бир турдаги ўсимлик йўқлаётир.

Одам фаолиятининг салбий таъсири қуидаги учта йўналища намоён бўлаётир: атроф табиий мухитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиши, табиий мухитнинг емирилиши.

Атроф-мухитнинг ифлосланиши космик, яъни табиий ифлосланиш, Ёрга Космосдан ёки вулқон фаолияти билан боғлиқ бўлган ифлосланиш ва одам хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган антропоген ифлосланишга бўлинади.

Атроф-мухитнинг антропоген ифлосланиши чангли, газли, кимёвий (шу жумладан, тупроқнинг химикатлар билан ифлосланиши), ароматик, иссиқлик (сув, ҳаво, тупроқ ҳароратининг ўзгариши), ридиоктив турларга бўлинади. Ифлосланишнинг маъбаи инсон хўжалик фаолияти ҳисобланади (саноат, қишлоқ хўжалиги, трнаспорт).

Шундай қилиб, ҳозирги даврда одам биосферадаги жараёнларни ўзгартирадиган асосий кучга айланди. Бу жараёнларни бошқаришни инсон эндиликда ўргана бошлади. Илмий-техника тараққиёти биосфера қонунларини билишдан анча ўзиб кетди ва бу биосферадаги мувозанатнинг сезиларли бузилишига, табиий тизимларнинг ўз-ўзини тозалаши бўйича имкониятларидан ошиб кетишига олиб келди. Табиат емирилишининг олдини олиш учун унинг қонунларини ўрганиш, табиий ресурслардан фойдаланишнинг ва мувозанатлашган табиатдан фойдаланишнинг оқилона йўлларини топиш керак.

Инсон ва табиатнинг ўзаро мос ва монанд тинч-тотув яшашини таъминлаш – биосфера ривожининг янги босқичи бўлиб, у ноосфера деб аталади.

Қисқача холосалар

Экология иқтисодиёти ва айниқса, хусусий экология иқтисодиётида «табиат», «атроф-мухит», «табиий шароит», «табиий ресурслар», «табиат неъматлари», «табиатдан фойдаланиш», «табиат муҳофазаси» ва бошқа қатор фундаментал тушунчаларни билиш ва тўғри тушуниш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Улар ушбу фан методологияси ва методикасини ишлаб чиқишига асос бўлади.

Табиий ресурсларни турли белгиларга кўра классификациялаш улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг оптимал ечимини топишга хизмат қиласди. Ресурсларни табиат тизимларига қарашли бўлиши, муносабати, жойлашиши бўйича, хўжаликда фойдаланиш бўйича, инсонга муносабати бўйича классификациялаш мумкин. Шунингдек, табиий – экологик ресурслар худудий комплекслари тармоқлараро комплекслар, супер комплекслар нуқтаи назаридан ҳам классификацияланади.

Биосфера Ернинг тирик организмлар яшайдиган фаол қобиги ҳисобланади. У моддаларнинг тўхтовсиз биокимёвий айланиб юришига асосланган ҳолда ҳаракат қиласди. Кимёвий элементларнинг айлана ёки цикл бўйича аралашиб кетиши оқибатида элементлар мунтазам равишда тирик организмларга ва жонсиз табиатга ўтади. Бу ҳаракат бир-бирига қарама-қарши бўлган икки жараён орқали таъминланади: ноорганик моддалардан мураккаб органик моддаларни синтез қилиш ва органик моддаларнинг оддий ноорганик моддаларгача емирилиши.

Жонли (биоценоз) ва жонсиз табиатнинг ўзаро таъсири остида пайдо бўладиган тизим экологик тизим ёки биогеоценозлар деб аталади. Биоценозларнинг асосий компонентлари ўсимлик, ҳайвонлар ва микроблар ҳисобланади. Моддаларнинг айланиб юришида уч гуруҳ организмлар – продуцентлар (ишлаб чиқарувчилар), консументлар (истеъмолчилар) ва редуцентлар (тикловчилар) иштирок этади.

Одам – табиатнинг бир қисми, лекин у айни бир вақтда алоҳида ижтимоий муҳит – жамиятнинг ҳам қисми ҳисобланади. Одам ўз-ўзини билишнинг, атроф дунёни билиш ва ўзгартиришнинг уникал қобилиятига эга. У тирик мавжудот сифатида ва одам авлоди индивидлари маъмуи сифатида экотизимлар ва экосфера қонунларига бўйсунади. Табиат одам ҳаёти ва жамият ривожланишининг доимий шароити ҳисобланади. Лекин ишлаб чиқариш фаолияти натижасида табиат ва жамият ўртасида модда ва энергия алманишининг янги жараёни – ан-

тропоген ва ёки ижтимоий модда ва энергия алмашиши жараёни пайдо бўлди. Антропоген алмашиш умумпланетар модда айланиб юришини жиддий равишда ўзгартирарида ва уни кескин тезлаштирида.

Антропоген таъсир атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиши, табиий муҳитнинг емирилиши каби салбий йўналишларни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан инсон ва табиатнинг ўзаро мос ва монанд тинчтотув яшашини таъминлаш биосфера ривожининг янги босқичига айланмоқда ва у ноосфера номини олган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Атроф-муҳит ва унинг компонентларига хос бўлган қандай асосий тушунчалар бор? Уларни билиб олинг ва таърифланг.

2. «Табиат», «табиий муҳит», «табиий шароит», «табиий ресурслар», «табиат комплекслари», «экологик ресурслар», «табиатдан фойдаланиш», «атроф-муҳит муҳофазаси» тушунчалари нима? Улар хусусий экология иқтисодиётида қандай аҳамиятга эга?

3. Табиий ресурслар класификацияси нима? Табиий ресурслар қандай йўналишларда класификацияланади? Уларнинг аҳамиятини билиб олинг.

4. Табиий-экологик ресурсларнинг худудий комплекслар, тармоқлараро комплекслар, суперкомплексларга боғлиқ ҳолда класификацияси хусусиятларини тушунтиринг.

5. Биосфера нима? У экология иқтисодиётида қандай аҳамиятга эга?

6. «Биоценоз», «биогеоценоз» нима?

7. Моддаларнинг айланиб юришида продуцентлар, консументлар, редуцентлар қандай роль ўйнайди?

8. Биосферада углерод, карбонат ангидрид гази, азот, фосфор, сув айланиб юришини ва унинг аҳамиятини билиб олинг.

9. Табиатда модда айланиб юриши жараёнига инсоннинг аралашиши қандай оқибатларга олиб келади?

10. Нима сабабдан одам экотизимлар ва экосфера қонуларига бўйсунади ва унга қандай ўзгартришлар киритади?

11. Биосфера ривожининг янги босқичи ноосфера қандай хусусиятга эга?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Узбекистон, 1997.
2. Атроф-муҳитни мухофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. – Т.: Адолат, 2002.
3. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1998.
4. Гиусов Э.В., Бобылов С.Н., Новоселов А.П., Чепурных Н.В. Экология и экономика природопользования. Учебник 2-е изд. – М.: Единство, 2002.
5. Кормилицын В.И., Цицкишвали М.С., Яламов Ю.И. Основы экологии. Учебное пособие. – М., 1997.

ТАБИАТ КОМПОНЕНТЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ ИҚТИСОДИЁТИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ

6.1. Табиат компонентларининг умумий хусусиятлари ва уларни баҳолаш йўналишлари

Атроф табиий мухит ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қиласидиган компонентлардан таркиб топган. Уларга атмосфера, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами, ер ости бойликлари киради.

Ушбу компонентларнинг ресурслари хусусий экология иқтисодиётининг тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қиласиди.

Табиат компоненти ресурсларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳолатини баҳолаш экология иқтисодиётидаги бирламчи ахборотларни олиш, табиий – экологик – иқтисодий алоқаларни тартибга солиш ва оптимизациялашнинг мақсаддага мувофиқ йўналишларини белгилашгага имкон беради. Табиий ресурслар тўғрисидаги ахборотлар қўйидаги мақсадларга хизмат қиласиди:

- табиий бойликларни баҳолаш ва улар билан таъминланниш даражасини аниқлаш;
- табиий ресурслар динамикаси ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш;
- табиий ресурсларга хўжалик фаолиятининг таъсирини баҳолаш;
- табиий ресурслар ҳолати, улардан фойдаланиш ва уларни тақрор ишлаб чиқаришни узоқ муддатларга башоратлаш ва режалаштириш;
- ҳалқ хўжалиги, унинг тармоқлари ва худудий комплекслари ва тармоқларининг ривожланиши ва жойлашишини техник-иқтисодий асослари;
- корхоналарнинг, тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланиши ва уларни тақрор ишлаб чиқаришни лойихалаштириш.

Табиий ресурслардан фойдаланишни баҳолаш қўйидаги кўрсаткичлар орқали амалга оширилиши мумкин: хомаё ва табиат муҳофазаси мақсадларида фойдаланиладиган табиий ресурсларнинг ҳиссаси; қазиб олинган хомашёнинг улардан фойдаланиш нормативларига нисбати; биологик ресурслар бўйича, бундан ташқари, йиллик массаларнинг ҳосил бўлишига нисбати; умуман, чиқинидиларга кетадиган материаллар ҳиссаси ва уларнинг қайта ишлаш босқичлари бўйича нисбати ва бошқалар.

Табиат – хўжалик алоқаларини иқтисодий тартибга солиш учун табиат компонентлари ресурсларини баҳолаш зарур

ва у хомашё ёки ресурс бирлигига рента ёки қўшимча даромадни, шунингдек, ресурс ва табий объект ёки участкани баҳолаш тизимини ўз ичига олиши керак. Табий ресурсларни баҳолаш тизими З- жадвалда берилган.

З-жадвал

Табий ресурсларни иқтисодий баҳолаш тизими

Қўрсақчи	Ҳисобланған функцияси	Баҳолашнинг мақсади
1. Хомашё учун рента	$P=X_0-X_\phi+\Sigma \Delta P K_t$	Хомашё тўловини аниқлаш
2. Ресурс учун рента	$T=\Sigma P_i P_6$	Ресурс тўловини аниқлаш
3. Ресурс бирлигига йўллик муҳофаза ва ижтимоий самара	Самаранинг ўснини ҳисобга олиб, юқорида келтирилган формула бўйича	Ҳимоя қилиши ва ижтимоий самарани ҳисобга олиш
4. Ресурсларни баҳолаш	$B=\Sigma T_i K_t + \Sigma C_i K_t - \Phi K_t$	Табий бойликларни ва ресурслардан фойдаланиш ва яхшилаш бўйича тадбирлар самарасини аниqlаш
5. Табий объектни баҳолаш	$B_0=BH+\Sigma P_x X_x+A_\Phi$	Ресурсларни фойдаланишдан чиқаргандага нобудгарчиликни ҳисобга олиш

Рента имкони борича (охирги чегарагача) ижтимоий зарурий харажатлар билан (X_0) хомашё учун фактик ҳолга келтирилган харажатлар (X_ϕ) ўртасидаги фарқ плюс унинг иқтисодий баҳосининг т ўйлда ўсиши (ΔP_t) ушбу қўрсақчиликнинг дастлабки даврга келтириш коэффициенти (K_t) орқали ҳисобланади. Хомашёни ишлаб чиқариш учун ижтимоий зарур ва фактик харажатлар уларнинг сифатини ҳисобга олиб қабул қилиниши, яъни бир хил сифатга эга бўлган хомашёни олиш учун кетадиган харажатларга асосланиб ҳисобланиши лозим.

Табий ресурсларга рента (T) ресурс бирлигидан (P_6) келиб чиқадиган хомашё рентаси (P_x) йиғиндиси сифатида ҳисоблаб чиқилади. Хомашё ёки табий ресурсларга рента улардан фойдаланганлик учун тўловни белгилашга имкон беради.

Ресурс бирлигини баҳолаш (B) ресурс ёки хомашёга рента, ресурсларни эксплуатация қилиш даври вақтини (B_t) ҳисобга олиб, уларни муҳофаза қилиш ва ижтимоий функциясидан олинадиган самара (C_t) йиғиндиси минус асосий фондларнинг (Φ) муддатидан олдин ишдан чиқсан амортизацияланмаган қисми сифатида ҳисоблаб чиқилади. Улардан табий бойликларни баҳолашда ва табий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни асрар ва яхшилаш тадбирларининг самарадорлигини аниқлашда фойдаланилади.

Табиий ресурсни баҳолаш (Б_о) табиий ресурс бирлигининг йиллик нормативга нисбатан баҳолаш ёки ундан фойдаланиш ҳажмини (Н) баҳолаш (Б) (табиий ресурсни баҳолаш), хомашё рентаси (Р_х), хомашё ҳажмини (Х_х) (биологик ресурслар учун тўплланган заҳираларни баҳолаш) баҳолаш йигиндиси плюс ресурсларни эксплуатация қилиш бўйича асосий фондларнинг (А_ф) эскиришини (йўқотилиши) баҳолаш сифатида ҳисоблаб чиқилади. Бундай баҳолаш табиий ресурсларни эксплуатациядан чиқаришда қўлланилади ва лойиҳа ишларида ҳисобга олинади.

Умумлаштирилган баҳолаш тизими асосида табиий ресурсларнинг ҳар бир тури учун уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, ўзларининг баҳолаш тизими ишлаб чиқилади. Бундай баҳолаш тизими навбатдаги параграфларда таърифланган.

6.2. Атмосфера ресурслари

Атмосфера азот, кислород, сув буғлари, карбонад ангирид ва бошқа газлар, чангсимон зарралардан таркиб топган Ер шарининг газсимон ресурсларирид. Атмосфера қўйидаги хусусиятларга эга:

- кимёвий таркибининг нисбатан бир текис шаклланишига имкон берадиган серҳаракатчанлиги;
- маконда (худудда) ва вақт бирлигига табиий қўрсаткичларнинг ўзгарувчанлиги ва унинг табиатда сувнинг айланиб юришини таъминлаши;
- Ер юзасига қуёш энергиясининг тушиши, шунингдек, Ерда ёруғлик шароитларини таъминлайдиган электромагнит тўлқинлари учун тиниқлик (шаффофлик);
- газсимон ва чангсимон моддаларни ютиши, худудларда тарқатиши;
- ёғинлар тушиши ва биологик модда айланишида қатнашиши ҳисобига ўз-ўзини қудратли тозалаш қобилиятига эвалиги ва уларнинг атмосфера кимёвий таркиби барқарорлигини таъминлаши ва бошқалар.

Бу хоссаларига мувофиқ атмосфера тирик организмларнинг мавжудлиги ва яшаш муҳитининг асосий шарти ҳисобланади, Ернинг иссиқлик балансида фаол роль ўйнайди, қўплаб технологик жараёнларни, энергия ишлаб чиқаришни таъминлашда, авиация ва пневматик транспортда, заарли газ ва чангларни тозалашда фойдаланилади, кислород, азот ва бошқа кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш учун хомашё бўлиб хизмат қилади. Жойлар атмосферасининг табиий қўрсаткичлари иқлим билан даволашда фойдаланилади. Атмосфера биосфера, гидро-

сфера ва литосфера билан ўзаро таъсирида бўлади. Карбонат ангидрид, кислород ва азотнинг асосий манбаи сифатида тирик организмларнинг ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган биологик модда айланиб юришида фаол иштирок этади. Улар орқали табиатда сувнинг айланиб юриши амалга ошиди. Атмосфера геологик модда айланиб юришида – тоб жинсларининг парчаланиши, емирилиши, худудларда чанг, қум ва бошқа катта зараларнинг қўчиб юришида фаол роль йўнайди.

Атмосфера ва табиий, ишлаб чиқариш, ижтимоий тизимлар ўртасида тескари алоқа мавжуд. Атмосферанинг ҳолати бу тизимларнинг ҳолатига ва ишлашига, яъни литосфера юзасининг ҳолати, саноат ва бошқаларнинг чиқармалари, майший чиқинчиларга боғлиқдир. Улар Ернинг иссиқлик балансига, жонли табиатга, намликтининг айланиб юришига, биологик модда айланниб юришига ва бошқа жараёнларга катта таъсири ўтказади.

Атмосферада модда айланиб юриши қуйидаги баланс нисбатида ифодаланади:

$$M_0 = M_6 + K \cdot C$$

Бунда: M_0 – моддаларнинг охирги ҳажми;

M_6 – моддаларнинг бирламчи (дастлабки) ҳажми;

K – чиқармалар, шамол энергияси ва бошқа сабаблар ҳисобига моддаларнинг кирими;

C – моддаларнинг ёғин-сочинлар, ҳаво массаларининг алмашиниши, зарраларнинг ўтириши билан боғлиқ сарфлар.

Атмосферада газсимон моддалар тўпланиши (концентрацияси) уларнинг ҳаводаги бирламчи (дастлабки) миқдорига, моддалар кирими ҳажмига, уларнинг ҳаво массалари алмашинишида аралашиб кетиши (суюлтирилиши), ва атмосферадан ёғинлар билан чиқариб ташланишига боғлиқ бўлади. Чиқармалар ва уларнинг зарарлилиги қанча кўп бўлса, ҳавонинг ҳаракати шунча кам, ёғинлар эса шунча сийрак бўлади, атмосферада зарарли моддаларнинг тўпланиши (концентрацияси) шунча кўп ва уларнинг табиий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимларга таъсири шунча кучли бўлади. Айниқса чиқармалар ҳиссасининг қўлигига ҳавонинг узоқ вақт ҳаракатсиз ҳолати (ҳаракатсизлиги) хавфлидир. У смог деб аталадиган ҳодисасининг пайдо бўлишига олиб келади. Смог – йирик саноат шаҳарларида (АҚШ, Европа, Япония ва бошқалар) тутун, қурум, кул зарралари, чанг, ёқилғи буғи кабилар аралашмасидан иборат заҳарланган ҳаводир.

Зарарли моддаларнинг жонли табиатга нокулай таъсири ҳаво ҳарорати ва намлигининг оптималь кўрсаткичларидан сезиларли четта чиқишида кучаяди. Атмосферанинг ҳамма қисми

ҳам ўз-ўзини тозалаш қобилятига эга эмас. Булутлар чегараларидан юқорида бундай қобилият күчсиз, заиф намоён бўлади ва у вертикал бўйича ҳаво массаларининг араласишига, кўчиб юришига боғлиқ бўлади. Шунинг учун стратосферанинг ифлосланиши янада кўпроқ хавфлидир. Атмосфера локал (маҳаллий) ифлосланишининг кўчайиши билан унинг глобал ифлосланиши кўпаяди, айниқса, бу жараён ифлосланган ҳаво массаларининг кам микдордаги ёғинлар билан қурғоқчилик зоналарга кўчишида яққол намоён бўлади. Ҳаво массаларининг кўчиб юриши билан боғлиқ ҳолда заарали моддалар атмосферадан бошқа жойларга тушади. Фарбий Европа олтингугурт газларининг саноат чиқармалари, масалан, кислотали ёмғир кўринишида Скандинавия мамлакатларига тушиши, тупроқ ва сув ҳавзаларини ифлослантириши мумкин. Лекин ёғинлар билан барча газлар тушмайди, уларнинг айримлари атмосферада тўплашиб, уни ифлослантиради.

Атмосферада содир бўладиган жараёнлар Ердаги турли нукталарда унинг турли ҳолатда бўлишига олиб келади. Атмосфера ҳолатининг баъзи кўрсаткичлари (табиий кўрсаткичлар) ўзгарувчаан бўлса, бошқалари (кимёвий таркиби) нисбатан доимий бўлади.

Атмосферанинг табиий ҳолати гидрометеорологик кўрсаткичлар тизими билан ҳарактерланади ва улар гидрометеорологик станцияларда аниқланади. Шунингдек, атмосферанинг кимёвий таркибини аниқлаш бўйича кузатувчи (мониторинг) пунктлар тармоги мавжуд. Уларни назорат қилиш учун заарали моддалар тўпланишининг рухсат этилган меъёри (нормалари) ишлаб чиқилган. Мамлакатимизда атмосферага заарали моддалар чиқариш ва уларнинг манбалари ҳисобга олиб борилади, чиқармаларни тозалаш ва утилизациялаш бўйича тадбирлар амалга оширилаётир, газ тозалаш қурилмаларининг ишлари ҳисобга олинаётир. Буларнинг ҳаммаси ҳаво ҳавзасининг ҳолати ва ундан фойдаланиш бўйича хилма-хил ахборотларни олишга имкон беради. Лекин одатда баҳолаш учун унча кўп бўлмаган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ҳаво ҳавзасининг табиий ҳолати жойларнинг иқлим кўрсаткичлари бўйича баҳоланади; уларга асосланиб маҳсус методика бўйича турли муддатларда об-ҳаво баҳоланади.

Ҳаво ҳавзаси ифлосланишини баҳолаш учун қуийдаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- барча ифлослантирувчи манбалардан чиқариладиган моддалар микдори;
- ишлаб қолинган чиқармалар ҳиссаси;

- ушлаб қолинган чиқармалардан утилизация қилингандары ҳиссаси;

- атмосферада фактик мавжуд бўйича заарли моддаларнинг уларнинг рухсат этилган концентрацияси (тўпланиши) меъёрларига нисбати;

- бир йил давомида атмосферада заарли моддалар миқдорининг рухсат этилган концентрацияси миқдоридан ортиб кетган кунлар сони.

Бу кўрсаткичларни умуман, интегрентлар бўйича шаҳарлар, қишлоқлар, маъмурий туманлар бўйича ҳисоблаб чиқиш керак.

Атмосфера ифлосланишининг асосий манбалари иссиқлик электр станциялари, металлургия ва қурилиш комплекслари, шунингдек, исититиши саноати ва автомобиль транспорти ҳисобланади. Ифлосланиш даражаси ва унинг манбаларининг роли халқ хўжалиги структурасига боғлиқ. Ўзбекистонда 2001 йилда атмосферага чиқарилган заарли моддалар 250,3 минг тонна бўлган, шундан тургун манбаларга 711,8 минг тонна (31,6%) ва ҳаракатланувчи манбаларга 1538,5 минг т. (69,4%) тўғри келган. Мустақиллик йилларида қатор тадбирлар амалга оширилиши натижасида бу борадаги кўрсаткичлар бироз яхшиланди. 2001 йилда 1991 йилдагига нисбатан атмосферага чиқариладиган заарли моддалар миқдори 3805 минг тоннадан 225,3 минг тоннага тушган, яъни 1554,7 минг тоннага камайган.

Атмосферага чиқарилган чиқинидилар умумий миқдорида саноат тармоқларининг улуши (% ҳисобида) қуйидаги маълумотлар билан характерланади: иситиши саноати 40%, электр энергетика 28%, металлургия 14%, қурилиш индустрияси 5%, кимё саноати 3%. Турли шаҳарларда автотраспорт ҳиссасига 10%дан 80%гacha чиқармалар тўғри келади.

Ҳаво ҳавзасини иқтисодий баҳолап ҳаво ифлосланишининг зиёни билан белгиланади, яъни ҳаво ҳавзасидан фойдаланиш натижаларига боғлиқ бўлади (4-жадвал).

4-жадвал

Ҳаво ҳавзасини иқтисодий баҳолап тизими

Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш формуласи	Баҳолашининг мақсади
1. Ифлослантирувчи модда бирлигига келадиган зиён	$Z=[HT_{\text{т}}+HT_{\text{иц}}+HT_{\text{юж}}/\bar{C}]+\sum \Delta Z_i H_i$	Ифлослантириши учун тўловларни аниқлаш
2. Майдон бирлигига келадиган зиён	$M_6=\Sigma Z_i/M$	Худди шундай максад
3. Ҳаво ҳавзаси	$B=M_6/M$	Зиёнини аниқлаш ва ифлосланиши бартараф этиш бўйича тадбирлар самараси

Зиённининг (3) ўлчами (қиймати) ифлосланган ҳавонинг табиий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимларга таъсири бўйича аниқланади. Бунинг учун табиий-иқтисодий шароитларга ва ҳавонинг ифлосланиш даражасига ёки ундаги ифлослантирувчи моддаларнинг микдорига боғлиқ ҳолда ушбу тизимлар учун нормативлар (H), ишлаб чиқилади. Бу нормативлар (H) шунингдек, табиий (T _т), ишлаб чиқариш (T _И) ва ижтимоий (T _{ИЖ}) тизимларнинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича ифлосланишнинг ҳаво ҳавзасига етказадиган умумий зиёни аниқланади. Уни чиқармалар ($Ч$) ҳажмига бўлиб, 1 тонна чиқарманинг зиёни (3) аниқланади ва у ҳаво ҳавзасидан фойдаланишининг иқтисодий баҳоси (B _и) бўлиб хизмат қиласди. У ҳаво ҳавзасидан фойдаланувчилардан ундирилади. Иқтисодий баҳолаш истиқболда ҳаво ҳавзасининг ифлосланишидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб ҳисоблаб чиқилади. Сўнгра майдон бирлигига (M_6) турли ифлослантирувчилардан (I_6) етказилган зиён (3_и) ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун турли ифлослантирувчилардан (I_6) келадиган зиённинг йигиндиси (3_и) майдонга (M) бўлинади ва шу асосда ҳаво ҳавзаси иқтисодий баҳоланади.

Саноат чиқармаларининг ҳаво массасини ифлонлантиришига таъсири уларнинг кўчиб юриши туфайли катта майдонларга тарқалади. Лекин ҳавонинг ифлосланиш даражаси бир хил бўлмайди ва у чиқарма манбаларидан узоқлашган сари камайиб боради. Шунинг учун ҳаво ҳавзасини иқтисодий баҳолаш микрорайонлар бўйича амалга оширилиши керак ва улар ҳавонинг ифлосланиш даражаси, табиий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимларнинг ривожланиш ҳолати ва даражасига боғлиқ ҳолда аниқланиши лозим.

6.3. Сув ресурслари

Сув ресурслари ҳамма жойда ва кўп томонлама аҳамиятга эга. Улар сув манбаи, биологик маҳсулот, энергия, кимёвий модда, шунингдек, транспорт, аҳолининг дам олиш ва соғломлаштириши воситаси бўлиб хизмат қиласди. Сув – гидросфера нинг асосий элементи (океанлар, денгизлар, сув ҳавзалари), бундан ташқари у атмосфера таркибига сув буғлари, литосферага тупроқ қориши маси, ер ости ва грунт сувлари сифатида киради, қаттиқ ҳолатда (музликлар, қор, музлоқлар), эркин ва боғланган (биосферада) ҳолатда бўлади.

Сув қўйидаги хоссаларга эга:

- серҳаракатлиги ва сувдаги моддаларнинг табиий аралашиб кетиши қобилияти билан ажралиб туради;

- күнлаб моддаларнинг жуда яхши қоришимаси ҳисобланади ва шунинг учун, қоида тариқасида, турли концентрациядаги қоришимаси кўришишида мавжуд бўлади;

- таркибида эритилгаи ҳолатда кислород ва корбонат ангирид бор бўлиб, улар сувни биологик организмлар муҳитига айлантиради;

- тез буёланади ва атмосферанинг сув (нам) билан тўйин ишини таъминлайди;

- катта солиштирма иссиқлик ҳажмига, иссиқлик ўтказиш ва буг ҳосил бўлишига боғлиқ; бўлган янри ин иссиқликка эга бўлиб, улар сезиларли миқдордаги энергияни ташин (кўчириш)га имкон беради;

- суюқ кўринишида енг катта юзани қоплайди ва капилляр тизимларни кўп миқдордаги сув билан таъминлайди, қаттиқ ҳолатда эса кам солиштирма оғирликка эга бўлиб, сув ҳавзаларини музлаб қолишдан сақлайди.

Бу хоссалар сувнинг ердаги табиий-экологик жарайёнларда катта роль ўйнашини олдиндан белгилаб беради. Қуёш энергияси таъсирида сувнинг айланиб юриши содир бўлади ва улар атмосферани чанг ва газлардан тозалашга имкон беради, сувни чучуклаштиришни ва энергияни маконда (худудда) ва вақт мобайнида қайта тақсимланишини таъминлайди. Бундан ташқари, океан ва дengizларда дengиз оқими кўринишида доимий сув алмашиниши мавжуд бўлиб, улар ер юзасида иссиқликни тақсимлашда катта роль ўйнайди.

«Атмосфера- Ер юзаси» тизимида сув айланиб юришида ҳар йили бир метр қалинликка яқин сув қатлами иштирок этади. Чучук сувнинг асосий манбаи, моддалар ва энергия геологик ва биологик айланиб юришининг асосий шароити сифатида «дengиз – қуруқлик» тизимида сувнинг айланиб юриши энг муҳим аҳамиятга эга. Бу айланиб юришини қўйиладиган сув оқими, m^3 :

$$C_0 = C_6 + K \cdot 0$$

Бунда: C_0 – қуруқликдаги якуний (охирги) сув заҳиралари;

C_6 – қуруқликдаги дастлабки (бошланғич) сув заҳиралари;

K – қуруқликка келадиган сув кирими, m^3 ;

0 – дengизга қўйиладиган сув оқими, m^3 .

Сувнинг кирими ва сарфи ҳажмига боғлиқ ҳолда қуруқликда унинг заҳираси мавсумлар ва йиллар, янада давомий даврлар бўйича ўзгариб туради. Қуруқликда сув заҳираларининг ўзгариб туришини ҳисоблаш мурakkab бўлиб, у аҳамияти катта бўлишига қарамасдан амалда ҳисобланмайди.

Куруқлиқда сувнинг айланиб юриши ҳам катта аҳамиятга эга. Тўйланган сув заҳираларининг ўзгариши эътиборга олинмаса, куруқлиқда сувнинг айланиб юришини қўйидаги нисбатларда ифодалаш мумкин:

Ё-О=Б

Бунда: Ё—ёғинлар, мм;

О—оқим, мм;

Б—буғланиш, мм. Ёғинлар ҳажмининг оқимлар ҳажмига нисбати куруқлиқда сув айланиб юришининг интенсивлигини характерлайди.

Табий ёки куруқлик юзасидан буғланиш ва биологик ёки транспирация буғланиши фарқланади. Биологик буғланиш биологик модда айланиб юришининг асосида ётади, чунки бир тонна бирламчи куруқ органик массанинг ҳосил бўлиши учун 400 тоннага яқин сув керак бўлади. Умумий буғланиш қанча катта бўлса ва унда транспирация (биологик) буғланишнинг ҳиссаси юқори бўлса, биологик модда айланиб юришининг ҳажми шунча юқори бўлади. Худудларнинг сув режимини тартибга солиш вазифаси унинг биологик маҳсулдорлиги нуқтаи назаридан шундан иборатки, у куруқлиқда сув айланиб юришининг интенсивлигини кўтаришга, транспирация буғланишининг ҳиссасини кўпайтиришга ва органик модда бирлигининг ҳосил бўлишига сарфланадиган сув сарфини камайтиришга имкон беради.

«Денгиз – куруқлик» тизимида сувнинг айланиб юриши геологик модда айланиб юришида – тоғ жинсларининг парчаланиши, юмшалиши, аралashiшида, куруқликдан дengiz ва океанларга сувда эритилган моддаларнинг зарралари ювилиб боришида катта роль ўйнайди. Шулар орқали биологик модда айланиб юришини таъминлаш учун сувга озуқа элементларининг қўшилиши таъминланади. Денгиз ва океанлар биологик маҳсулдорлиги геологик модда айланиб юришининг ҳажмига боғлиқдир.

Сув ресурслари халқ ҳўжалигида сув манбаларидан олиш ва олмасдан ҳудудий ва тармоқ мақсадлари учун шунингдек оқова сувларини чиқариб ташлаш учун фойдаланилади. Сув ресурсларидан ҳудудий фойдаланишда (биологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, аҳолининг дам олиши, транспорт учун) сув манбалардан чиқарилмайди ва асосан ўзининг сифатини ўзgartирмайди, тармоқлараро фойдаланишда эса (суғориш, саноат ва маданий-маиший эҳтиёжлар, электр энергия ишлаб чиқариш учун), қоида тарикасида, манбалардан чиқариб олинади ва бунда кўпишча табиий режими бузилади.

Одам қадимдан ўзининг ҳўжалик фаолияти жараёнида ўрмонларни кесиб ва ерни ҳайдаб сувнинг ҳажмига, тақсимланиши ва сифатига таъсир кўрсатган. Ҳавонинг ифлосланиши, ўғитлар ва

зиярли химикатлар қўлланилиши муносабати билан одамнинг сув сифатига таъсири янада кучайди. Буни экология иқтисодиётида сув ресурслари ҳолатини ҳисобга олишда ва улардан фойдаланишда ҳар томонлама эътиборда тутиш керак.

Ҳозирги вақтда ёғинлар ва қуруқликдаги сув оқимлари етарли даражада тўлиқ ҳисобга олинаётир, бошқа сув турлари эса, айниқса, ер ости сувлари, шунингдек, сув сифати ва сув ҳавзаларининг биологик маҳсулдорлиги фақат тахминан ҳисобланадаётир. Қуруқликдаги сув ресурслари баланси, унинг структураси, жойлашиши, динамикаси етарли ўрганилмаган. Сувдан фойдаланувчилар ва сув ҳавзаларига оқоваларни чиқариб ташлаш тўлиқ ҳисобга олинмаган. Сўнгти йилларда мамлакатнинг сув ресурсларини ҳисобга олишни ва уларни муҳофаза қилишни яхшилаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида сув ресурслари ҳолати ва улардан фойдаланиш қўйидаги маълумотлар билан характерланади: ёғинлар—185мм; буғланиш—158мм; буғланишининг ёғинга нисбати—87%; транспирация буғланишининг ҳиссаси—0,29%; сувнинг якуний солиштирма оқими—205 минг $\text{м}^3/\text{км}^2$; якуний оқимга нисбати сувдан фойдаланиш—32,2%, сув истеъмолига нисбатан сув ажратиб бериш—35%. Бу нисбий қўрсаткичлардан сув ресурсларининг ҳолати ва улардан фойдаланишнинг йўналишларини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Сув ресурсларини иқтисодий-экологик баҳолаш уларнинг кўп хиллиги, у ҳамма жойда ва кўп мақсадли фойдаланиш йўналишлари мавжудлиги ифлосланиш манбаларининг хилма-хиллиги туфайли анча мураккабдир.

Ер усти сувларини иқтисодий баҳолаш уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиб, ҳавза бўйича кўриб чиқилиши ва баҳолаш комплекс бўлиши, яъни қишлоқ хўжалиги, энергетика, табиат муҳофазаси самараларини ўз ичига олиши керак. Бунда самарадорликнинг турли турлари ҳавза ҳудудлари бўйича ўзгаради ва у ҳавзанинг турли қисмлари учун баҳолашни дифференциялаш заруратини келтириб чиқаради. Буларнинг ҳаммаси баҳолашнинг мураккаб тизими ва уларнинг натижаларини олишнинг маҳсус методларини ишлаб чиқишини тақозо этади. Сув ресурсларини иқтисодий баҳолашда З-жадвалда берилган хомашё учун рента, ресурс учун рента, ресурсни баҳолаш, табиий объекти баҳолаш формуларидан фойдаланиш мумкин.

6.4. Биологик ресурслар

Биологик ресурслар жонли табиат ресурслари бўлиб, улар ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмлардан таркиб топган ва барча муҳитларда — ерда, сувда, ҳавода тарқалган. Биологик

ресурслар – комплекс ресурслардир: уларға продуцентлар, консументлар, редуцентлар киради.

Биологик ресурслар тирик органик массаларнинг түпланган заҳиралари, биологик модда айланиб юришининг ҳажми ва биологик маҳсулотнинг ҳажми билан характерланади. Түпланган заҳиралар – тирик органик массаларнинг реал заҳираларидир. Биологик модда айланиб юришининг ҳажмита продуцентлар, редуцентлар ва консументлар органик массалари маҳсулотлари йиллик ҳажми, биологик маҳсулот ҳажмига органик массанинг йиллик реал үсиши киради.

Биологик ресурслар ҳаракатининг асосида түпланган заҳиралар ҳажми ва структураси, биологик модда айланиб юриши ва биологик маҳсулот ўртасидаги алоқалар ётади. Моддаларнинг биологик айланиб юриши жараёнида органик массанинг шаклланиши ва қуриб қолиши, халок бўлиши содир бўлади. Түпланган заҳираларнинг түпланиши ушбу жарёnlар нисбатига боғлиқ бўлади. Түпланган заҳираларнинг динамикаси қуйи даги баланс нисбатларида ифодаланади:

$$3_{\text{я}} = 3_{\text{б}} - \bar{Y} - K$$

Бунда: $3_{\text{я}}$ – органик массалар заҳираларнинг яқуний массаси; $3_{\text{б}}$ – органик массалар заҳираларининг бошланғич (дастлабки) массаси;

\bar{Y} – органик массанинг үсиши;

K – органик массанинг қуриб қолиши ва халок бўлиши.

Бу нисбат барча биологик ресурслар ва уларнинг элементларига нисбатан қўлланиши мумкин. Үсиш ҳажми ва органик массанинг қуриб қолиши (халок бўлиши) нисбатига боғлиқ равишда биологик ресурслардан түпланган заҳираларнинг кўпайиши, стабиллашиши ва камайиши жараёnlари содир бўлиши мумкин. Нормал шароитларда түпланган заҳиралар стабил бўлади ёки үсади, уларнинг камайиши, агар уларнинг маҳсулдорлигини кўпайтириш мақсадида биологик ресурсларни тартибга солиш бўйича маҳсус тадбирлар билан боғлиқ бўлмаса, нормадан четга чиқиши бўлади.

Биологик ресурслардан фойдаланишнинг асосида ётадиган энг муҳим хусусият уларнинг стабиллашиши ёки стабиллашишга асосланиб биологик ресурсларнинг ички структурасини ва атроф-муҳитни яхшилаш ҳисобланади. Ресурслардан фойдаланиш уларни яхшилашга олиб келиши керак. Бунинг учун биологик маҳсулотларни тайёрлаш ҳажми уларнинг йиллик үсишидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Ресурслардан фойдаланиш характери ва структураси эса улардаги алоқаларни оптимизаци-

ялашга йўналтирилиши ва бунда биологик модда айланиб юришини кучайтириш ва шу асосда биологик маҳсулотни кўчайтириш асосий мақсад бўлиши керак. Иқтисодий жиҳатдан биологик ресурслардан фойдаланишнинг натижаси биологик маҳсулотларни тайёрлашдан олинадиган самара ва атроф-мухитни яхшилаш ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси биологик ресурслардан фойдаланишнинг асосий тадбирларидан бири сифатида уни ташкил этишда, шунингдек, биологик ресурслардан фойдаланишни ҳисобга олишнинг ўзига хос кўрсаткичларини аниқлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Биологик ресурслар инсон ҳаётининг энг муҳим омили ҳисобланади, чунки улар озиқ-овқат ва ёқилғи манбаи, турли маҳсулотларни тайёрлаш учун органик хомашё бўлиб хизмат қиласди. Сўнгги йилларда уларнинг муҳитни тозаловчи табиий фильтр сифатидаги, шунингдек, аҳолининг дам олиши ва саломатлиги воситаси сифатидаги роли кескин ошди. Ишлаб чиқариш тизимида биологик ресурслар биосаноат суперкомплексининг хомашё қисми ҳисобланади ва ушбу суперкомплекс агросаноат, ўрмон саноати, балиқ саноати комплексларини ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бири у ёки бошқа биологик ресурс турларидан фойдаланиш билан боғланган. Табиий ва ижтимоий тизимлар доирасида биологик ресурслар худудлар биоэкологик инфратузилманинг асосий элементи ҳисобланади. Улар табиат муҳофазасида ва аҳолини соғломлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Биологик ресурсларнинг ҳолати бир нечта нисбий кўрсаткичлар билан баҳоланади: биологик массасининг ҳажми (т/га), шу жумладан, тўпланган масса, биологик модда айланиши массаси, маҳсулотлар массаси; уларнинг маҳсулотларидан фойдаланиш даражаси (%); биосаноат комплекси структураси (%): агросаноат, ўрмон саноати, балиқ саноати. Шу нұқтаи назардан Ўзбекистонда биологик ресурсларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш, биосаноат комплекслари структураси қуйидаги хусусиятларга эга. Республика бўйича ўртacha биологик массалар ҳажми (т/га) тўпланган массалар бўйича 1 т/га , биологик модда айланиб юриш массаси—1,4 т/га , маҳсулотлар массаси—0,8 т/га . Биологик масса маҳсулотлардан фойдаланиш даражаси 45%, биосаноат комплекси структурасида агросаноат 98%, ўрмон саноати комплекси 2% ҳиссага эга.

Биологик ресурсларни иқтисодий баҳолаш ҳосил бўладиган органик хомашёнинг барча турлари, ресурсларни муҳофазалаш ва ижтимоий функциялари турлари бўйича амалга оширилади. Биологик ресурсларнинг худудлар билан боғлиқлиги ҳисобга олиниб, уларни баҳолаш ресурслар бўйича ва уларнинг

компонентлари бүйича майдон бирлигига ҳисоблаб чиқилади. Бунда айрим компонентлар ҳар йили ҳосил бўладиган органик хомашё бўйича ва уларнинг бошқа компонентларга ва умуман, биологик ресурсларга таъсирини ҳисобга олган ҳолда уларнинг муҳофаза аҳамияти бўйича ҳисоблаб чиқилади. Биологик ресурсларни иқтисодий баҳолаш тизими ва ҳисоблаш методлари З-жадвалда берилган табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш тизимиға мос келади. Шунинг учун биологик ресурсларни иқтисодий баҳолашда З-жадвалда берилган ҳисоблаш формуласидан фойдаланилади.

Биологик ресурслар ва улардан фойдаланиш кўп хусусиятларга эга бўлиб, уларни иқтисодий баҳолашда ҳисобга олиш керак. Бу ресурслардан турли хил органик хомашё ва муҳофазалаш самараси бўйича фойдаланиш мумкин. Шунинг учун баҳолашда улардан комплекс фойдаланишнинг максимал самараси ўз ифодасини тошиши керак. Баҳолаш жараёнида улардан максимал ва фактик фойдаланиш структураси ва максимал катталикка эришишнинг асосий тадбирлари кўрсатилиши лозим.

Биологик ресурсларни баҳолашда улардан фойдаланишнинг оптималь режимига эришишни ва рационал фойдаланганлик учун рағбатлантиришни мўлжаллаш керак. Аксинча, ресурсларнинг ёмонлашувига олиб келадиган норационал фойдаланиш учун жарима санкциялари кўлланиши зарур.

Кўп ҳолларда биологик ресурслар улардан олинадиган маҳсулотлар ва муҳофаза самараси бўйича бир-бирини алмаштириши мумкин. Шунга мувофиқ иқтисодий баҳолаш уларни истеъмол қилишининг оптималь структурасини ҳисобга олиб, ресурслардан фойдаланишнинг энг самарали йўналишлари ва энг самарали маҳсулотларни олиш кўрсаткичларига асосланиб аниқланади.

6.5. Тупроқ ресурслари

Тупроқ ресурслари – биологик ресурслар бўлиб, уларнинг ҳосил бўлиши ҳалок бўлган органик массасининг қайта ишланиши билан ва яшаш муҳити – литосферанинг юқори юмшоқ қобиғи билан боғлиқдир. Шунинг учун улар тирик организмларнинг тўпланган заҳиралари, биологик модда айланиб юриши ҳажми, тупроқнинг йиллик органик қисми ёки гумус кўришидиаги маҳсулотлар ва чиқиндилар билан ажralиб туради. Тўпланган органик массасининг таркиби ва ҳажми, унинг ўсиши ҳалок бўлган органик масса тушумининг таркиби ва ҳажмига, уларнинг тупроқ қесими ва яшаш муҳити бўйича тақсимланишига боғлиқ бўлади.

Тупроқ ҳаракати ва ишлаб туришининг асосида яшаш мұхитининг сифати ва ер усти ва тупроқ организмларининг биологик айлапиб юриши ҳажми ва структураси ўртасидаги алоқалар ётади. Бунда тупроқнинг эң мұхим хусусияти унда биологик организмлар фаяолиятининг чиқиндилари – гумуснинг түпланышы бўлиб, улар озуқа моддаларининг манбаи бўлиб хизмат қилади ва бир вақтнинг ўзида тупроқнинг табиий хоссасини яхшилайди. Тупроқда гумуснинг ўзгариши түпланган биомассалар каби аниқланади ва у қуйидаги нисбат қўринишини олади:

$$\Gamma = \Gamma_6 + \bar{Y} + P$$

Бунда: Γ – гумуснинг якуний заҳираси;

Γ_6 – гумуснинг бошланғич заҳираси;

\bar{Y} – гумуснинг йиллик ўсиши;

P – гумуснинг йиллик ювилиб кетиши ва парчаланиши.

Нормал шароитларда гумус заҳиралари стабил (барқарор) бўлади ёки қўпаяди. Уларнинг камайиши тупроқдан норационал фойдаланиши билан боғлиқ бўлади.

Тупроқдаги биологик жараёнлар, шунингдек, гумуснинг ўсиши, парчаланиши ва ювилиб кетиши ҳалоқ бўлган органик массаларнинг ҳажми ва таркибига, тупроққа ишлов беришга об-ҳавога ва бошқа кўрсатгичларга боғлиқdir. Ўсимликларнинг озуқа элементлари билан таъминланиши ва ҳосилдорлиги улбу кўрсатгичларга боғлиқ бўлади. Умуман, ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ва тупроқдаги биологик жараёнларнинг интенсивлиги ўртасида тескари алоқа мавжуд ва улар об-ҳаво шароитларидан қатъи назар ҳосилдорликнинг ўзгариб туришига олиб келади.

Ер – қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаси бўлиб, унинг самарадорлиги ва ўсиши суръатлари ва шунингдек, ердан рационал фойдаланиш, уни яхшилаш ва мухофаза қилиш бўйича тадбирларнинг ҳажми ва самарадорлиги тупроқ ҳолатига боғлиқ бўлади. Булар қишлоқ ҳўжалик ерларнинг ҳолатини ҳисобга олиш ва баҳолашнинг аҳамиятини оширади.

Тупроқлар икки киچик тизимдан таркиб топади: яшаш мұхити ва биологик ресурслар. Улар ўсимликлар билан ўзаро муносабатларда бир бутун бўлиб иштирок этади. Шунга қарамай, киҷик тизимларнинг ҳар бири ўзининг таркиби, структураси, тузилишига эгадир.

Яшаш мұхити кимёвий ва механик таркиби, гумус микдори, структураси, тузилиши, физик хоссалари, кимёвий реакцияси, эрозияга дучор бўлиши ва бошқа кўрсаткичлар билан ажраблиб туради.

Тупроқнинг биологик ресурслари консументлардан, симбионтлардан, редуцентлардан таркиб топади ва маълум таркиби, структураси ёки тупроқ биоценози типи билан ажralиб туради. Амалиётда тупроқ ресурслари тупроқ типлари ва тупроқнинг ҳар хиллиги билан ажralиб туради. Улар бир вақтнинг ўзида яшаш мухитини ва тупроқнинг биологик ресурсларини акс эттиради. Тупроқ сифати кўрсаткичлари бўлиб ундаги асосий озуқа элементлари – азот, фосфор, калийнинг ҳаракатланувчи шакллари миқдори хизмат қиласи. Тупроқнинг маҳсулдорлигини дон, озуқа ва озуқа протеин бирликларидаги ўргача йиллик ҳосилдорлик ҳарактерлайди.

Қишлоқ хўжалигига тупроқ ресурсларидан қишлоқ хўжалик ер-мулқлари сифатида фойдаланилади. Унинг таркибига шудгор, бўз ер, пичанзор, яйловлар, кўп йиллик дараҳтлар киради. Улардан ташқари қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерлари таркибига ўрмонлар, ўтлоклар, жарликлар, сойлар, қумлар ва бошقا ерлар киради. Тупроқ ресурсларидан фойдаланишининг йўналиши ва даражасини ер структураси ва қишлоқ хўжалик ерлари структураси ҳарактерлайди. Уларниг ҳолатини ва улардан фойдаланишини баҳолаш учун ҳозирги вақтда қатор нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади: қишлоқ хўжалик ерларида ерларнинг (ботқоқланган, тошлоқ, шўрланган, шўрҳок, эрозияга дучор бўлган ерлар) хиссаси, %; ердан фойдаланиш структураси (шудгор, пичанзор, яйлов, кўп йиллик дараҳтлар), %; ихота ўрмонлари, %; шудгор ерларнинг мелиорацияланган қисми, %; ялпи маҳсулот, сўм: қишлоқ хўжалигига бир гектар ерга, сўм/га; ўсимликчиликда бир гектар шудгорга, сўм/га. Истикболда кўрсаткичлар таркибига гумус ва азот, фосфор, калийнинг ҳаракатланувчи шакллари миқдори, биологик маҳсулдорлик кўрсаткичлари киритилиши мақсаддага мувофиқ.

Ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш улардан фойдаланишининг кўп мақсадлилиги, экиладиган экинларнинг ғоят хилма-хиллиги ва табиий-иктисодий шароитларнинг бир хил эмаслиги туфайли мураккаб муаммодир. Шу сабабли ер ресурсларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги мисолида иқтисодий баҳолашнинг асосий йўллари қуйида баён қилинади.

Ер – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун уни шу йўналишда иқтисодий баҳолаш бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий-экологик муносабатларни такомиллаштиришида ва қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Ер ресурслари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва самарадорлиги бўйича баҳоланади. Улар эса об-ҳаво шароитларига, етиштирилдиган экин турларига,

транспорт шароитларига, хомашёдан фойдаланадиган ва уни қайта ишлайдиган корхоналарнинг яқинлигига ва бошқаларга боғлиқдир. Баҳолашга об-ҳаво таъсирининг ноъмалумлигини бартараф этиш учун уни қатор йилларда ҳосилдорлик ва харажатларнинг ўртача кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаш керак. Бунда кўрсаткичлар алмашлаб экишдаги асосий экин бўйича ва алмашлаб экишни ҳисобга олиб аниқланади, яъни бошқа экинларни етишириш самарадорлиги ҳам ҳисобга олинади.

Ерни баҳолашда ишлаб чиқариш ва маҳсулотни истеъмол пунктларига етказиш (транспорт харажатлари) харажатлари, йўл тармоқлари ҳолати, маҳсулотни қайта ишлайдиган ва истеъмол қиласидиган пунктларнинг яқинлиги ва бошқа шароитлар ҳисобга олинади.

Ер ресурсларини баҳолаш тизимлари ва уларни ҳисоблаш методлари биологик ресурслар билан деярли бир хил бўлади.

6.6. Минерал хомашё ресурслари

Минерал хомашё ресурслари жонсиз табиат ресурслари бўлиб, улардан конструкция ва бошқа материаллар, кимёвий бирикмалар, ўғитлар ва болиқа кўп хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Улар фойдаланиш жараёнида йўқ бўлиб кетмайди ва ўзларининг фойдали хоссаларини йўқотмайди, геологик ва хўжалик модда айланиб юриши жараёнида ўз шакли ва жойлашган ўринини ўзgartиради. Минерал хомашё ресурсларининг манбаи литосферанинг инсон фойдаланиши мумкин бўлган қисми ва сезиларсиз даражада гидросфера ҳисобланади. Амалий жиҳатдан фойдаланилаётган барча кимёвий элементларнинг заҳиралари уларнинг ҳар йили қазиб олинаётган ҳажмидан юз милионларча марта кўпдир. Агар Ернинг инсон фойдаланиши мумкин бўлган қобиғида мавжуд бўлган элементлар заҳираларини ажратиб олиб қатламларга айлантириш имкони бўлганда эди, шунда ерда темир қатлами қалинлиги 1 км. га яқин, мис, никель ва хром 1 м. га яқин, кўрғошин 10 см. га яқин, симоб 1 см. га етган бўлар эди. Бу заҳираларнинг ҳатто милиондан бир қисмини қазиб олиш ва ер юзасида тарқатиш Ер юзаси кимёвий таркибининг ўзгариши оқибатида барча тирик организмларни ҳалок этган бўлар эди. Шунингдек, биологик ресурсларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун фойдаланиладиган элементларнинг заҳиралари ҳам улкандир. Масалан, калий ва фосфорни ажратиб олганда уларнинг қатлами шунга мос ҳолда 400 м. ва 20 м. ни тақиқил этар эди.

Минерал хомашё ресурслари худудлар, ёғиш чуқурлиги бўйича нотекис жойлашган ва хомашё микдори бўйича хилма-

хилдир. Шунинг учун уларнинг тугаб қолиши ва хомашё етишмовчилиги эҳтимоли борлиги тўғрисида тасаввур пайдо бўлади. Ҳақиқатда эса бу тасаввур шартли ва хомашё қазиб олишнинг факат иқтисодий шароитларини акс эттиради. Амалиётда турли микдордаги хомашёга эга бўлган минерал хомашё ресурсларидан фойдаланилади. Масалан, ресурсларда хомашё микдори 80% дан (темир) то бир фоизнинг хиссаларигача (0,001) бўлиши мумкин. Бир хил сифаттга эга бўлган хомашёларга талаб ҳам районлар бўйича ижтимоий зарур ҳаражатлардаги фарқларга боғлик ҳолда ўзгариб туради. Булар хомашё заҳираларини қазиб олиш ҳажми имкониятларининг ва хомашё етишмаслиги тўғрисидаги тасаввурларнинг нисбийлигини кўрсатади.

Минерал хомашё ресурсларини ҳисобга олиш ҳам нисбидир. Ҳисобга олиш ҳам ресурслардан ҳаљ ҳўжалигига фойдаланиш нуқтаи назаридан, яъни конларни иқтисодий мақбул ўзлаштириши бўйича уларни ўрганиш даражасига боғлиқ ҳолда ва ўзлаштиришига тайёрланганлиги бўйича ўтказилади. Амалиётда хомашё заҳиралари А, Б, С категорияларига ва яна балансдан ташқари категорияларга бўлинади. Минерал хомашё ресурслари қўпинча ажратиб олинадиган элементлар бўйича ҳисобга олинади. Лекин умумий заҳираларни, йўлдош элементларни ва очилма жинсларни ҳисобга олиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Минерал хомашё ресурслар ҳолатини баҳолашни қўйидаги кўрсатгичлар бўйича амалга ошириш зарур:

- бўлиши мумкин бўлган заҳиралар умумий ҳажмида ҳисобга олинадиган заҳираларнинг ҳиссаси (улуши);
- ҳисобга олинадиган заҳиралардан фойдаланиш муддатлари;
- ҳисобга олинадиган заҳираларнинг ўрганилиши ва ўзлаштиришига тайёрлиги бўйича, яъни А, Б, С категориялари бўйича структураси;
- ҳисобга олинадиган заҳираларни ўзлаштириш самардорлиги бўйича структураси;
- ҳисобга олинадиган заҳиралар бирлигига йўлдош элементлар, очилма жинсларнинг ҳиссаси;
- ҳисобга олиш даври учун янги заҳираларнинг ўсиши.

Айрим ресурслар бўйича маълумотлар асосида табиий комплекслар баҳоланади. Бунда айрим ресуре турларининг иқтисодий аҳамияти, уларнинг комплекслилиги, ўзлаштиришининг самараси ва бошқа кўрсатгичлар ҳисобга олинади.

Минерал хомашё ресурслари тоғ-кон суперкомплекси шаклланишининг моддий асоси бўлиб хизмат қиласи. Унга металлургия, кимё ва қурилиш тармоқлараро комплекслари киради.

Минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиши жараёнида Ернинг чуқурлигидан унинг юзасига хомашёнинг кўчирилиши, ундан фойдали элементларни ажратиб олиш, уларни қайта ишлапда хўжалик тузилмаларида концентрация (тўпланиш) содир бўлади ёки маҳсулотларни истеъмол қилишда улар тарқалиб кетади. Бу жараённи ҳисобга олиш қўйидаги нисбатларда амалга оширилади:

$$Z = Z_0 + X \cdot K \cdot T$$

Бунда: Z - объектдаги якуний материал заҳиралари;

Z_0 - объектдаги бошланғич материал заҳиралари;

X - объектда материалларнинг кўпайиши ва уларнинг камайишини қоилаш учун зарур бўлган материалларни ишлаб чиқариш ҳажми;

K - материалларни қайтариш ҳажми;

T - материалларни тарқатиш ҳажми.

Бу нисбатларни ҳар қандай тизимлар ва обьектларга, хўжалик тузилмаларига, ер юзасига ва бошқаларга нисбатан бир хил қўллаш мумкин. Унинг қисмлари ресурслардан фойдаланиши жараёнининг турли томонларини характерлайди. Масалан, бу баланс нисбатларини ишлаб чиқариш тизимларидаги материаллар динамикасига (ўзгаришига) нисбатан қўлланганда заҳираларнинг якуний (Z) ва бошланғич (Z_0) кўрсаттичлари ўртасидаги фарқ материалларга эҳтиёжни характерлайди, $X \cdot K$ – уларни қазиб олиш ҳажмининг фарқларини, $X + K$ йигиндиси уларнинг ишлаб чиқариш фонdlари эскириши, узоқ муддатларда фойдаланиладиган товарлар ва чиқиндиларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган камайишини характерлайди. Шунингдек, ишлаб чиқаришга материалларни қайтариш ва ер юзасига материалларни тарқатиб юбориш ўртасидаги алоқалар катта табиий-экологик – хўжалик аҳамиятига эга.

Кўрсатилган нисбатларга асосланиб тармоқлараро ва худдий комплексларда материалларни қайта ишлаш ва уларни истеъмол қилиш босқичлари бўйича батафсил моддий балансларни тузиш зарур ва бу баланслар ушбу жараёnlарни тартибга солишга хизмат қилиши керак. Шу билан бирга балансларни фақатгина асосий хомашёга тузиш билан чекланиб қолмасдан, уларни жонли табиат учун алоҳида заарарли бўлган йўлдош материаллар учун ҳам тузиш керак.

Бундай моддий баланслар хомашёдан фойдаланишининг тўлиқ ҳолатини кўрсатади, лекин бундай кўп материаллардан фойдаланиш қийиндир. Шунинг учун фойдаланишни баҳолаш учун қўйидаги кўрсаттичлар даражасини қўллаш мумкин:

- умуман хомашёдан фойдаланиш ва қайта ишлаш босқичлари бўйича;
- хомашёни қайтариш;
- умуман, чиқиндилярдан фойдаланиш ва улардан қайта ишлаш босқичлари бўйича фойдаланиш;
- қайта ишлаш босқичлари бўйича ибудгарчилик (йўқотиш);
- қазиб олиш жараёнида хомашё олиш;
- хомашёдан материалларни олиш;
- худудий тизимлар учун – майдон бирлигига элементларни тарқатиш ҳажми.

Ўзбекистон дунёнинг улкан минерал хомашё заҳираларига эга бўлган мамлакатлар қаторига киради. Республикада Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. 100 га яқин минерал хомашё турларини ўз ичига олган 2,7 мингдан зиёд турли фойдалари қазилма конлари ва маъданлари намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Кўпчилик минерал хомашё ресурслари бўйича мамлакат эҳтиёжлари узоқ муддатли истиқболга таъминланган. Лекин хомашёдан тежкамкорлик билан фойдаланиш муаммоси мамлакатимиз учун ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда амалга оширилган қатор тадбирлар натижасида фойдалари қазилмаларни қазиб олишдаги йўқотишлар сезиларли даражада камайди. Минерал хомашё ресурсларини тўла ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш ушбу жараёнларни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ тартибга имкон беради.

Минерал хомашё ресурсларини иқтисодий баҳолаш асосан улардан энг самарали фойдаланиш ўналишини ҳисобга олиб, яъни максимал рента бўйича ҳисобланади. Турли ресурслардан бир хил мақсадда фойдаланишда уларни баҳолаш ресурслардан асосий маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг самарадорлиги бўйича, яъни ресурслардан фойдаланишнинг қўшимча харажатларини ҳам қўшиб сифати бўйича баҳоланади. Масалан, ёқилгининг ҳар хил турлари энергия ва иссиқлик ишлаб чиқариш самарадорлиги бўйича, яъни ресурсни ёқиши харажатларини ҳам қўшиб шартли ёқилғи бўйича баҳоланади. Ресурслардан субстрат (асосий) ва қўшимча материал сифатида фойдаланилганда улар асосий ишлаб чиқариш самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсири бўйича баҳоланади.

Ресурснинг кўп компонентли таркибга эга бўлган ҳолатида (таркибга очилма жинсларни ҳам қўшиш керак) ресурсга рента ресурс бирлигидан хомашёга рента кўпайтмаси (кўпайтириш на-

тижаси) ва унинг миқдори сифатида аниқланади. Ресурсларга тўловлар фойдаланувчилардан ресурслардан фойдаланишидан қатъи назар ундирилиши керак. Бунда қазиб олиш ва очилма жинисларни тўплаш бўйича тўловлар алоҳида бўлиши мумкин.

Ресурслар бирлигини баҳолаш конларни эксплуатация қилишининг оптимал муддатларига асосланаб ҳисоблаб чиқилади. Хомашёни нормативдан юқори миқдорда қазиб олиш халқ хўжалигига зиён сифатида кўриб чиқилиши, зиён миқдори фойдаланувчилардан ресурсларга тўловлар билан биргаликда ундирилиши керак. Минерал хомашё ресурслардан фойдаланишини тартибга солиш учун баҳолаш тизимлари зарур (З-жадвал формулалари бўйича амалга оширилади). Бунда ресурслардан фойдаланиш ва хомашё ва материалларнинг бир-бирини алмаштириши бўйича ўзаро боғлиқлиги тўла ҳисобга олиниши керак.

Қисқача хуросалар

Атроф-мухит ўзаро бөглиқ ва бир-бирини тақозо қилади-
ган компонентлардан таркиб топған ва уларга атмосфера, сув,
тупроқ, ұсимликлар ва ҳайвонот олами, ер ости бойликлари
киради. Ұшбу компонентларнинг ресурслари хусусий экология
иқтисодиётининг тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қилади.

Табиий ресурслардан фойдаланишни баҳолаш маълум кўр-
сатгичлар тизимига ва ҳисоблаш формулаларига асосланиб
амалга оширилади. Булар қаторига хомашё учун рента, ресурс
учун рента, ресурс бирлигига йиллик муҳофаза ва ижтимоий
самара, табиий обьектни баҳолаш кўрсатгичлари ва уларни ҳи-
соблаш формулалари киради.

Атмосфера ресурслари қатор ҳаётий мухим хоссаларга эга
бўлиб, улар тирик организмларнинг мавжудлиги ва яшаш мухи-
тининг асосий шарти ҳисобланади ва улардан хўжалик мақсад-
ларида кенг фойдаланилади. Атмосфера биологик ва геологик
модда айланиб юришида фаол иштирок этади ва у орқали таби-
атда сувнинг айланиб юриши содир бўлади. Атмосфера ва та-
биий, ишлаб чиқариш, ижтимоий тизимлар ўртасида тескари
алоқа мавжуд. Атмосферанинг ҳолати бу тизимларнинг ишла-
ши ва ҳолатига бөглиқ бўлиб, улар Ернинг иссиқлик балансига,
жонли табиатга, намлиқнинг айланиб юришига, биологик модда
айланиб юришига ва бошқа жараёнларга катта таъсир кўрса-
тади. Атмосферада модда айланиб юриши маҳсус баланс нис-
батларида ифодаланади. Уларнинг хусусиятлари маълум кўр-
сатгичлар таҳлили асосида аниқланади. Ҳаво ҳавзасини иқти-
содий баҳолаш ўзига хос кўрсатгичларга ва ҳисоблаш форму-
лаларига эга.

Сув ресурслари ҳамма жойда ва кўп томонлама аҳамият-
га эга. Улар сув манбаи, биологик маҳсулот, энергия, кимёвий
модда, шунингдек, транспорт, ахолининг дам олиш ва соғлом-
лаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Сув гидросферанинг
асосий элементидир. У кўплаб ўзига хос хоссаларга эга. Сувнинг
айланиб юриши Ер учун мухим аҳамиятта эга бўлиб, у
маҳсус нисбатларда ифодаланади. Сув ресурсларини иқтисодий
баҳолаш маълум кўрсатгичлар тизими ва ҳисоблаш формулала-
ри асосида амалга оширилади.

Биологик ресурслар жонли табиат ресурслари бўлиб, улар
ұсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлардан таркиб топған ва
барча мухитларда — ерда, сувда, ҳавода тарқалган. Уларга про-
дукентлар, консументлар, редуцентлар киради. Биологик ресур-
сларни ҳаракати асосида тўпланган заҳиралар ҳажми ва струк-

тураси, биологик модда айланиб юриши ва биологик маҳсулотлар ўртасидаги алоқалар ётади. Улар маҳсус формула асосида ҳисобланади. Биологик ресурслар иқтисодий баҳолаш ҳосил бўладиган органик хомашёнинг барча турлари, ресурсларни муҳофазалаш ва ижтимоий турлари бўйича амалга оширилади.

Тупроқ ресурсларининг энг муҳим хусусияти унда биологик организмлар фаолиятининг чиқиндилари – гумуснинг тўпланиши бўлиб, улар озуқа моддаларининг манбай бўлиб хизмат қиласи ва бир вақтнинг ўзида тупроқнинг табиий хоссасини яхшилайди. Тупроқда гумусининг ўзгариши маҳсус формулада ҳисобланади, ер структураси хусусиятлари қатор кўрсатгичларда ифодаланади. Ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш уларнинг кўп мақсадлилиги, экинларнинг хилма-хиллиги, табиий-иктисодий шароит хусусиятларига боғлик ҳолда аниқланади.

Минерал хомашё ресурслари жонсиз табиат ресурслари бўлиб, улардан конструкция ва бошқа материаллар кимёвий бирикмалар, ўғитлар ва бошқа кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Улар худудлар, ётиш чукурлиги бўйича нотекис жойлашган ва хомашё микдори бўйича хилма – хилдир. Минерал хомашё ресурслар ҳолати қатор кўрсаткичларда ифодаланади. Минерал хомашё ресурслари тоғ - кон саноати супер комплекси шаклланишининг моддий асоси бўлиб хизмат қиласи ва унга металлургия, кимё ва қурилиш тармоқлараро комплекслари киради. Минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиш жараёнида хомашёни қазиб олиш, ундан фойдали элементларни ажратиб олиш, уларни қайта ишлашда хўжалик тузилмаларида концентрация содир бўлади. Бу жараён маҳсус формулада ҳисобланади. Шунга асосан моддий баланслар тузилади. Бундай моддий баланслар хомашёдан фойдаланишининг тўлиқ ҳолатини кўрсатади. Минерал хомашё ресурсларини иқтисодий баҳолаш улардан энг самарали фойдаланиш йўналишини ҳисобга олиб, яъни максимал рента бўйича ҳисобланади.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Табиат компонентларига хос бўлган қандай умумий хусусиятлар бор? Уларни қандай йўналишларда ҳисобга олиш керак?
2. Табиий ресурсларни баҳолаш тизими кўрсаткичлари, уларни ҳисоблаш формуласини, баҳолашнинг мақсадини билиб олинг ва тушунтиринг.
3. Атмосфера ресурслари нима? Уларга хос хусусиятларни тушунтиринг.
4. Атмосферада модда айланиб юриши ва ҳаво ҳавзаси ифлюсланишини баҳолаш кўрсаткичларининг хусусиятларини тушунтиринг.
5. Ҳаво ҳавзасини иқтисодий баҳолаш қандай амалга оширилади?
6. Сув ресурслари нима ва у қандай хоссаларга эга?
7. Сувнинг табиатда айланиб юришини таърифлаб беринг.
8. Сув ресурсларини иқтисодий баҳолаш қандай амалга оширилади?
9. Биологик ресурслар, уларнинг хусусиятлари ва кўрсаткичларининг ўзига хослигини тушунтиринг.
10. Биологик ресурсларни иқтисодий баҳолаш хусусиятларини билиб олинг.
11. Тупроқ ресурслари, ер ресурслари, уларга хос хусусиятлар, уларнинг кўрсаткичлари, уларни иқтисодий баҳолаш хусусиятларини тушунтиринг.
12. Минерал хомашё ресурслари нима ва улар қандай аҳамиятга эга?
13. Минерал хомашё ресурслари ҳолатини баҳолаш қандай кўрсаткичларда ифодаланади?
14. Моддий ресурс баланслари, минерал хомашё ресурсларини иқтисодий баҳолаш хусусиятларини таърифланг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Конунлар ва норматив хўжжатлар. – Т.: Адолат, 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 1998.
4. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 2002.
5. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1998.
6. Бобылов С.Н. Экологизация экономического развития. Учебное пособие. – М.: Изд-во МГУ, 1993.
7. Реймерс Н.Ф. Экология (теории, законы, правила, принципы и гипотезы). – М.: Молодая Россия, 1994.
8. Степановских А.С. Прикладная экология: охрана окружающей среды. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.

ХҮЖАЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА АНТРОПОГЕН ФАОЛИЯТ ТАЬСИРИДАГИ ЭКОТИЗИМЛАР ЭКОЛОГИЯСИ ИҚТИСОДИЁТИ

7.1. Хұжалик тармоқлари ва антропоген фаолият таьсиридаги экотизимлар экологияси иқтисодиётининг умумий таърифи

Кишилик жамияти үзининг узоқ давом этган тарихи мобайнида Ернинг ташқи қиёфасини сезиларли даражада – геологик таьсирга тенг келадиган даражада үзгартырадиган кучга айланди. Ҳозирги даврда унинг таьсири ҳам миқёслари, ҳам айрим табиат компонентлари ва ландшафтларни үзгартыришнинг чуқурлиги бүйича тabora интенсивлашиб бораётir. Экология иқтисодиёти нұқтаи назаридан инсоннинг умуман табиатга ва унга кекеётган жараёнларга таьсири энг аввало, қаттық массаларни механик аралаштириб юбориш ва құчиришда, худудларнинг сув иссиқлик режимини, биологик мувозанат ва кимёвий элементлар миграцияси режимини бузилишида намоён бўлади. Масалан, ҳар йили Ер қаъридан бир неча юз миллиард тонна тоғ жинслари қазиб олинади ва аралаштирилади, құчирилади; атмосферадан 16 млрд. тоннагача кислород олинади; хұжалик ва маиший әхтиёжлар учун 3,5 минг куб км сув сарфланади; ҳар йили 9 млрд. т био маҳсулотлар ишлаб чиқарилади; дунёда йиллик ёғоч тайёрлаш ҳажми 2 млрд тоннани ташкил этади.

Кишлоқ хұжалиги ерларига антропоген фаолиятнинг таьсири оқибатида содир бўладиган эрозия, тупроқнинг сув билан ювилиб кетипши ва дефляция катта зиён етказади. Ҳозирги вақтда Ер шари қуруқлигининг 1/3 ишланадиган майдони эрозияга учраган бўлиб, улар ландшафтда шаклланган мувозанатнинг хұжалик фаолияти таьсирида бузилиши билан боғлиқ холда пайдо бўлган. Дефляция йилига ҳар гектар шудгардан тонналаб тупроқ зарраларини учирив кетади. Сув эрозияси хайдашга яроқли ер майдонларини қисқартибина қолмай, балки рельефни парчалайди, қишлоқ хұжалигида механизацияни қўллашни қийинлаштиради.

Сув омборларини қутуши оқибатида кўплаб дарёларнинг сув режимлари тубдан үзгартырилди. Сув омборларини қуриш ижобий натижалари (ерларни суфориш, электр энергия ишлаб чиқариш, сув таъминоти шароитларини яхшилаш ва бошқалар) билан бир қаторда табиий-географик ва иқтисодий тартибдаги қатор салбий үзгаришларни ҳам келтириб чиқаради. Сув омборлари ер

ости сувларининг кўтарилишига ва бу эса пастқам участкаларнинг ботқоқланишига сабаб бўлади. Сув омборидан бошлаб кўплиб километр давомида гидрологик жараёнлар тубдан ўзгаради. Сунгий тартибга солинган дарёларнинг водийларида қишлоқ хўжалигини юритишнинг мураккаб шароити юзага келадики, улар силбий табиий жараёнлар ва ходисаларни (тупроқ шўрланиши, йиловлар ва пичанзорлар хосилдорлигининг камайиши ва бошқалар) бартараф этиш бўйича маҳсус табиий – ер тузилиши тартибларини ишлаб чиқиб амалга оширишни талаб қилади.

Инсон қишлоқ жойлари ландшафтини ўзгартиришга ҳам катта ҳисса қўшади. Бунда пестицидлар, гербицидлар, ўғитлар, ерни ҳайдаш ва бошқаларнинг ҳамма ёққа тарқалиб кетиши тропосферани ифлослантиради.

Инсон хўжалик фаолияти биоценозларининг қайта қурилишига сезиларли таъсир кўрсатиб, улар қатор ландшафт – экологик оқибатларга олиб келади. Дунёning турли туманларида айрим ҳайвонот турларининг қириб юборилиши, бир бутун, яхлит ландшафтлар (масалан, дашт, ўрмон) йўқ қилинишининг кўплаб фактлари маълум. Шу билан бир қаторда инсоннинг Ер шари ахолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган, яратувчилик фаолияти ҳам буюқдир: маданий ўсимликлар, уй ҳайвонлари турларини, парандаларни, қушларни яратиш, балиқ етиштириш ва бошқалар.

Табиий ландшафтнинг барча компонентлари инсоннинг ўзгартирувчи таъсирига бир хил даражада берилмайди. Ўсимлик ва ҳайвонот олами, тупроқ, сув режими, рельфнинг микро шакллари энг кўп таъсирига учраган. Вақт мобайнида ҳар қандай ландшафтда геологик фундамент ва иқлим жараёнлари барқарор бўлиб, улар кам ўзгаришга учрайдилар. Шунингдек, инсон ландшафтнинг зонал, географик кенглик, азонал қонуниятларининг умумий кечишини ҳам ўзгартиришга қодир эмас. Шунинг учун инсон ўзгартирган ва барпо этган ландшафтлар табиий қонуниятларга мувофиқ ривожланишини, ташлаб кетилган ландшафтлар ўзларининг дастлабки холатига қайтишга ҳаракат қилишини унтиш мумкин эмас. Масалан, дашт зонасида ташлаб юборилган шудгорлар бўз ерга айланади, йиллар ўтиши билан (10-15 йилдан кейин) бу ерларда дашт қўриклидан кам фарқ қиласидиган иккиласми даштлар шаклланади. Даштларда ихота дараҳтзорлар полосалари вақт ўтиши билан типик ўрмон ландшафтлари кўринишини олади ва бошқалар.

Табиий ландшафтлардаги барча бузилишлар экинлар билан банд бўлган далалар, боғлар ва узумзорлар ва бошқаларга бўлинади. Инсон ўзгартирган барча ландшафтлар хўжалик

қиймати бүйича қуидаги икки гурұхға бүлинади: маданий ва маданий бұлмаган. Маданий ландшафтлар уларға юкланған хұжалик, эстетик ва бошқа функцияларни оптимал бажариш учун (масалан, ихота үрмөн полосалари, гидроүрмөн парклар, қишлоқ хұжалиги әқинлари даласи ва бошқалар) инсон томонидан доимий құллаб қувватлаб турилади. Маданий бұлмаган антропоген ландшафтлар эса, қоида тарықасида, норационал хұжалик юритиш оқибатида пайдо бүлади (ташланғыс ерлар, жарликлар ва бошқалар).

Хозирги вақтда инсон ландшафтни үзгартыручи жараёнларнинг құдратли ташқи омили бүлиб иштирок этса-да, унинг таъсири нағижалари күп даражада ландшафтнинг үз табиатига ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши даражасына боғлиқдір. Жамиятнинг табиий ландшафтни қайта үзгартыриши даражаси құйидаги асосий омиллар билан белгиланади: 1) аҳоли сони; 2) жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси; 3) ишлаб чиқариши құчларининг энергетика базаси; 4) одамлар томонидан ҳудудларни үзлаштиришнинг тарихий давомийлігі муддатлары.

Ландшафтта содир бүладиган ижтимоий-иктисодий жараёнларни құйидаги еттита асосий типларга ажратиши мүмкін (5-жадвал):

Табиий ландшафтдаги барча бузилишлар құйидаги уч гурұхга бүлинади: 1) туб; 2) бир компонентли; 3) күп компонентли.

Туб бузилишлар ландшафт, оқым, биокомпоненлар ва миқроқлимининг геологик-геоморфологиялық асосининг үзгаришини билдиради. Шаҳарлар, аҳоли яшаш манзиллари, йирик сув омборларини қуиши, фойдалы қазылмаларни очып усуlda қазиб олип, үрмөнларни кесиши табиий ландшафтларға ўчқылған түб үзгартышилар киритади. Бир компонентли ва күп компонентли үзгартышилар қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши таъсирида содир бүлади. Масалан, тупроқ, дарё оқими, микрорельеф хоссаларининг үзгариши даражаси деңқончилик тизими ва деңқончилик маданияттігінде боғлиқдір. Турли хұжалик фаолияти шакллари юзага келтирадиган ландшафт структурасындағы бу үзгаришилар антропоген ландшафтнинг айрим категорияларининг шакллашышига олиб келади.

Ландшафтнинг қайтариб бүлмайдыған үзгаришилари ландшафтдаги табиий жараёнларнинг хұжалик таъсирида (режалаштирилген ёки номақбул үзгаришилар) содир бүлишининг тезлашиши, масалан, батқоқланиш, тупроқ шұрланиши, жарликтін пайдо бўлиши ва бошқалар оқибатида юз беради. Инсон таъсирида ландшафтнинг үзгариши даражаси ва характеристига қўра

улар ўзгармаган (бирламчи), кам ўзгарган, кучли ўзгартырилган (бузилган), рационал қайта ўзгартырилган ландшафтларга бўлинади. Улар мавжудлигининг давомийлиги бўйича ўз-ўзини тартибга соладиган узоқ яшовчи ландшафтлар (тупроқ кутармалар, қўрғонлар, баъзи сув ҳоззалари) кўп йиллик қисман тартибга солинувчи ландшафтлар (ховузлар, ўрмонлар ва бошқалар). Қисқа муддатли тартибга солинувчи ландшафтларга (дон ва техника экинлари) бўлинади.

5-жадвал

Ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг асосий типлар улар барпо этадиган ландшафт типлари (А.М.Рияпчеков, 1972 й.)

№	Ландшафтдаги ижтимоий-иктисодий жараёнлар типлари	Антропоген ландшафтлар типлари
1	Кўрилниш ва фойдали қазилмаларни қазиб олниш (техноген жараёнлар)	1.1. Урбанизацияланган ва саноат ландшафтлари 1.2. Қинилоктар ва фермалар 1.3. Ер усти коммуникациялари 1.4. Сунгий сув ҳавзалари ва каналлар 1.5. Тоғ-кон саноат ландшафтлари
2	Ёнбағирларни террасаланиш (зинаноязаш)	2.1. Тоғ дехқончилик ландшафтлари
3	Мелиорация	3.1. Суфоризладиган ерлар 3.2. Куритилган ерлар
4	Дехқончилик	4.1. Дехқончилик ландшафтлари 4.2. Борф ва узумзорлар 4.3. Ибтидоий (примитив) дехқончилик ландшафтлари
5	Чорвачилик (яйлов чорвачилиги)	5.1. Сунгий яхшиланган яйловлар ландшафтлари 5.2. Табиий иччазорлар 5.3. Камхосил яйловлар ландшафтлари (тоғ, артика, семиарид)
6	Ўрмони хўжалиги	6.1. Эксплуатация қилинадиган ўрмонлар 6.2. Табиий ўрмонлар 6.3. Никнамчи бутаозорлар (маквис, буш) 6.4. Монокультуралар (экилаган ўрмонлар)
7	Рекреация	7.1. Рекреация ландшафтлари 7.2. Ўрмон парклари (шаҳар атрофидан олие зоналари) 7.3. Кўриқхоналар ва мизлий парклар

Табиий ресурсларнинг ишлаб чиқариш қучларини ривожжлантириш омили сифатидаги ролининг ошиб бориши «табиат-ишлаб чиқариш» тизими ишлашининг самарадорлигини оширишда ишлаб чиқаришни рационал жойлаштиришининг аҳамиятини оширади. Ишлаб чиқаришнинг жойлашиши нормал атроф-муҳит шаклланишининг асосий шароитига, табиатдан фой-

даланиш масалалри эса ишлаб чиқаришни худудий ташкил этишинг энг асосий омилларидан бирига айланыётири. Бу масалаларни түгри ҳал этиши учун тармоқлар, ишлаб чиқариш ва технологияларни уларнинг табиатга ва унинг компонентлари – ўсимлик, ер, сув, ҳаво, инсонга муносабатлари бўйича классификациялаш зарур. Тармоқлар ва ишлаб чиқаришни классификациялашда энг аввало уларнинг жонли табиат ва инсонга зарарли таъсири ҳар томонлама тўла ҳисобга олиниши керак.

6-жадвалда ҳалқ хўжалиги тармоқларининг табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси ва ўналишлари ҳамда табиий мухит элементларига таъсири бўйича ҳар бир грух тармоқлар учун ўртacha кўрсаткичларга асосланган классификацияси берилган. Бу грухлар таркибида ўртacha кўрсаткичлар қиймати ва ўлчамидан фарқ қиласидан тармоқлар мавжуд ва шунинг учун классификация барча тармоқ ва ишлаб чиқаришлар, хатто технологиялар учун ҳам зарурдир. Корхоналар, ишлаб чиқариш, технологияларни жойлаштиришда уларнинг ресурслардан фойдаланиш ва атроф-мухит учун заарарлигининг бир хил типдагилари бирикмалари (бирга қўшилишини) пайдо бўлишига ўйл қўйилмаслиги керак. Булар атроф-мухит, ҳовли ифлосланиши ёки ҳудудлар аҳлат ва чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олишга ёрдам беради.

Моддий тармоқлар орасида ўрмон хўжалиги атроф табиий мухитта зарарли таъсир кўрсатмаслиги, балки уни анча яхшилаши билан алоҳида ўринни эгаллагайди. Ўрмон хўжалиги фаолияти жонли табиатнинг энг қудратли комплекси ҳисобланган ўрмонлар билан боғлик бўлиб, улар ўзлари эгаллаган майдонларгагина эмас, балки туташ ҳудудларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўрмонларнинг атроф-мухитта ижобий таъсири икки аспектда намоён бўлади. Биринчидан, ўрмонлар жонсиз табиатни (иклим, ер, сув ва ҳаво тозалиги) асраш, сақлаш ва яхшилашнинг, шунингдек, товуш ва бошқа тўлқинларни ушлаб қолишнинг энг самарали омили ҳисобланади. Иккинчидан, улар биотик модда айланиб юришини ва ҳудудлар флора ва фаунаси хилма-хиллигини кучайтиради ва шулар орқали жонли табиатнинг мухит шароитига, заараркунандалар ва касалликларга барқарорлигини оширади. Буларнинг ҳаммаси ўрмон хўжалигининг табиатдан фойдаланиш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги қатта аҳамиятини белгилаб беради. Бунда ўрмонларнинг ҳамма жойдаги табии-географик аҳамияти уларни инфратузилманинг доимий элементларидан бири сифатида кўриб чиқишни тақозо этади. Шу сабабдан инфратузилма таркибида табиий-экологик ёки биоэкологик инфратузилмани ажратиш зарурати пайдо бўлади. Унинг асосий элементини мухофаза ўналишидаги ўрмонлар ташкил этиши керак.

Халқ хұжалиғи тармоқлари гурухларининг экологик иқтисодий классификацияси (қисқартмалар: к – катта; ў – ўрта; п - паст)

№	Халқ хұжалиғи тармоқлари	Ресурстардың мөлдөмдүгө бейніча			Чыннандылар ҳосил бүлдиши бейніча			Күйіндегіліктарға салып тағызырылған бейніча				
		ер-хұж-ми	сұз-хаз-ми	хома-шіб-хаж-ми	кілт-тиқ	сүок	чанғ-ва-ғалар	ер-га	сұз-га	хаво-га	біоэ-фераға	одимға
1	Иссеккілек энергетикасы	п	к	к	п	ў	к	ў	ў	к	к	-
2	Гидроенергетика	ў	к	п	-	-	-	п	п	-	п	-
3	Нефть ва газ казиб олици	п	ў	п	-	п	п	п	п	п	ў	п
4	Күмір, сланец споати	ў	п	п	ў	п	ў	п	п	ў	ў	ў
5	Коры металлургия	ў	к	к	ў	п	ў	ў	ў	ў	ў	к
6	Ракити металлургия	ў	ў	к	к	п	ў	к	к	к	к	к
7	Бімә ва нефтрекімә	п	к	ў	ў	ў	ў	ў	ў	к	к	к
8	Машинасозлик ва металлический индустрия	п	ў	ў	п	п	п	п	п	п	п	ў
9	Ўрмон ва ёткыни кайта ишшаш	ў	ў	ў	ў	п	п	ў	п	п	ў	ў
10	Целлюлоза - көзози	п	к	к	п	к	ў	ў	ў	ў	ў	к
11	Күрделіши материаллари индустрия	ў	п	к	к	п	к	ў	ў	к	к	к
12	Курилыш кострукциялари индустрия	п	ў	к	п	п	п	п	п	п	п	ў
13	Ойна ва чинни - фаяне	п	п	к	ў	п	ў	п	ў	ў	ў	ў
14	Енгіл саноат	п	п	ў	п	п	п	п	ў	ў	ў	ў
15	Озік-овқат, микробиология, омухта ем саноати	п	ў	к	п	п	ў	п	ў	ў	ў	ў
16	Медицина, математикалык споати ва бошқалар	п	п	ў	п	-	п	п	п	п	п	п
17	Кишлоқ хұжалиғи	к	к	п	ў	ў	п	к	ў	п	ў	п
18	Ўрмон хұжалиғи	к	п	п	-	-	-	-	-	-	-	-
19	Транспорт	ў	п	п	-	п	к	п	п	ў	ў	ў
20	Куралаш	п	п	ў	ў	-	п	п	п	п	п	п
21	Ўй – коммунал хұжалиғи	ў	к	-	п	к	ў	ў	к	ў	к	ў

Биоэкологик инфратузилма күрсаткичлари бўлиб умумий ҳудудга нисбатан фоизларда ифодаланган муҳофаза ўрмонлари майдони – ўрмонлар билан қопланганлик даражаси күрсаткичи хизмат қиласи. Биоэкологик инфратузилмани шакллантириш тизимли ёндашувга асосланиши керак. Бунда ҳар бир ҳудудий тизимлар учун уларга хос ва мөс оптималь биоэкологик инфратузилма күрсаткичлари белгиланиши лозим. Чўллар, сугорилади – текислик, тоғ зоналарининг ўрмонлар билан қопланниши күрсаткичлари бир хил бўлмайди. Олимларнинг тавсияларига кўра

сугориладиган текелик туманларида ўрмонлар билан қопланиш (боғ ва узумзорларни ҳам құшиб) 8-15 %, тоғ зонасида эса 30-40 %, чүлларда эса мамлакатнинг ўрмонлар билан қопланиши ўртача даражасида бўлиши керак. Шуни ҳам айтиш керакки, мамлакатнинг кўпчилик туманларида муҳофаза ўрмонлари майдони оптимал кўрсаткичлардан кам бўлиб, улар ўрмончиликни ривожлантиришни талаб қиласди.


Шундай қилиб, тармоқларни табиий ресурслардан фойдаланиши ва атроф-мухитга заарли таъсири бўйича классификациялаш, шунингдек, биоэкологик инфратузилма миңтақавий аспектда табиатдан фойдаланишини экологик-иқтисодий тартибга солиш учун асос ҳисобланади.

Табиатдан фойдаланиш умумий жараён эканлиги ҳисобга олинганда, табиий ресурслар ҳолатини табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг умумий натижаси сифатида қараб чиқилиши мумкин. Бунда экология иқтисодиётида табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни яхшилаш ва муҳофаза қилишининг табиий-хўжалик алоқаларини тартибга солишининг оптимал йўналишларини белгилаш имкониятлари пайдо бўлади. Шунуктаи назардан табиий ресурслар ҳолати ва улардан хўжалик тармоқларида фойдаланишин учта гурӯҳ – табиий экологик муҳит ресурслари, биологик ресурслар ва минерал-хомашё ресурслари бўйича таҳлил қилиш керак. Уларнинг ҳар бири турли иқтисодий роль ўйнайди, ўзларининг модда айланибюриши типи ва ҳолати, шунингдек, уларни экологик-иқтисодий тартибга солиш фаолиятининг асосий турлари ва натижалари билан характеристланади (7-чизма).

7-чизмадаги барча кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ бўлиб, улар экология иқтисодиёти муаммолари ечимини топишда ва тадбирлар самарадорлигини аниқлашда ҳисобга олиниши керак. Бунда у ёки бошқа самаранинг устун бўлишига боғлиқ ҳолда табиат муҳофазаси (ресурсларни саклаш, асрар самараси билан), табиатни яхшиловчи (яхшилаш самараси билан) ва хомашёдан, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларидан комплекс фойдаланиши бўйича тадбирлар белгиланади.

Табиий-экологик муҳит ресурсларини асрар ва саклаш асосан улардан фойдаланишини тартибга солиши ёки улар чиқиндилар ёки саноат чиқармалари билан ифлосланишининг олдини олиш билан тартибга солинади. Беологик ресурсларни яхшилаш улардан хомашё ва табиат муҳофазаси мақсадларида ва табиий оғнатлар ва хавфли ифлосланишлардан муҳофазалапда фойдаланишини инкор этмайди. Бундан ташқари, улар биологик ресурслардан фойдаланиши самарадорлигини оширишга ва атроф-му-

хитни асрашга имкон беради. Минерал хомашё ресурсларини ихтиилаш, ишлаб чикариш ва истеъмол чиқиндилигини хам қўшиб, ятроф-муҳит ифлосланишининг камайишига, демак, табиий-экологик муҳитни ва биологик ресурсларни асрашга олиб келади. Минерал хомашё ресурсларидан норационал фойдаланиш кўнинча табиий-экологик муҳитнинг ифлосланишига, биологик ресурсларни ёмонлашишига сабаб бўлади.



7-чизма. Табиий -- экологик ресурслар ҳолатини тартибга солини схемаси

Табиий ресурсларниң ҳолати улардан фойдаланиш ҳажми ва методларига, уларни муҳофаза қилиш ва асрашга, фойдаланиш ҳажми эса хомашёга эҳтиёжга, хомашё ва чиқиндилярдан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Ҳозирги вактда ресурс-

лардан фойдаланиш ҳолатини белгилаб берувчи энг асосий омил улардан фойдаланиши хисобланади ва уни хомашёдан фойдаланиш ва атроф-мухитни аспари нұқтаи назаридан күриб чиқыши ва таҳлил қилиш керак.

Ресурсларнинг ҳолати, улардан фойдаланиш ва хомашёга эҳтиёж (талаб) ўртасида ўзаро алоқалар мавжуд. Хомашё етишмовчилигида улардан фойдаланиш ҳажми хомашёга эҳтиёжга нисбатан хомашёнинг ҳолатига қўпроқ боғлиқ бўлади, яъни хомашёдан фойдаланиш ва унинг ҳолатига хомашёга эҳтиёжни мавжуд иқтисодий мақбул бўлган заҳиралар билан таъминлаш тобора қўпроқ таъсир кўрсатади. Бундан ташқари ресурсларнинг ҳолати улардан фойдаланишининг йўналишига, айниқса, уларнинг хомашё ва муҳофаза қилишга ихтисослашишига боғлиқ бўлади. Шу боис улардан фойдаланиш билан ва ресурсларни яхшилаш ва муҳофаза қилишни ҳисобга олиб, комплекс кўриб чиқиши керак.

Ресурслар ҳолати баҳоловчи кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинади. Асосий кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: минерал хомашё ресурслари учун – хомашёнинг иқтисодий мақбул, ўзлаштиrsa бўладиган, разведка қилинган, аниқланган ва прогноз заҳиралари ва улардан фойдаланиш муддатлари; биологик ресурслар учун – ресурсларнинг ҳажми, таркиби, сифати ҳолати ва маҳсулдорлиги; табиий-экологик муҳит ресурслари учун – муҳитнинг ифлосланиш даражаси, яъни ифлослантирувчи моддалар фактик микдорининг рухсат бериладиган меъёри концентрацияси кўрсаткичларига нисбати. Бу асосий кўрсаткичлардан ташқари ресурсларнинг жойлашиши, уларнинг таркиби ва тузилиши ва фойдаланиш кўрсаткичларидан фойдаланилади.

7.2. Саноат, транспорт ва шаҳар экотизимлари

Саноат, транспорт ва шаҳар экотизимлари антропоген ландшафтлар қаторига киради. Улар тайёр энергияни (газ, қўмир, электр) олади. Улар ҳам инсон яшаши ва ҳаётини яхшилаш генератори, ҳам атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи маибалиари ҳисобланади. Саноат ва транспорт экотизимлари энергияни қўп истеъмол қилади. Улар табиий экотизимлар билан биологик боғлиқ бўлиб, улардан соддалаштирилиши, яъни турлар хилма-хиллигининг монокультура тизимларигача пасайшиигача соддалаштирилиши билан кескин фарқ қилади. Улар энергияни, кислородни, сувни қўп истеъмол қилади, ис гази, ифлослантирувчи моддалар чиқиндишларни қўплаб ишлаб чиқара-

ди, тупроқ унумдорлигини пасайтиради, сувни ифлослантиради, табиатта катта заарар етказади. Уларни құллаб-құвватлаш ва тиклаш катта харажатларни талаң қилади.

Саноат ишлаб чиқаришида табиат объектларига ва инсон саломатлигига қора ва рангли металлургия, құмір, нефть қазиб олиш, нефтни қайта ищлаш, кимә ва қурилии материаллари саноати катта заарар етказади. Автотранспорт ҳавога чиқарадиган заарарлы газлар ва чиқармалар ҳам табиатта зарари бүйічі саноатдан қилишмайды. Масалан, фақат биттә автомобіль йилига ўртача 4 тонна кислородни ютади, тахминан 200 модданинг аралашмасидан иборат чиқарма газларни, 800 кг углеводород оксиди, 40 кг азот оксидини ва деярли 200 кг турли углеводородларни ҳавога чиқаради.

Шунинг учун саноат ишлаб чиқариши ва транспорт барча турларининг атроф-мухитта заарарлы таъсирини бартараф этиш ва максимал камайтириш табиат мухофазаси ва экология иктисадиёттінг энг муҳим вазифалари қаторига киради. Бу вазифалар қуидаги йұналишларда ҳал этилади:

- саноат корхоналарининг заарарлы чиқармалари ва чиқындилиарини тозалашпен тәкомиллаштириш, тозалап қурилмалари ишләши ва уларни назорат қилиш самарадорлигини ошириш, атроф-мухитта заарарлы моддалар чиқарышнинг рухсат этилған нормативларига қаттый амал қилиши;

- моддий ресурслар ва табиии хомашедан фойдаланишда тежаш режимини кучайтириш;

- технологик жараёнларни ишлаб чиқариш чиқындилиарини камайтириш томонига доимий тәкомиллаштириш, чиқындилиарни утилизациялаш ҳажмини көнгайтириш, экологик ҳавағиз маҳсулотлар ишлаб чиқарышни таъминлаш;

- ишлаб чиқарышнинг ёпік циклида табиий ресурсларнинг комплекс истеъмолига асосланған кам чиқындили ва чиқындысиз технологияни көнг миқёсда құллаш;

- автомобиль ва бошқа дивигателлар чиқарадиган газларда мавжуд бұлған заарарлы моддаларнинг токсиктігінін (зақаралилитігінін) камайтириш ва нейтрализациялаш;

- дизель двигателлі енгил автомобиллар ишлаб чиқарышни тезлаштириш, электромобилларни, «водородлы» автомобиллар ишлаб чиқарышни ұзлаштириш ва бошқалар.

Ишлаб чиқарыш—хұжалик фаолияти жараёнида атроф-мухитни мухофаза қилишнинг умумий талаблари ижтимоий ишлаб чиқарышнинг барча босқычларыда бажарылышы керак: корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни реекалаштириш, жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатацияға топ-

ширишда; табиий мұхит ҳолатига таъсир күрсатадиган янги технологик жараёнларни жорий этишдә.

Саноат, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш соҳалари доирасындағы экотизимларни мұхофаза қилиш ва улардан фойдаланыш режимі қуидаги иккі асосий йўналишда амалга оширилади:

- 1) объектларга экологик статус бериш;
- 2) ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятини экологизациялаш.

Объектларнинг экологик статуси қуидагиларда ифодаланади:

а) объектлар уларнинг экологик хавфлилиги даражаси нүқтai назаридан паспортизация қилинади. Масалан, корхона экология паспортида атроф-мұхиттга тушадиган чиқиндилар ҳажми, тозалаш инциденттерининг мавжудлiği, атроф-мұхит мұхофазасыга ҳаражатлар ҳажми ва бошқа маълумотлар берилади;

б) корхоналар атрофида уларнинг фаолияти етказадиган экологик зарар даражасига боғлиқ ҳолда санитария – мұхофаза зоналари ташкил этилади. Бу күрсаткич бўйича корхоналар бешта классга бўлинниб, классификацияланади. Масалан, биринчи класс корхоналари учун санитария мұхофаза зонаси кенглиги 1000 м белгиланади; иккинчи класс учун – 500 м; учинчи класс учун – 300 м; тўртинчи класс учун – 100 м; бешинчи класс учун – 50 м.

в) корхоналар учун ўзларининг ишлаб чиқаришининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари ва хукуқлари белгиланади. Масалан, корхона атроф-мұхитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан мұхофаза қилиши, ишлаб чиқаришининг табиатта таъсирини тўла компенсацияловчи табиат мұхофазаси тадбирларини амалга ошириши шарт.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини экологизациялаш қуидаги тадбирларни ўз ичига олади:

а) экологизациялаш объектлар хўжалик эксплуатациясига туширилишидан бошланади. Масалан, янги инциденттар, янги техника ва технологиялар лойиҳаларини ишлаб чиқишида улар албаттга экологик экспертизадан ўтказилади;

б) экологизациялаш корхоналарнинг техника ва технологиясини такомиллаштириш, модернизациялаш, илмий-техник ўзгариши давомида амалга оширилади. Улар табиат мұхофазаси манбаатларига зид бўлмаслиги керак;

в) экологизациялаш саноат корхоналари ва ташкилотлари ишлаб чиқариш муносабатларининг зарурый элементи хисобланади. Табиат мұхофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланыш соҳасида мавжуд қонунчилик нормаларини атбатта ҳисбога олиш талаб қилинади. Ишлаб чиқаришининг экологик

хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир корхона мөхнат жамоаси-
нинг бурчи ҳисобланади;

г) экологизациялаш жамият экологик манфаатларининг
иқтисодий манфаатларидан устунылигига ифодаланади. Маса-
лан, бўйича табиатдан фойдаланиш белгиланган режимини қўпол
равишда бузган корхоналар фаолияти йўл қўйилган бузилиши-
лар тузатилгунга қадар тўхтатилиши мумкин.

Асосий фаолиятни табиий хомашёдан фойдаланиш ва уни
қайта ишлаш бўлган корхоналар учун қонунчилик қўйидаги
қўшимча талабларни қўяди:

а) чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияни қўллаш;

б) қазиб олинадиган табиий хомашёни комплекс қайта
ишлаш. Булар ишлаб чиқариш чиқиндиларини анча камайти-
ради ва ҳатто уларни бартараф этади;

в) энергия ва ёқилғининг янги турларидан фойдаланишга
үтиш. Масалан, қуёш, шамол энергиясидан фойдаланиш.

Экология иқтисодиётида саноатнинг фойдали қазилма бой-
ликларини қазиб олиш билан боғлиқ бўлган тармоғи – тоғ-кон
саноатининг экологик-иқтисодий ҳусусиятларини ҳар томонлама
комплекс ҳисобга олиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Ин-
соният истеъмол қиласидиган табиий ресурслар умумий ҳажмининг
70 %дан қўйроғи ер ости бойликларига тўғри келади. Улардан
94% энергия ресурслари (мотор ёқилғиси, иссиқлик ва атом элек-
тростанциялари ёқилғилари), 90 %дан ортиқроқ оғир индустрия
маҳсулотлари (конструкция материаллари, прокат, қувурлар), 75%
қурилиш материаллари, 60% ўғитлар, 50% озиқ-овқат йўналиши-
га эга бўлмаган ҳалқ истеъмоли товарлари, 10 % озиқ-овқат қўшим-
чалари, дори-дормонлар ишлаб чиқарилади.

Ер ости артезиан сувларининг катта қисми минераллаш-
ган бўлиб, улардан бальнеология мақсадларида ва ичимлик суви
билиш таъминлашда кенг фойдаланилади. Минерал балчиқлар,
термал (иссиқ) сув манбалари турли касалликларни даволаш-
нинг ажойиб воситаси ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда ҳар қандай фойдали қазилмани қазиб
олиш табиатга жиҳдий аралашув ҳисобланади. Айниқса ланд-
шафт комплексларига фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб
олиш емирувчи ва чукӯр таъсир қўрсатади. Масалан, Ангрен қў-
мир конида каръср майдони ғоят катта худудни – 35 км²ни эгал-
лайди. Унинг чукурлиги 520-530 метрга етган. Каръердан ҳар
йили 96 миллион куб метр тоғ жинси қазиб олинади, тоғ жинсли-
рининг катта қисми текслерларга чиқариб ташланади. Улар кат-
та ер майдонини эгаллайди ва ифлослайди. Мурунтов олтин кони
каръери чукурлиги қарийб 1000 м га этади.

Ҳозирги вақтда табиий модда айланиб юришига кўп миқдордаги төғ жинслари, саноат оқавалари, тутунлар, оғир металларнинг юқори концентрацияси кўринишидаги техноген моддалар тушиши хосдир.

Ер ости бойликларидан фойдаланишда экологик-иқтисодий муносабатларни давлат томонидан тартибга солишинг асосий вазифаси минерал-хомашё базасини такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш, улардан ҳозирги ва келажак алодлар манфаатларини ҳисобга олиб фойдаланиш ва уларни муҳофаза килишдан иборат.

Ер ости бойликларидан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш бошқариш, лицензиялаш ҳисоб ва назорат воситасида амалга оширилади.

Шаҳар ва қишлоқ экотизимлари техноген лантшафтлар ҳисобланади. Шаҳар ланшафтида оддий табиий ҳудудий комплекслар тўплами туб ўзгаришга учраган ва уларнинг кўпчилик компонентлари қурилиш ва шаҳар эксплуатациясида бузилган, уларнинг ривожланиши йўналишини кўп даражада инсон техноген қопламалар ёрдамида бошқаради. Шаҳар экотизимларининг табиий муҳити табиий ландшафтларнинг табиий (зонал-азонал) қисмлари ҳисобланади. Улар йирик шаҳарларда янги компонент – техноген қопламани орттиради (кўшиб олади). Техноген қопламалар таъсирида шаҳар экотизимлари қайта ўзгариши, ўз структурасининг қайта қурилиши оқибатида миқдор ва сифат ўзгаришларига учрайди, янги алоқаларга эга бўлади, лекин табиат қонунларига мувофиқ ривожланиши тўхтатмайди. Тўғри, бу ривожланиш энди кўп даражада инсон томонидан тартибга солинади ва техноген қопламалари орқали ижтимоий ишлаб чиқришнинг ривожланиши билан боғланади.

«Техноген қопламалар» (ТҚ) тушунчаси етарли даражада сигими катта тушунчадир. У шаҳар ҳудудида инсон таъсирида пайдо бўлган барча янги кўшилмаларни ўз ичига олади. Техноген қопламаларга маданий қатлам, тупроқнинг қаттиқ қопламалари, инсон барпо этган яшил дараҳтзорлар гуруҳлари, сунъий ва қайта қурилган табиий ҳавзалар, ер усти ва ер ости коммуникациялари ва бошқалар киради. Лекин шаҳар техноген қопламаларининг асосини ишлаб турган техник тизимлар, қурилмалар ва иншоотлар – заводлар, фабрикалар, электростанциялар, шахталар, тўғонлар, селитеб (уй-жой) комплекслари ва бошқалар ташкил этади.

Техноген қопламаларнинг (ТҚ) ривожланиш даражаси, уларнинг ишлаб чиқариш – техник типлари шаҳарнинг ишлаб чиқариш ихтисосига, унинг саноат корхоналари технологик

жараёнларининг хусусиятларига, планировка структурасига, қурилиш ва уй-жойнинг зичлиги ва қаватлилигига, шаклланиши тарихига, шунингдек, табиий шароит имкониятларига ва табиий муҳитнинг унинг ривожланишига таъсири хусусиятларига яқиндан боғлиқ бўлади. ТҚ пайдо бўлиши ва шаклланиши инсон таъсири билан боғлиқ. Айни бир вақтда ТҚнинг ўзи табиатнинг таркибий қисмига, унинг шаҳар ландшафтлари ривожланиши ва динамикасини қандайдир даражада ифодаловчи ва тартибга солувчи фаол компонентига айланади. ТҚнинг кўп турлари – тўғонлар, парклар, хиёбонлар ва бошқалар шаҳар ландшафтига унинг структура элементи сифатида киради.

Шаҳар ландшафти динамикаси ва ривожланишини унинг элементар геотизимларининг – участкалар, мавзелар, микрозоналар, микротизимлар (муҳандислик иншоотлари – сув ҳавзалиари режими, муҳандислик иншоотлари – яшил дараҳатлар) модда ва энергия оқимини ифодаловчи ҳаракати (ишлаши) сифатида кўрсатиш мумкин. Бунда табиий ҳудудий комплекслар ва улар қисмларининг ТҚ билан бевосита ва тескари алоқалари ТҚ хоссаларга боғлиқ бўлади.

Шаҳар геотизимлари йирик шаҳарларнинг бошқа ҳудудий тизимлари – ҳудудий ишлаб чиқариш, меъморчилик-планировка, рекреация, транспорт, маъмурӣ бошқарув, майший хизмат тизимларига нисбатан муҳит ҳисобланади. Уни ўрганиш йирик шаҳарларнинг ҳудудий тизимларини бошқариш учун зарур. Шаҳар геотизимлари, унинг структура қисмлари шаклланиши ва динамикаси қонуниятларини чуқур билмасдан туриб шаҳар ҳудудлари комплекс ташкил этишининг кўплаб назарий илмий асосланган амалий масалаларини (эксплуатация ва қурилиш нормативларини белгилаш, рационал планировка структурасини барпо этиш, мелиорацияни амалга ошириш, номақбул табиий ва антропоген жараёнлар ва ҳодисалар, илмий башоратлаш) ҳал этиш мумкин эмас.

Шаҳар экотизимларини яхшилашнинг экологик-иқтисодий тадбирлари барча аҳолининг санитария – эпидемиологик фаровонлигини барпо этишга йўналтирилади. Улар тармоқ ва ҳудудий принциплар бўйича амалга оширилади.

Шаҳар экотизимларини муҳофаза қилиш қўйидаги йўналишларда олиб борилади: шаҳарларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишини режалаштириш, шунингдек, ушбу ҳудудларни планировкалаш ва ободонлаштириш, иморат қуриб, обод қилиш; уларда санитария режимини таъминлаш, дараҳатларни, ўрмон-паркларни, дам олиш зоналарини муҳофаза қилиш, кенгайтириш ва бошқалар.

7.3. Қишлоқ хұжалиги (аграр) экотизимлари

Табиий ландшафтларнинг антропологен фаолият миқёсла-ри бүйічә эң күп үзгариши ҳудудларни қишлоқ хұжалиги маҳсад-ларидан үзлаштиришда күзатылади. Инсон үзининг қишлоқ хұжалик фаолиятида ер, үсимли ва ҳайвонот олами, энергетика ресур-спаридан фойдаланиб, биринчи навбатда үзини озиқ-овқат билан, сүнтра турли хомашёга әхтиёжини таъминлады. Бунда у табиатта инсоннинг бошқа ҳар қандай фаолиятига нисбатан катта таъсир күрсатади. Үрмөнларнинг күп даражада кесиб юборилиши ва шудгорға айлантирилиши деҳқончиликнинг ривожланиши билан боғлиқдір. Масалан, аралаң ва кенг барғли үрмөнлар зонасида уларнинг майдони 50 %га, Үрта ер деңгизи зонасида 80-85%га қисқарған. Ерларни ҳайдаш үрмөн-дашт, даشت, чала чүл ва чүл табиат зоналарыда, шунингдек, күпчилик тоғли туманларда үсимлик ва ҳайвонот оламининг кучли үзгаришпига сабаб бўлди.

Дала қишлоқ хұжалик ландшафтларининг үзига хослиги маданий үсимликларнинг ҳаддан ташқари устунлиги билан бел-гиланади. Масалан, ҳозирги агроландшафтларда табиий үсимликлардан қишлоқ хұжалигига катта зарар етказадиган бегона ўтлар сақланиб қолган. Ҳайвонот олами таркиби ҳам кескин үзгарған: кемирувчилар ва бошқа қишлоқ хұжалик зарапку-нандалари (кушлар, ҳашпаратлар) сони күпайған ва улар ҳар йили милионлаб тонна дон, шоли ва бошқа әкинларни йўқ қила-дилар. Маданий үсимликлар таъсирида ландшафтда биологик моддага айланиб юриши ҳам үзгарған: тупроқдан ҳосил билан бирга озуқа моддаларининг бир томонлама чиқиб кетиши со-дир бўлаётир, яъни үсимликларнинг қуриб қолган қисмлари билан озуқаларнинг табиий қайтиш жараёни тұхтаган. Маданий тупроқлар деб аталаған тупроқлар шаклланған ва улар антро-поген қишлоқ хұжалик ландшафтларининг асосий хусусияти ҳисобланади.

Айникса, тупроқнинг сув, иссиқлиқ ва биологик режими су-фориш таъсирида анча үзгарамади, бунда табиий белгилар фақат тупроқ кесимининг чукур қисмидагина үзгаришсиз қолади. Во-ҳаларда қадимги суфориладиган тупроқлар (ёши минг ийларга тенг) учун кам миқдордаги гумусда (1-2%) қалин гумус қатлами, кучли түйинган микрофлора фаолияти жарактерлидир. Бу тупроқлар табиий тупроқларга нисбатан доимий үғитланиб турған-лиги сабабли бир неча марта күп азотта әгадир.

Воҳа антропоген ландшафтларыда сугориши каналлари, ариқлар, ховузлар, сув омборлари үзига хос гидротүрларни таш-кил әтади. Умуман, сугориши тупроқнинг физик хоссаларини

яхшилайди ва унда намлик заҳираларини кўпайтиради. Суғориладиган ерларнинг микроиқлими, сув баланси экиладиган ўсимликларнинг физиологик жараёнларига ва сув режимига ижобий таъсир кўрсатади.

Яйлов сифатида фойдаланиладиган табиий ландшафтларда сезидарли ўзгаришлар кузатилади. Мол боқиш таъсирида, қоида тарикасида, ўгларнинг турлари таркиби ўзгаради, тартибосиз, тизимсиз мол боқишида яйлов эрозияси (дигрессияси) ривожланади.

Қишлоқ хўжалик экинларининг маҳсулдорлиги кўп омилларга боғлиқ. Уларнинг бир қисми, масалан, ҳарорат режими, кўёш радиацияси очиқ далада инсон томонидан тартибга солинмайди, лекин амалиётда экиш муддатлари, ўсимлик зичлиги, эгатлар қаторини танлаш йўли билан ҳисобга олинади.

Бошқа омиллар инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти орқали таъминланади. Уларнинг энг муҳимларига қуйидагилар киради: тупроқда намликтинг мавжудлиги; ўсимликларнинг озуқалар билан таъминланганлиги; навлар; уруғлар сифати; зараркунданалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш; ўсишни тартибга солиш; ҳосилни йиғиб олиш.

Агротизимларнинг фойдали иш коэффициентини оширишда қишлоқ хўжалигини юритишнинг адаптив (мослашув) тизимни кенг қўллаш мухим аҳамиятга эга. У антропоген энергия истеъмолини камайтиришга, агроэкотизимлар таркибига кирадиган барча фойдали организмларнинг ҳаётий фаолиятини фоллаштиришга имкон беради.

7-жадвал

Қишлоқ хўжалигини юритишнинг адаптив (мослашув) тизими (Маркин Б.М., Наумова Л.Г. 1999, бўйича)

Тупроқка ишлов берини	Ўсимлиқчилик	Чорвачилик
Плут ўрнига ер юмшаткичлардан фойдаланиш	Барқарор навлар селекцияси	Юқори биоконверсия коэффициентига ўга зотлар селекцияси
Экилган (банд) шудгор тизимини қўллаш	Навларни уларнинг экологиясини ҳисобга олиб жойлаштириш ва раёнилаштириш	Озука элементлари бўйича балансланган рацион
Сидерациядан фойдаланиш	Аралаш экинларни жорий этиш	Барча ўсимлик қолдиқларидан тўла фойдаланиш
Алмашлаб экишини қўллаш		Фермаларни гўнг ва озуқаларни ташини ҳаражатларини камайтириш учун худудларда текис жойлаштириш

Қишлоқ хұжалигини юртишнинг адаптив тизими антропоген энаргиянинг ҳар бир бирлигига қишлоқ хұжалик әкінлари қосылы ва өзге аудандарда да жүргізіледі. Үларда үсімліктер тұплаган қуёш энергиясы жойланған бўлади. Агроэкотизимда тутамайдиган ва экологик тоза қуёш энергияси агроэкотизим бирлигига қанча кўп тұпланған бўлса, агроэкотизим шунчак кўп адаптив бўлади.

Экология иқтисодиёти нұқтаи назаридан ҳозирги қишлоқ хұжалик тизимида табиат муҳофазасининг иккى экологик-иқтисодий йұналишини ажратиш мүмкин: 1) атроф-муҳит ва унинг барча компонентларини қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришининг заарли таъсиридан муҳофаза қилиш; 2) қишлоқ хұжалигини антропоген атроф-муҳитнинг заарли таъсиридан муҳофаза қилиш.

Бириңчи йұналиш қишлоқ хұжалик корхоналари, акционерлик жамиятлари, ташкилотлар ва бирлашмалар, фермер хұжаликларга табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича юкланған мажбуриятларни тұла бажаришни, шу жумладан, булар учун зарур бўлған барча тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Уларни бажариш қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришининг асосий йұналиши доирасида қишлоқ хұжалигини индустриялаш, ер мелиорацияси, кимёллаштириш билан биргаликда амалга оширилади.

Қишлоқ хұжалигини атропоген атроф-муҳитнинг заарли таъсиридан муҳофаза қилишда саноат, қурилиш ва бошқа корхоналар фаолияти оқибатида өзага келадиган заарли таъсир ва ўзғаришларни ҳар томонлама ҳисобга олиш ва келтириладиган зиённи үндериш масалалари ҳал этилиши керак.

Табиат муҳофазаси нұқтаи назаридан қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқарип объектларига қуйидаги талаблар қўйилади:

а) улар экологик хавфсиз бўлиши;

б) қишлоқ хұжалик ишлари технологиялари ва усуллари максимал экологизациялашуви, эксплуатация қилинадиган табиат объектлари табиий жараёнларига узвий қўшилиб кетиши;

в) ишлаб чиқариладиган қишлоқ хұжалик маҳсулотлари инсон саломатлиги учун хавфсиз бўлиши.

Қишлоқ хұжалиги жамият ва табиатнинг фаол ўзаро таъсири соҳаси бўлиб, унда табиий экотизимлар янги сифатта эга бўлған агрозооэкотизимларга айлантирилади. Бунда қоида таракқасида, табиий экотизимлар қашшоқлашади (саёзлашади), чунки, ҳайдаладиган далаларда, масалан, бой ва хилма-хил табиий ўтлар ўрнига монокультура (бир хил үсімлик) етиштирилади. Экотизимларнинг қашшоқланиши эса уларнинг бесарорлигини келтириб чиқаради (экотизимларнинг кучи улар таркиби-

нинг кўп хиллиги билан белгиланади). Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши доирасидаги экотизимларнинг энг муҳим муаммоси агроценозларни (қайта ўзгартиручи тизимлар) биоценозлар (табиий ҳолда сақлаб қолинган тизимлар) билан қўшиб олиб бориш ҳисобланади.

7.4. Рекреация экотизимлари

Рекреация ва даволаш соғломлаштириш зоналарида уларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-мухит муҳофазаси катта аҳамиятга эга. Рекреация зоналарига аҳолининг ташкил этилган ва оммавий дам олиши ва туризмга мўлжалланган ер ва сув муҳитининг табиий ёки маданий участкалари киради. Шундай зоналар таркибига шаҳар ҳудудлари участкалари, шаҳар атрофи ва яшил зоналар, ўрмонлар парклар, миллий, табиий парклар (боғлар), ботаника, зоология боғлари, дендрологик парклар, туристик маршрутлар, дам олиш, уйлари ва базалари ҳудудлари, кўриқхона ва буютмаларнинг аҳоли бориб кўриши учун ажратилган маълум участкалари киради. Рекреацияга мўлжалланган ерлар табиат муҳофазаси ерларининг алоҳида тури бўлиб, уларга табиат муҳофазаси, соғломлаштириш, тарихий маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар ажратилади. Ўрмонлар ҳам рекреация учун катта аҳамиятга эга.

Даволаш-соғломлаштириш зоналарига фуқораларни даволаш ва саломатлигини тиклашга мўлжалланган ер ва сув муҳитлари ҳудудлари, уларга курорт ва санатория курорт зоналари киради.

Аҳолининг саломатлиги ва атроф-мухит сифати ўртасида бевосита ва билвосита алоқалар мавжуд. Масалан, Їжаон соғлиқни сақлаш ташилотининг маълумотларига кўра, аҳоли саломатлиги 50-50% уларнинг иқтисодий таъминоти ва яшаш тарзи, 18-20 % атроф муҳитининг ҳолатига, 20-30% тиббий хизмат даражасига боғлиқ бўлади. Хавонинг ифлосланиши аҳоли саломатлигининг 43-45 % ёмонлашувига сабаб бўлади. Замонавий гигиена фани атроф-муҳитининг ифлосланиши аҳоли касалланишининг ўртacha даражаси 20% га ошишини аниqlаган.

Бундай вазиятда рекреация фаолияти ижтимоий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг муҳим тармоғига айланган бўлиб, у аҳолининг ишдан бўш вақтидан фойдаланишини яхшилашга ва дам олишини ташкил этишга хизмат қиласи. Рекреация инсон тамонидан юқори баҳоланадиган ва ижтимоий натижа берадиган кенг йўналишни қамраб олади. Унда дам олиш ва соғломлаштириш, билиш ва ижод, одамлар ва табиат билан танишиш, таълим ва тарбияни такомиллаштириш ва бошқалар биргаликда ўз ифодасини топади. Бундай эҳтиёжларни қондириш, соғломлаштириш, умрни ўзайтириш, инсоннинг жисмоний ва маънавий даражасини ошириш, шахсни бар-

комаллаштириши, билим ва малакаларни ошириш ва бошқа қатор ижтимоий натижаларга эришишга имкон беради. Табиий омилларга асосланган рекреация фаолияти (туризм) шаҳар ва қышлоқ ахолиси орасида кенг тарқалган қасалликларнинг оммавий профилактика виситаси хисобланади. У фақатгина иш қобилиягини тиклашни ва меҳнат унумдорлигини оширишнингина таъминлаб қолмай, балки 20-50 % га юрак-томир, асаб, нафас олиш, ошқозон, сунъ қасалликлари патологияси пайдо бўлишининг олдини олишни таъминлайди.

Рекреация фаолиятининг ана шундай самараадорлиги табиий омилларнинг фойдаланиши таъсири ва бундай фаолиятни ушбу омиллар мавжуд худудларда ташкил этиш билан боғлиқдир. Шундай қилиб, табиий омиллардан фойдаланиладиган рекреация фаолияти экология иқтисодиётининг алоҳида тури-рекреация йўналишида табиатдан фойдаланиш ҳисобланади. Бундай фаолият самараадорлигини оширишнинг вазифаси рекреацияда табиатдан фойдаланишнинг самараадорлигини ошириш билан боғлиқдир.

Рекреация соҳасини ривожлантириш ва жойлаштириш, унинг самараадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишда қўйидаги вазифаларни ҳал этишга алоҳида аҳамият берилади:

- туманлар ва худудларда рекреацияда табиатдан фойдаланиш имкониятларининг оптималь структурасини шакллантириш;
- туманлар ва худудларда рекреацияда табиатдан фойдаланиш ва бошқа соҳаларда табиатдан фойдаланишни тақдослаб баҳолаш;
- табиий рекреация ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан рационал фойдаланиш, уларни такрор ишлаб чиқариш бўйича хўжалик тадбирларини баҳолаш;
- табиий рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг фактик самараадорлигини баҳолаш.

Рекреация самараадорлигини аниқлашда қўйидагилар ҳисобга олинади ва таърифланади:

1. Тадбирлар мақсади, яъни рекреация фаолиятининг кутилаётган ва эришиш мумкин бўлган натижалари.

2. Рекреация фаолиятининг конкрет минтақавий ва ижтимоий- демографик ҳусусиятларини энг пастки даражадаги шароитларини таърифловчи тегишли ижтимоий стандартлар.

3. Тадбирлар натижаси, яъни тадбирларнинг ҳар бирига асосланниб ташкил этиш мумкин бўлган вариантлари ёки қўйилган мақсадга эришишнинг муқобил йўллари.

4. Тадбирлар вариантининг ҳар бирини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ресурслар харажати (табиий рекреация ресурсларини қўшиб).

5. Ҳисоб-китоб шароитларида қўйилган мақсадларга эришишга йўналтирилиши мумкин бўлган (ресурслар бўйича чекловлар) ресурслар ва айниқса кўриб чиқилаётган худудларнинг табиий рекреация ресурслари.

Кўрсатилган беш гурух таърифлар самарадорликни баҳо-лаш мақсадида иқтисодий-математик моделларни шакллантириш учун етарлидир. Бундан ташқари улар тадбирлар натижаларини қўйилган мақсадлар, реал ажратилиши мумкин бўлган ресурслар билан талаб қилинадиган ресурслар харажатига таққослашга имкон беради. Булар йўл қўйиш мумкин бўлган қарорларни шакллантиришга ва вариантларни йўл қўйиш мумкинлиги нуқтаи назаридан дастлабки баҳолашга ёрдам беради.

Барча бешта гурух таърифлар ёки натижаларнинг (1-3 – гурухлар) ёки харажатларнинг (4 ва 5 - гурухлар) тарифини беради.

Рекреацияда табиатдан фойдаланиш фаолиятининг ижти-моий ва ижтимоий-иқтисодий натижаларини хўжалик тадбирлари натижаларининг айрим томонларини ифодалайдиган натурал-мод-дий, сифат ва қиймат тавсифларининг ўзаро боғлиқ кўрсаткич-лари тизимида акс эттирилади.

Натурал кўрсаткичларда қўйидагилар ифодаланади:

- рекреацияда табиатдан фойдаланиш соҳасида амалга ошириш мўлжалланаётган тадбирларнинг аҳолини қамраб олиши (хисобланган контингент одамлар)- хизмат кўрсатиладиган одам-кун микдори ёки бир йилда хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони, хизмат кўрсатиш ва сифати (категорияси)бўйича алоҳида ҳисоблар;
- маршрут, дам олиш дастури, худудлар ёки барпо этиладиган обьектларнинг куввати (қанча киши қабул қилиш имконияти);
- ижтимоий натижаларга имкон берадиган рекреация фаолиятига аҳоли сарфлайдиган вақт;
- аҳолининг рекреация фаолиятига кирадиган вақт сарфи-нинг қисқариши билан боғлиқ бўлган вақтини тежаш (рекреация хизматини кутиш).

Нисбий кўрсаткичларда хизмат кўрсатиш сифатининг эксперт баҳоси, худудлар ва обьектларнинг хоссалари (функционал-лиги қулийлиги билан бирга, комфортлиги (қулийлиги, шинамлиги), нафосати, ташқи кўринишининг ўзига жалб этиши, атроф-муҳит билан уйғуллигини ҳам қўшиб) ифодаланади (одатда балларда ҳисобланади).

Қиймат кўрсаткичларида қўйидагилар акс эттирилади:

- белгиланган баҳоларда маҳсулотлар ва хизматларни реа-лизация қилишнинг йиллик ҳажми ва уларни реализация қилиш-дан олинган фойда;
- соғлиқни сақлаш муассасаларида касалланишнинг камайи-ши билан боғлиқ бўлган харажатларнинг шартли – ҳисобланган камайиши;
- меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳодимлар квалификация-нинг ошиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий инфратузилмани барпо этиши ва унинг хизматига харажатларнинг камайиши;
- аҳоли вақтни тежашининг қиймат баҳоси.

Қисқача хуносалар

Кишилик жамияти тарихи мобайнида Ернинг ташқи қиёфасини сезиларли дарајада ўзгартирди ва хилма-хил антропоген ландшафтларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Инсоннинг табиатга таъсири, энг аввало, қаттиқ массаларни механик арапаштириб юбориш ва кўчиришда, худудларнинг сув-иссиқлик режимини, биологик мувозанат ва кимёвий элементлар миграцияси режими бузилишида намоён бўлади.

Табиий ландшатлардаги барча бузилишлар туб, бир компонентли, кўп компонентли бўлади. Жамиятнинг табиатга таъсири оқибати ҳисобланган бундай ўзгартиришлар аҳоли сони, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши дарајаси, ишлааб чиқариш кучларининг энергитика базаси, худудларни ўзлаштиришнинг тарихий давомийлиги даври билан белгиланади. Ландшафтда содир бўладиган ижтимоий-иктисодий жараёнлар еттига асосий типга бўлинади ва уларга боғлиқ ҳолда турли типдаги антропоген ландшафтлар пайдо бўлади.

Халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари, ишлаб чиқариш ва технологиялар табиий ресурслардан фойдаланиш дарајаси ва йўналишлари ҳамда табиий муҳит элементларига ва компонентларига таъсири бўйича турли ва ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун халқ ҳўжалиги тармоқлари гурухининг экологик – иктисодий классификацияси муҳим аҳамиятга эга. Бундай классификация табиатдан фойдаланишни экологик иктисодий тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Табиатдан фойдаланиш умумий жараён бўлиб, у табиий ресурслар ҳолатини табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг умумий натижасини ифодалайди. Бунда табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни яхшилаш ва муҳофаза қилишининг табиий ҳўжалик алоқаларини тартибга солишнинг оптималь йўналишларини белгилаали имкониятлари пайдо бўлади. Шу нуқтаи назардан табиий ресурслар ҳолати ва улардан ҳўжалик тармоқларида фойдаланишнинг учта гурухга – табиий экологик муҳит ресурслари, биологик ресурслар, минерал хом ашё ресурсларига бўлинади. Уларнинг ҳар бири модда айланиб юриши типи ҳолатининг асосий кўрсаткичи, иктисодий роли, ҳолатини тартибга солиш бўйича асосий фаолият тури, фаолият натижаси, фаолият самараси бўйича бир-биридан фарқ қиласди. Ушбу йўналишда улар таҳлил қилинади ва тегишли илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиласди.

Саноат, транспорт ва шаҳар экотизимлари антропоген ландшафтлар қаторига киради. Саноатнинг қатор тармоқлари табиат

объектларига, инсон саломатлигига катта заар өткәзади. Уларни бүртограф этиш ва максимал камайтириш энг мұхим вазифалар қытогирига киради. Булар табдирлар комплексини амалға оширип-ни талаб қылади. Саноат, транспорт ва бошқа ишлаб чықариш соҳалари доирасында экотизимларни мұхофаза қилиш ва улардан фойдаланиш режими икки йұналишта амалға оширилади:

1. Объектларга статус бериш;

2. Ишлаб чықариш хұжалик фаолиятini экологизациялаш.

Ер ости бойликларидан фойдаланишда экологик – иқтисодий муносабатларни давлат томонидан тартибга солишининг асosий вазифаси минерал хомаше базасини тақрор ишлаб чықаришни таъминлаш, улардан хозирги ва келажак авлодлар манбаатларини ҳисобға олиб фойдаланиш ва уларни мұхофаза қилишдан изборат.

Шаҳар экотизимлари техноген ландшафт бўлиб, уларда табиат комплекслари туб ўзгаришларга учраган ва асосан техноген қонламалар хукумронлик қылади. Шаҳар экотизимларини мұхофаза қилишда уларни режалаштириш, ҳудудларни планировкалаш ва ободонлаштириш, санитария режимини таъминлаш, яшил зоналарни барпо этиш мұхим йұналишлар ҳисобланади.

Қишлоқ хұжалиги экотизимлари антропоген ландшафтлар структурасыда энг күп салмоқта әгалиги билан алоҳида ўринини әгаллайди. Агроландшафтлар ғоят хилма-хил шакл ва құринишга әга. Агротизимларнинг фойдали иш коэффициентини оширишда қишлоқ хұжалигини юритишнинг адаптив тизимини кенг қўллаш мұхимdir. Қишлоқ хұжалик тизимида табиат мұхофазаси нинг икки экологик – иқтисодий йұналишини ажратиш мумкин:

1) Атроф-мухит ва унинг барча компонетларини қишлоқ хұжалик ишлаб чықаришнинг зарарли таъсиридан мұхофаза қилиши;

2) Қишлоқ хұжалигини антропоген атроф-мухитнинг зарарли таъсиридан мұхофаза қилиши.

Рекреация ва даволаш-соғломлаштириш зоналарида уларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-мухит мұхофазаси катта аҳамиятта эга. Рекреация самарадорлиги аниқлашда қўйидагилар ҳар томонлама тўла ҳисобға олиниши керак:

1) Тадбирлар мақсади;

2) Ижтимоий стандартлар;

3) Тадбирлар натижаси;

4) Ресурслар харажати;

5) Ресурслар.

Шунга биноан ҳисобларда натурал – моддий, сифат ва қиймат характеристикалари кўрсаткичлари тизимларидан кенг фойдаланилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Хўжалик тармоқлари ва антропоген фаолият таъсиридаги экотизимлар қандай экологик иқтисодий хусусиятларга эга?
2. Ландшафтда содир бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар қандай типларга бўлинади? Улар таъсирида қандай антропоген ландшафтлар типлари пайдо бўлади?
3. Халқ хўжалиги тармоқлари гуруҳлари қандай экологик – иқтисодий классификацияланади. Бу классификация қандай аҳамиятга эга?
4. Табиий – экологик ресурслар ҳолатини баҳолаш ва тартибга солини хусусиятларини тушунтиринг.
5. Саноат ва транспорт таъсиридаги экотизимлар қандай ўзгаришларга учраган ва улар қандай хусусиятларга эга?
6. Саноат ва транспорт таъсиридаги экотизимлар қандай йўналишларда муҳофаза қилинади?
7. Саноат, транспорт соҳаларида экотизимлар муҳофазасида обьектларга экологик статус бериш, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини экологизациялаш қандай аҳамиятга эга?
8. Шаҳар экотизимлари нима ва уларнинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?
9. Шаҳар экотизимларини муҳофаза қилиш йўналишларини таърифланг.
10. Қишлоқ хўжалигига (аграр) экотизимлар нима ва улар қандай хусусиятларга эга?
11. Қишлоқ хўжалигини юритишнинг адаптив тизими ва агротизимларини муҳофаза қилишининг асосий йўналишларини таърифланг.
12. Рекреация экотизимлари, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш йўналишларини тушунтириб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. – Т.: «Адолат», 2002.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 2002.
4. Акимова Т.А. Ҳаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. – М.: «ЮНИТИ», 1998.
5. Бобылов С.Н. Экологизация экономического развития. – М., 1994.
6. Миркин Б.Н., Наумова Л.Г. Экология России. – М.: «Устойчивый мир», 1999.
7. Реймерс Н.Ф. Природопользование. Словарь – справочник. – М.: «Мысль», 1990.
8. Рябчиков А.М. Структура и динамика геосферы, ее естественное развитие и изменение человеком. – М.: «Мысль», 1972.
9. Степановских А.С. Прикладная экология: охрана окружающей среды. Учебник для вузов. – М.: «ЮНИТИ – ДАНА», 2003.

АЛОХИДА МУХОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ҲУДУДЛАР ЭКОТИЗИМЛАРИ ЭКОЛОГИЯСЫ ИКТІСОДІЕТИ

8.1. Алохида мухофаза қилинадиган ҳудудлар экотизимларининг умумий таърифи

Табиий ресурслардан ишлаб чиқаришда тобора күпроқ фойдаланиш, жамиятнинг турли-туман эхтиёжларини қондириш, инсон ҳаёти ва фаолиятини таъминлаш учун табиий мұхитдан фойдаланишининг қучайиши табиатнинг айрим участкаларини табиий Ҳолатда сақлаш заруратини көлтириб чиқаради. Бундай участкалар алохида мухофаза қилинадиган ҳудудлар (акваториялар) бўлиб, улар экологик, генетик, асрар, мухофаза қилиш, санитария-гигиена, соғломлантириш, маданий-маорифий функцияларни бажаради ва улар фаол хўжалик ўзлаштирилишидан чиқарилади. Алохида мухофаза қилинадиган ҳудудлар экологик балансни қўллаб-қувватлаш, табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, экотизимлар ва организмлар генофондлари эталонларини сақлаш, атроф-мұхитни мухофаза қилиш ва сақлаш, рекреация ва табиат мухофазаси таълим—тарбияси, шунингдек, ҳам табиий шароитларда, ҳам инсон таъсирида кечадиган маҳаллий, минтақавий ва глобал табиий жараёнларни ўрганиш мақсадларига хизмат қиласи.

Алохида мухофаза қилинадиган ҳудудлар статуси, функцияси, режими ва бошқаришни ташкил этишдаги фарқлари ҳисбога олиниб, қуйидаги категорияларга бўлинади (классификацияланади):

1. Давлат табиат қўриқхоналари, шу жумладан, биосфера қўриқхоналари.
2. Миллий парклар.
3. Давлат миллий табиат парклари (боғлари).
4. Давлат табиат буюртма қўриқхоналари (заказниклар).
5. Давлат табиат ёдгорликлари.
6. Алохида мухофаза қилинадиган бошқа табиий ҳудудлар: сув мухофазаси минтақалари (тегралари), курорт-соғломлантириш табиий ҳудудлари, рекреация зоналари (тегралари), ботаника боғлари, дендрология боғлари, қўриқланма (оралиқ) тегралари, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, ҳайвонот боғлари, балиқчилик хўжалиги тегралари.

Бундан ташқари алохида мухофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг бошқа шақллари — яшил зоналар, шаҳар ўрмонлари,

шашар парклари, боғ-парк санъати ёдгорликлари, муҳофаза қилинадиган қирғоқ линиялари, муҳофаза қилинадиган дарё тизимлари, муҳофаза қилинадиган ландшафтлар, биологик станциялар, микротуризмоналар ва бошқалар ҳам ташкил этилиши мумкин.

Халқаро табиат ва табиий ресурслар уюшмасини БМТнинг атроф-мухит бўйича дастури (ЮНЕП) ва жонли табиатни муҳофаза қилиши Жаҳон фондининг қўллаб-кувватлашида тайёрлаган «Жаҳон табиат муҳофазаси стратегияси» хужжатида жонли табиат тўғрисидаги тажриба ва билимлар, уларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш умумлаштирилган. Бу хужжатда биринчи марта табиатни муҳофаза қилишининг қўйидаги учта вазифаси белгилаб берилган:

- инсон яшаси ва жамият ривожланиши боғлиқ бўлган фундаментал экологик жараёнлар ва халқ таъминоти тизимлари (тупроқ регенерацияси, озуқа моддаларнинг айланиб юриши, сувнинг табиий тозаланиши)ни қўллаб-кувватлаш;

- юқорида кўрсатилган қўплаб жараёнларни ва ҳаёт таъминоти тизимларининг ҳаракатига ва ишлашига боғлиқ бўлган генетик хилма-хилликни (дунёнинг тирик организмларида аниқланган генетик материаллар тўплами)ни сақлаш. Шунингдек, маданий ўсимликлар, уй ҳайвонлари ва микроорганизмларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш учун зарур бўлган селекция дастурини амалга ошириш; тиббиёт, техникадаги новаторликни ривожлантириш; жонли ресурслардан фойдаланувчи саноатнинг қўплаб тармоқлари муваффакиятини таъминлаш.

- инсонларнинг яшашини қўллаб-кувватлайдиган қўплаб биологик турлар ва экотизимлардан (ёввойи ҳайвонлар, ўрмонлар, яйловлар) барқарор фойдаланишни таъминлаш.

Ушбу мақсадли вазифалар ҳозирги замон алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар тизимларининг ишлаши ва ҳаракатини белгилаб беради.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар тизимининг роли атроф-мухитнинг барқарорлигини таъминлаш, жамиятнинг ижтимоий талаблари ва моддий эҳтиёжларни таъминлаш билан белгиланади. Шунга мувофиқ алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар қўйидаги экологик-иқтисодий функцияларни бажаради:

- генофондни сақлаш;

- фундаментал экологик жараёнлар ва ҳаёт таъминоти тизимларини қўллаб-кувватлаш;

- илмий, билиш ва тарбиявий мақсадларда муҳофаза қилинадиган табиат комплекслари тўғрисидаги ахборот маълумотларини тўплаш ва илмий тадқиқотларни ўтказиш имкониятларини таъминлаш.

Ўзбекистондаги алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар тўғрисидаги маълумотлар қўйидаги жадвалда берилган (8жадвал).

8-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг қўриқхоналари, табиий ва миљий парклари (боғлари), буюртма қўриқхоналари, табиий ёдгорликлари (Национальный доклад... 2002 ва бошқа манбалар бўйича)

Номи	Ташкил этилган йили ва вазифалари	Майдонига	Манзили	
I. Қўриқхоналар				
1	Чотқол тог-ўрмон давлат биосфера қўриқхонаси	1947 йил. Гарбий Тиён Шаванинг экотизимларини сақлаш ва атроф-муҳит ҳолати мониторинги. 1995 йилда биосфера қўриқхоналари тизимига киритилган	35724	Тошкент вилояти, Чотқол тогининг гарбий тизмаси. Паркент ва Оҳангарон туманлари
2	Ҳисор тог-ўрмон давлат қўриқхонаси	1983 йил. Ҳисор тоги табиий комплекси ва экотизимларини сақлаш	80986	Қашқадарё вилояти, Яккабог ва Шаҳрисабз туманлари. Ҳисор тогининг гарбий тизмалари
3	Зомин тог-ўрмон давлат қўриқхонаси	1960 йил. Арча ўрмонлари ва узурга хос ҳайвонот оламини сақлаш ва узарнинг ҳолатини илмий тадқиқ этиш	26840	Жizzах вилояти, Зомин тумани. Тўркестон тогининг шимолий ён бағирлари. Зомин ва Бахмал туманлари
4	Баланд-Тўқай текислик - тўқай давлат қўриқхонаси	1971 йил. Амударё оқими тартибга солинган шароитда тўқай ўрмонлари ва ҳайвонот оламини сақлаш	6462	Қорақалпогистон Республикаси, Беруний ва Кегайли туманлари. Қўйи Амударёнинг ўнг қирғози
5	Қизилкум водий - давлат қўриқхонаси	1971 йил. Амударё қўйи оқимида тўқай ўрмонлари ва ҳайвонот оламини сақлаш	10311	Бухоро вилояти, Ромитан тумани ва Хоразм вилояти, Дўстлик тумани. Амударёнинг ўнг қирғози
6	Зарафшон водий - тўқай давлат қўриқхонаси	1975 йил. Зарафшон дарёси ўрта оқимидаги тўқай комплексларини ва тустувукларини ишёб кичик турли - Зарафшон тустувукларини тиклари ва сақлаш. Ҳозирги вақтда қўриқхонанинг волнер (атрофи уралган майдон) комплексларини реинтродукция мақсадларидан Бухоро бузуларини тэкror тикларини қўйайтириши бўйича ишлар олиб борилмоқда	2352	Самарқанд вилояти, Булунгур ва Жомбой туманлари. Зарафшон дарёси бўйидаги 45 км.га чўзилган

	Номи	Ташкил этилган йили ва вазифалари	Майдони	Манзили
I. Құрғықоналар				
7	Нурота төг-жәңік үрмөнләри давлат құрғықонасы	1975 йилда шу номдагы буюртма құрғықонаға айланырылған. Еңбекшінің қимматтар генофондде түрнине ва дүнәдә яғона бұлған ва Халқаро табиат мұхофазасы үшіншесі (МСОП) қызыл китобға кириллікке бардошилған популяция – Северцев құйын сақлаш	17752	Жиззах вилояты, Фориш туманы. Нурота төңарларының шимолийдегі өнбаптерләри
8	Китоб геология давлат құрғықонасы	1978 йил. Палеонтология – стратиграфия объектарының мұхофазасы құлыш па режали үрганиш	5378	Қашқадарё вилояты, Китоб туманы. Ертарихининг геологиялық ёдгорлигі – Ҳисор төңарлары
9	Сурхон төг-үрмөн давлат құрғықонасы	1978 йил. Шу номдагы буюртма Шеробод үрмөн-мелттерация станциясы ерларыда 1970 йылдан мавжуд бұлған. Құхитанғ төңарлары әкотизимләрини сақлаш	23802,3	Сурхондарё вилояты, Шеробод ва Термиз тумандары. Құхитанғ төңарлары

II. Табиат на миляллық паркілар (богдар)

10	Зомин халқы паркы	1976 йил. Ноөб төг-арча әкотизимләрини сақлаш, түрлештешеу жана рекреацияда ғылыми-практикалық	24110	Жиззах вилояты, Зомин туманы. Туркестон төңарлары
11	Үгем-Чотқол табиий миллий паркы (боги)	1990 йил. Этапон табиат комплексіләри ва генофондның сақлаш. Барча құдайларда функционал зоналар – агропарк, фмол, рекреация, тарылған солиңнадырылған рекреация, құрғықона, құрғықонаға тегіншілдірілген, табиий мәндештәр зоналарында бұлғынан	574580	Тошкент вилояты, Гарбий Танышан төңарлары. Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон тумандары

III. Буюртма құрғықоналары

12	Арнасай	1983 йил	63300	Жиззах вилояты
13	Коракүл	1990 йил	10000	Бұхоро вилояты
14	Сайкоқын	1991 йил	1000000	Коракалпектен Республикасы
15	Судочье	1991 йил	50000	Қоракалпектен Республикасы
16	Сармаш	1991 йил	2510	Навоий вилояты
17	Коракип	1992 йил	30000	Бұхоро вилояты
18	Карнабчұл	1992 йил	40000	Самарқанд вилояты
19	Еңшработ	1992 йил	16500	Самарқанд вилояты
20	Денизжүл	1992 йил	8600	Хоразм вилояты

	Номи	Ташкил этилган йили ва вазифалари	Майдонига	Манзили
I. Қўриқонашар				
21	Навоий	1998 йил	25000	Навоий вилояти
22	Кашқадарё	1998 йил	23700	Кашқадарё вилояти
IV. Табнат ёдгорликлари				
23	«Варланзи» табнат ёдгорлиги	1975 йил. Саксовул ўрмонлари ноёб участкаларини ва уларда яшайдиган ўсмиллик ва ҳайвонот турларини сақлаш. Табнат ёдгорлиги статуси 1991 йилда берилган	300	Бухоро вилояти, қадимги Варланзи шахарчаси фрагментининг кум остида қолиб кеттан қалъаси харобалари
24	Еъъевон-Ёсон чўйлари (Қорақалпоқ чўли) участкаларидаги табнат ёдгорликлари	Фарғона водийси марказий қисми табиий техниклик комплексларини ва маҳаллий эндемиклар – бу ерда мавжуд бўлган ва яшайдиган ўсмиллик ва ҳайвонот турларини сақлаш мақсадларида ташкил этилган	3161,5	Намангандекан тумани, Минбулоқ тумани (1000га), Чуст тумани (96га), Фарғона вилояти Еъъевон тумани (1843га), Охунбобоев тумани (142,5га). Табнат ёдгорлиги Фарғона ва Намангандекан ўрмон ҳўжаликлари ҳудудида жойлашган
ЖАМИ			2081348,8	
V. Ноёб ёввойи ҳайвонларни етиштирадиган нитомниклар				
25	«Жайрон» экомаркази. Ҳайвонларнинг ноёб турлини етиштирадиган Республика илмий – ишлаб чиқариш маркази	1976 йилда Бухоро жайронларни етиштириш бўйича ихтисослашган нитомник ташкил этилди. 1989 йилда у Республика «Жайрон» экомарказига айлантирилган	7122	Бухоро вилояти. Унинг ҳудудида ярим эркин шароитларда жайрон, Пржевальский оти, кулоқ, тувилоқ ва бошқа ҳайвон турлари етиштирилди
VI. Ботаника ботаника, зоология парклари				
26	Тошкент ботаника ботаника. Унинг асосий қисми дендропарк ҳисобланади	1922 йил. 6000дан ортиқ ўсмиллик турлари мавжуд. Ўсимликларни иқлимлаштириш, ноёб, бўйқолиб бораётган ўсимликларни сақлаш, муҳофаза қилиш. Тиббиёт ва саноат ботаникаси	8	Тошкент шаҳри
27	Тошкент ҳайвонот ботаника (зоопарк)	1924 йил. 124 хил ҳайвонот тури мавжуд. Ҳалқаро ва Республика «Қизил китоби»га кирган, бўйқолиб кетаётган ҳайвон турларини сақлаш, узварни сунъий йўл билан кўнгайтириш	3,2	Тошкент шаҳри
28	Термиз ҳайвонот ботаника	1938 йил. Ноёб, бўйқолиб кетаётган ҳайвон турларини сақлаш, узварни сунъий йўл билан кўнгайтириш	35,5	Термиз шаҳри

Ўзбекистонда алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларнинг умумий майдони – 2,08 млн. гектар (республика худудининг 4,6% и)ни ташкил этади. Республикада 9 та кўриқхона, 2 та табиий ва миллий парк, 11 та буортма қўриқхоналари, 2 та табиат ёдгорликлари, 1 та ноёб ҳайвонларни етиштирадиган ихтисослашган питомник («Жайрон» маркази) бор.

Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги қонуни (1993 йил) «ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий ва умумхалқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуналарни муҳофаза этишининг умумий, хукуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради». Ушбу қонуннинг асосий вазифаси қўйидагича белгиланган: «... ноёб табиий мажмуналарни, табиат ёдгорликларини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан ва табиий муҳитни кузатиш ва тадқиқ этиш мажмудидан, аҳолини экология бобида тарбиялашдан, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик худудлардан хўжалик мақсадида фойдаланишни чеклашдан иборатdir» (2-модда).

8.2. Давлат қўриқхоналари ва давлат миллий парклари (боғлари)

Давлат қўриқхоналари хўжалик фаолиятида фойдаланишдан тўлиқ олинган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат комплекслари ва обьектлари (ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами) бўлиб, табиат муҳофазаси, илмий, экологик-маърифий аҳамиятга эга функцияни бажаради. Улар табиий муҳитнинг табиийлигини, типик ёки камёб ландшафтлар, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг генетик фондларини асраш ва сақлаш жойлари хисобланади.

Давлат табиат қўриқхоналари табиатни муҳофазаловчи, илмий-тадқиқот, экологик-маърифий, муассасалар бўлиб, табиий жараёнлар ва ҳодисаларнинг табиий кечишини, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг генетик фондини, айрим ўсимлик ҳамда ҳайвонот турлари ва туркумларини, типик ва ноёб экологик тизимларини сақлаш ва ўрганиш мақсадларини кўзда тутади.

Давлат табиат қўриқхоналари зиммасига қўйидаги вазифалар юклатилган:

- биологик хилма-хилликни сақлаш ва муҳофаза қилинадиган табиат комплекслари ва обьектларининг табиий ҳолати-

ни қўллаб-қувватлаш мақсадларида табиий худудларни муҳофаза қилишини амалга ошириш;

- илмий тадқиқотларни, шу жумладан, табиат йилномасини олиб боришни ташкил этиш ва ўтказиш;

- атроф-муҳитнинг умумдавлат тизими доирасида экологик мониторингни амалга ошириш;

- экологик билимларни тарғиб этиш;

- хўжалик ва бошқа обьектлар жойлашиши лойиҳалари ва чизмаларининг давлат экологик экспертизасида қатнашиши;

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий ходимлар ва мутахассислар тайёрлашгага ҳамкорлик қилиши.

Давлат қўриқхоналарини ташкил этиш бўйича қарорни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қиласди.

Табиат қўриқхоналарига туташ участка худудларида ва сув кенгликларида табиатдан фойдаланишининг чекланган режимига эга бўлган муҳофаза зоналари ташкил этилади.

Давлат қўриқхоналарининг худудида қўриқхона мақсадлари ва режимига зид бўлган, табиий жараёнларга салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Қўриқхоналарнинг худудларида ва уларнинг муҳофаза зоналарида иқлимлаштириш мақсадида ўсимликлар ва жониборлар турларини ва хилларини интродукциялаш ва жойлаштириш амалга оширилади.

Давлат қўриқхоналарида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилади. Улар учун «Табиат солномаси»ни юритиш мажбурий ҳисобланади.

Давлат қўриқхоналари худудларида қўйидаги йўналишдаги фаолият ва тадбирларни ўтказишга йўл қўйилади: табиат комплексларининг табиий ҳолатини сақлаш, антропоген таъсир оқибатида табиат комплекслари ва уларнинг компонентларидаги ўзгаришларни бартараф этиш ва уларни тиклаш; санитария ва ёнфинга қарши хавфсизликни таъминлайдиган шароитларни қўллаб-кувватлаш; одамлар ҳаётига ва аҳоли яшаш манзилларига хавф соладиган ва табиий оғатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш; экологик вазифаларни амалга ошириш; экологик-маърифий ишларни олиб бориши; назорат функциясини амалга ошириш.

Ўзбекистонда 9 та давлат қўриқхонаси бўлиб, улар 209,6 минг гектар майдонни эгаллайди (8-жадвал).

Биосфера давлат қўриқхонаси мақомига эга бўлган қўриқхоналар (Чотқол) белгиланган тартибда халқаро биосфера қўриқхоналари тизими таркибига киритилади ва улар глобал экологик мониторингни амалга оширишда иштирок этади.

Давлат қўриқхоналари юридик шахс бўлиб, республика бюджетидан таъминланади, мустақил балансда туради.

Давлат миллий парки (боғ)лари табиат муҳофазаси, экологик-маърифий, илмий-тадқиқот муассасалари бўлиб, улар табиат муҳофазаси, маърифий, илмий ва маданий мақсадларда ва тартибга солинадиган туризмда фойдаланишга йўналтирилган. Уларнинг ҳудуд (акватория)лари алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қийматга эга бўлган табиат комплекслари ва объектларини эгаллайди. Миллий парклар атрофида табиатдан фойдаланишнинг тартибга солинган режимига эга бўлган муҳофаза зоналари барпо этилади.

Давлат миллий паркларига қуидаги вазифалар юклатилиди:

- табиий комплекслар, ноёб ва этalon табиат участкалари ва объектларини сақлаш;
- тарихий-маданий объектларни сақлаш;
- аҳолини экологик маорифлаштириш (экологик таълимтарбия бериш);
- тартибга солинадиган туризм ва дам олиш учун шароитлар яратиш;
- табиат муҳофазаси ва экологик таълим-тарбиянинг илмий методларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- экологик мониторингни амалга ошириш;
- бузилган табиат ва тарихий-маданий комплекслар ва объектларни қайта тиклаш;
- заҳираларни тежайдиган, экологик жиҳатдан соғ технологияларни қишилоқ хўжалиги, саноат ва бошқа тармоқларда ишлатишга кўмаклашиш;
- илмий кадрлар ва мутахассислар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш.

Давлат миллий паркларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор идораларнинг Табиатни муҳофaza қилиши қўмитаси билан келишиб киритган тақдимига мувофиқ қабул қиласди.

Миллий давлат парклари ҳудудларида ударнинг табиий, тарихий-маданий ва бошқа хусусиятлари хисобга олиниб, дифференциялашган режим белгиланади. Шунга мувофиқ миллий парк ерларида турли функционал зоналари бўлинади:

- қўриқхона зonasи, унда ҳар қандай хўжалик фаoliyati ва рекреацияда фойдаланиш тақиқланади;
- алоҳида муҳофаза қилинадиган зона, унинг доирасида табиий комплекслар ва объектларни сақлаш учун шароит таъминланади, ушбу ҳудудда қатъий тартибга солини асосида бориб қўришига рухсат берилади;

- билиш (танишиш) туризми зонаси, у экологик таълимтарбия ва миллий паркнинг дикқатга сазовор обьектлари билан танишишни ташкил этишига мӯлжалланади;

- рекреация зонаси, у дам олишга мӯлжалланган;

- тарихий-маданий обьектларни муҳофаза қилиш зонаси, унинг чегараларида уларни сақлашга шароит яратилади;

- ташриф қилувчиларга хизмат кўрсатиш зонаси, у тунаш жойлари, палатали лагерлар ва бошқа туристик сервис, ташриф қилувчиларга маданий, майший ва ахборот хизмати кўрсатиш обьектларини жойлаштириш учун мӯлжалланган;

- хўжаликка белгиланган зона, унда миллий паркнинг ишланини таъминлаш учун зарур хўжалик фаолияти амалга оцирилади.

Миллий парклар худудларида, унинг мақсад ва вазифалари га зид бўладиган ҳар қандай фаолият, шу жумладан, қўйидагилар тақиқланади:

- фойдали қазилмаларни разведка қилиш ва қазиб олиш;

- тупроқ қоплами ва очик (ер юзасига чиқиб қолган) геологик төф жинсларининг бузилишига олиб келадиган ишлар;

- уларнинг ҳудудлари доирасида боғ ва дача (дала ҳовли) участкалари бериш ва ажратиш;

- миллий паркдан фойдаланиш режими билан боғлиқ бўлмаган магистрал йўллар, трубопроводлар (қувурлар), электр узатиш линиялари ва бошқа коммуникациялар ва бошқа обьектлар;

- ўрмонларни кесиш, ов қилиш;

- ёввойи ўсимликларни саноат учун тайёрланиши, ўсимлик ва ҳайвонот олами обьектлари яшаш мухитининг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳар қандай фаолият, биологик коллекцияларни тўплаш, тирик организмларни иқлимлаштириш мақсадларида улар интродукцияси;

- ушбу паркларнинг ишланиши билан боғлиқ бўлмаган механизациялашган транспорт воситаларининг ҳаракати ва тўхташ жойлари;

- оммавий спорт ва томоша тадбирларини ташкил этишини, туристик тўхташ жойларини ва гулханлар ёқишини ташкил этишини улар учун маҳсус белгиланган жойлардан ташқарида ташкил этиши;

- тарихий-маданий қийматига эга бўлган предметларни олиб чиқиб кетиш.

Миллий парклар юридик шахс бўлиб, давлат бюджетидан таъминланади, мустақил балансда туради, рекреация, туризм-экскурсия, реклама — нопширлик ва қонунда рұхсат этилган бошқа фаолиятдан келадиган даромадлардан фойдаланилади.

Давлат миллий табиат парклари миллий (халқ) паркла-

ридан фарқ қилиб, улар табиат муҳофазаси ва рекреация мұасасалари ҳисобланади. Уларнинг ҳудудлари катта экологик ва эстетик қийматга эга бўлган табиат комплекслари ва объектларини ўз ичига олади. Улар табиат муҳофазаси, маърифий рекреация мақсадларини амалга оширади.

Миллий табиат парклари ҳудудларида табиат участкаларининг экологик ва рекреация қийматига боғлиқ ҳолда турли режимда муҳофаза қилиш ва фойдаланиш зоналари ажратилади. Масалан, умумий майдони 574,3 минг гектар бўлган Угам-Чотқол миллий табиат паркида қўйидаги функционал зоналар ажратилган (9-жадвал).

9-жадвал

Угом-Чотқол миллий табиат паркининг функционал зоналарга бўлиниши

№	Функционал зоналар	Майдони, минг га	%
1	Агропарк зонаси	59,1	10,3
2	Фаол рекреация зонаси	30,7	5,3
3	Тартибга солиб фойдаланиладиган рекреация зонаси	13,6	2,4
4	Кўриқхона зонаси	35,8	6,2
5	Кўриқхонага тенглаштирилган зона	109,1	19,0
6	Табиат ландшафтлари	326,1	56,8
ЖАМИ		574,6	100,0

Давлат миллий табиат паркларида улар ҳудудини табиий, илмий, эстетик ва маданий қиммати пасайишига олиб келадиган фаолият турлари тақиқланади ёки чегараланади.

8.3. Давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари

Давлат буюртма қўриқхоналари (заказниклари) алоҳида аҳамиятга эга бўлган табиат комплекслари ёки уларнинг компонентларини сақлаш, қайта тиклаш ва экологик балансини қўллаб-қувватлаш мақсадида буюртма қўриқхона олдига қўйилган вазифани бажариш учун зарур муддатга ажратиб бериладиган ҳудудлар (акваториялар) ҳисобланади.

Давлат буюртма қўриқхоналари республика ёки маҳаллий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Республика аҳамиятига эга бўлган буюртма қўриқхоналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган буюртма қўриқхоналар эса табиатни муҳофаза қилиш идораларининг тақдимига қўра вилоят ҳокимларининг қарори билан ташкил этилади.

Давлат буюртма құриқхоналари вазифаси ва ихтисосига күра турлича бұлади. Уларни қуйидаги турларға бұлиш мүмкін:

- комплекс (ландшафт) буюртма құриқхоналари. Алохида қимматтаға әга бўлган табиат комплекслари (ландшафтлар)-ни асраш ва тиклаш учун мўлжалланади;

- биологик (ботаник ва зоологик) буюртма құриқхоналари. Қимматли, ноёб ва ўйқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот олами турларини асраб қолиш, сақлаш, тиклаш, шу жумладан, хўжалик, илмий ва маданий жиҳатдан қимматли турлари учун мўлжалланган;

- палеонтологик буюртма құриқхоналари. Айрим қазилма бойликлар ва уларнинг комплексини асраш мақсадида ташкил этилади;

- гидрологик буюртма құриқхоналари (ботқоқ, кўл, дарё, денгиз). Қимматли сув обьектлари ва экологик тизимларни асраш, сақлаш ва тиклаш учун мўлжалланган;

- геоморфологик буюртма құриқхоналари. Нодир, ноёб, нафосатли, рельеф шаклларини асраб қолишга мўлжалланган;

- геологик буюртма құриқхоналари. Нодир ва ноёб геологик ва минералогик ҳосилалар ва тузилмаларни асраб қолиш учун мўлжалланган.

Буюртма құриқхоналар муддатсиз (муддати қўрсатилмасдан), беш йилдан ортиқ муддатга (узоқ муддатли) ёки беш йилдан кам муддатга (қисқа муддатли) қилиб ташкил этилади.

Давлат буюртма құриқхоналари ҳудудлари уларни хўжалик мақсадларида ердан фойдаланувчилардан тортиб олинмайди. Ерида давлат буюртма құриқхоналари ташкил этилган корхоналар, муассаса ва ташкилотлар давлат буюртма құриқхонаси белгилайдиган тартибга риоя этишлари шарт.

Давлат буюртма құриқхоналари ҳудудларида унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга зид бўлган фаолиятнинг ҳар қандай тури тўхтатилади ёки чеклаб қўйилади.

Ҳар бир давлат буюртма құриқхонасining вазифаси ва режими хусусиятлари улар тўғрисидаги Низомда белгиланади ва у тегишли орган томонидан тасдиқланади.

Табиат ёдгорликлари – экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан қимматли, ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган обьектлар ҳисобланади. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан улар эгаллаб турган ер участкаларини олиб қўймасдан ҳам обьект давлат ёдгорлиги деб ҳам эълон қилинип мүмкін. Улар жойлашган ҳудудда уларни сақлаб қолишга хавф солувчи ҳар қандай фаолият тақиқланади. Табиат ёдгорликлари жойлашган ерлардан фойдаланувчилар уларни муҳофаза қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

8.4. Дендрология парклари, ботаника боғлари, зоология парклари

Дендрология парклари ва ботаника боғлари табиат муҳофазаси муассасалари бўлиб, уларнинг вазифасига ўсимлик олами хилма-хиллигини асрарш ва бойитиш мақсадларида ўсимликларнинг маҳсус коллекциясини яратиш, шунингдек, илмий, ўқув ва маърифий фаолиятни амалга ошириш киради.

Дендрология парклари илмий, маданий ва рекреация ва бошқа йўналтишларда фойдаланиш учун дараҳтлар ва буталарнинг ҳар хил турларини ва улардан таркиб тошган дараҳтзор – бутазорларни маҳсус яратилган шароитда ўстириш, асрарш ва ўрганиши билан шуғулланади. Уларнинг худудида дендрология термаларига таҳдиц солувчи фаолият билан шуғуллананиш тақиқланади.

Ботаника боғлари ботаника термаларини тузатиш, тўлдириш ва асрарш, илмий, ўқув ва таълим ишларини олиб бориш йўли билан маҳаллий миқёсдаги ва жаҳон миқёсида ўсимликларнинг мажмуяларининг нодир ва муайян туркумига хос турларини маҳсус яратилган шароитда асрарш, ўрганиш, иклиматштириш, кўпайтириш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш билан шуғулланади. Ботаника боғлари худудларида унинг мақсад ва вазифаларига зид келадиган фаолият билан шуғуллананиш тақиқланади.

Дендрология парклари ва ботаника боғлари худудлари турли функционал зоналарга бўлинниши мумкин:

- экспозиция зонаси, уни кўришга маъмурият белгилаган тартибда рухсат берилади;
- илмий-тадқиқот зонаси, уларда илмий ходимлар фаолият кўрсатадилар;
- маъмурият зонаси.

Айрим парклар ва боғларнинг вазифалари, илмий йўналишлар, юридик статуси, ташкилий тузилиши ва режими уларни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган идора томонидан тасдиқланган низом билан белгиланади.

Дендрология парклари ва ботаника боғлари давлат бюджети томонидан таъминланади.

Зоология парклари (ҳайвонот боғлари) экология таълим-тарбия ишларини амалга ошириши, ҳайвонларнинг нодир экзотик ва маҳаллий турлари экспозицияларини яратиш, уларнинг генофондини сақлаб қолиш, ёввойи ҳайвонларни ўрганиш, уларни тутқунликда кўпайтиришининг илмий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Улар ҳам табиатни муҳофаза қилиши муассасалари хисобланади.

Ҳайвонот боғлари худудида уларнинг мақсад ва вазифаларига зид келадиган фаолият билан шуғуллананиш маън қилинади.

Хайвонот боғлари худудида экспозиция, илмий, рекреация, ёрдамчи хўжалик функционал зоналари ажратилади. Хайвонот боғлари кўчма экспозицияларни ташкил этиш билан шуғулланади ва уларнинг таркибида жониворларни озуқа билан таъмин этиш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил этилади.

8.5. Алоҳида муҳофаза қилинадиган бошқа табиий худудлар тизими

Сувни муҳофази қилиш зоналари дарёлар, кўллар, сув омборлари, коллекторлар ҳамда бошқа сув обьектларининг ўзанларига туташ худуд сувини муҳофаза қилиш, ифлосланиш, булғаниш, саёzlанишининг ва лойқа билан тўлиб қолишнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилади. Улар энг мақбул сув маромини сақлаб туришга хизмат қиласди.

Сувни муҳофаза қилиш зоналарини ташкил этишининг нормативларини белгилашнинг асосий хусусиятлари ва маълумотлари 10-жадвалда берилган.

Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари

- 1) Катта сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари
- 2) Ўртacha сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари
- 3) Кичик сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари
- 4) Жуда кичик сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари
- 5) Кирғоқбўйи минтақалари (шудгор, дараҳтзорлар, ўрмонлар, дараҳтзор-чангальзор жойларда):

- a) тик қиялиги 3 гача
- b) тик қиялиги 3-8 гача
- c) энг камидা

6) Дарёлар, сойлар, ирмоқларнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари кенглиги:

1. Катта дарёларда
2. Ўртacha дарёларда
3. Кичик дарёларда
4. Жуда кичик дарёларда
5. Кирғоқбўйи минтақалари:

а) шудгор ва кўп йиллик дараҳтзор жойларда:

қияликлар тикилиги 3 гача

б) пичанзор ва яйловларда:

қияликлар тикилиги 3 гача

қияликлар тикилиги 3 дан ортиқ

в) ўрмон ва дараҳт-чангальзор майдон-ларда:

қияликлар тикилиги 3 гача

қияликлар тикилиги 3 дан ортиқ

Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар, коллекторларнинг, ичимлик суви ва майший сув таъминотининг, даволаш ва маданий соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилаш нормативлари¹

	Сув объектлари	Сув сиптими, куб/км	Сув сарфи, сек/метр куб	Лойиха хисоб-китоб сарфи, сек.м. куб	Муҳофаза қилиш зонаси, метр
1	2	3	4	5	6
1	Сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари 1) Катта сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари 2) Ўртacha сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари 3) Кичик сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари 4) Жуда кичик сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари 5) Қирғоқбўйи минтакалари (шудгор, дараҳтзорлар, ўрмонлар, дараҳтзор-чангалзор жойларда): а) тик киалини 3 гача б) тик киалини 3-8 гача в) энг камидга 6) Дарёлар, сойлар, промокларнинг сувни муҳофаза қилини зоналари кенглиги: 1. Катта дарёларда 2. Ўртacha дарёларда 3. Кичик дарёларда 4. Жуда кичик дарёларда 5. Қирғоқбўйи минтакалари: а) шудгор ва ён йиъалик дараҳтзор жойларда: киаликлар тикилиги 3 гача киаликлар тикилиги 3 дан ортиқ б) ичансюр ва пайдовларда: киаликлар тикилиги 3 гача киаликлар тикилиги 3 дан ортиқ в) ўрмон ва дараҳт-чангалзор майдонларда: киаликлар тикилиги 3 гача киаликлар тикилиги 3 дан ортиқ	1,1-10 0,6-1,0 0,2-0,5 0,1дан кам	- - - - - 100> 5-100 2-5 2	- - - - - - -	300-500 2200-300 100-200 100гача 55 м.гача 35-40 20 300-500 100-300 50-100 50гача 35-55 55-100 25-35 35-40 35-55 55-100

¹ Жадвал куйидаги маълумотларга асосланниб тузилиган: Ўзбекистон Республикасидағи сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек, ичимлик суви ва майший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришинда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган. Атроф табиии мухитини муҳофаза қилиши. Қонунлар ва норматив хужжатлар. –Т.: «Адолат», 2002, 265-287 б.

	Сув объектлари	Сув сиғими, куб/км	Сув сарғи, сек/метр куб	Лойиха хисоб-китоб сарғи, сек/м. куб	Мұхофаза қилин зонасы, метр
1	2	3	4	5	6
II	<p>Магистрал каналлар ва коллекторлар</p> <ol style="list-style-type: none"> Секундига 50дан 100 куб метргача сув ұтқазып күзваттың аға бұлған магистрал каналдар учун Лойиха – хисоб-китоб сув сарғи секундига 10дан 20 куб метргача бұлған коллекторлар учун Секундига 100дан 150 куб метргача сув ұтқазып күзваттың аға бұлған магистрал каналлар учун Лойиха – хисоб-китоб сув сарғи секундига 20дан 50 куб метргача бұлған коллекторлар учун Секундига 150 куб метрдан ортиг сув ұтқазып күзваттың аға бұлған магистрал каналлар учун Лойиха – хисоб-китоб сув сарғи секундига 50 куб метрдан ортиг, бұлған коллекторлар учун 	-	-	-	100
III	<p>Хұжалик-ичимлик сув тәльминоти манбалаrinning санитария мұхофаза зоналарини белгиләш</p> <ol style="list-style-type: none"> Сув олиш жойындағы сув тәльминотининг юза ва ер ости манбалары санитария мұхофазасы зонасы үч минтақадан иборат бүлшіни керак: <ol style="list-style-type: none"> бірінчи минтақа - қаттық тартыбылы минтақа; иккінчи ва учинчى минтақалар – хұжалик фаолиятты чексландырылған тартыбылы минтақалар Сув тәльминоти юза манбалаrinning санитария мұхофазасы зонасы биринчи минтақасыннан чегаралары сув олиш жойлардан күйидегіча масофада белгіләштәнді: <ul style="list-style-type: none"> а) дарә ван каналлар учун: <ul style="list-style-type: none"> - оқим бүйінча іюкорига каміда; - оқим бүйінча күйига каміда; - сув олиш жойында тұтаниб кетуучи қырғық бұлғылаб ёзғы-кузғы сув сатхы бүйінча сув кесимининг каміда қарата-қарши қырғық томон йұнаспашда: - дарә ван каналлар көнгілігі 100 м.дан кам бұлғаңда – ёз-күз давридагы сув сатхининг бутун акваториясы ва сув кесимінан 50 м. көнгіліктерде қарата-қарши қырғық, дарә ван каналлар көнгілігі 100 м.дан күн бұлғаңда – көнгілік каміда 100 м. бұлған акватория минтақасы; б) сув обзорлары ва күлдер учун: <ul style="list-style-type: none"> - акватория бүйінча барча йұнаспаштарда каміда 	-	-	200	
					300
					300
					300
					300
					300
					300
					300
					200
					100
					100
					100
					100

	Сүв объектлари	Сүв синими, куб/км	Сүв сарфи, сек/метр куб	Лойиха ҳисоб-китоб сарфи, сек/м. куб	Мұхофаза кишиш зонасы, метр
1	2	3	4	5	6
	<p>- сүв олиниадиган жойға тутасынб кетуучи қирғоқ бүйінча – сүв омборларда нормал тамба даражасында ва күлдә ёз-күз давридаги сүв сатхи шароиттада сүв кесимнинң камидა</p> <p>3) Сүв таъминотининг юза маңбаларининг санитария мұхофазасы зонасининг иккінчи минтақасы чегаралардың күйіндегі белгилелерден:</p> <ul style="list-style-type: none"> а) дарға ва каналлар учун: <ul style="list-style-type: none"> - оқым бүйілаб жоқорига, промоқтар хам шу жүмылага киради, дарға ва каналлар көнтілгі хамда узуллігі бүйінча ўртаса сүв оқымы тезлигінан, ёз-күз даврида сүв сатхининг ўртаса ойынк сүв сарфи 95% таъминданғанда сүвнинң минтақа (пояс) чегарасынан сүв олини жойигача оқиб келдін вактидан келиб чиққан холда камидә 3 сутка; - оқым бүйілаб күйига – биринчи минтақа (пояс) чегарасынан камидә - ён томондаги чегаралар – ёз-күз давридаги сүв сатхи шароиттада сүв кесими масофасынан: <ul style="list-style-type: none"> • текисликдаги рельефда • тоғли рельефда • тип қиялника б) сүв омборлардың каналлар учун: <ul style="list-style-type: none"> - шамоллар сони сүв олини жойига томон 10% гаца бүлгіндең барға йұналишларда акватория бүйілаб 3 км. масофагача, шамоллар сони 10%дан ортік бүлгіндең 5 км.гача - ён томондаги чегаралар – сүв омборларда тамбанинг нормал даражасында ва күлдә сүвнинң ёз-күз давридаги сатхи шароиттада сүв кесимненди: <ul style="list-style-type: none"> • текисликдаги рельефда; • тоғли рельефда; • тип қиялника; <p>4) Сүв таъминотининг юза маңбалары санитария мұхофазасы зонасининг учинчи минтақасын чегаралардың дарға ва каналлар оқымы бүйілаб жоқорига ва күйига ёки иккінчи минтақа учун бүлгіндей, сүв омбори ва күлдердин акваториясін бүйілаб барға томонларға, ён томондаги чегаралар сүв айрығын бүйілаб, бирок дарға ва каналлар ёки сүв омборлары ва күлдерден 3-5 км.дан күп бүлмаган масофада бүлши керек</p> <p>5) Сүв таъминотининг ер ости маңбаларининг санитария мұхофазасы зонасы биринчи минтақасын чегаралардың якка сүв олини жойидан (кудуқ, шахта қудуғи, кантаж) ёки гүрухлы сүв олишиңдегі чеккадаги сүв олини инициоитидан бошлаб қўйидегі масофада ўрнитидини керек:</p>				100
					250
					500
					750
					1000
					500
					750
					1000

	Сув объектлари	Сув сиғимі, куб/км	Сув сарғы, сек/метр күб	Лойиха хисоб-китоб сарғы, сек/м. куб	Мұхофаза қылмын зонасы, метр
I	2	3	4	5	6
	<ul style="list-style-type: none"> - мұхофаза қылмынан ер ости сұлтаридан фойдаланылғанда; - естарлыча мұхофаза қылмыннан ер ости сұлтаридан фойдаланылғанда; - инфильтрацион сув олини жойларыда сув манбасыннан юзасендей камидә - ер ости сұлтари захиралари ёник түрдеги инфильтрацион ишпөндөн: <ul style="list-style-type: none"> • сұлтыйн равишда түлдірилғанда; • очиқ типде 	-	-	-	30
	<p>6) Водопровод ишшоотлари худуди санитария мұхофазасы биринчи минтақасыннан чегарасы майданыннан үраб олинишиңа мос келади ва қүйидеги масофада бұлшын керек:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тоза сув хаваалари деворидан, фильтрлардан, контактын ёриткічлардан камидә; - қолтан болық ишшооттардан ва водопровод минералдан камидә 	-	-	-	50
	<p>7) Сув таъминоти манбасы зонасы иккінчи минтақасы ташқарисенде жойланған водопровод ишшоотлари түсінкілари атрофидаги санитария минтақасы камидә 100 м. көнгілкка ега бўлшини керак</p> <p>8) Водопровод бўйлаб санитария – химоя минтақалари белгилинади, уларнинг кенеслиги энг чеккадан водопроводдан бошлаб ҳисобланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - курилини тутгалланған худудда куруқ тупроқда ётқизилғанда диаметри 1000 мм.гача бўлганда камидә 10 м. ва диаметтри катта бўлганда камидә 20 м., нам тупроқда диаметридан қатъий назар, камидә 50 м. - курилиб тутгалланған худудда давлат санитария иззорати ва табият мұхофазасы органдары билан келишилгандан соң минтақа көнгілгигининг юкорида кўрсатиб ўтилган хажмларини камайтиришга йўл қўйилади. 	-	-	-	150
IV	<p>Даволац – сорломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланыладиган минерал сув манбаларининг санитария мұхофазаси округларини белгилаш</p> <p>1) Аҳодини даволац ва маданий согдомлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланыладиган минерал сув омборлари, шибоғашх балық олинадиган жойлар, минерал кўллар атрофидә даволац манбаларининг табиий, физик ва клиёвий хоссаларини сақлани, шунингдек, уларни бузилишдан, ифлосланыдан ҳамда муддатдан олдин тутған қолнидан асраш мақсадидә санитария мұхофазаси округи белгилазади</p> <p>2) Ушбу округ уз зонага бўлшинади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • қаттиқ тартиблы зона; 	-	-	-	50
		-	-	-	100
		-	-	-	30
		-	-	-	15
		-	-	-	-
		-	-	-	250

	Сув объектлари	Сув сирими, куб/км	Сув сарфи, сек/метр куб	Лойнда хисоб китоб сарфи, сек/м. куб	Мухофаза қилиш зонаси, метр
1	2	3	4	5	6
	<ul style="list-style-type: none"> чекланган зона; кузатын зонасы. <p>3) Биринчи зона минерал сувлари юзага чикадиган, шифобахш балчик конлари, минерал сувлар, сувдан даюлан макеадларица фойдаланиладиган манбазар, иляясар жойланған жойларни, деңгиз бүйін миңтакасиниң алғыларга тұташиб кетувиң көнглигі камиде 100 м.ли худудларни камраб олади</p> <p>4) Иккінчи зона көз сувларининг минерал сувлар юзага чикадиган жойға үшін шифобахш балчик конлары, минерал күллар үшін күрғазтарға, минерал манбазар хосил кишинде пінтироқ этувчи минерал үшін чүчүк сув циркуляцияга учрайдиган ер жозасидан утча чукур бұлмаган жойларға томон оғинни юз бередиган худуди;</p> <p>минерал сувлар, шифобахш балчиктар табиғий үшін суктападиган жойларни; санатория қуортуғ мұассасалардың даам олини мұаассасалар жойланған худуди;</p> <p>парклар, үрмон-наркілар үшін боянка құқалама操рларын барло этиши үчүн мұжжалдандырылған худуди камраб олади</p> <p>5) Уиничі зона гидроминерал ресурслар тұйинадиган үшін бұлладиган жойларни, худудиң үраб олған үрмөздерин, шунингдек, санитария мухофазасы округи үчүн белгілінген кондадарға рион кишиннегандың хұжалик макеадларида фойдаланылған минерал сув үшін шифобахш балчик конларининг гидрогеологияк режимига, санитария үшін ландшафт икким шароиттарында салғый таңыр күрсегінин мүмкін болған худуди камраб олади</p>				

Сувни мухофаза қилиш зонасида сув объектларини ёқалаб хұжалик фаолияти юритиш қатый чекланған худуддан иборат кирғоқ бүйін зоналари ажратиласы. Бунда санитария мухофазаси зонасида ҳар қандай хұжалик фаолияти юритиш тақиқланады. Сувни мухофаза қилиш зоналари доирасида чекланған хұжалик фаолияти юритишіңде йүл қўйилади. Лекин ушбу зонада бута-дараҳтларни кесиш, заҳарлар кимёвий моддаларни қўллаш, заҳарлар кимёвий моддалар да минерал ўғитлар омборлари қуриш, уларда модда да ўғитларни сақлаш, канализация-тозалаш да оқава сувлар тұпданадиган түрлі иншоотлар қуриш, чорвачилик комплексларини, ахлат, ишлаб чиқарыши чиқындилари ташланады, кўмиладиган жойларни жойлантириш, шунингдек, сугоришида

«суюқ гүнг» (шарбат) ишлатиш, автомобиль трансиортини қўйиб туриш, уларга ёқилғи қўйиш, уларни ювиш ва таъмирлаш жойларини ташкил этиш, нефть маҳсулотлари сакланадиган омборхоналарни жойлантириш, зифир, каноп ва тери ювиладиган жойлар ташкил этиш тақиқланади.

Курорт-соғломлаштириш ва рекреация табиий ҳудудлари даволаш ресурслари мавжуд бўлган, даволаш, профилактика ва аҳоли дам олиши учун қулай бўлган жойлар хисобланади. Курорт-соғломлаштириш табиий ҳудудлари учта зонага бўлинади: 1) даволаш хусусиятига эга бўлган манбалар, шифобахш балчиқ қатламлари бор бўлган зоналар. Бунда ҳар қандай хўжалик фаолияти тақиқланади; 2) санаторийлар, пансионатлар, дам олиши уйларининг дам олувчилар ҳордиқ чиқарадиган манзиллари, улар даволаниши ва яшаси учун курилган бинолар жойлашган ҳудудлар зонаси. Бунда хўжалик фаолияти юритиш маън этилади; 3) санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйларига туташ ҳудудлар зонаси. Бу зонада даволаш манбаларига зиён етказмайдиган ҳамда атроф-муҳитга заарали таъсир кўрсатмайдиган ва ифлослантиrmайдиган чекланган хўжалик фаолияти юритишга рухсат берилади. Белтиланган режимни биринчи зонада фойдаланувчилар, иккинчи ва учинчи зоналарда – фойдаланувчилар, ердан фойдаланувчилар, ушбу зоналарда яшовчи фуқаролар амалга оширадилар.

Табиий даволаш ресурсларидан даволаш мақсадларида фойдаланиш ҳар йили ушбу фаолият тури учун бериладиган лицензиялар шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Урмонларнинг тақиқланган зоналари ғоят қимматли, нодир ва ноёб ўсимлик турларининг генофондини муҳофаза қилиш, сақлаб қолиш ва уларда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар режимини ўрнатиш мақсадларида ташкил этилади.

Балиқчилик хўжалиги зоналари нодир, йўқолиб бораётган балиқ турлари ва бошқа сув жонзотларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш мақсадларида ҳамда балиқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектларини муҳофаза қилиш учун ташкил этилади. Уларда балиқлар ва бошқа сув жонзотларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни кўпайтириш билан боғлиқ шароитларга зарар етказувчи ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш маън этилади.

Шундай қилиб, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг турли шакллари тизими экотизимларнинг ўз-ўзини такрор ишлаб чиқариш ва тиклашга асосланиб, атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласиди. Шу сабабдан алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни барқарор ривожлантириш

ва худудий ташкил этиш стратегияси уларнинг барча функцияларини таъминлашга йўналтирилиши керак. Уларнинг ривожланган, турли тип ва йўналишларининг оптимал турини барпо этиш хилма-хил экотизимлардаги нормал жараёнларни таъминлашга ва шу асосда уларни асраш, сақлаш, муҳофаза қилишга имкон беради.

8.6. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар самарадорлигини ошириш тадбирлари

Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар самарадорлигини ошириш учун чўлга айланайтган ерларда агроўрмон мелиорацияси тадбирларини ўтказиш, муҳофаза қилинадиган ўсимликларни териб кетиш ва ҳайвонларни овлаш устидан назоратни кучайтириш ҳамда янги қўриқхоналар, миллий парклар, буюртма қўриқхоналарини, табиат ёдгорликларини, табиат муҳофазаси зоналарини ташкил этиш керак. Алоҳида муҳофаза қилинадиган майдонлар мавжуд меъёрларга мувофиқ мамлакатнинг энг камидаги 10% ҳудудини эгаллаши лозим, яъни ҳозирги даражага нисбатан икки марта кенгайтирилиши зарур. Сепартология (алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни танлаш, майдони ва ташкил этилиши хусусиятларини ўрганадиган фан) фани тавсияларга мувофиқ экстремал табиий шароитга эга бўлган, экотизимлари турларининг камлиги. билан ажralиб турадиган жойларда (Чекка Шимол районлари ёки аксинча, чўллар), шунингдек, жуда юқори рекреация қийматига – даволаш хусусиятига эга, инсон томонидан кам ўзлаштирилган экотизимларда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар салмоғи 80%дан 100%гача бўлиши лозим. Шундай қатегорияли жойларга Узбекистон тоғларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Бошقا ҳудудларда шундай экотизимлар салмоғи 20-30%дан кам бўлмаслиги керак. Муҳофаза қилинадиган ҳудудларниг оптимал майдонлари у ёки бошقا қўриқхоналарни ташкил этишнинг аниқ мақсадларига мувофиқ индивидуал ҳал этилади.

Афсуски, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларларни барпо этиш кўп харажат талаб қиласидиган, халқ ҳўжалиги самарадорлигини ошириш эҳтиёжларига зид келадиган фаолият деб қараш кенг тарқалаган. Амалда бундай қарашлар хатодир. Бу муассасалар коммерция муассасалари эмас, яъни очиқ фойда бермайди, ўзларнинг ишлашлари учун катта харажат талаб қиласиди, ҳўжалик оборотидан ҳудудларнинг бир қисмини чиқаради, лекин уларга туташ ҳудудларда чўллашиш жараёнлари тўхтайди, заараркунандалар сони камаяди, далаларнинг табиий

ҳосилдорлиги (яни кимёвий воситаларни кам қўллаш асосида) ошиди, дарёлар сув оқими сақланади, соғлиқни сақлаш харажатлари камаяди. Ҳисоблашнинг тўғри методикаси қўлланганда алоҳида муҳофаза қилинадиган худуднинг харажатлари юқори самара бериши аниқ равшан бўлади.

Уларнинг самардорлигини ошириш кўп жихатдан қўйидаги тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқдир:

1) алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларнинг ўзаро боғлиқ тизимини ташкил этиш ва уларни бошқаришни такомиллантириш;

2) алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар мақомига жиддий амал қилиш;

3) алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар кадастрини тузиш;

4) миллий боғларда инфратизимни мустахкамлаш;

5) муҳофаза қилинадиган майдонлардан ҳар томонлама комплекс фойдаланишга ўтиш ва экологик туризмни ривожлантириш;

6) табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш манфаатлардан келиб чиқиб уларни рўйхатга олиш ва ҳимояга муҳтож обьектларни аниқлаш ва уларни табиат муҳофазаси тизимиға киритиш;

7) алоҳида муҳофаза қилинадиган объектлар бўйича жаҳонда мавжуд хорижий тажрибани таҳлил этиш ва улардан фойдаланишни кўзда тутиш.

Яна кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- экотизимлар барқарорлигини қўллаб-қувватлаш учун биохилма-хиллиқни сақлаш, бунинг учун алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларни ташкил этиш;

- энг кам харажатлар билан максимал самара олиш учун алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар типларни, уларнинг географик ўрни ва оптималь майдонини танлашга илмий ёндашиш;

- алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларни тўғри ташкил этиш ва харажатларнинг ўзини қоплаш истиқболини ҳам кўзда тутиб тегишли ҳисоблаш уларнинг экологик, иқтисодий, самарадорлигини кўрсатади.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар экологик балансни қўллаб—қувватлаш, табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, экотизимлар ва организмлар генофондлари эталонларини сақлаш, рекерация ва табиат муҳофазаси таълим тарбияси, шунингдек ҳам табиий шароитларда, ҳам инсон таъсирида кечадиган маҳаллий, минтақавий ва глобал табиий жараёнларни ўрганиши мақсадларига хизмат қилади.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар статуси, функцияси, режими ва бошқаришини ташкил этишдаги фарқлари хисобга олиниб, қўйидаги категорияларга бўлинади: 1) давлат табиат қўриқхоналари; 2) миллий парклар; 3) давлат миллий табиат парклари; 4) давлат табиат буюртма қўриқхоналари; 5) давлат табиат ёдгорликлари; 6) алоҳида муҳофаза қилинадиган бошқа табиий ҳудудлар.

Ўзбекистонда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг умумий майдони 2,08 миллион гектарни ёки республика ҳудудининг 4,6%ни ташкил этади. Республикада 9 қўриқхона, 2та миллий парк, 11 буюртма қўриқхоналари, 2та табиат ёдгорликлари, 1та ноёб ҳайвонларни этиштирадиган ихтисослацган питомник бор.

Давлат қўриқхоналари хўжалик фаолиятида фойдаланишдан тўлиқ олинган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат комплекслари ва обьектлари бўлиб, табиат муҳофазаси, илмий, экологик-маърифий, аҳамиятга эга функцияни бажаради. Улар табиий муҳитнинг табиийлигини, типик ёки ноёб ландшафтлар, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг генетик фонdlарини асрараш ва сақлаш жойлари ҳисобланади. Биосфера давлат қўриқхонаси мақомига эга бўлган қўриқхоналар белгиланган тартибда халқаро биосфера қўриқхоналари тизими таркибига қиритилади ва улар глобал экологик мониторингни амалга оширишда иштирок этади.

Давлат миллий парклари (боглари) табиат муҳофазаси, экологик-маърифий, илмий-тадқиқот муассасалари бўлиб, улар табиат муҳофазаси, маърифий, илмий ва маданий мақсадларда ва тартибга солинган туризмда фойдаланишга йўналтирилган. Улар қўйидаги функционал зоналарга бўлинади: қўриқхона, алоҳида муҳофаза қилинадиган, туризм, рекреация, тарихий-маданий обьектларни муҳофаза қилиш, келувчиларга хизмат қўрсатиш, хўжалик.

Давлат буюртма қўриқхоналари алоҳида аҳамиятга эга бўлган табиат комплекслари ёки уларнинг компонентларини сақлаш ва тиклаш ва экологик балансни қўллаб—қувватлаш мақсадида буюртма қўриқхона олдига қўйилган вазифани ба-

жариш учун зарур муддатта ажратиб бериладиган ҳудудлар (акваториялар) ҳисобланади. Улар қуидаги турларга бўлинини мумкин: комплекс, биологик, палеонтологик, гидрологик, геоморфологик, геологик. Улар муддатсиз, узоқ муддатта (беш йилдан ортиқ), кисқа муддатли (беш йилдан кам) ташкил этилади.

Табиат ёдгорликлари – экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан қимматли, ноёб, ўринин тўлдириб бўлмайдиган, келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган обьектлар ҳисобланади.

Дендрология парклари, ботаника боғлари, зоология парклари табиат муҳофазаси муассасалари бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот олами хилма-хиллигини асраш ва бойитиш, илмий ўқув ва маърифий вазифаларни бажаради.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган бошқа табиий ҳудудлар тизимиға сувни муҳофаза қилиш зонаси, курорт-соғломлаштириш ва рекреация табиий ҳудудлари, ўрмонларнинг тақиқланган зоналари, балиқ хўжалиги зоналари киради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар нима ва улар қандай категорияларга бўлинади?

2. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар қандай функцияларни бажаради?

3. Ўзбекистонда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизими хусусиятларини, таркибини билиб олинг.

4. Давлат қўриқхоналари нима, улар қандай вазифа ва функцияларни бажаради?

5. Давлат миллий парклари нима ва улар қандай вазифа ва функцияларни бажаради?

6. Ўзбекистонда қандай миллий парклар бор ва улар қандай функционал зоналарига бўлинади?

7. Давлат буюртма қўриқхоналари ва уларнинг турларини таърифланг.

8. Табиат ёдгорликлари қандай мақсадларда қўриқланади?

9. Дендрология парклари, ботаника боғлари, зоология парклари қандай вазифа ва функцияларга эга?

10. Ўзбекистоннинг сув муҳофазаси зоналари қандай нормативларга асосланиб ташкил этилади?

11. Курорт-соғломлаштириш ва рекреация табиий ҳудудлари қандай муҳофаза қилинади?

12. Ўрмонларнинг тақиқланган зоналари ва балиқчилик хўжалиги зоналарини ташкил этишининг мақсад ва вазифаларини тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф-муҳитни мухофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. – Т.: Адолат, 2002.
3. Биологик хилтма-хилликин сақлани. Миллий стратегия ва ҳаракат режаси. – Т., 1998.
4. Атроф-муҳитни мухофаза қилиш миллий ҳаракат режаси. – Т., 1998.
5. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 1998.
6. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 2002.
7. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1998.
8. Реймерс Н.Ф., Штильмарк Ф.Р. Особо охраняемые природные территории. – М.: Мысль, 1978.
9. Реймерс Н.Ф. Природопользование. Словарь-справочник. – М.: Мысль, 1990.
10. Степановских А.С. Прикладная экология: охрана окружающей среды. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.

ІІІ БҮЛІМ

АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ ИҚТІСОДИЁТИ

IX боб

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА УНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ

9.1. Экологик вазиятнинг умумий таърифи

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Рио-де-Жанейрода 1992 йилда ўтказилган атроф-мухит ва ривожланишга бағышланган конференциясида жамиятнинг барқарор ривожланиши табиий муҳитни емириш ва табиий ресурсларнинг камайиши ва тугаши ҳисобига амалга ошмаслиги, шунингдек, кучли иқтисодиёtsиз яшаш муҳитининг зарур сифатини таъминлаб бўлмаслиги тўғрисидаги хуносаларга келди. Ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодиёт, экология ва ижтимоий жараёнларни биргаликда бошқариш барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий шартидир. Ушбу қоидалар Узбекистон Республикасига ҳам тўлиқ тааллуқлидир. Бу конференцияда глобал экологик муаммолар ечимини топишда бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг алоҳида роль ўйнаши тўғрисидаги фоя биринчи марта кун тартибиغا қўйилди ва тўла қўллаб қувватланди. Бу мамлакатлар қаторига Узбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ҳам киради. Улар катта табиий ресурсларни салоҳиятига эга бўлиб, регионал ва глобал миқёсда атроф-мухитни соғломлаштиришга салмоқли хисса қўшиш имкониятига эгадир. Шу муносабат билан Узбекистондаги ҳозирги экологик вазиятни экология иқтисодиёти нуқтаи назаридан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Узбекистонда экологик тадбирлар тизимини амалга оширишга катта аҳамият берилиб, бу тизим мамлакат миллий иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг таркибий қисмига айланди. Амалга оширилган энг муҳим тадбирлар қаторига қуйидагилар киради: атроф-мухитни муҳофаза қилишини амалга оширишнинг кўп босқичли тузилмалари барни этилди; атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг хуқукий асоси яратилди ва у муттасил такомиллаштириб борилмоқда; 2005 йилгача даврда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилган ва у амалга оширилмоқда; атроф-мухитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилган; биологик хилма-хил-

ликни сақлаш миллий стратегияси ва ҳаракат режаси ишлаб чиқилган; республикада атроф-мухит гигиенаси бүйича миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилган; алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар майдони сезиларли кўпайтирилган. Кўрсатилган ҳужжатлар ва амалга оширилган тадбирлар мамлакатда экологик-иктисодий муносабатларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Шу сабабдан Республика фуқароларининг яшаши учун соғлом шартшароит вужудга келтириш ва табиатдан фойдаланиш самардорлигини ошириш, табиий ресурсларнинг озайишига йўл қўймаслик, табиатни асрарни мухофаза қилишида экология икти-содиёти амалиёти бошқаришнинг ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишлари қаторига киради.

Экология икти-содиёти амалиёти нуқтаи назаридан табиатдан фойдаланиш ва атроф-мухитни мухофаза қилиш соҳасида республикада узоқ давр мобайнида ҳукмронлик қилган ўтмиш тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган экологик муаммолар ечимини топиш, мамлакатда мавжуд бўлган бошқа экологик муаммоларнинг яхлиг манзарасини аниқлаш, уларни келтириб чиқарган сабаблар ва улардан кузатилаётган кўнгилсиз оқибатларнинг натижаси ҳисобланган мураккаб экология икти-содий вазиятнинг таъсирини таҳлил этиш мамлакатнинг антропоген омилларга боғлиқ бўлган экологик вазияти тўғрисида тўла тасаввур беради. Булар ўз навбатида экология икти-содиёти амалиётида мақсадга мувофиқ лойиҳаларга афзаллик бериш ёки самарасиз лойиҳаларни рад этиш масалаларини тўғри ҳал этишга хизмат қиласи.

Республикадаги ҳозирги экологик вазият узоқ ўтмиш ва яқин даврларда ижтимоий-икти-содий ривожланишда ҳукмронлик қилган бошқарувнинг юқори даражада марказлашуви, икти-содиёт ва табиатдан фойдаланиш ўртасида мақсадга мувофиқ мувозанатнинг ўрнатилмаганлиги, ишлаб чиқариш, айниқса қишлоқ ҳўжалигига ҳаддан зиёд аҳамият берилгани, табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиат мухофазасини бошқаришга етарли эътибор берилмаганлиги ва бошқа кўплаб омиллар билан узвий боғлиқидир. Булар эса ўз навбатида мамлакат табиатига катта зарар етказди, умумий экологик вазиятнинг кескинлашувига, экотизимлар ва ландшафтнинг бузилишига ва бошқа оғир оқибатларга олиб келди, республикада умумий экологик барқарорликни жиддий хавф остига қўйди.

Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов табиий муҳитни инсон юритадиган ҳўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўлгина экологик муаммо-

лар тўғрисида гапириб, Марказий Осиё ва Ўзбекистондаги экологик вазиятни қўйидагича ҳаққоний баҳолайди: «Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят ҳавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн ийлликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасида эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиқкандир. Табиатта қўйол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон-табиатининг хўжайини, деган соҳта социалистик мағкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча ҳалқдар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди. Уларни қирилиб кетиши, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди».¹ И.А.Каримов Ўзбекистонда ҳам бу жараёнлар мавжудлигини ва бу ерда жуда мураккаб, ҳавфли вазият вужудга келганлигини алоҳида таъкидлайди. (Ўша асар 116 бет)

Ўзбекистондаги ҳозирги экологик вазиятнинг экология иқтисодиёти амалиётида ҳисобга олиниши зарур бўлган асосий хусусиятларидан қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– республикада атроф-муҳитининг экологик талабларга тўла жавоб берадиган (ҳаво, сув, тупроқнинг ифлосланиши белгиланган стандарт талаблари даражасида бўлган) ҳудудлар мамлакат умумий майдонининг 27%ни (120 минг кв. км.) ташкил этади ва мазкур ҳудудда Ўзбекистоннинг 45%га яқин аҳолиси (11 млн. киши) яшайди. Қолган ҳудудларда экологик вазият турли даражада бузилишларга учраган;

– иқтисодиётнинг хомашё ва табиатни эксплуатация қилувчи ресурс ва энергияни кўп истеъмол қиласидиган тармоқларнинг тез ривожланиши (айниқса, анъанавий қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва экспорт қилиш, энергия ва хомашёни кўп истеъмол қиласидиган тармоқлар) табиий муҳитга салбий таъсири қилиш босимининг кучайиб боришига ва меъордан ошиб кетишига олиб келган;

– табиат компонентларининг барчасида экологик ҳолат сезиларли ўзгаришларга учраган. Булар қаторига ҳавонинг, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиши, тупроқнинг шўрланиши ва деградацияга учраши, биологик маҳсулдорлик ва хил-

¹ Каримов. И.Л. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 116–б.

ма-хилликнинг камайиши, яйловларнинг дигрессияси, ўрмонларнинг кесиб юборилиши, чўллашув жараёнларининг кучайиши ва бошқалар киради;

– аҳоли яща манзиллари–шаҳар ва қишлоқларда экологик вазиятнинг ёмонлашуви ва унинг аҳоли саломатлиги ва турмуш даражасига заарли таъсириниң кучайиб бориши кузатилмоқда. Булар қаторига аҳолининг тоза ичимлик суви билан етарли даражада таъминланмаганлиги, коммунал хўжалиги ва саноат оқаваларининг, чиқиндиларнинг кўпайиши, санитария хизматининг паст даражаси ва бошқа нокулайликларнинг мавжудлиги киради;

– қаттиқ чиқиндиларнинг (шу жумладан, заҳарли саноат чиқиндилари) кўплаб тўпланиб қолиши, радиоактив ифлосланишнинг катта хавфлари борлиги (Марказий Қизилқум, Тошкент вилояти ва бошқалар);

– табиий ва техноген ҳалокатлар (сел, кўчки, ўпирилиш, зилзилалар) хавфининг кучайиб бориши;

– Орол дengизининг қуриши ва Орол бўйидаги салбий экологик ўзгаришларга боғлиқ бўлган ҳалокат ва инқирозлар, ижтимоий оғат, экологик нокулайликларнинг мавжудлиги;

– алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдони ва структурасининг талабга жавоб бермаслиги;

– қўшни давлатларнинг чегараларидан ўтиб келаётган ифлослантирувчи таъсириниң мавжудлиги ва бошқалар.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган экологик вазиятнинг кўрсатилган хусусиятлари экология иқтисодиёти амалиётида аҳолининг ящаци учун қулай шароитлар яратиш, табиий ресурслардан тугаб қолмайдиган тарзда фойдаланиш, табиатнинг маҳсулдорлиги, ўз-ўзини тикилаш имкониятларини сақлаб қолиш, атроф-муҳитни сақлаш ва муҳофаза қилиш соҳасида миллий манбаатларнинг устуворлигини таъминлаш, халқ хўжалигида экологиялаштиришни кенг қўллаш йўналишларида тадқиқотни кучайтиришини тақозо этади.

9.2. Табиат компонентларининг экологик ҳолати

9.2.1. Атмосфера ҳавоси

Атроф-муҳитнинг экологик ҳолати ва ҳудудларда экологик мувозанатнинг бузилиши кўп жиҳатдан атмосферага антропоген таъсириниң салбий хусусиятлари билан белгиланади. Ўзбекистонда 35 мингдан кўпроқ ҳавони булғаётган доимий манбалар бўлиб, уларнинг фақат ярмига яқини чанг ва заҳарли газларни ушлагичлар билан жиҳозланган, 1,5 мингта манба чанг

ушлагич қурилмалар билан жиҳозланмаган. Мавжуд қурилмаларнинг ўртача самараадорлиги ҳам 60-70% ошмайди. Булардан ташқари атмосферанинг автомобиллар томонидан ифлосланиши айниқса шаҳарларда катта кўрсаткичларга эга.

Республикада ҳар йили атмосферага доимий ва ҳаракатланувчи манбалардан чиқариладиган ифлослантирувчи чиқинди миқдори 1,8 млн. тоннани ташкил этади. Атмосферага чиқарилган чиқиндилар умумий миқдорида саноат тармоқларининг улуши (% ҳисобида) қуйидагича тақсимланган: иситиш саноати 40, электрэнергетика-28, металлургия-14, қурилиш индустряси-5, кимё саноати-3.

Доимий манбалардан атмосферага 150 хилдан ортиқ ифлослантирувчи моддалар чиқарилади. Атмосфера ҳавосидаги энг кўп заҳарли моддалар саноат зоналарига яқин жойлаптиган (ёки ўша томондан шамол эсганда) туаржой районларида бўлиб, бу ерда стандартларда кўрсатилган миқдордан анча юқори бўлиши кузатилган. Олмалиқ, Чирчик, Навоий, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида кимё ва металлургия саноати корхоналарининг кимёвий моддалари атмосфера ҳавосини энг кўп даражада ифлослади. Йирик шаҳарларда атмосфера ҳавосини ифлословчи асосий омил шаҳар транспортидир. Масалан, Топкент шаҳри атмосферасининг ифлосланишида шаҳар транспортининг ҳиссаси 80% дан ортади. Умуман, республика бўйича атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг 53% автомобиль транспорти ҳиссасига (0,98 млн. т.), республика доимий манбаларидан чиқадиган чиқиндиларнинг 84 фоизи Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона, Навоий вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Табиий ифлослантирувчи манбалар қаторига Қизилқум ва Қорақум саҳролари, Орол денгизининг қуриб бориши туфайли пайдо бўлган «Оролқум» чанг ва туз саҳроси киради. Сурхондарё вилоятининг кўплаб туманлари Тожикистон алюминий заводининг (Мирзо Турсунзода шаҳри) заҳарли чиқиндиларидан катта зарар кўрмокдалар.

Атмосферанинг ифлослантирадиган манбалар ва уларнинг зарарлари устидан назорат юритища қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор бериш лозим: а) энг йирик ифлослантиручи корхоналар томонидан атмосферага чиқинди чиқариб ташлашни максимум қисқартириш; б) мунтазам равища автотранспортда ёнган газларнинг чиқарилишига қарши қураш; в) корхоналарда технология жараёнларини тақомиллаштириш, замонавий ва мукаммал ҳаво тозалагич мосламаларидан фойдаланиш; г) атмосфера ҳавосининг тозалиги устидан назоратни кучайтириш.

9.2.2. Сув ресурслари

Сув ресурслари Ўзбекистоннинг қурғоқчил кескин континентал иқлимли, ҳудудларida чўллар ҳукмрон мавқега эга бўлган шароитда хаётий мухим аҳамиятга эга. Мамлакатда ҳар йили 60 куб км. ҳажмда сув сарфланади. Ўзбекистонда фойдаланиладиган дарё сув оқимларининг асосий қисми (85%) Қирғизистон ва Тоҷикистон тоғларидан бошланади. Сувдан оқилона фойдаланмаслик, унинг ифлосланиши, сифати пастлиги ва етишмаслиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Буларга қўйидагилар киради: а) кўплаб оқар сувларнинг ва ер ости сувларининг ифлосланганилиги. Масалан, аниқланган ер ости ҷуҷӯк сувларининг 40% и ичишга яроқсиз ҳолга келиб қолган; б) аҳолининг ичимлик суви билан етарли таъминланмаганилиги. Умуман, мамлакатнинг учдан бир қисми аҳолиси давлат стандартларига тўғри келмайдиган ичимлик сувини истеъмол қилмоқда; в) суғоришда сувдан тежамкорлик билан фойдаланмаслик. Оқиб келаётган сувнинг 40% суғориш тармоқларида ва қарийб 20% суғориш жараёнида йўқотилади. Сув танқис шароитда далани ортиқча суғориш ернинг шўрланишига, ер ости сувларининг ер юзасига яқинлиги ва бошқа сабабларга кўра, аҳоли яшайдиган жойларнинг сув остида қолишига олиб келади; г) ер юзасидаги сувнинг ифлосланиши. Суғориладиган дехқончилик ер юзасидаги сувни ифлословчи асосий манба бўлиб, жами сувнинг 78%ини, саноат 18%ини, коммунал хўжалик 4%ини ифлослайди. Коллектор-зовурда оқаётган сувнинг деярли ярми республика оқар сув тармоқларига ва сув ҳавзалари га тушади; д) коммунал хўжалиги ва саноат оқавалари. Қишлоқлардан оқиб чиқадиган оқава сувлар ҳеч қаерда тозаланмайди ва у оқар сувларни, сув ҳавзаларини бактериялар билан зарарлайди. Канализация тармоқларини қуриш сув таъминотига нисбатан анча орқада қолмоқда. Масалан, шаҳар аҳолисининг 54%, қишлоқ аҳолисининг 3%игина канализация билан таъминланган. Саноат корхоналари жами сувнинг 20%дан камроғини ишлатса ҳам улар жойларда мұхитни ифлослайдиган хавфли манбаларни вужудга келтиради.

Суғориш кўламишининг катталиги, сувнинг минераллашганилиги ва ифлос коллектор-зовур сувлари жуда кўпайиб кетганилиги сув сифатини яхшилаши билан боғлиқ энг мухим экологик муаммони ҳал этишни мураккаблаштирумокда. Ҳозирги вақтда 60% дан зиёд ирригация тизими қайта тиклашни талаб этади.

Сув ресурсларини тежаш ва муҳофаза қилишининг мухим йўналишлари қўйидагилардан иборат: а) ичимлик суви билан таъминлаштирумокда.

минлаш: сув таъминотини яхшилаш, сувни тежаш, ичимлик сув манбаларини муҳофазалаш; б) санитария ва майший оқава сувларини тозалаш; в) қишлоқ хўжалигида сувни тежаш ва муҳофаза қилиш: ирригация тузилмасини қайта ташкил этиш ва модернизациялаш, сув, ер ва шўрланишини комплекс бошқариш, коллектор-зовур сувларини ташлаб юборишни тартибга солиш, оқава сувларни дарё ва сув омборларига оқизишни батамом тўхтатиш ва бошқалар.

9.2.3. Ер ресурслари

Ўзбекистоннинг ер ресурслари ғоят хилма-хил бўлиб, улар чўл текислик зонаси (шу жумладан, сугориладиган (антропоген) текислик), адир (тоғолди ва паст тоғлар), тоғ (ўрта тоғ), баланд тоғ зоналари ерларидан иборатdir. Республикаning ер майдони 447,4 минг кв.км. ни ташкил этади. Ер фондининг 61,5 фоизи (275,2 минг кв.км.) қишлоқ хўжалигида, 3,6 фоизи (16,2 минг кв.км.) ўрмон хўжалигида фойдаланилган. 2% (8,9 минг кв.км.) алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар, 4% (1,7 минг кв.км.) саноат корхоналари, транспорт тармоқлари ва бошқа нокчилик ҳўжалиги тармоқлари ерлари, 1,5% (6,7 минг кв.км.) гидротехник ва бошқа сув хўжалиги инциофтлари ерлари, 0,5% (3,1 минг кв.км.) шахар худудлари ерлари, 26,7% (119,4 минг кв.км.) фойдаланилмайдиган ерлардан ташкил тоғган.

Кишлоқ хўжалигида фойдаланилдиган ерларнинг (270,2 минг кв.км.) 82,2%и яйловлар ва ўтлоқлар, 17,8%и ҳайдаладиган ерлардан иборат. Республикада сугориладиган ерлар 43 минг кв.км. (мамлакат худудининг 9,7%) майдонни эгаллайди. Республикаning давлат ўрмон фондига 16,2 минг кв.км. бўлиб, унинг 7 минг кв.км. қумлик минтақа ўрмонлари, 1,2 минг кв.км. тоғ ўрмонлари, қолгац қисми дарё бўйи ўрмонлари, водий ўрмонларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатнинг сугориладиган ерлари сифати бўйича куйидагича тақсимланган (%): сифати ёмон ерлар-0,3%, ўртачадан паст ерлар-24,3%, ўртача ерлар-45,5%, яхши ерлар-27,2%, энг яхши ерлар-2,9%.

Ерларнинг чекланганлиги ва унинг сифати таркиби пасайиб бораётганлиги билан боғлиқ бўлган экологик ҳавф-хатар муҳим ва ҳавф-хатарли муаммога айланмокда. Тупроққа ортиқча ишлов бериш, агротехника талабларига амал қиласлик ерларнинг шўрланишига, ўғитлар ва пестицидлар эса ифлосланишига, чириндинг камайишига, эрозиянинг кучайишига ва бошқа кўплаб салбий оқибатларга олиб келди. Ернинг ишдан чиқишига сугориш ва зовур тизимишининг эскириши ва етарли даражада таъмирланмаган-

лиги, сугориши техникасининг қолоқлиги ва сувдан фойдаланишида истрофгарчиликка йўл қўйилиши ҳам сабаб бўлди.

Тупроқнинг шўрланиши ва ифлосланиши, тупроқ эрозияси, яйловлар дигрессияси каби антроноген таъсирга боғлиқ жараёнлар кенг тарқалган ва улар катта зарар етказмоқда. Хозирги вақтда республикада шўрланган ерлар сугориладиган ер турларининг умумий майдонидан 46%ини, шу жумладан кучсиз шўрланганлари-25%, ўргача шўрланганлари-15% ва кучли шўрланганлари-6% дан ортиқроқни ташкил этади. Кейинги ўн йил ичida сугориладиган ерларда шўрланиш 120 минг гектарга, шу жумладан, кучли шўрланиш 43 минг гектарга ошган. Тупроқнинг хлороорганик пестицидлар билан ифлосланиши муаммоси жиддийлигича қолмоқда. Тупроқ эрозиясининг ҳамма турлари барча регионларда кенг миқёсларда тарқалган. Эрозиядан Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари, Қорақалпогистон Республикасининг 65%дан 98%гacha қишлоқ хўжалик экинзорлари зарар кўрмоқда. 70%дан кўпроқ яйлов яроқсиз ҳолга тушиб қолган, жумладан, учдан бири юқори даражада заарланган.

Ерларнинг яроқсиз ҳолга тушиши ва сифати ёмонлашиши муаммосини тубдан ҳал қилиш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш керак: а) дехқончиликнинг умумий маданиятини ошириш, бунда эрозияга қарши агротехник, ташкилий хўжалик, ўрмон-мелиоратив, гидротехника тадбирларини ҳамма жойларда кенг миқёсда амалга ошириш. Экинлар турини ва хилини кўпайтиришга ва алмашлаб экишга ўтиш, бедазор ва бошиқа ўтзорларни кенгайтириш яшаш мухитини соғломлаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва оширишда мухим экологик роль ўйнайди; б) сугориши ва коллектор-зовур тизимини бутунилай қайта таъмирлаш, шўр босган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, такомиллаштирилган зовур тизимларини барпо этиш; в) яйловлар дегрессиясининг олдини олиш ва яйловлардан фойдаланиш амалиётини яхшилаш ва яйлов айланмаси талабларига қатъий амал қилиш.

Бу тадбирлар комплекси республикада атроф-муҳитни зарарланишдан, шўрланиш ва ер ости сувлари етказадиган жиддий таъсирдан ҳимоя қилишга ва табиат мувозанатини тиклашга имкон беради. Шу сабабдан ушбу тадбирлар комплексини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш лозим.

9.2.4. Биологик ресурслар ва биохилма-хиллик

Биологик ресурслардан зарар етказмай фойдаланиш ва биохилма-хилликни сақлаш асосий мақсадлардан биридир. Бу

муаммо ечими мамлакатда мустаҳкам экологик барқарорлик ва табиат тизимини қўллаб қувватлашга ва биологик хилма-хиллигини сақлаб қолишга хизмат қиласди.

Биологик ресурслар жонли табиат ресурслари бўлиб, ўсимликлар, ҳайвонат олами ва микроорганизмлардан ташкил топади ва улар табиий мухитнинг барча қисмларида-ер, сув ва ҳавода мавжуддир. Биологик ресурслар комплекс ресурслар бўлиб, табиатда модда ва энергиянинг биологик айланишини, атроф-муҳит структураси биологик айланишини, атроф-муҳит структураси мувозанати барқарорлигини таъминлайди ёки яхшилайди. Шу сабабдан улардан фойдаланиш доимий равища ресурсларни кўпайтиришга қаратилиши керак.

Ўзбекистоннинг био хилма-хиллиги 27000 га яқин турни ташкил этади. Шундан 15000 турдан ортиқроғини ҳайвонлар, 11000га яқин турларини ўсимликлар, қўзиқоринлар, сув ўтлари ташкил этади.¹ Флора ва фаунанинг таркиби ва уларнинг экологик яшаш шароитлари фарқларига кўра, Ўзбекистон худудида қўйидаги 5та биогеографик зона ажратилган: 1) текислик чўл экотизимлари; 2) тоголди чала чўл ва даншлар; 3) дарё ва қирғоқбўйи экотизимлари; 4) нам худудлар ва дельталар экотизимлари; 5) тоф экотизимлари.

Ўзбекистоннинг флора ва фаунаси турларининг хилма-хиллиги ва уларнинг кўп-озлиги яшаш муҳитининг ҳолатига бевосита боғлиқдир. Кўп ийллар мобайнида биологик ресурслардан тўхтовсиз фойдаланиш уларнинг ўз-ўзини тиклаш имкониятларидан анча юқори бўлди. Бу эса ўз навбатида флора ва фаунанинг яшаш муҳити ёмонлашувига, умумий сони ва турлари таркибининг камайиб кетишига, биогеоценознинг кучли деградациясига олиб келди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, табиий ландшафтларнинг маданий ландшафтларга айлантирилиши, дарё сув оқимларини тартибга солиш – тўғон, сув омборлари, каналлар қурилиши, тўқайларнинг қуритилиши, тоглардаги арчаларнинг кесиб юборилиши, тоф-кон саноатининг ривожланиши табиий экотизимга жиддий таъсир кўрсатди, яшаш ареалларининг кескин қискаришига олиб келди. Оқибатда ўсимлик турларининг 10-12% и, ҳайвонот оламининг кўплаб турлари муҳофазага муҳтож бўлиб қолди. Айни вактда муҳофаза этиладиган табиий худудлар мамлакат жами майдонининг атиги 2%ни эгаллайди. Бу эса ландшафт ва биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишни таъминлай олмайди.

¹ Биологик хилма-хилликни сақлани. Мислий стратегия ва ҳаракат режаси. –Т., 1998, 36-б.

Биологик ресурслардан заар өтказмасдан фойдаланиш ва био хилма-хилликни сақлаш мақсадларида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур: а) чўлга айланаштган ерларда, тоғларда агроўрмон ва тоғ мелиорацияси ишларини амалга ошириш; б) алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар майдонини кенгайтириш (энг камидаги мамлакат ҳудудининг 10% гача) ва тузилмасини барча экотизимларни қамраб олиш асосида та-комиллаштириш; в) флора ва фауна турлари ва заҳиралари, улардан фойдаланиш, муҳофазалаш устидан экологик назоратни кучайтириш ва бошқалар.

9.2.5. Ер ости бойликлари

Ер ости бойликлари табиий муҳит тизимининг ер қаъри билан энг яқин боғланган элементи бўлиб, улар жонсиз табиат ресурслари ҳисобланади. Улардан конструкцион ва бошқа материаллар, кимёвий қўшилмалар, ўғитлар ва бошқаларни ишлаб чиқаришда кенг миқёсларда фойдаланилади. Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари ғоят хилма-хил, заҳиралари эса кўп бўлиб, улар 100га яқин минерал хомашё турларини, 2,7 мингдан зиёд тури фойдали қазилма конларини ўз ичига олади. Республика асл рангли, камёб, радиоактив, қора металлар, тоғ-руда, тоғ-кимё, ёқилғи-энергетика хомашёлари, қурилиш материаллари, чучук ва минерал, термал сув ресурсларига бой. 900дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган заҳиралари 970 миллиард АҚШ долларини, мамлакатнинг умумий минерал-хомашё потенциали эса 3,3 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Ҳар йили республика конларидан 4,3 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда. Улар ёнига ҳар йили 9,1 миллиард долларлик янги заҳиралар қўшилмоқда.

Республикада 142 нефть, газ, конденсат, бта кўмир, 34 та асл металлар, 7 та қора металл, 54та рангли ва камёб металл, 49та тоғ-руда, 19та ярқирама рангдор тошлар, 37та тоғ-кимё, 372та қурилиш материаллари конлари, 172та ер ости сувлари манбалари бор. Уларни ўзлаштириш асосида 500дан кўпроқ газ-нефть конлари, шахталар, руда конлари, карьерлар ва очиқ конлар, 300га яқин минерал сув қуядиган завод ва цехлар ишлаб турибди. Улар қаторида Олмалиқ ва Навоий тоғ металлургия, Ангрен ва Шарғун кўмир конлари, Газли ва Шўртсан газ конлари, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртсан газ-кимё комбинати, Оҳангарон ва Навоий цемент комбинатлари, Фазалкент ва Олмалиқ тош тарошлиқ комбинатлари каби йирик корхоналар бор.

Шу билан бир қаторда ер ости бойликларини қазиб олиш билан боғлиқ корхоналар табиий мұхиттда мувозанатни бузувчи ва емирувчи, ифлослантирувчи таъсир күрсатадиган юқори экологик хавф-хатар манбалари эканлигини ҳам ҳар томонлама хисобға олиш лозим. Айниқса, табиий ландшафтта ва атроф-мұхитта фойдалы қазилмаларни очық усуlda қазиб олиш катта зарап еткәзади. Бундай жойларда табиий ландшафт йўқ қилинади, кўплаб чуқур каръерлар пайдо бўлади, катта микдордаги фойдасиз ва заҳарли, ифлослантирувчи чиқитлар тўпланади, атроф-мұхит ифлосланади ва бошқа салбий оқибатлар содир бўлади. Шу сабабдан минерал-хомашё ресурсларидан, хомашё ва чиқитлардан комплекс ва тўлиқ фойдаланишга, шунингдек камёб материаллардан қайта фойдаланишга ўтиш, эскирган ускуналарни алмаштириш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, бузилган ерларни рекультивация қилиш марказий ўринни эгаллаши лозим.

3.2.6. Чиқиндилар

Экологик-иктисодий муаммолар орасида чиқиндилар ғоят мұхим ва жиғдий муаммолар қаторига киради. Барча ресурсларни қазиб олиш ва сўнгра уларни эксплуатация қилиш, тури ресурслардан фойдаланиш оқибатида улар эрта ёки кеч албатта чиқиндиларга айланади, яна табиий ва антропоген механизмлари орқали тўлиқ ёки қисман ресурс бўлиб қайта тикланади. Бундай ёпиқ модда айланishiда турли материаллардан фойдаланиш тизими «ресурс-чиқинди-ресурс» циклидаги типда намоён бўлади. Ушбу ресурс циклининг ҳаракатда бўлиши ва ишлаб туриши ресурсларни қазиб олиш ва уларни қайта тиклаш учун сарфланадиган харажатларга боғлиқ. Уларни антропоген регенерация харажатлари деб аташ мумкин. Регенерация харажатлари хисобига ресурс цикларини сунъий интенсификациялашга эришилади. Антропоген тикланадиган ресурслар, масалан, металл, ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида иккиласчы металлар турли элементлар учун 30-50% ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этади, ноёб металларнинг чиқитлари эса амалда тўлиқ тикланади. Антропоген тикланадиган ресурсларнинг сунъий айланисини яратиш ва қўллаш ҳозирги пайтда реал ҳақиқатга айланди. Масалан, АҚШ эҳтиёжлари учун керак бўлган пўлат ҳозирги вақтда тўлиқ ҳажмда темир-терсакдан олиниши мумкинлиги исботланган ва ҳисоблаб чиқилган. Япония қора металлургияси ҳам асосан темир-терсак асосида ривожланаётир. Шундай қилиб, ресурслардан фойдаланиш ҳажмини ресурс цикларини сунъий

шакллантириш ва интенсификациялаш ҳисобига таъминлаш ресурслардан фойдаланиш ҳозирги замон технологияси ривожланишининг натижаси бўлиб, ушбу цикллар илмий техника таракқиёти шароитида ресурслар ҳажмини тугайдиган ҳолатдан тугамайдиган ҳолатга айлантиришнинг ягона йўли бўлиб қолди.

Чиқиндилар кенг маънода инсониятнинг хўжалик юритиш, энергия олиши оқибатида, яшаши ва фаолияти жараёнида атроф-мухитга ташлаб юборадиган барча нарсалардир. Буларга атроф-мухитга ташланадиган майший ахлат, саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндилари, нефть оқавалари, оғир металлар ва заҳарли моддалар, атом электростанциялари чиқиндилари ва бошқалар киради. Булар қаттиқ чиқиндилар, суспензия (бирор модданинг бошқа суюқ модда ичида зарра ёки томчи ҳолида сузуб юрадиган эритмаси), шламлар (тоғ жинсларини майдалаганда, бургулашда ҳосил бўладиган кукунсимон маҳсулот), оқава сувлар, газсимон чиқитлар ва бошқалар бўлиб, уларнинг таркибида зарарли моддалари бор бўлган турлари, айниқса, экологик хавфлидири.

Узбекистонда ҳар йили кўплаб шаҳар чиқиндилари, саноат чиқиндилари, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ майший чиқиндилари тўпланиб қолаётганлиги ва уларни йиғиш ва қайта ишлаш муаммоси ҳал этилмаганлиги жиҳдий муаммо ҳисобланади. Масалан, фақат Тошкент шаҳрида йилига 1,3-1,4 миллион тонна майший чиқиндилар тўпланади. Республикада шаҳар ахлатхоналари 5000 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Улар тупроқ ва сизот сувларини ифлослайдиган манбага айланниб қолган.

Мамлакатда пайдо бўлаётган ва йигилаётган чиқиндиларнинг асосий қисми тоғ-кон ва кон бойитиш саноати хиссасига тўғри келади. Уларда қайта ишланаётган массалар ҳажмининг 90-95%и чиқиндиларни ташкил этади. Рангли металлургияда қазиб олинаётган тоғ жинсларининг 1-5 %гинаси фойдали маҳсулотта айланади. Ҳозирги вақтда конларнинг ағдармаларида 1,25 млрд. м.куб очилма жинслари, конларнинг охирги (этакларда) қисмларида 1,3 млрд. т. рудаларни бойитиш чиқиндилари, маҳсус ағдармахоналарида металлургия ишлаб чиқарилиши шлаклари тўпланган ва жойлашган. Уларга ҳар йили яна 25 млн. куб м. очилма жинслар, 42 млн. т. бойитиш чиқиндилари, 300 минг т. металлургия корхоналари шлаклари қўшилаёттири. Бу чиқиндилар ландшафтни бузишдан ташқари катта ер майдонларини ҳам эгаллайди. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинати чиқинди уюмлари 250 га ерни банд қўлган ва ер ости сувларини цианид, аммиак, нитрат, маргимуш билан ифлослайди. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ва бошқа турдош корхоналар яқинидаги оқим сув чиқиндиларни ювиб, таркибида оғир металлар бўлган

тузларни оқизиб келмоқда. Самарқанд вилоятидаги Жанубий ва Йнгичка конлари чиқиндилиари Зарафшон дарёсига оқиб келади.

Кимё ишлаб чиқаришининг асосий чиқиндилиари илгаригидек фосфоргипс (70-72 млн. т.), лигнин (15 млн. т.), марганең шлами, олтингугурт кеки, суюқ чиқиндилиар (10 млн. куб м.) ҳисобланади. Саноат чиқиндилиарига қўшимча равишда 30 млн. куб м. майший чиқиндилиар йиғилиб, улар шаҳар ва қишлоқ ахлатхоналарида тўпланган.

Чиқиндилиарни тўплаш, бирламчи сақлаш, ташиш ва кўмиб ташлаш, уларни заводларда қайта ишлаш муаммолари тўла ҳал этилмаган. Бу эса атроф-муҳитга, аҳоли саломатлигига хавф туғдирмоқда. Бу муаммолар ечимини топишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мухимdir: а) чиқиндилиарни тўплаш, дастлабки сақлаш ва кўмиб тасланадиган жойга ташиш ва уларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш ва экологик талабларга мослаштириш; б) чиқиндилиарни тўплаш, сақлаш, ташиш ва кўмиб ташлашнинг экологик, санитария-эпидемиология меъёрлари, қоидалари, стандартлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини яхшилаш; в) чиқиндилиарни тўплаш, ташиш, қайта ишлаш ва утилизациялаш бўйича инфратузилма тизимини барпо этиш; г) чиқиндилиарни камайтириш бўйича кичик дастурлар ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириш соҳасида халқаро тажрибалардан ҳар томонлама фойдаланиш ва бошқалар.

9.3. Вилоятлар ва туманлардаги экологик вазият ва уларнинг ҳудудий фарқлари

9.3.1. Экологик вазиятнинг ҳудудий фарқлари тўғрисида тушунча

Мамлакат халқ хўжалигини тармоқ ва ҳудудий ташкил этишининг табиий ресурслар билан объектив ўзаро боғлиқлиги ҳудудий экологик вазиятга таъсир кўрсатади. Ҳудудлар ва уларда мавжуд бўлган табиий ресурслар регионал-ҳудудий комплексларни ва ҳудудий экологик вазиятни шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Узбекистон ҳудуди ресурсларнинг сифати, микдори, хусусиятлари ва шуларга мос ҳолда улардан фойдаланиши структураси ва даражаси бўйича катта регионал ва зонал фарқларга эга.-Бунда биринчи наvbатda бир-биридан тубдан фарқ қиласидиган экстремал текислик чўл (сахро), юқори даражада ўзлаштирилган ва экологик вазият кескин бўлган суғориладиган (антропоген) текислик, фоят мухим экологик аҳамиятта эга бўлган тоғ зоналари ва уларнинг ҳудудларида жойлашган маъмурий-ҳудудий бирликлар-туманлар, вилоятлар-

нинг ўзига хос худудий-экологик ҳолатини ҳар томонлама ҳисобга олиш амалий экология иқтисодиёти мухим роль ўйнайди. Масалан, «соғ» чўл, «соғ» антропоген текислик, «соғ» тоғ туманлари ва ҳўжаликлари, аҳоли яшаш манзиллари билан бир қаторда уларнинг ушбу учта зона худудларининг турли комбинациялари бирлашималаридан ташкил топган чўл-антропоген текислик, антропоген текислик-тўлтоғ, антропоген текислик-тоғ шакллари ҳам бор. Бу худудий зонал фарқлар экология иқтисодиёти амалиётида албатта ҳисобга олинниши ва илмий-амалий хуласалар ҳам уларга мос бўлиши керак. Ушбу мақсадда Ўзбекистон худудини экологик вазият ҳусусиятларига кўра районлаштириш ҳам зарур.

9.3.2. Экологик вазиятни баҳолаш мезонлари ва экологик районлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мамлакатнинг илмий-тадқиқот муассасалари ва олимлар, мутахассисларни жалб этиб, Ўзбекистондаги экологик вазиятни баҳолаш методологиясини ишлаб чиқди ва мамлакатни илмий асосланган экологик районлаштиришни (минтақалаштиришни) амалга оширди.

Экологик районлаштиришга (минтақалаштиришга) мамлакатнинг маъмурӣ-худудий бўлиниши асос қилиб олинган ва унинг энг кичик бирлиги (таксони) маъмурӣ туман (вилоят ёки республикага буйсунадиган шаҳар) ҳисобланади. Ҳар бир маъмурӣ бирликнинг экологик вазияти қўйидаги экологик ҳолатни баҳолаш шкаласига (индикаторига) асосланиб таҳлил қилинган.

11-жадвалда берилган 18та экологик индикатор орқали республика туманларидағи ва улар орқали вилоятлардаги экологик вазият баҳоланган. Мавжуд экологик ҳолатнинг оғирлик даражасига кўра, туманлар қўйидаги районлар тизимиға киритилган:

- 0- қониқарли (йўл қўярли) экологик ҳолатидаги;
- I- кескин экологик ҳолатдаги ;
- II- фавқулодда экологик ҳолатдаги;
- III- ҳалокатли экологик ҳолати.

Қониқарли экологик ҳолатдаги районларга I, II, III экологик районларга кирмаган маъмурӣ туманлар худуди киради.

Кескин экологик ҳолатдаги районларга табиий экотизимлар мувозанати таркиби бузилиши қайд қилинган, улар экологик меъёрлардан анча ошган, лекин фавқулодда ҳолатта етмаган, экологик сифим пасайиши ва атроф-муҳит ифлосланиши ошпётгани кузатилаётган туманлар худуди киради.

**Экологик ҳолатни баҳолаш шкаласи
(Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси ишланмалари тавсияси)**

№	Мезонлар номи	Учов бирликлари	Минтақалар (районлар экологик ҳолати)		
			4	5	6
Кескин	Фангу- лодда	Хало- катни			
	Гарджа ўта хавфли мезонлар	Бигта туркум киймати-бали	40	60	100
1.	Ер ости сувларининг ифлосланиши	СИИ (ифлосланиши индекси)	4-6	6-10	10
2.	Ер усти сувларининг ифлосланиши	ЕУСИИ (ифлосланиши индекси)	2-3	3-5	5
3.	Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши	ИИИ (ифлосланиши индекси имконияти)	10-15	15-20	20
4.	Тупроқларни нестацидлар билан ифлосланиши	Кг. га ишлов берилган майдон	5-10	10-20	20
5.	Ичимлик сувини ДСга (давлат стандарти) тўғри келмаслиги	Текширишлар умумий сонидан %	3-40	40-60	60
6.	Озиқ-овқат хомаёси ДСга тўғри келмаслиги умумий сонидан	Текширишлар ДСга тўғри келмаслиги умумий сонидан %	30-40	40-50	50
7.	Аҳолини умумий касалланиши	Аҳолини 1000 кини бошига ҳисоб килинган касалланиши республика ўртача коэффициентидан онини (республика кўрастикчи 600 касалланиши), маротаба	1,5-2,0	2,0-2,5	2,5
8.	Умумий аҳоли сонига ўзим миндори	Республикада ўзимининг ўртача коэффициентидан онини (ўртача даража-6,2), маротаба	1,2-1,3	2,0-2,5	1,5
9.	Болалар касалланиши	15 ёнгача бўзиган ҳар 1000 болага тўғри келувчи касалланиши республика ўртача даражасидан онини (ўртача даража 600), маротаба	1,3-1,5	1,5-2,0	2,0
10.	Гўдаклар ўзими (1 ёнгача)	Республикада гўдаклар ўзими даражасини ўртача кофф.дан ошиши (ўртача кофф.-29,0), маротаба	1,1	1,3-1,5	1,5

№	Мезонлар номи	Үлчов бирликлари	Минтақалар (районлар экологик ҳолати)		
			4 Кескин	5 Фавқулодда	6 Халокатти
II даражада хавфли мезонлар					
1.	Атмосферани иқёнимий ифлосланини имконияти	ИИИ	2,5-3,0	3,0-3,5	3,5
2.	Худудларин сув босини	Ер ости сувлари сатхи 2 м. худудлар умумий майдонларидан % ҳисобида	10-20	20-40	40
3.	Тунроқлар сифати	Тунроқлар боинитет бални реен. ўрг. даражасидан насаини (ўрг. бал. 59)	1,5-2,5	1,5-2,0	2,0
4.	Суғоризладиган ерларининг шўрланини динамикаси	Сўнгги 20-25 йил давомида ўрга ва кучли шўрланган майдонларининг ўсиши, маротаба	1,5-2,0	2,0-3,0	3,0
5.	Яйловлар дегрессияси	Сўнгги 10-15 йил давомида яйловлар хащак сиримини йўқотини, %	20-30	30-40	40
6.	1000 кмни бошига шифононалардаги ўрини	Ўрг. кўреаткичдан наст (Ўрг. кўреаткич 85 ўри), %	15-20	20-30	30
7.	1000 кмни бошига шифокорлар сони	Ўртacha кўреаткичдан наст (Ўрг. кўреаткич 33 шифокор), %	15-20	20-30	30
8.	Хавфли обьектлар ва ҳолатлар рўй берини имконияти борлаги	Миндори, дона (вазият)	6-10	10-20	20

Эслатма: 4-каторда кўреатилган мезонни қўйи даражасидан наст бўлгап мезонлар 0 балл билан баҳоланади.

Фавқулодда экологик ҳолатдаги районларга экотизим ҳолати кескин ўзгарган, лекин уларнинг олдини олиш имкони бор бўлган, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши мавжуд биосфера иқтисодий ресурслари салоҳияти имкониятидан юқори ва табиат заҳиралари камайиб кетиши қайд қилинган туманлар киради.

Халокатти экологик ҳолатдаги районларга табиият муҳитда қайтариб бўлмайдиган сифат ўзгаришлари ва экотизимлар бузилиши рўй берган туманлар киради.

Ушбу мезонларга асослациб, ўртacha баллар ҳисобланади ва экологик вазият баҳоланади. Ўртacha балл баҳоларига кўра, районлар хавфли ва ўта хавфли экологик вазият районлари катерияларига бўлинади, уларнинг экологик ҳолати аниқланади.

9.3.3. Вилоятлар ва туманлардаги экологик вазиятнинг ҳудудий фарқлари ва уларни ҳисобга олиш

Экологик вазиятнинг вилоятлардаги фарқлари бўйича хисобланган балл кўрсаткичларига кўра, уларниң қўйидаги типлари аниқланади:

- 1) 400 ва ундан ортиқ балл-фавқулодда кескин;
- 2) 250-400 балл-жуда кескин;
- 3) 150-250 балл-ўртacha кескин;
- 4) 120-150 балл-унча кескин бўлмаган;
- 5) 120 баллдан паст балл-кескин бўлмаган.

Шу мезонлар нуқтаи назаридан республикада энг экологик ёмон аҳволдаги ҳудуд Қорақалпоғистон Республикаси бўлиб, у ерда фавқулодда кескин экологик вазият вужудга келган ва у тобора ёмонлашмоқда. Хоразм, Фарғона, Навоий вилоятларида жуда кескин экологик вазият юзага келган. Самарқанд ва Бухоро вилоятларида экологик вазият ўртacha кескин, Сурхондарё, Тошкент, Андижон вилоятларида – унча кескин бўлмаган, Наманган, Жиззах, Кашиқадарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида кескин бўлмаган экологик аҳвол мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси туманлари бўйича экологик вазиятнинг иқтисодий районлар ва улар таркибидағи вилоятлар туманлари бўйича баҳоланиши қўйидаги жадвалда берилган:

12-жадвал

Ўзбекистон маъмурий туманларидағи экологик вазият (Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси материаллари асосида)

Иқтисодий районлар ва вилоятлар		ЭКОЛОГИК ҲОЛАТ			
		Коникарли	Кескин	Фавқулотла	Халокатли
	Туманлар	Туманлар	Туманлар	Туманлар	Туманлар
I.	Тошкент иқтисодий райони 1. Тоникент вилояти	1. Бекобод 2. Зангиота 3. Оғизғурон 4. Пенжент 5. Тошкент 6. Ўрта Чирчик 7. Чиноз 8. Кифрай	9. Бўка 10. Бўстонлик 11. Паркент 12. Юқори Чирчик 13. Янги йўл 14. Куёни Чирчик		
	2. Тоникент ш.п.	Тоникент шахри			

II.	Фарғона иқтисодий райони:			
	3. Андижон вилояти	1. Асака 2. Балиқчи 3. Бўз 4. Жалолқудук 5. Хўжаобод 6. Шархон	7. Андижон 8. Олтикўл 9. Булакбони 10. Избоекан 11. Марҳамат 12. Пахтаобод 13. Узунор 14. Кўроентепа	
	4. Фарғона вилояти	1. Дангарा 2. Учқўрик 3. Ёзёвон	4. Бағод 5. Бениариқ 6. Бувайдা 7. Оғниариқ 8. Охубобоси 9. Сўнгирли 10. Фарғона 11. Фурқат 12. Ўзбекистон 13. Кӯва	
	5. Наманган	1. Коғонсоӣ 2. Норин 3. Уйчи 4. Учқўрғон 5. Чартоқ 6. Чуст 7. Янгиқўрғон	8. Мингбузок 9. Наманган	
III.	Мирзачўл иқтисодий район			
	6. Жиззах вилояти	1. Дўстлик 2. Жиззах 3. Зарбдор 4. Зафаробод 5. Фориш 6. Галлашород	1. Ариасоӣ 2. Бахмал 3. Зомин 4. Мирзачўл 5. Пахтакор 6. Янгиюбод	
	7. Сирдарё вилояти	1. Боёвут 2. Мирзаобод 3. Сайхунобод 4. Сирдарё	5. Гулистон 6. Мехнатобод 7. Хонс 8. Шароф Рашидов	
IV.	Самарқанд иқтисодий райони			
	8. Самарқанд вилояти	1. Булунгур 2. Гўззикент 3. Йомбой 4. Оқдарё 5. Тойлоқ 6. Ургут	7. Интиҳон 8. Каттакўрғон 9. Нарнай 10. Нуробод 11. Пойариқ 12. Пахтаки 13. Самарқанд 14. Челак	

V.	Бухоро-Навоий иқтисодий райони				
	9. Бухоро вилояти	1. Вобокент 2. Жондор 3. Когон 4. Ненику 5. Ромитан 6. Шоғирдикон 7. Коровулбозор	8. Бухоро 9. Одлог 10. Коракүл 11. Фиждуен		
	10. Навоий вилояти	1. Коинимех 2. Нурота	4. Томди 5. Учкудуқ 6. Хатирчи 7. Кизилтепа	8. Навоий 9. Навбахор	
VI	Қашқадарё иқтисодий райони				
	11. Қашқадарё вилояти	1. Бахористон 2. Цехонобод 3. Киттоб 4. Косон 5. Нинон 6. У.Юсупов 7. Шахрисаабз 8. Яккабог'яр 9. Камани 10. Карни 11. Ўззор	12. Қасби 13. Муборак 14. Чироқчи		
VII	Сурхондарё иқтисодий райони				
	12. Сурхондарё вилояти	1. Бандиҳон 2. Бойси 3. Ҷенов 4. Олтинсой 5. Сариюсіб 6. Узун 7. Шурчи 8. Кизирик	9. Ангор 10. Жарқўрон 11. Шеробод 12. Қумқўрон	13. Музрабод 14. Термиз	
VII I	Кўйи Амударё иқтисодий райони				
	13. Хоразм вилояти		1. Бофот 2. Гурлан 3. Хива 4. Хонқа 5. Шовот 6. Янгиариқ 7. Кўникунир	8. Урганич 9. Ҳазораси 10. Янгибозор	
	14. Коракалпакистон Республикаси		1. Бузатов 2. Шуманай	3. Амударё 4. Беруний 5. Корайзак 6. Кегайли 7. Кўништепа 8. Калникўз 9. Нукус 10. Тахтакўнир 11. Тўртқўл 12. Ҳужайли 13. Чимбой 14. Эликкалаъ	15. Муйнок
	Республика бўйича туманилар сони	68	68	21	1
	%	43,0	43,0	12,4	0,6

12-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамла-катнинг 68 туманида (43%) экологик вазият нисбатан қони-қарли, яна 68 тасида (43%) кескин, 21 тасида (12,4%) фавку-лодда, 1 таси (Мўйноқ) ҳалокатли. Бундай худудий фарқлар экологик муаммоларни ҳал этишда ва тегишли экологик хуло-салар чиқаришда ўзига хос худудий асос бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат билан қўйидаги худудий ҳаракат йўналишилари мухим аҳамиятга эга: а) тармоқ ва худудий режалар ва дастур-ларни амалга оширишда худудий фарқларни хар томонлама ҳисобга олган ҳолда хулосалар чиқариш; б) туманлар ва вило-ятлар ҳаракат режаларида яшаш учун қулай экологик шароит яратиш, хўжаликни экологиялаштиришни чуқурлаштириш, та-биатдан барқарор фойдаланишини экологик жиҳатдан таъмин-лашнинг устуворлиги соҳасида миллий манфаатларга асосла-ниш ва уларга риоя қилиш ва бошқалар.

9.4. Орол денгизининг қуриши ва экологик-иқтисодий сабоқлар: салбий антропоген таъсирнинг экологик ҳалокатга ва ижтимоий-иқтисодий инқирозга олиб келиши намунаси

9.4.1. Орол ҳалокати миқёслари, сабаб ва оқибатлари

Орол денгизи (кўли) XX асрнинг 60–йилларигача майдо-нининг катталиги бўйича дунёда Каспий денгизи (371 минг кв.км.), Юқори кўл (82,1 минг кв.км., Шимолий Америка), Виктория (69 минг кв.км., Африка) кўлларидан кейин тўртинчи ўринни эгаллайдиган, майдони 66 минг кв.км.га тенг бўлган улкан сув ҳавзаси эди. У қўйидаги мухим геоэкологик ва иқтисодий-еколо-гии функцияни бажарган: 1) дунёning буюк сахролари ҳисоб-ланган Қорақум, Қизилқум, Устюрт платосини бир-биридан аж-ратиб турадиган ва улар туташган чегараларда жойлашган Орол денгизи Марказий Осиёда мухим иқлим шакллантирувчи ролни бажарган. Маълум даражада регионни шимолдан келадиган совук ҳаво оқими таъсиридан асраган, мўътадил минтақалардан кела-диган нам дengiz ҳаво оқимларининг ҳаракатини эса Ўрта Осиё тоғ тизимларига томон йўналтиришга қулай имконият туддир-ган. У қирғоқ бўйидан 50–150 км. масофагача кенгликда иқлимини назорат қилувчи мухим омил бўлган. Денгизнинг юмшатувчи таъсири иқлимининг қурғоқлигини камайтириб, ёз иссиғини ва қиш совугини чеклаган; 2) Орол минг йиллар давомида регионда асо-сий туз тўпловчи ва сақловочи табиий омбор бўлиб, тузлардан Ўрта Осиёни холос этиши функциясини бажарган. У регион гидроло-гия тизимида дарё оқимлари олиб келадиган тузларнинг буюк

концентратори эди; 3) Орол мухим экологик тизим сифатида био хилма-хилликнинг ўзига хос макони бўлиб, дengiz биоталари, экологик бой делъталар, тўқайзорлар хилма-хиллиги билан ажраблиб турган. Хўжаликда доривор ўсимликлар тайёрлаш, балиқ овлаш (йилига 40 минг тоннагача), паррандачилик, яйлов чорвачилиги мухим аҳамиятга эга бўлган ва улар экотизимлар маҳсулдорлигига асосланган; дengiz ва дарё транспорти ривожланишига имкон берган; 4) Орол региони дунё цивилизацияси пайдо бўлган марказлардан ва дунёнинг энг қадимги дехқончилик маданияти ўчоқларидан ҳисобланади; 5) Орол дengизи акваториясининг ярми Ўзбекистонда, ярми Қозогистонда жойлашган бўлиб, у ушбу икки давлат ҳаётида мухим экологик ва ижтимоий-иктисодий роль ўйнаган.

Бу функцияларнинг кўпчилиги (1-3 – бандлар) кучли антропоген таъсир оқибатида тубдан ўзгарган ва қарама-қарши (салбий) йўналишга ўтган ва булар эса бу ерда юзага келган ҳалокатли экологик вазиятнинг асосий сабабидир. Улар билан боғлиқ бўлган хавфли табиий жараёнлар спектри фоят хилма-хилдир. Воқеалар ва жараёнларнинг бундай ўзариши сўнгги 40-50 йилда содир бўлди. Уларнинг сабаб ва оқибатларини билиш, улардан тўғри холосалар чиқариш Ўзбекистон учун фоят мухимдир. Шу муносабат билан ушбу мураккаб муаммо бўйича мавжуд адабиётлар ва замонавий тадқиқотлар натижаларига асосланиб, қуйидаги асосий холосаларга келиш мумкин:

1. XX асрнинг биринчи ярмида Орол регионида экологик вазият барқарор бўлган. 1950 йилда бу ерда 2,9 млн. га ер сугорилган. Денгиз сатҳидан 60 куб км. сув буғланган. Шу миқдордаги дарё суви ҳар йили дengизга қўйилиб турган. Ҳозирги экологик инқизот сабиқ тоталитар социалистик тузум амалга оширган хато иқтисодий ривожланиш стратегиясининг натижасидир. 1950 йилларнинг охири 1960 йилларнинг бошида Қозогистон ва Ўрта Осиёда сугориладиган дехқончиликни кенг миқёсда ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қисқа муддатларда Орол регионида сугориладиган ер майдонлари 7 млн. га етказилди (2,5 марта ўсиш), минерал ўғитлардан фойдаланиш 3,5-6 марта кўпайди, улкан ирригация-мелиорация тизимлари барпо этилди. Айни вақтда сувдан тежамкорлик билан фойдаланилмади. Пахта, шоли, мева ва узум, дон, сабзавот этиштириш кескин кўпайди. Бударни этиштиришда Оролни ҳалокатга олиб келиши эҳтимоли ҳисобга олинмади. Шу билан бир қаторда сувга талаб ҳам тўхтovсиз ошиди.

2. Орол ҳавzasида сугориладиган майдонларнинг ҳаддан ташқари кенгайтирилиши инсоният тарихида энг йирик эколо-

гик ва гуманитар ҳалокат — Орол дengизининг куриб боришига сабаб бўлди. Сўнги 30 йилда дengиз сатҳи 15,6 м. га пасайди, акватория майдони 2 марта қисқарди (66 дан 33 минг кв.км.га), сув ҳажми 2,6 марта камайди (1062 дан 278 км. куб гача). Куриб қолган дengиз туби майдони 34,5 минг кв.км. га етди. Сувнинг шўрланиши 2-3 марта ошди. Натижада «янги» антропоген «Оролкум» шўрҳоқ сахроси пайдо бўлди. Бу ерда туз, чангтўзонлари ҳар куни ва йил давомида катта майдонларни заҳарли моддалар билан ифлослантираётir. Шуларга боғлиқ ҳолда экологик тизимлар, ўсимлик, ҳайвонот олами катта зарар кўрди ва чукур деградацияни бошидан кечирмоқда. Чўлдашиш жараёнлари тезлашди. Иқлим салбий томонга ўзгарди. Уртacha йиллик харорат амплитудаси $1,5\text{--}2^{\circ}$ га ўси (бу жуда катта кўрсаткич), натижада ёз ўта иссиқ, қиши эса ўта совуқ бўлиб қолди, баҳорги ва кузги кора совуқлар илгаригидан анча узокроқ давом этадиган бўлди. Орол табиий туз сақлайдиган «омбордан» атрофни туз билан булгайдиган даҳшатли ва катта ифлослантирувчи, хавфли экологик манбага айланди. Дengизнинг куриган тубидан кўтарилиган тузли қум бўрони атрофдаги ва узоқ масофада жойлашган ерларни ифлослантироқда, одамлар ва ҳайвонот оламига бевосита зарарли таъсир кўрсатмоқда.

3. Орол ҳалокати табиий муҳит сифатининг кескин пасайиши, экотизимлар ва улар компонентларининг кучли деградациясига, аҳоли экологик яшаш муҳити ва турмуш даражасининг кескин пасайишига, илгари мавжуд бўлган яхлит шўр сувли табиий экотизимларнинг кучли деградациясига олиб келди. 1985-1990 йилларда Амударё ва Сирдарё сугориладиган ерлардан оқиб чиққан туз миқдори 137 млн. т. ташкил этган, демак ҳар йили сугориладиган бир гектар ердан 18 т туз оқиб чиққан. Ҳар йили шўрланиш туфайли 2 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар кўрилади (бу Марказий Осиёда ишлаб чиқрилган ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 5%ини ташкил этади.)

4. Орол регионини экологик инқирозга олиб келган кенг миқёсли хўжалик тадбирларининг экологик оқибатлари олдиндан ҳисобга олинмаган. Давлат экологик экспертизаси эса фат 1988 йилдан бошлаб, яъни СССРда табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг худудий органлари (шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам) тузилгандан кейин ўтказила бошлаган. Бу даврда эса Орол регионида экологик инқироз энг юқори босқичга кўтарилиб бўлган эди. Бундан ташқари экологик экспертиза амалда давлат номидан назорат функциясини амалга оширадиган геология, сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш вазирликлари, давлат агросаноат қўмитаси ва бошқа ташкилотлар би-

лан режалаштиришдан ва лойиҳалаштиришдан олдинги материалларни келишиб олишдан иборат бўлган. Шу сабабдан экологик экспертиза самара бермаган ва экологик талаблар эса хўжалик манфаатларининг қурбони бўлган.

9.4.2. Орол инқирозидан чиқиш йўллари

Орол инқирози оқибатларини барқарор ривожланиш, бу регионда яшаётган аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик ва яшаши учун қулай шароитлар яратиш, келажак авлод манфаатлари йўлида экологик вазиятни яхшилаш принципларига амал қилиш асосида бартараф этиш мумкин. Бунда барқарорликни амалга ошириш шунга мос фаолиятни ташкил этиш билан узвий боғлиқдир. Мавжуд экологик вазият барча даражаларда илгариги шаблонлар (эскирган андозалар) ва тушунчалардан воз кечишни ва янгича турмуш тарзи ва тафаккурлашга ўтишни тақозо этади. Табиат билан ўзаро муносабатларда ушбу янги йўналишларга асосланиш ва уларни мунтазам қўллаш ижтимоий-иктисодий соҳаларни ҳам барқарор ривожланиш томонга ўзгартишга хизмат қиласи.

Орол регионада табиатдан барқарор фойдаланишининг маъноси ва мазмуни бутун мамлакатга ва қўшини давлатларга тааллуқли бўлиб, у табиат ресурслари ва компонентларидан фойдаланишини уларнинг заҳиралари ва тикланиши суръатларига мос йўналишда, шунингдек, табиатнинг ифлосланиши ва деградациясии табиий тизимларни тиклаш тадбирлари билан биргаликда қўшиб олиб боришни билдиради.

Хозирги вақтда табиатдан фойдаланишда кенг қўлланилаётган технология ва ёндашувлар аҳолининг табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжини табиатта зарар етказмасдан таъминлашга имкон бермайди ва қўпингча унга зид келади. Шу сабабдан антропоген таъсир табиий тизимларнинг бекарор бўлиб қолиши жараёнларини кучайтираётir, бу эса табиий оғатларнинг содир бўлиши жараёнларини кучайтириб, уларни тезлаштирумокда. Шу сабабдан Орол регионида табиий муҳит барқарорлигининг асосий муаммоси фоят муҳим бўлган ифлосланиш муаммоси эмас, балки улардан ҳам муҳимроқ бўлган табиий экотизимларни сақлаш ва тиклаш муаммоси ҳисобланади. Фақат ушбу ёндашув табиий муҳитнинг ҳаётий муҳим параметрларини қўллаб-куватлашга ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қиласи. Шу нуқтаи назардан Орол инқирозининг қўйидаги икки аспектини кўриб чиқиш ва уларни ҳал этиш зарур: 1) Орол регионининг экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммолари ечимини топиш; 2) Орол дengизини сақлаб қолиши зарурати.

Бу икки аспект бир-бири билан ўзаро боғланган, лекин Орол дengизини сақлаб қолиш аҳамияти бўйича ва уни амалга ошириш имкониятлари чекланганилиги сабабли Орол дengизи ҳавzasининг умумий муаммоларини ечиш йўлларига наслбатан объектив равишда иккиласми чиқинчи даражали бўлиб қолди.

Умуман, инқироздан чиқиш учун уни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш зарур. Бунда биринчи навбатда регион аҳолисининг экологик яшаш шароитини яхшилашга ва барқарор ривожланиш қоидаларига амал қилишга қаратилган тадбирларни ажратиб кўрсатиш лозим. Бундай тадбирлар қаторига қўйидагилар киради:

1) қишлоқ аҳолисининг ижтимоий турмуши шароитларини яхшилаш: тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш; канализация ва тозалаш қурилмалари тизимини барпо этиш; ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш; аҳоли яшаш манзилларининг санитария ҳолатини яхшилаш;

2) табиатдан барқарор фойдаланишни экологик жиҳатдан таъминлаш: табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; биологик хилма-хилликни сақлаш; қуриган дengиз тубида кенг миқёсда ўрмон мелиорация ва фитомелиорация тадбирларини амалга ошириш;

3) қишлоқ ва ўрмон хўжалигини экологик ва илмий асосланган тизимга ўтказиш;

4) саноат корхоналарини экологиялаштириш;

5) ишлаб чиқариш кучларини узоқ муддатли ривожлантириш ва жойлаштириш стратегиясини ишлаб чиқини ва амалга оширишда экологик ва ижтимоий устуворликка асосланиш: а) меҳнатни кўп, сувни кам талаб қилидиган, айни пайтда иқтисодий ва ижтимоий самарадор ишлаб чиқаришни ривожлантиришни мўлжаллаш; б) сугориш тизимларини реконструкциялаш; в) сугориш нормаларини илмий асосланган ҳолда камайтириш ва замонавий сугориш технологиясини жорий этиш ва уларни такомиллаштириш; г) зовур сувларидан рационал фойдаланиш ва уларни утилизациялаш йўлларини топиш ва бошқалар.

Орол дengизини сақлаб қолиши муаммолари ҳам foят муракабдир. Ҳозирги вақтда дengиз сатҳиининг пасайишини тўхтатиши имкониятлари кам. Шу билан бир қаторда дengизни сақлаш бўйича қатор ички имкониятлар ҳам мавжуд бўлиб, улар Орол ҳавzasida сувни тежашнинг комплекс тадбирларини амалга ошириш билан узвий боғлиқдир. Ҳисобларга кўра, регионда сувни тежашнинг қатъий чораларни кўллаш, шу жумладан, сугориш тизимларини реконструкциялаш, сугориш нормаларини камайтириш, кам унумдор ерларни сугормаслик, замонавий сугориш

методлари ва сув хўжалигини бошқаришнинг прогрессив тизимларини қўллаш, шунингдек, сувни кўп талаб қиласидаган экинлар майдонини қисқартириш йилига 35-50 куб км. сувни тежашга имкон беради. Бу миқдордаги сув эса Орол дengизини маҳсулдор экотизим сифатида сақлаб қолишга бемалол етади.

Бу тадбирлар комплекси истиқболли йўналишларини белгилашга имкон беради ва Орол регионидаги экологик вазиятни яхшилаш ва Орол дengизини сақлаб қолишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

9.5. Текислик ва тоғ геотизимларидан фойдаланишининг экологик иқтисодий хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти шароитида мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида мамлакат турли қисмлари худудий-руссурс имкониятларининг ўзига хослигини ҳар томонлама ҳисобга олиш, улардан оқилона фойдаланиш мухим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Табиий ресурслар табиий-экологик ва ижтимоий-иқтисодий тизимларининг бир бутунлигини таъминлайди, айни пайтда турли худудларда ўзига хос регионал-зонал структура ва потенциалга эга.

Ўзбекистоннинг табиий ресурслари структураси мамлакат табиатининг регионал худудий зонал структураси хусусиятларини ўзида яққол акс эттиради. Мамлакатнинг учта йирик геотизимлари (макро регионлари) – чўл (саҳро) текислик, сугориладиган (антропоген) текислик, тоғолди-тоғ зоналари ўзига хос табиий ресурс ва экологик ресурс потенциалига эга бўлиб, улар бир-бirlаридан экологик шароити, ресурслар мажмуаси-майдони, географик ўрни, табиий ландшафт типлари ва уларнинг ресурс потенциали, экологик мувозанати, ўзлаштириш даражаси, аҳолиси, хўжалиги қувватлари ва бошқа қатор сифатлари билан тубдан фарқ қиласиди. Бу йирик геотизимлар хўжаликни ривожлантириш ва жойлаштиришга сезиларли таъсир кўrsатади. Шу сабабдан улардан фойдаланиши объектив равишда «чўл (саҳро)», «антропоген текислик», «тоғ» шакллариданаги йўналишга эга бўлади.

Ўзбекистон худудининг 70%ини чўл (саҳро) геотизимлари эгаллайди. Улар табиий шароитнинг фоят қурғоқчилиги ва экстремаллиги, яшаш мухитининг ноқулайлиги билан ажralиб туради. Асосий ресурслари – яйловлар, турли фойдали қазилмалар бўлиб, улар экстенсив яйлов чорвачилиги (қорақўлчилик) ва хомашё, ёқилғи (нефть, газ) қазиб олиш тармоқларининг ривожлашига табиий асос бўлиб хизмат қиласиди. Бу геотизимлар кам ўзлаштирилган ва бу ерда аҳоли ниҳоятда сийрак яшайди.

Антропоген текислик геотизимлар асосан юқори даражада ўзлаштирилган водий ва воҳаларни эгаллади. Унинг ҳиссасига мамлакатнинг атиги 10% худуди, лекин 90% аҳолиси, иқтисодиёти ва инфратузилма қувватлари тўғри келади. Бу зона Ўзбекистоннинг асосий тарихий-географик ва ижтимоий-иқтисодий негизи (ядроси) ҳисобланади. Унинг асосий ресурси сермаҳсул сугориладиган ерлар бўлиб, бошқа муҳим ресурс—сув тоғлар маҳсулидир. Бу ерда аҳоли зичлиги юқори, демографик ва экологик вазият ғоят мураккабдир. Сув ресурслари оқимларининг тоғларда тўлиқ шаклланиши ва унинг деярли ҳаммасидан антропоген текисликларда фойдаланиш тоғларнинг экологик-иқтисодий аҳамиятини оширади ва уларни мамлакат баракарор ривожланишининг ҳал қилувчи регионига айлантиради. Чунки тоғ, дарёларнинг сувисиз водийларда ҳаёт бўлмайди.

Мамлакатнинг 21,3% худуди, таҳминан 2/3 табиий ресурс потенциали, 10%дан кўпроқ аҳолиси, 13% саноат, 8-9 қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти, тоғ зонаси ҳиссасига тўғри келади. Тоғлар мамлакатнинг 10 та вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларидан ташқари) ва 70дан ортиқ туманлари таркибида бор.

Тоғ зонасининг табиий ресурс қувватлари ғоят хилма-хил, заҳиралари миқдори кўп бўлиб, улардан рационал фойдаланиш, уларни асрарш ва муҳофаза этиш Ўзбекистон халқ хўжалиги мажмуасини принципиал янги йўналишда бойитишга имкон беради. Бу ерда республика фойдали қазилмаларининг асосий қисми (нефть ва газдан ташқари), сув ва гидро-энергетика, ўрмон, рекреация (дам олиш) ресурсларининг деярли ҳаммаси, биологик ресурслар, нафосатли ландшафтлар, алоҳида муҳофаза қилиниши керак бўлган табиий ҳудудларининг катта қисми жойлашган. Бундан ташқари, тоғлар Ўзбекистоннинг энг катта ва энг муҳим табиий-экологик тизими, табиат муҳофазаси обьекти бўлиб, унинг турли-туман ва кўп миқдордаги тикланадиган тоғ ресурслари ва неъматларини бетўхтов табиий равишда тақрор ишлаб чиқариш (тоза ҳаво, сув, тупрок унумдорлиги, биологик, рекреация, ландшафт ҳусусиятлари ва бошқалар) хоссаларининг иқтисодий баҳоси бевосита хўжалик юритишдан олинадиган маҳсулот ва хизмат турлари умумий қийматидан кўп марта ортикроқдир.

Шу билан бир қаторда кўринишдан мустаҳкам ва емирилмас, салобатли ва ҳайбатли бўлган тоғлар жуда ўзгарувчан, нафис, мўрт ва антропоген таъсирга чидамсизdir. Шу сабабдан тоғларда табиий оғатлар (эрозия, кўчки, ўприлиш, сел ва бошқалар) тез-тез содир бўлмоқда, бузилган, емирилган, ифлосланган ландшафтлар майдони кўпаймоқда, оқибатда табиий ва

генетик хилма-хиллик камаймоқда, одамнинг яшаш муҳити эса тобора қисқариб бормоқда. Тоғ муҳитини, унинг ресурсларни табиий такрор ишлаб чиқариш хоссаларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш, тоғ зонасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш манфаатлари ва уни бозор талабига мослаштириш зарурути шошилинч чора—тадбирлар комплексини амалга оширишни тақозо этади.

Тоғ ресурсларини ўзлаштириш экологик мўрт ва тез ўзгарувчан геотизимлар учун хавф-хатар манбаидир. Шу сабабдан, Узбекистоннинг барқарор ривожланиши ҳал қилувчи макрорегион ҳисобланган тоғларни республиканинг ҳалқаро тан олинган миллий парк («ҳаёт учун парклар») концепциясига асосланган турли шаклдаги алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар боғланмаси (комплекси) статуси берилган зонасига айлантириш лозим. Тоғларни мамлакатнинг алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудига айлантириш унинг «тоғлилиги» хусусиятларини, ресурсларни ўзлаштириш ва хўжалик юритишнинг йўл қўйиладиган турлари ва устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бунда тоғ ҳудудлари жуда қатъий ва аниқ функционал зоналарга ажратилади. Тоғлардан функционал фойдаланиши ва уни муҳофаза қилишини қўйидаги зоналари ажратилиши керак: 1) алоҳида муҳофаза қилинадиган зона (қўриқҳона, заказник, миллий табиий парклар, ноёб табиат обьектлари ва бошқалар); 2) ишлаб чиқариш зонаси (тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, инфратузилма, рекултивация ва бошқалар); 3) рекреация; 4) аҳоли яшаш манзиллари (шаҳар ва қишлоқлар); 5) сув муҳофазаси зонаси ва бошқалар. Ҳар бир зонада табиатдан фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг турли йўналишлари, назорат ва рағбатлантириш, чеклаш чора-тадбирлари амалга оширилади. Тоғларни Ўзбекистоннинг алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларига айлантириш мамлакат учун, тоғли аҳоли, тоғ муҳити учун максимал фойда берадиган йўналишда тоғлардан фойдаланишга имкон беради.

Чўл (саҳро), антропоген текислик, тоғ геотизимларининг хилма-хил табиий ресурс потенциалидан «иҳтисослашган» йўналишида фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш энг самарали экологик — иктисодий йўналишлар қаторига киради.

Қисқача холосалар

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда экологик тадбирлар тизмини амалга оширишга катта аҳамият берилди, бу тизим мамлакат ҳадж хўжалигини ислоҳ қилишининг таркибий қисмига айланди.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни амалга оширишининг кўп босқичли тузилмалари барпо этилган, унинг хуқуқий асоси яратилган, бу соҳада давлат дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, миллӣ ҳаракат режаси ишлаб чиқилган ва бошишлар.

Ўзбекистонда кўплаб экологик муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар кўп даражада ўтмиш тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган асоратлар билан боғлиқдир.

Республикада атроф-муҳитнинг экологик талабларига тўла жавоб берадиган худудлари мамлакат умумий майдонининг 27%ни ташкил этади. Табиат компонентларининг барчасида экологик ҳолат сезиларли ўзгаришга учраган. Кўплаб чиқиндилар тўпланиб қолган.

Атмосфера ҳавоси, сув, ер, биологик ресурслар, ер ости бойликлари, чиқиндилар бўйича тўпланиб қолган экологик муаммолар бу йўналишда прогрессив тадбирларни амалга ошириши тадаб қиласди.

Ўзбекистон вилоятлари ва туманлардаги экологик вазият худудий жиҳатдан катта фарқ қиласди. Булар экологик вазиятни баҳолаш ҳамда экологик районлаштириш мезонларини ишлаб чиқиб, илмий асосланган экологик районлаштиришни амалга ошириши тақозо этади.

Экологик районлаштириш мақсадларида экологик ҳолатни баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилган. 18 та экологик индикатор орқали республика туманлари ва вилоятларидаги экологик вазият баҳоланган. Уларга асосланиб қўйидаги туманлар гурухи ажратилган: 1) қониқарли (йўл қўйиладиган) экологик ҳолатдаги туманлар; 2) кескин экологик ҳолатдаги туманлар; 3) фавқулодда экологик ҳолатдаги туманлар. Ушбу мезонларга асосланиб ўртача баллар ҳисобланади ва экологик вазият баҳоланади. Ўртача балл баҳоларига кўра, районлар хавфли ва ўта хавфли экологик вазият районлари категорияларига бўлинган.

Экологик вазиятнинг вилоятлардаги ва иқтисодий районлардаги фарқлари бўйича ҳисобланган балл кўрсаткичларига кўра уларнинг қуийидаги типлари аниқланган: 1) фавқулодда кескин; 2) жуда кескин; 3) ўртача кескин; 4) унча кескин бўлмаган; 5) кескин бўлмаган. Уларни экология иқтисодиётида ҳисобга олиш йўналишлари кўрсатилган.

Орол денгизининг қуриши салбий антропоген таъсирининг экологик ҳолатта ва ижтимоий-иқтисодий инқирозга олиб келишига ёрқин мисол ҳисобланади. Орол ҳалокати миқёслари, сабаб ва оқибатлари таҳлили инқироздан чиқиш йўлларини ишлаб, чиқишига имкон беради.

Ўзбекистонда тоф ва текислик геотизимларидағи фойдаланишни ҳар томонлама ҳисобга олиш ғоят муҳимдир. Чўл, антропоген текислик, тоф геотизимлари ўзига хос хусусиятларга эга. Тоғлар мамлакат барқарор ривожланишининг асосий макрорегиони ҳисобланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистондаги ҳозирги экологик вазиятни қандай баҳолаш мумкин? Экологик вазиятни яхшилаш мақсадларида қандай тадбирлар амалга оширилаётir?

2. Табиат компонентларининг экологик ҳолатини таърифланг. Атмосфера ҳавоси, сув, ер, биологик ресурслар, ер ости бойликлари, чиқиндилар (ресурс-чиқинди-ресурс цикли) экологик ҳодати хусусиятларини билib олинг.

3. Ўзбекистон вилоятлари ва туманларида экологик вазиятнинг аҳволи ва ҳудудий фарқлари сабаблари, оқибатлари, уларни яхшилаш йўналишларини тушунтириинг.

4. Экологик вазият ҳолатига кўра, туманлар қандай гурӯхларга бўлинади? Қониқарли, кескин, фавқулодда, ҳалокатли экологик вазиятдаги туманларнинг фарқини тушунтириинг.

5. Орол дengизининг қуриши сабаблари, оқибатлари ва ундан келиб чиқадиган экологик сабоқларни таърифланг.

6. Орол инқирозидан чиқишининг қандай йўлларини белгилаш мумкин?

7. Тоф ва текислик геотизимларидан фойдаланиш қандай экологик иқтисодий хусусиятларга эга?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Атроф табиий муҳитни мухофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. – Т., 2002.
3. Атроф-муҳитни мухофаза қилиш миллий ҳаракат режаси. – Т., 1998.
4. Биологик хилма-хилликни сақлаш. Миллий стратегия ва ҳаракат режаси. – Т., 1998.
5. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 1998.
6. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 2002.
7. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестке дня на 21 век. –Т., 2002.
8. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. – Т., 1997.
9. Реймерс Н.Ф. Экология: теория, законы, правила, принципы и гипотезы. – М., 1994.
10. Узбекистон Республикасининг ер ресурслари атласи. – Т., 2001.
11. Узбекистон Республикаси. Энциклопедия. – Т., 1997.

АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ ИҚТISODIЁТИНИНГ УМУМИЙ ТАҶРИФИ

10.1. Амалий экология иқтисодиёти түркесида түшүнчө асасынан инструментлары

Хозирги экология иқтисодиёти амалиёттеги ушбу фаннинг фундаментал назарий тоялары ва концепцияларынан асасланади. Улар амалиёттеги күлланилладиган экологик-иқтисодий тартибога солиш инструментлары ва механизмларининг асасын хусусияттарини белгилаб беради. Бу инструментлары ва механизмлар ҳар бир мамлакатта күлланилладиган иқтисодиёттеги бошқариш ва тартибога солиш миллий моделининг хусусияттарини ифодалайды, халқаро миңбеттеги келишиб олинган принципларнинг, шу жумладан, БМТнинг атроф-мухитта ривожланышга бағытланган иккінчи жағын конференциясида (Рио, 1992) тавсия этилган принциплар ва ёндашувларнинг күчли таъсирида шаклланади ва ривожланади. Шу билан бир каторда амалий экология иқтисодиёти ушбу фаннинг амалий йүнениши сифатында мамлакатнинг ҳозирги экологик - иқтисодий вазияты хусусияттарини, у ёки бошқа муаммоларнинг устуварлығы даражасини, шунингдек, штисодиёттеги глобаллашуви ва ахборотлашуви жараёнларининг кучайышпен ҳисобға олиб ривожланади ва шунга мөс ўзғаришларни амалга оширади. Бу янги тенденциялар экология иқтисодиёти амалиёттеги замонавий концептуал ёндашувлар да тоялар асасынан, институционал назария, экологик-иқтисодий таҳлилни ҳам күштеп ўрганилади ва ҳаётта тағбиқ этилади.

Шундай қылыш, амалий экология иқтисодиёти назария да асасын тояларни да илөөр тажрибаларни экологик-иқтисодий инструментлары ва механизмлар орқали амалиётта жорий этишини билдиради. Экологик-иқтисодий инструментлар да механизмлар бошқарувнинг турли иерархияси даражасида миллий макроиқтисодиёт, министралар да вилоятлар, тумандар, корхоналар, шунингдек, давлатлараро бирлашмалар, уюшмалар глобал иқтисодиёттеги күлланиллади.

Амалий экология иқтисодиёти инструментлари да механизмлари жиiddий равишида корхоналар, ташкилотлар, умуман, табиатдан фойдаланувчиларнинг атроф-мухит мухофазасига, табиий ресурсларни тежаш, ишлаб чиқарып жараёнлари да улар ишлаб чиқарған маҳсулотлар, күрсатадиган хизматларнинг экологик хавфсизлігига экологик-иқтисодий муносабатларнинг характеристикин белгилаб беради. Шунга мұвофиқ амалий экология иқтисодиёти күп жиҳатдан экологик муаммолар ечими са-

марадорлигининг, ҳозирги ишлаб чиқаришга хос бўлган экологик хавф-хатарни минималлаштиришнинг, ҳозирги ва келажак авлодлар учун атроф-муҳит сифатининг сабабий боғланишларини аниқлашга имкон беради.

Амалий экология иқтисодиёти ўз амалиётida халқаро даражада келишилган атроф-муҳит муҳофазасини, табиатдан фойдаланиши ва уни муҳофаза қилишини бошқариш принципларига асосланади. Шундай принципларга «ифлослантирувчи тўлайди», «фойдаланувчи тўлайди», барқарор ривожланиши талаблари, эҳтиёткорлик, мумкин бўлган технологиядан энг яхшисини қўйлаш, ифлосланишнинг олдини олишни рағбатлантириш, экологик самарали тадбирларни рағбатлантириш, барқарор экологик ривожланишига ёндашувларни оптималлаштириш ва бошқалар киради. Бу принципларнинг кўпчилиги кўйлаб мамлакатларнинг миллӣ табиат муҳофазаси қонунларига ажралмас таркибий қисм сифатида киритилган.

Амалий экология иқтисодиётининг барча инструментлари ва механизmlарини қўйлаш кўп жиҳатдан аниқ мақсадга қаратилган экологик-иқтисодий сиёсат ва щунга мос ташкилий-хуқуқий қўйлаб-қувватлашга, унинг воситаларидан самарали фойдаланишга боғлиқdir. Бир томондан экологик-иқтисодий сиёсат асослари экология, экология иқтисодиёти фанлари доирасида ишлаб чиқлади, бошқа томондан эса экология иқтисодиёти амалиёт экологик-иқтисодий сиёсат воситаларига асосланиб, ўз мақсад ва вазифаларини амалиётга жорий этади. Шу сабабдан экологик-иқтисодий сиёсат инструментлари ва механизmlари билан амалий экология инструментлари ва механизmlари бир-бирига боғлиқ, улар бир-бирига ўхшашидир.

Ҳозирги амалий экологик иқтисодиётида экологик-иқтисодий тартибга солиш ва рағбатлантиришнинг қўйидаги инструментлари турлари қўйланилади.

1. маъмурий назорат инструментлари;
2. экологик-иқтисодий инструментлар;
3. матнавий-этика таъсири ва ишонтириш инструментлари.

Улар ўзаро боғлиқликда амалий экология иқтисодиёти инструментларининг яхлит тизимини ташкил этади. Ушбу инструментларнинг таърифи навбатдаги бобларда берилган.

10.2. Ўзбекистонда экологик иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари

Экологик-иқтисодий сиёсат иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос тури ва йўналишидир. Экологик-иқтисодий сиёсат – давлатнинг табиий муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланиши,

уларни саклаш, асраш, муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан фойдаланишга асосланган ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбослаш ва истеъмол соҳаларида мақсадга мувофиқ йўналтирилган тадбирлар тизимишир. У мамлакатнинг экологик-иқтисодий манфаатларини акс эттиришв ва экологик хавфсизликни мустаҳкамлашга йўналтирилиши лозим.

Экологик-иқтисодий сиёсат экологик-иқтисодий муаммаларни ечишининг мақбул вариантини ва уларни ҳаракатга келтирадиган механизмларни топиш билан шуғулланади.

Экологик-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қўйидаги асосий принципларга асосланади:

- сиёсий ва иқтисодий қарорларни қабул қилиш жараёнида атроф-муҳит ва ривожланиш масалаларини ҳар томонлама ҳисобга олиш;

- атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчилик ва экологик стандартлар талабларига амал қилиш;

- иқтисодиёт ривожланишини ислоҳ қилишда ва тадбиркорлик фаолиятида атроф-муҳит муҳофазаси шарт-шароитларига амал қилиш;

- атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ бўлган харатжатларни қоплиш учун иқтисодий воситалар ва инструментлардан фойдаланиш;

- атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро муносабатларни ривожлантириш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси»га (1998 йил) мувофиқ экологик-иқтисодий сиёсатнинг қатор йўналишлари амалга оширилаётir. Бу сиёсатнинг асосини «қўшалоқ фойда» берадиган, яъни ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан афзалликлар берадиган чора-тадбирлар ташкил этади. Бунда, энг аввало, республика экологик-иқтисодий муаммоларининг яхлит манзарасини, уларни қелтириб чиқарадиган сабаблар ва кузатилаётган салбий оқибатларнинг тармогини аниқлашга ва шу асосда тадбирлар тизимини белгилашга асосий эътибор қаратилади. Атроф-муҳит муҳофазасининг амалий тадбирларида тез ва юқори иқтисодий фойда ва экологик самара берадиган (масалан, корхоналарда саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, илғор технологияларга ўтиш, бошқарув методларини яхшилаш в бопқалар) ёки кўпроқ экологик натижаларга эришиш учун катта харажат талаб қилмайдиган (масалан, корхоналарда оқова сувларини дастлабки тозалаш ёки чангларни ушлаб қолиш) лойиҳаларига афзалик берилади.

Республикада экологик-иқтисодий сиёсатнинг қўйидаги воситаларидан унумли фойдаланишга катта аҳамият берилаетир.

- атроф-мухит сифати стандартларини белгилаш ва уларни қўллашнинг аҳамиятини ва маъжбурлигини қучайтириш;

- қишлоқ хўжалик секторида экологик муаммоларни тармоқ сиёсати воситаларида ҳал этиш ва ресурсларни тежашни изчилик билан амалга ошириш (қишлоқ хўжалик ерларида дехқончилик қилишнинг тупроқни муҳофаза қилиш тизимини жорий этиш, ердан ва сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш ва чуқурлаштириши, солиқ сиёсатида тупроқ унумдорлигини ҳисобга олиш ва бошқалар);

- саноат секторида муҳитни ифлослантирганик учун ҳақ тўлашни ва бошқа иқтисодий воситаларни самарали қўллаш;

- аниқланмаган ифлослантириш манбаларини назорат қилиш (қишлоқ хўжалик зовури, майший оқава сувларини марказлаштирилмаган ҳолда ташлаб юбориш ва йўл транспорти);

- келтирилган зарар учун экологик-иқтисодий жавобгарликни кучайтириш;

-аҳолининг яшаши учун қулай шароитлар яратиш, табиий ресурслардан тежаб фойдаланиш, биосферанинг маҳсулдорлик имкониятларини сақлаб қолиш тадбирларини амалга оширишни рағбатлантириш.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида экологик-иқтисодий сиёсат стратегиси ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари ва атроф-мухитнинг норматив сифати бирлигини ва ўзаро таъсирини таъминлашга йўналтирилиши керак. Шу муносабат билан ҳозирги иқтисодиётга хос бўлган ички ялпи маҳсулот бирлигига хом ашё, ёқилғи-энергетика ва бошқа моддий ва табиий ресурсларнинг катта сарфини ҳамда маҳсулотнинг юқори материал, энергия ва сув сарфини камайтириш экологик-иқтисодий сиёсатда муҳим ўринни эгаллаши лозим. Булар хўжалик фаолиятини узлуксиз экологизациялаш, табиатдан рационал фойдаланиш ва унинг экотизимларини сақлаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш сиёсатини изчил амалга ошириш билан узвий боғлиқdir.

Экологик-иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналиши табиатдан фойдаланишини тартибга солишининг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги хуқуқий ва иқтисодий механизmlарини шакллантириш ҳисобланади. Улар экологик-иқтисодий сиёсатнинг қуйидаги йўналишларини ўз ичига олади:

◆ табиатдан фойдаланиш режими (тартиби)нинг экологик чекловлари ва регламентациялар тизимини такомиллаштириш;

◆ технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни халқаро стандартларга ўтказиши;

♦ экологик талабларга жавоб берадиган техника ва технологияларни жорий этишни, ресурслар ва энергияни тежашни давлат солиқ, кредит ва баҳо сиёсати воситалари билан иқтисодий рағбатлантириш;

♦ хўжалик ва бошқа фаолият дастурлари ва лойиҳалари ни амалга оширишда атроф-муҳитга таъсирни экологик экспертиздан ўтказишни ва баҳолашни таъминлаш;

♦ экологик характердаги ишлар ва хизматлар бозорини шакллантириш, экологик тадбиркорликни ривожлантириш ва бопқалар.

Бу йўналишларни амалга ошириш Ўзбекистонда экологик-иқтисодий вазиятни барқароролиширишга ва соғломлаштиришга хизмат қилади.

10.3. Амалий экология иқтисодиётининг глобал муаммолари

XX асрнинг охирги чорагида глобал экологик муаммоларнинг кескинлашуви улар ечимини топишда рационал ёндашувларни топишнинг аҳамиятини оширди. Экологик неъматларнинг глобал-ижтимоий характеристи атроф-муҳитни муҳофаза қилишда бозор ёндашувларини қўллашни тақазо этади. Шу муносабат билан амалий экология иқтисодиёти учун қуйидаги глобал муаммолар муҳим аҳамиятга эга: 1) атроф-муҳитни ифлослантириш ҳуқуқини сотиб олиш – сотиш; 2) иқлимининг глобал исиши ва унинг Киото протоколи доирасидаги ечими; 3) Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) фаолиятининг экологик аспектлари.

Атроф-муҳитни ифлослантириш ҳуқуқини сотиб олиш – сотиш атроф-муҳитни муҳофаза қилишни бозорга мўлжаллаш ва унинг ассимиляция потенциалидан фойдаланишини рационализациялаш ёндашувига асосланади. Бу ёндашувни биринчи марта Т.Крокер ва Я.Далес тавсия этган ва у АҚШ Конгресси 1970 йилда қабул қилган «Тоза ҳаво тўғрисида» Актига киритилганди. Ҳозирги вақтда ифлослантириш ҳуқуқи савдоси атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг иқтисодий инструменти сифатида Йқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиши ташкилотининг қатор аъзолари томонидан қўлланилади (АҚШ, Австралия, Канада, Швеция). Бундай савдо иқтисодиёти турли секторларининг хилма-хил корхоналари томонидан табиий муҳит ифлосланиши жараёнларини тартибга солиш учун қўлланилади.

Атроф-муҳитни ифлослантириш манбалари ҳисобланган корхоналарга индивидуал эмиссия нормативлари – чиқармаларга рухсат (оқавалар, чиқиндиларни жойлаштириш) хабар қилинади.

Мұхитни ифлослантирувчи корхоналарнинг әмиссия нормативларига риоя қилиш атроф-мұхиттің сифатини тегишили мінтақавий (регионал) стандартларга әришишини таъминлаши керак. Корхоналарга регионал экологик стандартта риоя қилиш доирасыда ифлослантириш хұқуқини айрибошлашға (сотиш ва со-тиб олиш) хұқуқ берилади. Мұхитни ифлослантириш хұқуқини айрибошлаш натижасыда үзігін хос бозор баҳоси келиб чиқади. Бозор мезанизмларидан фойдаланиш энг самаралы табиат мұхофазаси технологиясига әга бұлған компанияларға мұхитни ифлослантириш хұқуқини түйлапташға имкон беради ва шундай қилиб атроф табиий мұхиттің зарурый сифатига әришиш учун сарфланадыган экологик қаржатлар сезиларлы даражада тежалади.

Иқлимининг исиши ҳозирги замоннинг глобал характерга әга бұлған энг кескин муаммолари қаторига киради. Иқлимининг глобал исишига сабаб бұладыган асосий иссиқхонали газларига углерод диоксиди, метан, азот қала оксиди, гидрофтогеродлар, перфтоуглеродлар, олтингуттурт гексафториди киради. Лекин иссиқхонали газларнинг асосийсі углерод диоксиди (CO_2) бўлиб, унинг 80% атмосферага антропоген тушиши органик ёқилғини ёқиши билан боғлиқдир.

Иқлимининг глобал исиши муаммоларини ечиш механизмларини топишга БМТнинг атроф-мұхит ва ривожланишга бағытланған конференциясыда (Рио, 1992) катта ахамият берилди. Ушбу конференцияда имзоланған «Иқлимининг ұзарышты түғрисида» БМТнинг доиравий конвенцияси күчга киргандан кейин бу муаммони ечиш, келишиш ва амалга ошириш бөсқичига үтилди. Бунга энг аввало 1997 йилда Киото шаҳрида (Япония) келишилгандықтан Киото протоколи хизмат қиласы. Бу протоколга мувофиқ ривожланған давлатлар, ұтқинчи иқтисодиёт давлатлари 2008 йилдан 2012 йилгача иссиқхонали газларни чиқаришни камайтириш мажбуриятларини олдилар. Бундай қисқартириш АҚШ учун 1990 йилдагига нисбатан 7%, Европа Иттифоқи мамлакатлари учун 8% бўлиши керак. Ҳозирга қадар ушбу протоколни 84 давлат имзолаган.

Киото протоколини бажарып механизми ва унда қўйилған мақсадларга әришиш, энг аввало, ҳар бир мамлакатда энергияни тежаш, энергетика күвватларини технологик янгилаш, транспорт әмиссиясини қисқартириш, ғұрмонларни тиклаш дастурини амалга оширишга асосланған. Протокол давлатлараро үзаро таъсир инструменти ҳисобланади ва биргаликда амалга ошириладыган лойихаларни, тоза ривожланиш лойихаларини үз ичига олади.

Киото Протоколи глобал экологик муаммоларни ҳал этишининг ва халқаро ҳамкорликни ташкил қылышнинг янги механизмидир.

Ўзбекистонда атмосферани ифлослантиришдан мухофаза қилиш 1999-2005 йилларга мўлжалланган «Атроф-муҳит мухофазаси бўйича ҳаракат дастури»да асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек, атмосферага иссиқхонали газларни чиқаришни камайтириш бўйича энг кўп самарани иссиқхонали (парниковый) газлар эмиссиясини камайтириш бўйича стратегия ва дастурни, 2010 йилгача даврда Ўзбекистон энергетикасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш жараёнида олиш мўлжалланаётир. Бунда энг мухим тадбирлар энергияни тежаш, бирламчи энергия ресурсларининг солиштирма истеъмолини камайтириш, энергиянинг тикланадиган ресурсларидан фойдаланишини кенг қўллаш, мини ГЭСларни қуриш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш тадбирлари киради.

Ўзбекистон атмосферани мухофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш доирасида ва БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланишига бағишлиланган конференцияси (Рио, 1992) қарорларига тарафдорлигини ифодалаб, қўйидаги хужжатларни имзолади: 1993 йилдаги БМТнинг иқдимнинг ўзгариши бўйича доиравий конвенцияси; 1995 йилдаги озон қатламини мухофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси; озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколи, Монреал протоколига Лондон ва Копенгаген тузатишлари; 1999 йилдаги Киото протоколи.

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) 1995 йилда ташкил топган бўлиб, унга дунёнинг 150 давлати аъзо бўлиб кирган, яна 30 давлат кузатувчи статусга эга ва улар ушбу ташкилотга кириш шароитини келишиб олишнинг турли босқичларида турибди.

ЖСТ доирасида экологик талаблар ва уларни амалга ошириш инструментлари асосан маҳсулот сиёсати билан боғлиқдир. Улар ушбу ташкилот ишлашининг умумий принципларига бўйсунади (мумкин кадар кулай режим яратиш, миллий режим – ҳамма аъзолар учун бир хил қулайлик, ҳаққоний рақобат, савдони эркинлаштириш, савдо режимишнинг аниқлиги ва олдиндан айтиш мумкинлиги принциплари).

ЖСТ доирасидаги экологик сиёсатда маҳсулотларнинг барча экологик цикллари ва иқтисодий босқичлари – зарур хом ашёни қазиб олиш ва тайёрлашдан маҳсулотни ишлаб чиқаришгача, уни ташиш, ундан фойдаланиш ва навбатдаги утилизациялашгача ҳисобга олинади.

Қисқача хуросалар

Хозирги экология иқтисодиёти амалиёти ушбу фаннинг фундаментал назарий гоялари ва концепцияларига асосланади. Амалий экология иқтисодиёти назария ва асосий гояларни ва илғор тажрибаларни экологик-иқтисодий инструментлар ва механизmlар орқали амалиётга жорий этишни билдиради. У халқаро даражада келишилган атроф-муҳит муҳофазасини, табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни бошқариш принципларига асосланади.

Амалий экология иқтисодиётининг барча инструментлари ва механизmlарини қўллаш кўп жиҳатдан аниқ мақсадга қаратилган экологик-иқтисодий сиёсат ва шунга мос ташкилий-хуқуқий қўллаб-қувватлашга ва унинг воситаларидан фойдаланишга боғлик. Амалий экология иқтисодиётида қўйидаги инструмент турлари қўлланилади: 1) маъмурӣ-назорат; 2) экологик-иқтисодий; 3) маънавий этика таъсири ва ишонтириш.

Экологик-иқтисодий сиёсат иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос тури ва йўналишидир. У давлатнинг табиий муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни сақлаш, асрар, муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан фойдаланишга асосланган ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрбошлиш, истеъмол соҳаларида мақсадга мувофиқ йўналтирилган тадбирлар тизимиdir. У маълум принципларга асосланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси»га мувофиқ экологик-иқтисодий сиёсатнинг қатор йўналишлари амалга оширилаётir. Унинг муҳим йўналиши табиатдан фойдаланишни тартибга солишнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги хуқуқий ва иқтисодимӣ механизmlарини шакллантириш ҳисобланади.

Амалий экология иқтисодиётининг энг муҳим глобал муаммоларига қўйидагилар киради: 1) атроф-муҳитни ифлослантириш хуқуқини сотиш – сотиб олиш; 2) иқлимининг глобал исиши ва унинг Киото протоколи доирасидаги ечими; 3) жаҳон савдо ташкилоти фаолиятининг экологик аспектлари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Амалий экология иқтисодиёти нима? У нимага асосланади ривожланади?
2. Амалий экология иқтисодиёти қандай принципларга асосаланади?
3. Амалий экология иқисодиёти қандай инструменти турларини биласиз?
4. Экологик-иқтисодий сиёсат нима?
5. Экологик-иқтисодий сиёсатнинг асосий принциплари ни тушунтиринг.
6. Ўзбекистонда экологик-иқтисодий сиёсатнинг қандай воситаларидан фойдаланилади?
7. Экологик-иқтисодий сиёсатнинг қандай механизмларини биласиз?
8. Амалий экология иқтисодиётининг қандай глобал муаммолари бор?
9. Ифлослантириш хуқуқини сотиш – сотиб олиш қандай амалга оширилади?
10. Иқлиминг исиши ва Киота протоколи хусусиятларини билиб олинг.
11. Жаҳон савдо ташкилоти доирасида қандай экологик талаблар қўйилади ва улар қандай инструментлар воситасида амалга оширилади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов. И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолати. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар. – Т.: «Адолат», 2002.
3. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат ревяси. – Т., 1998.
4. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использование природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 2002.
5. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на XXI век. - Т., 2002.
6. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник. - М., 1998.
7. Бобилев С.М. Экологизация экономического развития. Учебное пособие. – М.: изд-во МГУ, 1993.
8. Гирусов и другие. Экология и экономика природопользования. – М., 2003.
9. Наше общее будущее. Доклад международной комиссии по окружающей среде и развитию. – М.: «Прогресс», 1989.
10. Программа действий. Повестка дня на XXI век и другие документы конференции в Рио-де-Жанейро. Женева: Центр за наше общее будущее, 1993.
11. Экологическая экономика . – М.: «Евроазия», 1994.

АМАДИЙ ЭКОЛОГИЯ ИҚТISODIЁТИНИНГ МАЪМУРИЙ-НАЗОРАТ БОШҚАРУВ ИНСТРУМЕНТЛАРИ

11.1. Экологик-иқтисодий бошқарувнинг маъмурий-назорат инструментлари таркиби

Экологик-иқтисодий бошқарувнинг маъмурий-назорат инструментлари юридик (корхоналар, ташкилотлар) ва жисмоний шахсларнинг экологик-иқтисодий фаолияти натижаларига ушбу шахслар амал қилиши ва эришиши керак бўлган мақсадлар, стандартлар, регламентларни қонунлар ва бошқа тартибга солиш воситаларини қўллаш орқали бевосита таъсир кўрсатишга мўлжалланган.

Экологик-иқтисодий бошқарувнинг маъмурий-назорат инструментлари куйидаги таркибий қисмлардан иборатdir:

1. Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги давлат бошқаруви органлари тизими.
2. Табиат муҳофазаси қонунчилиги (экологик қонунчилик).
3. Экологик мониторинг.
4. Экологик стандартлар ва нормативлар.
5. Хўжалик фаолиятини лицензиялаш.
6. Экологик сертификация (маркировкалаш).
7. Экологик экспертиза.
8. Экологик-иқтисодий режалаштириш, мақсадли дастурлар.
9. Экологик аудит.

Бу инструментлар қаттиқ ричагли (2, 4-6 рақамда берилгандар) ва юмшоқ тартибга солиш (бошқа қолган номердагилар) инструментларига бўлинади. Уларнинг таърифи навбатда-ги параграфларда берилган.

11.2. Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги давлат бошқаруви органлари тизими

Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича давлат органлари ваколатлари, вазифалари ва функцияси 1992 йилда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган.

Ўтмишда тоталитар социалистик давлатнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг марказлашган давлат тизими хукмронлик қилган. Табиатдан фойдаланиш жараёнини буйруқ-

бозлиқ билан бошқариш табиат ва жамият қонунларининг объектив ҳаракатига қарши бўлиб, керакли натижаларни бермади ва балки мутлақо тескари оқибатларга олиб келди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда давлат бошқарув тизими табиатдан рационал фойдаланишни иқтисодий рафбатлантирадиган қўйидаги тартибларни амалга ошириши керак: табиатдан фойдаланишга илмий асосланган баҳолар ва тўловларни белгилаш; самарали солиққа тортиш тизимини жорий этиш.

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг давлат бошқаруви иқтисодий ва экологик-иктисодий тизимларини тартибга солиш орқали амалга оширилади. Агар мамлакатнинг иқтисодий тизимларини тартибга солиш янги иқтисодий муносабатларни тақрор ишлаб чиқаришга давлатнинг бошқарув таъсирини ифодаласа, экологик-иктисодий тартибга солиш эса экологик-иктисодий тизимларни қўллаб-куватлаш ва уларнинг самарали ишлashingiga нормал шароит яратиш учун зарур экологик-иктисодий муносабатлар ва тартиблар мажмуаси ҳисобланади.

Экологик-иктисодий тизимларнинг давлат томонидан тартибга солиниши илмий асосланган ва табиий-экологик қонунларнинг ялпи таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки уларнинг таъсири механизмини бузиш экологик баланснинг бузилишига олиб келади. Масалан, экологик баланснинг ҳатто 10% га бузилиши экотизимларни хавфли ҳолатта олиб келади. Бунда улар яхлитликни сақлаб қолса ҳам, ҳар қандай пайтда қайтариб бўлмайдиган емирилишга учраши мумкин. Бундай бузилишлар ҳозирги вақтда кўплаб экотизимларда кузатилаётir.

Экологик-иктисодий тизимларнинг давлат бошқаруви ва тартибга солиши қўйидаги принципларга асосланади:

1. Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини давлат тартибга солининг қонунийлиги принципи. Давлат ва ижтимоий ташкилотлар, мансабдор шахслар, давлат ва унинг органлари қонун талаблари асосида ҳаракат қиладилар.

2. Атроф-муҳит муҳофазасининг устиворлиги принципи. Бунда экологик тизимларни сақлаш манфаатлари хўжалик манфаатларига нисбатан биринчи ўринда туради.

3. Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини давлат тартибга солининг режалилиги принципи. Бу принципга мувофиқ табиатдан фойдаланишни тартибга солининг энг муҳим тадбирлари режаларда мустаҳкамланиши ва улар тасдиқлангандан кейин мажбурий кучга эга бўлиши керак. Режалар ва дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижалари устидан доимий назорат ўрнатилиши лозим.

4. Давлат тартибга солишини маҳаллий ўз-ўзини бошқарув тизими тизими билан боғлаб олиб бориш принципи. Бу принцип фуқороларни табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни тартибга солиш ишларига максимал қатнаштиришини назарда тутади.

Табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишни давлат тартибга солиш органлари тизимини уларнинг ваколатлари бўйича умумий тармоқлараро ва тармоқлар органларига бўлиш мумкин.

Умумий ваколатли органларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси киради. Табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш уларнинг маҳсус функцияси ҳисобланмайди, лекин улар қабул қилган қарорлар мамлакатнинг барча фуқаролари, турли ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, туманлар, вилоятларга, Қорақалпоғистон Республикасига тааллуклади. Тармоқ бошқарув органлари умумий ваколатли органлардан фарқ қилиб, улар маълум табиат объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни давлат тартибга солини функциясини бажаради. Шундай органларга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мисол бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда атроф-муҳитни бошқаришнинг қўйидаги тизими амал қилмоқда:

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси (парламент) табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатининг ҳамда ушбу соҳада муносабатларни тартибга солишининг асосий йўналишларини белгилайди, давлат экологик дастурларини тасдиқлайди, қонун хужжатларини қабул қиласи ва табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Худудларни фавқулодда экологик вазият, экологик фалокат ва экологик оғат минтақалари деб эълон қиласи, бундай минтақаларнинг хуқуқий тартиботини ҳамда зарар кўрганларнинг мақомини белгилайди. Олий Мажлис табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ олишининг энг кўп — кам ҳажмини, шунингдек, тўловдарни ундириб олишдаги имтиёзларни белгилаиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти экология муаммолари юзасидан стратегик қарорлар қабул қиласи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига раҳбарлик қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини амалга оширади, экология соҳасидаги давлат дастурларини қабул қиласи, уларнинг бажарагишини назорат қиласи, табиий ресурсларни ҳисобга олиш

ва баҳолашни ташкил этади. Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида куйидагича белгиланган:

- табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритиш;
- табиат ресурсларидан фойдаланиши тартибга солиш;
- табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгиловчи ўв бундай кадастр юритилишини таъминлаш, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг заҳираларини тасдиқлаш;
- экологик жиҳатдан танг вазиятлар, табиий оғатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- табиий оғатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тузатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф-муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндилар, заарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташланганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек, ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;
- экология маорифи ва тарбияси тизимини яратиш ва амал қилишини таъминлаш;
- табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш.

Атроф табиий муҳитни давлат бошқаруви Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва маҳаллий ҳоқимият органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиши бўйича бош ижро этувчи орган Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлиб, у бевосита Олий Мажлисга бўйсунади.

«Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом»га (2000) мувофиқ унинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиши ва уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш;
- табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш, экологик вазиятни соғломлаштириш.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда, маъмурий туман ва шаҳарларда табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари (инспекциялари)дан иборат минтақавий тузилмаларга эга.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қиласан қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар учун мажбурийдир.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан ташқари табиат муҳофазаси давлат назорати Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, Соғлиқни Сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастрлари бош бошқармаси зиммасига юклатилган.

Атроф-муҳитнинг ҳолати ҳақида қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқболларни белгилаш Иқтисодиёт вазирлиги, табиатдан фойдаланишининг статистика базасини ривожлантириш Статистика давлат қўмитаси зиммасига юклатилган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиши бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тадбирларига қўйидагилар киради:

- табиатдан фойдаланиш бўйича турли ҳукумат ва жамоатчилик институтлари ўртасидаги жавобгарликни аниқ чегаралаб қўйиш ҳамда маҳаллий ҳокимият, жамоатчиликнинг ролини кучайтириш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги бошқарув вазифаларини марказдан жойларга беришни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш;

- сув ресурсларини муҳофаза қилиш самараదорлигини опириш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида ҳавзалар бўйича бошқариш тизимига ўтиш;

- жамоатчиликни қарорларни муҳокама қилиш, қабул қилишга ва айниқса маҳаллий даражада экология чора-тадбирларини амалга оширишга жалб этиш.

11.3. Табиат муҳофазаси қонунчилиги

Ўзбекистон Республикасининг табиат муҳофазаси соҳасидаги қонунчилиги ҳалқаро эътироф этилган принципларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Улар яратилган ишлаб чиқариш муносабатлари тизимини ва бу тизимларнинг мамлакат табиий-экологик тизимлари билан ўзаро таъсирини ва нор-

мал алоқаларнинг доимий ҳаракати билан ўзаро ишлашини қўл-лаб-қувватлашни таъминлайди.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг хуқуқий асоси яратилган ва муттасил тағомиллаштириб борилмоқда. Ҳозирга қадар табиатдан фойдаланувчиларнинг муносабатларини тартибга соладиган ҳамда экологик жиҳатдан хавфсиз фаолият мезонларини белгилайдиган 100 дан ортиқроқ қонунлар ва шу қонунлар асосидаги хужжатлар қабул қилинган.

Атроф-муҳитни муҳофаза килишининг қонунчилик асослари табиат муҳофазаси қонунчилиги иқтисодий фаолиятининг турли томонларини тартибга соладиган хуқуқий нормаларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантирилаётir. Бунда атроф-муҳитта таъсири бахолаш институтига алоҳида аҳамият берилаётir.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни табиий муҳит шароитни сақлаш ва унинг ресурсларидан рационал фойдаланишининг хуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини ўрнатадиган асосий қонунчилик хужжати ҳисобланади. Ҳозирги вақтда республикада қуидаги қонунлар ва шу қонунлар асосидаги хужжатлар амалда қўлланилмоқда: «Табиатни муҳофaza қилиш тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Ер кодекси», «Ер ости бойликлари тўғрисида», «Ўрмонлар тўғрисида», «Алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар тўғрисида», «Ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», «Атмосферани муҳофаза қилиш тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг радиация хавфсизлиги тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида», «Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида», «Давлат қадастрлари тўғрисида», «Норматив-хуқуқий актлар тўғрисида», «Аҳоли ва худудларни табиий техноген ҳарактердаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоялаш тўғрисида» ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг табиат муҳофазаси қонунчилиги тўртта даражага эга:

- қонунлар;
- хукумат нормативлари;
- вазирликлар ва идораларнинг норматив актлари;
- маҳаллий бошқарув органдарининг норматив қарорлари.

Ушбу тизимнинг чўққиси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлиб, унда аҳолининг қулай атроф-муҳитга хуқуки эълон қилинган, табиат муҳофазаси ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш тўғрисидаги қоидалар ифодаланган.

Ўзбекистоннинг асосий экологик қонуни «Табиатни муҳо-

фаза қилиш түғрисида»ги қонун ҳисобланади. Унинг 11 бўлимида Ўзбекистон Республикаси худудида инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирининг асосий масалалари ифодаланган. Қонуннинг 53-моддаси қоидалари бошқа табиат муҳофазаси норматив актларининг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Биринчи бўлимда умумий қоидалар, иккинчи бўлимда давлат ҳокимияти ва бошикарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли хуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, учинчى бўлимда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари, тўртинчи бўлимда атроф табиий-муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш, бешинчى бўлимда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш, олтинчи бўлимда экология экспертизаси, еттинчى бўлимда экологик назорат, саккизинчى бўлимда табиат муҳофазасини таъминлашнинг иқтисодий чора-тадбирлари, тўққизинчى бўлимда фавқулодда экология вазиятлари, ўнинчى бўлимда хўжалик фаолияти ва бошқа йўсингдаги фаолиятга доир экология талаблари, ун биринчи бўлимда табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганилик учун жавобгарлик, табиатни муҳофаза қилишга оид низоларни ҳал этиш биён қилинган.

Ушбу қонун табиат муҳофазаси қонунчилигининг яхлит тизимини яратишга асос ҳисобланади. Бунда экологик қонунларни такомиллаштириш иши ҳам мавжуд реаллик талабларига мувофиқ мавжуд қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўлидан, ҳам ҳаёт талабларига мувофиқ янги қонунларни ишлаб чиқиш йўлидан ривожланиб бориши керак.

11.4. Экологик мониторинг

Экологик мониторинг атроф табиий муҳит ва унинг ресурслари ҳолатини маълум дастур асосида мунтазам қузатиш, баҳолаш, прогнозлаш (башоратлаш)нинг маълум тизими бўлиб, экологик-иқтисодий бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнларини ахборот билан таъминлашга хизмат қиласди. У антропоген фаолият таъсирида атроф-муҳит ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлашга ва тегинли тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради.

«Мониторинг» тушунчаси лотинча «monitor» - қузатувчи, огоҳлантирувчи (елканли кемада олдинга боқиб, шароитни аниқлаб бериш учун белгиланган матрос шундай ном билан аталган) сўзларидан тузилган.

Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинг тизими Ўзбе-

кестен Республикасы худудында атроф табиинің мухиттінг ҳолаты ва уннинг ресурсларини күзатын, ҳисобға олған, уларға бағыт берінің үларнинг истиқбөліктерін белгиләннеші таъминданыш маңаңдауда таш-кил этилған. Дағлат мониторинг тизими атроф-мухит ҳолатиниң ва унда содир бұлаёттаған физик, кимёвий, биологик жарайайларини, атмосфера хавосы, тундроқ, сув объектілериниң ифлюсациянын жа-райениниң күзатады, уннинг оқыбаттарын үсімдік, ҳайвонот оламында күрсегендеган таъсирин анықтайды, манбаатдор тапкырлар да ахолиниң атроф-мухиттеги үзгариштар түргисидеги жорий ва шо-нилиниң ахбороттар билан таъминлады.

«Табиатин мухофаза қылыш ҳақыда» 1992й. қонуу талаб-
ларига мувофиқ атроф табиий мүхитининг ҳолати, табиий ресур-
слардан фойдаланини устидан күзатув маңсус ваколат берилг-
ган идоралар (гидрометеорология хизмати ва бошкылар), шу-
ниндегөк, фаолияти атроф табиий мүхитининг ҳолатинии ёмон-
лаштырадиган ёки ёмонлаштыриши мүмкүн бўлган корхоналар,
тапкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

Мониторинг характерига, күзатув методлари ва мақсадла-
рига жүра күп турларга бүлиниади. Ифлосланишнинг түр-
тта турига мувофиқ глобал, миллий, минтақавий, маҳаллий мониторинглар ажратиласиди.

Глобал (биосфера) мониторинг ҳалқаро ҳамкорлик асосида амалга оширилади ва у Ерининг барча табиий тизимлари ҳозирги ҳолатини баҳоланига имкон беради. Қузатувларин Ер шарининг турли минтақаларидағы база станциялари (30-40 та куруулуктардагы ва 10 даи күнпроқ океанлардаты) олиб боради. Улар биосфера күрикхоналарыда ҳам жойлашған.

Миллий мониторингийн айрым давлатлар миқёсіда маңаусыз түзилгап органлар амалға оширады.

Минтақавий мониторинг станциялар тизими хисобида амалга оширилдади.

Махаллай мониторинг нақар зоналари, саноат ва қынжык хұйқалық районлари, айрим корхоналарда ҳаво мухитиниң күзтілік учун түрғуны, ҳаракатдагы постлар томониңдан амалға оинрилады.

Миллий мониторинг тизими уч түрни ўз ичига олади: санитария-гигиена мониторинги, экологияк мониторинг, иқдім мониторинги. Улар учта ассоция функцияларынан бағдаралады: атроф-мухит холатини күзатып, уннан холатини бағдарлап да башпоратады.

Табиаттнн мухофаза қызин давлат күмітаси таҳлилдій назорат давлат инспекциясы ҳозирғи вақтда республикамиздинг ҳаво мұхиты, турорқ ва очиқ сув ҳавзалари яғона мониторинг тизимини барыңнн ишларини аманды ошираетир. Унион

асосий фаолияти ифлослантириш манбалари мониторинг дастурини амалга оширишга йўналтирилган.

Мониторинг тизимини янада такомиллаштириш мунтазам кузатувларниң технологик даражасини такомиллаштириш (на-муналар олиш, ўлчовларниң аниқлиги таҳлилларининг сифати ва бошқалар) йўлидан ҳам, мониторинг тармоғини кенгайтириш, аниқ ва ноаниқ ифлослантириш манбаларини (коллектор-зовур сувлари, маиший оқава сувларини марказлаштирилмаган ҳолда ташлаб юбориш, йўл транспорти) тўлиқроқ қамраб олиш йўлидан ҳам бориши керак.

11.5. Экологик стандартлар ва нормативлар

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш учун қўлланиладиган стандартлар ва нормативлар тизими атроф табиий муҳит сифатига қўйиладиган чеклашлар ва талабларнинг ўзаро боғлиқ комплекси, шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқариш - технологик ва ташкилий - башқарув жараёнларига талаблар бўлиб, улар воситасида аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг экологик ҳавфсизлиги қафолатланади, генетик фондни сақлаш, шунингдек, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши шароитида табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, уларни такрор ишлаб чиқариш таъминланади.

Турли мамлакатларда у ёки бошқа жузъий ўзгаришларда қўлланиладиган экологик стандартлар таркибига қўйидагилар киради:

- ифлослантиришнинг турғун (стационар) ва ҳаракатдаги манбалари чиқарадиган (ташлаб юборадиган) ифлослантирувчи моддаларига норматив ва лимитлар;
- чиқиндилар (захарли чиқиндилар) нинг шаклланиши ва жойлашиши нормативи;
- сув олиш ва ўрмондан фойдаланиш лимитлари;
- биоресурсларни олишга квоталар;
- алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни бориб кўриш (ташриф этиш) нормативлари;
- ов ҳайвонларини овлаш, ёввойи ўсимликларни йиғиши нормалари;
- конкрет жойларда фаолиятнинг ифлослантирувчи турларини жойлаштиришга, токсик (захарли) моддалардан фойдаланишга тақиқ.

Белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган нормативлар стандартлар сифатида иштирок этади. Ўзбекис-
242

тон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонунида атроф табиий муҳит сифатини нормативлар билан тартибга солиш бўйича маҳсус олтингчи бўлим мавжуд бўлиб, унда атроф табиий муҳит сифатининг нормативлари ва стандартлари, экологик нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби баён қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги (1992 йил) қонунинг қатор моддаларида санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига қўйиладиган талаблар берилган.

Атроф-муҳитга таъсирнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражалари (ЙҚЮД) нормативлари иқтисодий, рекреация, маданият фаолиятларининг табиий муҳитга физик, кимёвий, биологик ўзгартишлари кўрсаткичларини белгилашга асос бўлади. Атроф-муҳит сифатига таъсирнинг ЙҚЮД(рус тилида ПДК – предельно допустимая концентрация) нормативлари ва колатли давлат органлари тасдиқлаган техник нормалариdir.

Экологик нормативлар икки гурӯхга бўлинади: 1) санитария-гигиена; 2) ишлаб чиқариш-хўжалик.

Санитария-гигиена нормативлари инсон саломатлигига мувофиқ келадиган атроф-муҳит кўрсаткичларини белгилайди. У аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида хотиржамлигини таъминлаш асосининг таркибий қисмига киради. Санитария-гигиена нормативларига қўйидагилар киради: заарли моддаларнинг ЙҚЮД, радиация таъсирининг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаси (ЙҚД), шовқин тасирининг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаси.

Ишлаб чиқариш-хўжалик нормативлари заарли таъсир манбаларининг заарли моддаларни чиқариб юбориш ва ташлаш нормативлари бўлиб, улар фаолиятининг маълум бошланғич ҳолатини чеклайди. Бу категорияга атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишининг экологик талабларини ўз ичига олган технологик, қурилиш, шаҳарсозлик қоидалари киради. Йўл қўйилиши мумкин бўлган чиқармалар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар бўйича эмас, балки инвентариция асосида ташланмалар ва чиқармалар манбалари бўйича аниқланади, чунки бир корхонада бир нечта шундай манбалар бўлиши мумкин.

Йўл қўйиладиган нормативларнинг юқори даражаси – иқтисодиёт ва экология ўртасидаги мажбурий муроса, лекин у ҳам хўжаликни ривожлантиришга, ҳам аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишга имкон беради.

Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини стандартлашнинг учта асосий йўналиши бор:

1) Атроф-муҳитга юқори таъсир экологик нормативлари-

ни белгилари. Атроф-мухитта таъсир нормативлари таъсир манбаларидаш атроф-мухитта моддалар ёки энергиянинг йўл қўйинши мумкин бўлган шаклдаги миқдорда туннинини белгилайди (атроф-мухитта таъсирини ишлаб чиқини нормативлари); худудий-маъмурӣ бирликлар доирасидаги турли ҳўжалик ва боинка обьектларининг атроф-мухитта умумий таъсири миқдори (атроф-мухитта таъсириниң худудий нормативлари).

2) Экологик-ташкилий стандартларини белгилари. Бу атроф-мухитни муҳофаза қилишини ташкил этишига қўйиладиган асосий таалубларни ифодалайди. Масадан, аҳоли пунктлари хавоси сифатини назорати қоидалари муҳофаза қилини фаолиятини амалга ошириши қоидалари ҳисобланади.

3) Экологик терминология (тушунчалар)ларни стандартлантириш. У ёрдамчи аҳамиятга эга бўлиб, тушунчаларниң бир хил таъкинини ўринатишга имкон беради, улар ўз навбатида ҳам янги стандартларни ишлаб чиқшишга, ҳам мавжудларидан самарали фойдаланишига кўмаклашади.

Узбекистонда стандартлантириш ва нормативлари соҳасида қатор тадбирлар тизими амалга оширилаётir. Улар мамлакатда атроф-мухитниң юқори сифатига эршишига йўналишилган.

Узбекистонда стандартлантириш соҳасида асосий орган Стандартлантириш ва метрология бўйича давлат қўмитаси ҳисобланади. Табиат муҳофазаси ва табиии ресурслардан фойдаланиши соҳасида стандартлантириш ва метрология бўйича боин ташкилот функцияси Табиатни муҳофаза қилини қўмитасининг давлат ихтиослашиган таҳдид назорати инспекциясига (ДИТНИ) юқлатилган.

ДИТНИ табиатни муҳофаза қилини қўмитасининг структуравий бўйимлари билан биргаликда, шунингдек манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотларни жалб этиб табиат муҳофазаси соҳасида стандартлантириш бўйича методик, норматик-техник ва боинка ҳужжатларни ишлаб чиқинши амалга оширади ва уларни жорий этиши ва баъжарини назорат қилаади. ДИТНИ базасида табиат муҳофазаси ва табиии ресурслардан фойдаланиши соҳасида стандартлантириш ва метрология бўйича маълумотлар банки шаклланади, атроф-мухит муҳофазаси бўйича норматив ва методик ҳужжатлар фонди яратилиган. (Национальный доклад...2002).

Хозирги вақтда қўйидаги экологик стандартлар қўзланилади:

- атмосфера хавосининг сифати;
- иш жойларида ҳаво сифати;
- ер усти сувлари сифати;
- тунроқ сифати;

- ер ости сувлари сифати;
- озиқ-овқат маҳсулотлари сифати;
- атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқариш нормативлари;
- оқар сув манбаларига ифлослантирувчи моддаларни ташлаш нормативлари;
- чиқиндилар шаклланиши нормативлари (лимитлари).

Республика Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг маълумотига кўра, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда табиат муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида 16 та халқаро, 163 та давлатлараро, 55 та давлат, 5 та тармоқ стандартлари, 51 та Ўзбекистон Республикасининг раҳбарий хужжати амалда қўлланилмоқда.

11.6. Хўжалик фаолиятини лицензиялаш

Табиатдан фойдаланишни лицензиялаш бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётни экологик-иқтисодий бошқариш хўжалик механизмининг муҳим қисми ҳисобланади. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиий муҳитга таъсири кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хўжалик ёки бошқа фаолиятга фақат тегишли лицензия мавжудлигига йўл қўйилиши мумкин. Лицензия унинг эгасига аниқ табиий ресурс туридан маълум чегараларда олдиндан келишиб олинган талаблар ва шартларга риоя қилинганда фойдаланиш хукуқини тасдиқловчи хужжат ҳисобланади. Айрим фаодият турларини лицензиялаш ва лицензиялар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарори билан белгиланади.

Табиатдан фойдаланишни лицензиялаш — маъмурий-хукукий йўл билан экологик-иқтисодий муносабатларни тасдиқлаш, рухсат ва ваколат бериш методлари орқали тартибга солишнинг намоён бўлишидир. Табиатдан фойдаланишга лицензия ўз мөхиятига кўра, учта белгига эга бўлади: биринчидан, у табиий ресурс эгасининг ёки унинг мулкдори (фонд эгаси) актидир (харакати); иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратининг намоён бўлиши шаклидир; учинчидан, табиатдан оқилона фойдаланишни тартибга солиш воситасидир.

Лицензия фаолиятнинг ҳар бир турига берилади. Унинг амал қилиш муддати бир йил. Айрим турлар бўйича лицензия сони экологик талаблар, жойлашган ўрни ва бошқа омилларга кўра чекланиши мумкин. Лицензия талабгор аризасига мувофиқ, шу жумладан, танлов асосида берилиши мумкин. Лицензи-

ядан фойдаланишининг белгиланган тартиби бузилиши, уни бошқа шахсларга бериш, санитария, экология, савдо қоидаларини бузиш лицензияни берган орган қарорига мувофиқ бекор қилиниши мумкин. Лицензия беришга рад жавоби, лицензияга хуқуқни бекор қилиш судга, хўжалик судига шикоят билан мурожаат этишга асос бўлади.

Лицензияларнинг куйидаги турлари бор: табиий-ресурс лицензияси - қандайдир табиий ресурсдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган маълум турдаги фаолиятни олиб боришга рухсат этилади. Бу лицензияда икки функция тўпланган: фаолиятнинг экологик ва санитария меъёларидан фойдаланиш ва уларга риоя этилишининг қонунийлиги, рационалликнинг назорати ва тегишли табиий ресурс истеъмолини нормаллаштириш. Шундай килиб, табиатдан фойдаланиш соҳасида бир вақтнинг ўзида бир-бири билан ўзаро боғланган икки вазифа – муҳофаза ва тартибга солиш ҳал қилинади.

Лицензия экологик бошқарувнинг ваколатли давлат органи томонидан берилади. Ўзбекистонда шундай орган Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, унинг вилоятлар, туманлардаги худудий тармоқ органлари ҳисобланади.

Булардан ташқари ердан фойдаланишга лицензия, сувдан фойдаланишга лицензия, ўрмонлардан фойдаланишга лицензия, ўсимлик ва ҳайвонот оламидан фойдаланишга лицензия, атмосфера ҳавосидан фойдаланишга лицензия турлари бўлиб, улар тегишли ваколатли органлар томонидан берилади.

11.7. Экологик сертификация

Экологик сертификация учинчи (мустақил) томон фаолияти сертификация обьектининг белгиланган экологик талабларга мос келишини тасдиқлашини билдиради. Талаблар эса стандартлаш жараёнида белгиланади.

Экологик сертификация ўтказишнинг мақсади қўйидагилар:

- маҳсулотнинг атроф-муҳит, ҳаёт, саломатлик, мулк учун ҳавфсилигини назорат қилиш;
- тайёрловчи (ишлаб чиқарувчи) нинг маҳсулот сифати кўрсаткичлари бўйича баёнотининг тасдиқланиши;
- истеъмолчини тайёрловчи, сотувчи, ижрочининг инсофизлигидан ҳимоя қилиш;
- истеъмолчига маҳсулотни компетентли танлашга ёрдам бериш;
- Ўзбекистоннинг ягона товар бозорида ва ундан ташқарида (халқаро иқтисодий, илмий-техник ҳамкорлик ва савдо)

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, тадбиркорлар фаолияти учун шароит яратиш.

Экологик мақбул ва хавфсиз маҳсулотга, яъни маҳсулотларнинг экологик тозалигига талаб ва таклифни тартибга солиши рақобатнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабдан экологик сертификация тизими экологик хавфсизликни норматив-техник ва ҳуқуқий тартибга солишини мақсад қилиб қўяди. У ишлаб чиқаришда, маҳсулот тақсимоти ва истеъмолида, жараёнлар, ишлар ва хизматларда экологик хавфсизлик талабларини белгилайди ва табиатдан фойдаланишини бошқариш механизмининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Экологик сертификация тизимининг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- инсон ҳаёти ва фаолияти шароитига ва атроф-муҳит ҳолатига ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулот истеъмоли, чиқиндиларни утилизациялаш, табиий ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ омилларнинг нокулай таъсиридан огоҳлантириш;

- табиий-ресурс салоҳиятидан рационал фойдаланиш, уни муҳофаз қилиш, такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш;

- ҳаёт, саломатлик, мулк учун хавфли товарларни истеъмолчилар сотиб олишидан ёки улардан фойдаланиши жараёнида атроф-муҳитга зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш;

- ватанимиз товарларининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспортга ёрдам бериш;

- мамлакатта экологик нуқтаи назардан сифати ёмон (паст) хорижий товарларнинг кириб келишини бартараф этиш;

- табиат муҳофазаси соҳасида илмий-техника тараққиётини тезлаштиришга ёрдамлашиш;

- маҳсулотнинг барча ҳаётий цикллари босқичларида экологик хавфсизлигини таъминлаш;

- экологик адолатли бозорни барпо этиш.

Экологик сертификация обьектларига қўйидагилар киради:

- табиий муҳит ва табиий ресурслар обьекти;

- ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари;

- технологик жараёнлар;

- экологик хавфсизликни таъминлашга ва атроф табиий муҳиттга зарарни огоҳлантиришга йўналтирилган экологик хизматлар, шунингдек, товар маҳсулотлари.

Экологик сертификация ҳарактери бўйича мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Мажбурий сертификация қонун хужжатлари ва нормативлари талабларига мувофиқ ўтказилади.

1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва улар-

нинг сифатини таъминлашни, шу жумладан, товарлар ва хизматларнинг экологик хавфсизлигини таъминлашни талаб қиласди. Шунга мувофиқ экологик сертификациянинг ҳам аҳамияти ошади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматлар сертификацияси тўғрисида»ги (1993) қонунига мувофиқ «Ўздавстандарт»га сертификация бўйича миллий орган статуси берилган. Ушбу қонунни бажариш мақсадларида «Ўздавстандарт» ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маҳсулотлар ва технологик жараёнларнинг экологик хавфсизлиги соҳасида давлат экологик сертификация тизимини шакллантириш бўйича иш олиб бормоқдалар. Экологик сертификация бўйича мустақил органлар тизимини яратиш учун Табиатни муҳофоза қилиш давлат қўмитаси қошида маҳсулотлар ва хизматлар экологик сертификацияси маркази тузилган ва унинг бўлинмалари барча вилоятлар табиатни муҳофоза қилиш қўмиталари базасида ташкил этилган.

Республикада экологик сертификация бўйича объектлар аниқланган, норматив-техник ҳужжатлар пакети ишлаб чиқилган.

Экологик сертификация мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ республикада қўйидаги тадбирлар ва ҳаракатлар амалга оширилаётir:

- экологик хавфсиз технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва жорий этиши;
- экологик хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиши;
- фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлишлари хуқуқини амалга ошириш бўйича норматив-хуқуқий ва иқтисодий механизmlарни яратиш ва унинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотларни тўплаш, экологик қонун бузувчилардан фуқароларнинг саломатлиги ва мулкига етказилган зиёнини ундириш;
- республикага экологик хавфли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва истеъмол технологиялари ва чиқиндиларини олиб келиш ва унинг ҳудудларидан чиқаришни бартараф этиши;
- табиат муҳофазасига мўлжаллланган ишлар ва хизматлар бозорини тартибга солиш;
- атроф-муҳит сифатини яхшилаш;
- ресурсларни тежаш ва атроф-муҳитга йўл қўйиб бўлмайдиган таъсирдан огоҳлантириш (Национальный доклад... 2002).

11.8. Экологик экспертиза

Экологик экспертиза амалий экология иқтисодиётининг ёнг муҳим бўлими бўлиб, у атроф-муҳит, табиий-экологик ти-

зимлар, инсон саломатлигига таъсир кўрсатадиган тадбирларни амалга оширишнинг лойиҳадан олдин ва лойиҳа хужжатлари даражасида уларнинг эҳтимол тутилаётган зарарли оқибатларининг олдини олишга йўналтиилади. Экологик экспертиза огоҳлантирувчи тадбир бўлиб, табиий мухит ва ресурслардан фойдаланувчиларнинг зарарли фаолиятини бартараф этади. Унинг огоҳлантирувчи вазифасининг моҳияти шу билан белгиланадики, у хўжалик қарорлари, фаолияти ва унинг натижаларини атроф-табиий мухит муҳофазаси, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш талабларига, шунингдек, талабларига мувофиқлигини дастлабки жамиятнинг экологик хавфсизлиги текшируви кўринишида ўтказилади.

Узбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги (2000) қонунида «экологик экспертиза» тушунчасига қўйидаги таъриф берилган (1-модда): «Экологик экспертиза деганда режалаптираётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлиги-ни аниқлаш тушунилади».

Ушбу Қонуннинг 11-моддасида давлат экологик экспертизаси обьектлари белгиланган. Уларга қўйидагилар киради:

- давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;
 - барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари;
 - лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатлари;
 - табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва ўйриқнома-услубий хужжатларнинг лойиҳалари;
 - техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир хужжатлар;
 - атроф табиий мухит ҳолатига ва фуқаролар соғлигига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа обьектлар;
 - кейинчалик уларга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар, фавқулодда экологик оғат зоналари мақомини бериш мақсадида ўтказилган худудларни комплекс текшириш материаллари;
 - шаҳарсозлик хужжатларининг барча турлари;
 - маҳсус ҳуқуқий режимли обьектлар.
- Экологик экспертизанинг мақсади қўйидагилар билан белгиланади:
- лойиҳа қарорларининг уларни амалга оширишдан олдин

замонавий экологик талабларга мувофиқ келишини илмий асосланган ҳолда аниқлаш;

- режалаштирилаётган, лойиҳалаштирилаётган ва ишлаб турган объектларнинг уларни амалга ошириш жараёнида табиятга эҳтимол тутилаётган салбий таъсири ва экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;

- ҳалқ ҳўжалиги режаларини амалга оширишда табиий мувозанатни ва атроф-муҳитнинг қулай ҳолатини қўллаб-қувватлаш.

Экологик экспертиза қўйидаги шаклларда ташкил этилади: давлат, идоравий, жамоат, илмий.

Давлат экологик экспертизаси атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида ваколатли давлат органи (Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси) томонидан тайинланади. Унинг хуласалари бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Идоравий экологик экспертизаси тегишли идоранинг буйруғи билан ўтказилади. Унинг натижалари тегишли идора структураси ичида, агар улар давлат экологик экспертизаси хуласалига зид келмаса, ўз кучини сақлаб қолади.

Жамоат экологик экспертизаси жамоатчилик уюшмалари ташаббуси билан ташкил этилади ва нодавлат структуралари томонидан ўтказилади. Унинг хуласалари тавсия шаклида бўлиши мумкин.

Илмий экологик экспертизаси илмий муассасалар ёки олий ўқув юртлари ташаббуси билан ўтказилади. У айрим олимлар ёки илмий жамоалар ташаббуси билан ўтказилиши мумкин. Унинг хуласаси ахборот характеристига эга бўлади.

Экологик экспертиза қўйидагиларни ўз ичига олади: ахборот йиғиш, уни умумлаштириш, комиссияда материалларни кўриш, экспертиза материалларини баҳолаш ва хуласалар чиқариш.

Давлат экологик экспертизаси қонунийлик, холислик, асослилик, мажбурийлик, экологик хавфлилик презумпцияси, мустақиллик тамойиларига асосланади.

Экологик экспертиза жараёнида лойиҳаларнинг экологик мазмуни таҳдил, синтез, тақослаш, кузатиш, тасвиrlаш, абстракция йўли билан ўрганилади ва бунда амалдаги қонунчилик талабларига қатъий амал қилинади.

Баҳолаш мезонлари бўлиб ҳуқуқий нормаларнинг талаби, табият муҳофазаси устуворлиги, экологик императивлар, табиятни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича стандартлар, қурилиш нормалари ва қоидалари, санитария-гигиена нормативлари, тасдиқланган режадан олдинги, лойиҳа-режа ва лойиҳа-смета ҳужжатлари хизмат қиласи.

Экология-эксперт жараёни учта асосий босқичдан иборат бўлади: тайёрлов босқичи ёки тақдим этилган лойиҳа материалларининг зарур реқвизитлари борлигини текшириш; асосий босқич, ёки экспертиза обьекти бўйича маълумотларнинг таҳлилий ишлови; якуний ёки маълумотларни умумлаштириш ва баҳолаш ва экспертиза хуносасини тузиш.

Ўзбекистонда давлат экологик экспертизасини ўтказиш Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси (Давэкоэкспертиза) зиммасига юклатилган. Давэкоэкспертиза қўйидаги йўналишларда ривожланди: қабул қилинадиган қарорлар самарасини ошириш; экспертиза қилинадиган объектларни қамраб олишни кўпайтириш; хуқукий асосларни халқаро талабларга йўғунлаштириш.

Республикада экологик экспертизани ўтказишда халқаро амалиётда қабул қилинган процедура – атроф-муҳитга таъсирни баҳолашга (АМТБ) ўтилаётир. Республикада 1999-2001 йилларда 12823 обьект (2001 йилда 5546) экспертизадан ўтказилган (Национальный доклад ... 2002).

11.9. Экологик-иқтисодий режалаштириш, мақсадли дастурлар

Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиши тадбирларини режалаштириш мақсадли дастурий режалаштириш усулига асосланган, «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси» (1998) орқали амалга оширилаётир. Ушбу режа мамлакатда яшаётган аҳолига соғлом муҳит яратиш, табиатдан фойдаланиши самарадорлигини ошириш ва табиий ресурсларнинг озайиши, натижасида етказиладиган иқтисодий зарарни камайтириш, Ўзбекистон табиатининг энг нозик ва қимматбаҳо унсурларини, айниқса, флора ва фаунаси мухофаза қилиш бўйича экологик тадбирлар дастуридир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режасининг (АМММХР) асосий мақсади мамлакат барқарор ривожланишининг бошланғич босқичига ўтишида устувор экологик муаммоларни олдиндан белгилаб берувчи умумий стратегияни шакллантириш, уларнинг ечимини топиши воситаларини аниқлаш ва тегишли равишда ташкилий ҳамда ихтисослаштирилган ўзгаришлар қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стратегиясини белгилаш қўйидаги қоидаларга асосланади:

а) аҳоли саломатлигини яхшилаш, атроф-муҳит бузилиши, флора ва фауна турлари хилма-хизлигини сақлашдан кўри-

ладиган иқтисодий заарни камайтириш бўйича амалга оширилган тадбирлар мамлакатда ҳаёт тарзини яхшилашнинг муҳим щарти ҳисобланади;

б) ижтимоий йўналтирилган дастурни келишган ҳолда амалга ошириш табиатга антропоген таъсир кўрсатишни камайтириш имкониятини беради;

в) умумий сув танқислигини унинг сабабларини тушунган ҳолда бартараф этиш Ўзбекистоннинг табиатдан фойдаланиш тизимида энг нозик масала ҳисобланади.

АМММХРда экологик муаммолар муҳимлигини баҳолаш мезонлари (яъни етказилаётган зарар ҳажми) ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари қўйидаги кўрсаткичларга асосланади:

а) ижобий (муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳаси амалга оширилган тақдирда) ёки салбий ҳолатлар қуршовида бўлган аҳолининг саломатлигига кўрсатилган таъсир;

б) хўжалик маҳсулотларининг (масалан, тупроқ шўрланиши ёки уни мелиорациялаш оқибати сифатида) камайиши ёки ўсишига сабаб бўлган меъёр;

в) атроф-муҳитнинг сифати даражаси ва инсон ҳаёти учун зарур экологик тизимнинг қулий бўлишлiği.

АМММХР амалий тадбирларида тез ва юқори иқтисодий фойда ва экологик самара берадиган ёки кўпроқ экологик нағтижаларга эришиш учун юқори харажат талаб қилмайдиган лойиҳаларга афзаллик берилади.

АМММХР билан бир қаторда табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тадбирларини режалаштириш давлат экологик дастурлари асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурлари, башоратлари таркибида ҳам амалга оширилади.

Мамлакатнинг экологик дастурлари давлат экологик-иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Экологик-иқтисодий режалаштириш мамлакат ва унинг районларини узоқ муддатли, ўрта муддатли, қисқа муддатли иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш башоратларининг зарурий таркибий қисми бўлиши керак. Ушбу башоратнинг экологик-иқтисодий қисми атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қўйидаги асосий кўрсаткичларни ўз ичига олиши лозим:

- барча молиявий манбалар ҳисобига табиат муҳофазаси тадбирларига мўлжалланган капитал қўйилмалар;
- ифлослантирувчи оқава сувларни ташлаш ҳажми;
- ифлослантиришнинг турғун манбаларидан атмосфера ҳавосига чиқариладиган заарли моддалар ҳажми;

• чиқарыб юборилаётгани газларниң зааралы мөддәлариниң үшлаб қолини ва заарасынантириши учун күрілмаларни ишга тушириши;

• оқава сувларини тозалаш ишпеноғдарини ишга тушириши.

Макроиктисодий ва микроиктисодий нұқтаи назардан экологияк-иктисодий режа экологияк хавфли корхоналарни чиқарыб юборини ва уларни экологияк «тоза» корхоналар билан алмаштыриши имкониятларини, шуинингдек, минтака ресурсы имкониятларидан ва табиий ресурслардан фойдаланыны самара дорлығидан ошиб көтіши нұқтаи назаридан «ортықча» корхоналарни ёпнини ўз ишга олади. Корхоналарнинг атроф табиий-иктисодий мұхит билан биәр-бирига қарама-қаршилигини анықтап алохіда мұхим холат ҳисобланади.

Мақсадлы экологияк-иктисодий дастурлар бошқарув иерархиясининг түрли даражаларыда корхоналардан минтақалар, мінлий ва глобал даражагача экологияк-иктисодий спөсатын амалға оширишининг энг мұхим инструментларидан бири ҳисобланади. Бу дастурлар аралаш хусусиятта эга бўлиб, экология иктисодиётининг ҳам маъмурий-назорат инструментларига хос бўлган хусусиятларга (топшириқлар, мақсад ва уларни амалға оширишининг маъмурий назоратининг аниқлігі), ҳам иктисодий ричагларга хос хусусиятларга (режа мақсадларида қатианишини ва уларни бажаринин иктисодий рагбатлантириш, қатиашчиларга энг самарали қарорларни излаб топинида мустакиллик берини) эгадир.

Табиатни мухофаза қилини дастурлари қуйидаги иктисодий тамойилларга асосланади (Гирусов Э.В. и др. ... 2002):

• ўзини ўзи молиялаш. Корхоналар ва уларнинг ўзига хос маҳсулотлари истеъмолчеси – давлат табиий мұхитта зааралы таъсирининг асосий манбай бўлиб, улар дастур доирасыда зааралы таъсирии нейтрализациялап ҳаражатларининг қатта қисмиини күтаришлари (қонлашлари) керак;

• ҳудудийлик. Ҳаражатларининг энг күн қисмиини вилоятлар ва шаҳарлар бюджетлари ўз зыммасига олади;

• иктисодий жавобгарлик. Дастур тадбирларини бақариш мұддатлари ва сифатини бузғанлик учун санкциялар тизимиға иктисодий жавобгарлик.

Дастур таркиби қуйидагиларни ўз ишга олади:

• муаммонинг уннинг болынғанч ҳолати таҳлилидан кезіб чиқадиган мазмуну;

• муаммонинг структураси, истеъмолчилар доираси, уннеге енгизимини топинида қатианиадиган минтақалар ва тармоқларнинг ривожланишин масалалари;

- дастурни амалга ошириш муддатлари чегаралари. Улар муаммонинг репропспектив ва истиқболда ривожланиши асосида аниқланади ва бунда муаммонинг таҳқиқи иқтисодий аспектлари, ижтимоий ва иқтисодий характердаги бошқа муаммолар билан алоқалари ҳисобга олинади;
- дастурнинг мақсади ва унинг қонунчилик-норматив характердаги хужжатларни ҳисобга олиб шаклланиши;
- дастурни бажариш давомида эришиш зарур бўлган мақсадли кўрсаткичлар;
- муаммо ечимини таъминлайдиган тадбирларнинг ўзаро боғлиқ тизими (мақсадли экологик дастурнинг асоси): илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмалар, мониторинг, ишлаб чиқариш ва технологик тадбирлар, қурилиш, норматив ва хуқуқий таъминлаш, худудлар ва объектлар реабилитацияси, ижтимоий ривожланиши ва тибий соғломлаштириш.
- дастурни молиялаш ҳажми (капитал қўйилмалар ҳажмини ажратиб кўрсатиш).

11.10. Экологик аудит

«Аудит» сўзи инглиз тилидан сўзма сўз таржима қилганда (инглизча audit) текшириш, бухгалтерия китоблари, хужжатлари, ҳисботларини тафтиш қилиш маъносини билдиради.

Экологик аудит корхона, компаниянинг бухгалтерия, экология, молия ва бошқа бўлинмаларида шаклланадиган барча ҳажмдаги экологик-иқтисодий ахборотларини объектив ва мустақил баҳолашни таъминлаши ва сўнгра уларни давлат назорат ва бошқарув органларига, шунингдек, манфаатдор жамоат ташкилотларига беради. Экологик аудитни ўтказиш корхоналарнинг хилма-хил экологик фаолиятини акс эттирадиган ахборотни маълум даражада четдан туриб кузатишга имкон беради. Экологик аудит (экоаудит) корхоналар, компанияларнинг ички экологик салоҳиятини, уларнинг хавф-хатарлари ва имкониятларини доимий текшириб туриш инструментидир.

Экологик аудит – корхоналарнинг мол-мулкни бериш ва жорий операциялар билан боғлиқ бўлган экологик муаммолари ва потенциал мажбуриятларини аниқлаши мақсадида атроф-муҳит ҳолатини объектив, мунтазам, хужжатлаштирилган ва доимий тақорий текширишлар (тағтишлар) бўлиб, улар иқтисодий фаолиятнинг тури ва шароитлари, маъмурий бошқарув тизимлари ёки бу объектлар тўғрисидаги ахборотларнинг норматив-конунчилик талабларига, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги самарадорлик мезонларига ва экологик хавфсизликка мос келишини аниқлаши мақсадида ўтказилади.

Экоаудит XX асрнинг 70-йилларида АҚШда экологик авария ва ҳалокатларниң юқори кўрсаткичлари, шунингдек, кимё саноати корхоналарида экологик харажатларниң сезиларли кўпайиши билан боғлик ҳолда пайдо бўлди. 1980-йилларда экоаудит Буюк Британия, Нидерландия, Швеция ва Европанинг бошқа индустрисал мамлакатлари амалиётига кириб келди. Шу муносабат билан Европа Иттифоқи маҳсус «Экоаудит тўғрисида қарор» (1993) қабул қилди. Бу ҳужжат Европа Иттифоқи давлатлари ҳудудларида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари учун қонун кучига эга.

Экоаудитнинг асосий мақсадлари:

1. Корхоналар фаолиятининг экологик аспектлари тўғрисида объектив ахборотларни тақдим этиш ва уларниң белгиланган стандартларга, нормативларга, тегишли текширишларни ўтказиш ташаббускорлари талабларига мос келишини аниқлаш;

2. Корхона томонидан ўтказиладиган табиат муҳофазаси тадбирларининг самараодорлигини ошириш учун фойдали тавсияларни ишлаб чиқиши.

Экоаудитнинг асосий вазифаси ушбу корхона ва ташкилотларниң (хар қандай мулкчилик шакидаги) табиат муҳофазаси фаолиятини ва бу фаолиятининг атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги амалдаги меъёрий-хуқуқий базаларга мос келишини таҳлил этишdir.

Экологик аудитнинг объектларига қўйидагилар киради:

- мулклар (ер участкалари, табиий оғатлар, бинолар ва иншоотлар, машина ва жиҳозлар ва х.к.);
- корхонанинг, фирманинг жорий операциялари (ишлаб чиқариш, савдо ва б.);
- фавқулодда вазиятларда корхонани бошқариш тизими;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурлари ва ходимларниң хавфсизлигини таъминлаш ва бошқалар.

Экоаудитнинг асосий функциялари қўйидагилардан иборат:

- корхоналар фаолиятининг экологик қонунчилик ва улар томонидан эълон қилинган атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги сиёсатига, шунингдек, корхонанинг иқтисодий мақсадига мос келишини аниқлаш;
- атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида қарорлар қабул қилиш учун ахборотлар билан таъминлаш;
- корхона ходимларини, маҳаллий аҳолини ва атроф-муҳитни зарарли таъсирдан ҳимоя қилишини таъминлаш;
- экологик хавфли аварияларниң келиб чиқиши имкониятларини таҳлил қилиш;
- корхонанинг атроф-муҳитга реал таъсирини аниқлаш;

- корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятида экологик хавфсизликни таъминланни қўллаб-кувватлаш.

Халқаро қабул қилинган стандартларга мувофиқ (ISO 14010) экоаудит текширишлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

1. Мақсад ва иш ҳажмини аниқ белгилаш.

2. Объективлик, мустақиллик ва компенентлик.

3. Керакли қасбий эҳтиёткорлик.

4. Тизимлилик.

5. Аудит мезонларини белгилаш, белгиланган мезонлардан келиб чиқиб, аудитор маълумотларининг тўлиқлиги ва старли сифати.

6. Аудит натижалари ва хуносаларининг ишончлилиги.

7. Аудитнинг келишилган мақсади ва ҳажмини ҳисобга олиб аудитор хуносаларининг тўлиқлиги.

Экологик аудит қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: 1) ишлаб чиқариш объекtlарининг экологик аудити; 2) худудларнинг экологик аудити.

Экоаудит қуйидаги ҳолларда мажбурий ўтказилади:

- корхона, таишкilot, муассаса ва бошқалариниг (юридик шахслар) мулкчилик шакли ва бошқарув структураси ўзгарганда;
- айрим корхоналарни қўшганда, бир корхонадан бир неча корхоналар ташкил этишида (юридик шахслар), шунингдек, корхонанинг ихтиослашини қайта ўзгарганда;

- давлат бюджетидан, турли фондлардан техник қайта қуришга, структуравий қайта қуришга инвестицияларни ажратилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилишида;

- табиий ресурслардан фойдаланиши ва атроф-мухитга таъсир учун солиқ имтиёzlари олиш ва тўловларни камайтиришга ариза берилганда;

- табиат муҳофазаси соҳасида айрим фаолиятни амалга оширишга лицензия олиш учун аризачининг материалларини текширишида;

- атроф-мухитга зиёни етказганлик учун суғурта жавобгарлиги шартномаларини тузишида;

- табиат муҳофазаси бўйича ваколатли давлат органлари, прокуратура ва бошқа давлат бошқаруви органиларининг талаби бўйича.

Барча бошқа ҳолларда экологик аудит ихтиёрий асоeda ўтказилади.

Экоаудит процедураси қуйидаги тўртта босқичдан иборат бўлади:

Биринчи босқич – экоаудитлаш бўйича дастлабки тадбир-

ларни ўтказиш: экологик хавф-хатарни баҳолаш асосида биринчи навбатдаги объектларни аниқлаш; экоаудит ўтказиш жадвалларини тузиш; экоаудит бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиши.

Иккичи босқич – аудитлаштиришнинг ўзи: раҳбарият ва ходимлар билан сұхбатлашиш; хужжатлар билан ишлаш; объекти визуал ва инструментал текшириш, лаборатория таҳлили.

Учинчи босқич – экоаудит бўйича ҳисобот тайёрлаш: ҳисоботда объект экологик таърифининг халқаро нормалари, миллий қонунлар ва стандартларга, корхонанинг «ўзини-ўзи назорат қилиши» меъёrlарига ва олинган мажбуриятларга мос келиши (келмаслиги) аниқланади. Ҳисоботнинг якуний қисмида бузилишларни тузатиш бўйича ва корхонанинг экологик таърифини яхшилаш бўйича тавсиялар берилади.

Тўртинчи босқич – экологик аудит натижаларини амалга ошириш: натижаларни корхона раҳбарияти, ходимлар, акционерларга, жамоатчиликка, давлат органларига, бизнес бўйича шерикларга етказиши.

Қисқача хуосалар

Экологик-иқтисодий бошқарувнинг маъмурӣ-назорат инструментлари юридик ва жисмоний шахсларнинг экологик-иқтисодий фаолияти натижаларига улбу шахслар амал қилиши ва эришиши керак бўлган мақсадлар, стандартлар, регламентларни қонунлар ва бошقا тартибга солиш воситаларини қўллаши орқали бевосита таъсир кўрсатишга мўлжалланган. У давлат экологик бошқарув органлари тизимини, экологик қонунчиликни, экологик мониторингни, экологик стандартлар ва нормативларни, экологик лицензиялашни, экологик сертификацияни, экологик экспертизани, экологик режалаштириш ва дастурларни, экологик аудитни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича давлат органлари тизимининг ваколатлари, вазифалари ва функциялари «Табиатни муҳофaza қилиш тўғрисида»ги (1992) қонунда белгиланган. Улар иқтисодий ва экологик-иқтисодий тизимларни тартибга солиш орқали амалга оширилади. Бунда улар бир қатор принципларга асосланадилар. Экологик давлат бошқаруви органлари умумий тармоқлароро ва тармоқлар органларига бўлинади. Табиатни муҳофaza қилиш бўйича давлат органларининг вазифалари қонун хужжатларига асосан белгиланади. Республика Вазирлар Маҳкамаси табиатни муҳофaza қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади. Табиатни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофaza қилиш бўйича бош ижро этувчи орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг табиат муҳофазаси соҳасидаги қонунчилиги халқаро эътироф этилган принципларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Улар яратилган ишлаб чиқариш муносабатлари тизимини ва бу тизимларнинг мамлакат табиий-экологик тизимлари билан ўзаро таъсири ва нормал алоқаларининг доимий ҳаракати ва ишлашини қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

Экологик мониторинг экологик-иқтисодий бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнларини ахборот билан таъминлашга хизмат қилади. У глобал, миллий минтақаий, маҳаллий мониторинг тизимидан ташкил тоғган.

Экологик стандартлар ва меъёрлар тизими атроф-муҳит сифатига қўйиладиган чеклашлар ва талабларнинг ўзаро боғлиқ комплексидир. Белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган меъёрлар стандартлар сифатида иштирок этади. Экологик нормативлар икки гурӯхга бўлинади: санитария-гигиена ва ишлаб чиқариш хўжалик. Ўзбекистонда стандартлаш ва меъёрлаш соҳасида қатор тадбирлар тизими амалга оширилмоқда.

Табиатдан фойдаланишни лицензиялаш — маъмурий-хуқуқий йўл билан экологик-иктисодий муносабатларни тақиқлаш, рухсат ва ваколат бериш методлари орқали тартибга солиш ҳисобланади. Лицензиянинг кўплаб турлари бор.

Экологик сертификация учинчи (мустақил) томон фаолиятининг сертификация обьекти белгиланган экологик талабларга мос келишини тасдиқлашни билдиради. Талаблар эса стандартлаш жараёнида белгиланади. Экологик сертификация мажбурий ва ихтиёрий бўлади. Экологик сертификация бўйича Ўзбекистонда хукуқий асос яратилган.

Экологик экспертиза атроф-муҳит, табиий-экологик тизимлар, инсон саломатлигига таъсир кўрсатадиган тадбирларни амалга оширишнинг лойиҳадан олдин ва лойиҳа хужжатлари даражасида уларнинг эҳтимол тутилаётган заарли оқибатлари олдини олишга йўналтирилади. Экологик экспертиза огоҳлантирувчи тадбир бўлиб, табиий муҳит ва ресурслардан фойдаланувчиларнинг заарли фаолиятини бартараф этади. У давлат экологик экспертизаси, идоравий экологик экспертиза, жамоат экологик экспертизаси, илмий-экологик экспертиза турларига бўлинади. Экология-эксперт жараёни тайёрлов, асосий ва якуний босқичлардан иборат бўлади. Ўзбекистонда давлат экологик экспертизасини ўтказиши Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси зиммасига юклатилган.

Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси табиатдан фойдаланиш тадбирлари мақсадли дастурий режалаштириш усулига асосланган «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий харатат режаси» орқали амалга оширилади. Табиатни муҳофаза қилишнинг мақсадли дастурлари ўз-ўзини молиялаш, худудийлик, иктисодий жавобгарлик принципларига асосланади.

Экологик аудит корхоналарнинг мол-мулкни бериш ва жорий операциялар билан боғлиқ бўлган экологик муаммолари ва потенциал мажбуриятларини аниқлаш мақсадида атроф-муҳит ҳолатини обьектив, мунтазам, хужжатлаштирилган ва доимий тақрорий текширишлардир. Экоаудит процедураси тўрт босқични ўз ичига олади: 1) экоаудитлаш бўйича дастлабки тадбирлар ўтказиши; 2) экоаудитлаштириш; 3) ҳисобот тайёрлаш; 4) экоаудит натижаларини амалга ошириш.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Экологик-иқтисодий бошқарувнинг маъмурий назорат инструментлари нима? Унинг таркиби қандай хусусиятларга эга?
2. Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит соҳасидаги давлат бошқаруви тизими хусусиятларини таърифланг.
3. Экологик-иқтисодий тизимларнинг давлат бошқаруви ва тартибга солиши қандай принципларга асосланади?
4. Умумий тармоқлараро ва тармоқ бошқаруви тизими хусусиятларини тушунтиринг.
5. Узбекистоннинг табиат муҳофазаси қонунчилигини таърифланг.
6. Экологик мониторинг, унинг аҳамияти ва асосий хусусиятларини изоҳланг.
7. Экологик стандартлар ва меъёрлар нима? Улардан фойдаланиш йўналишларини тушунтиринг.
8. Ўзбекистоннинг стандартлаштириш тизими ва унинг таърифини келтиринг.
9. Хўжалик фаолиятини лицензиялаш нима?
10. Экологик сертификация ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари нималардан иборат?
11. Экологик экспертиза хусусиятлари ва турлари, қўлланниш йўналишларини изоҳлаб беринг.
12. Экологик экспертиза жараёни босқичлари қайсилар?
13. Экологик-иқтисодий режалаштириш ва мақсадли дастурлар нималарни кўзда тутади?
14. Экологик аудит хусусиятларини тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив хуҷжатлар. – Т.: «Адолат», 2002.
3. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат резаси. - Т., 1998.
4. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республики Узбекистан. – Т., 2002.
5. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка для 21 век. –Т., 2002.
6. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1998.
7. Бобылов С.Н. Экологизация экономического развития. Учебное пособие. – М.: Изд-во МГУ, 1993.
8. Гирусив и др. Экология и экономика приропользования. Учебник. – М., 2003.
9. Чепурных Н.В., Новоселов А.П. Планирование и прогнозирование природопользования. – М.: «Интерпракс», 1995.
10. Экологическая экономика. – М.: «Евразия», 1994.
11. Экономические основы экологии. Учебник. СПБ, 1995.

АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЭКОЛОГИК-ИҚТИСОДИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРИ

12.1. Амалий экология иқтисодиёти экологик-иқтисодий инструментларининг умумий таърифи ва таркиби

Амалий экология иқтисодиётининг инструментлари айрим корхоналар ва умуман жамият учун бозорнинг ишлари билан боғлиқ бўлган рағбатлантирувчи омиллардан хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари ва иқтисодий муомаласига таъсир кўрсатишга мўлжалланган. Бунда иқтисодиёт агентларига ижтимоий аҳамиятта эга бўлган самарали ютуқларга эришиш йўлларини излаб топиш учун катта эркинликлар берилади. Айнан шу жиҳатлар уларни маъмурий-назорат инструментларидан ажратиб туради.

Экологик-иқтисодий инструментлар экологик-иқтисодий механизмаларни амалиётга тагбиқ этиши воситаси ва қуролидир. Экологик-иқтисодий механизмлар эса иқтисодиётга таъсир кўрсатиши тартиботлари ҳисобланади ва бир томондан, иқтисодиёт двигатели – ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучлари билан (кириш), бошқа томондан эса, ишчи органи – экологик-иқтисодий инструментлар билан боғланади (чиқиш). Экологик-иқтисодий механизмлар ушбу дарсликнинг 4-бобида таърифланган.

Иқтисодиётни инсоннинг табиат билан муносабатларини ўйгуналаштириш томонига буриш вазифасини ҳал этишда экологик-иқтисодий инструментлар мухим роль ўйнайди. Ривожланган мамлакатлар, биринчи навбатда Европа Иттифоқи давлатлари бу соҳада қатор ибратли тадбирларни амалга ошираёт. Бундай тадбирлар қаторига қўйидагилар киради:

1. Табиий мұхитни сақлаш ёки тиклаш, мұхофаза килиши рағбатлантирадиган йўналишида солиқ тизимини қайта қуриш.

2. Энергия ва ресурсларни тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш.

3. Чиқиндиларни утилизациялаш.

4. Ёқилгини ёқишида атмосферага карбонат ангидрит газини чиқаришни бартараф этадиган техник ечимларни қидириш.

АҚШда барча индустрисиал ривожланган мамлакатлар учун модель бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлгандай йирик миқёсли экологик-иқтисодий дастур ишлаб чиқилган. Хусусан, XX асрнинг 90-йиллари ўрталарига бориб аэрозолдан фойдаланиш, газонларни ўриш машиналарида бензинни кўллаш, барча авто транспортни экологик тоза ёқилғига (метанол туридаги) ёки

электртрга ўтказиш, ичимлик сувга нисбатан ўта талабчан санитария-гигиена нормаларини кўллаш кўзда тутилган.

Экологик тоза технологияга талаб саноатнинг турли хилма-хил тармоқларида оригинал (ноёб) техник ечимлар пакетини рагбатлантириди: ХХ асрнинг 90-йилларида, экологик тоза жиҳозлар ва бошқа саноат маҳсулотларнинг истиқболли ҳалқаро бозори шаклдана бошлади. Экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари бозори эса бундан анча олдин шаклдана бошлаган эди.

Айниқса шуниси муҳимки, иқтисодий ривожланишини янги экологик императивларга бўйсундириш жараёнида истеъмолнинг янги фалсафаси учун секин-аста шарт-шароитлар яратилаётир: экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжнинг ўсиши, уй-жойларга янги талаблар, эҳтиёжни ихтиёрий чеклаш, «ҳайвонларни ҳимоялаш» харакатларининг ривожланиши (гўшт ёйишдан воз кечиш, мўйна кийим киймаслик ва бошқалар).

Шуни ҳам айтиш керакки, иқтисодий ривожланишининг ўзи зиддиятлидир: бир томондан у қатор ўткир экологик муаммоларни келтириб чиқаради, бошқа томондан эса, иқтисодий ривожланишининг ўзида бу зиддиятларни бартараф этишининг асоси жойлашган. Ушбу зиддиятларнинг табиатини билиш икки тизим – ижтимоий ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитнинг алоқаларини тушуниш, демакдир. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, «иқтисодиёт – муҳит» тизимида уларнинг бирорта қисмига афзаллик бериб бўлмайди. Шундай ўзаро таъсири таъминлаш керакки, унда такрор ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш ва ҳалқ фаровонлиги ўсишининг юқори суръатлари атроф табиий муҳит ва унинг айрим компонентлари сақланиши, тўхтовсиз яхшиланиши ва ривожланиши ҳамда муҳофаза қилиниши билан бирга қўшиб олиб бориладиган бўлсин.

Ҳозирги экологик-иқтисодий вазият хўжалик муаммоларини атроф табиий муҳит талаблари нуқтаи назаридан, айни бир пайтда табиий муҳитни жамиятнинг иқтисодий ривожланиши нуқтаи назаридан комплекс қўриб чиқишни тақозо этади.

Экология иқтисодиётининг экологик-иқтисодий инструментларини қуидаги турларга ажратиш мумкин:

- бозорга йўналтирилган экологик-иқтисодий инструментлар;
- молия-кредит инструментлари.

12.2. Бозорга йўналтирилган экологик-иқтисодий инструментлар

Бозорга йўналтирилган экологик-иқтисодий инструментларга қуидагилар киради:

- табиий ресурсларга тўловлар ва атроф-муҳитни ифлослантириш учун тўловлар;
- иқтисодий оборотга киритиладиган табиий ресурсларнинг бозор баҳолари;
- табиий муҳитни ифлослантириш ҳуқуқини сотиб олиш – сотиш механизмлари;
- гаров тизими;
- бозор баҳоларини яхшилаш (коррекциялаш) ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида интервенция (шу жумладан, чиқиндилар рециклни бозорида ҳам);
- тўғридан-тўғри бозор музокаралари тизими.

Табиий ресурсларга тўловлар ва атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўловларга умумий ёндашувлар, уларни белгилаш ва қўллаш, тегишли қонунлар орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни табиий ресурслар учун икки турдаги тўловларни кўзда тутади: табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўловлар ва атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар. Айнан ушбу экологик тўловлар воситасида амалиётда «ифлослантирувчи тўлайди», «фойдаланувчи тўлайди» тамоийиллари амалга оширилади. Бундан ташқари бу тўловлар муҳим рағбатлантирувчи роль ўйнайди ва корхоналарни ишлаб чиқаришни табиат муҳофазаси реконструкцияси ва модернизациясига йўналтиради. Жамият миқёсида эса тўловлар табиат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш фондларини шакллантиришга имкон беради (13-жадвал).

Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишининг иқтисодий усулларини босқичма-босқич жорий этиши амалга оширилаётир. Ўни уч босқичда амалга ошириш ва 2010 йилда тугаллаш назарда тутилган (Национальный доклад ... 2002).

Биринчи босқичда атроф-муҳитни нормативдан юқори ифлослантирганлик учун тўловлар қўлланилди. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тизимида бюджетдан ташқари маҳаллий ва Республика Табиатни муҳофаза қилиш фондлари ташкил этилди. Нормативдан юқори ифлослантирганлик учун тўловлар, жарималар, даъволардан тушган барча маблағлар тўлиқ ҳажмда (100%) табиат муҳофазаси фондларига тушди. Тўловларни қўллаш табиат муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш соҳасида янги молиявий муносабатларнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи босқичда атроф табиий муҳитни тўлиқ ифлослантирганлик учун тўловлар, яъни табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни норматив бўйича ва нормативдан юқори чи-

қарғанлык, ташлаганлық ва чиқиндиштарни жойлаштирганлык учун тұловлар жорий қилинди.

Учинчі босқында табиаттың ресурслардан норационал, комплекс бұлмаган фойдаланғанлык учун (сув, ер, ўрмоп, ер ости бойликлари ва бошқалар) тұловларни құллаш ва табиатдан махсус фойдаланғанлык учун тұловларни үндиріши механизмдерини бундан кейин комиллаштириш назарда тутилған.

Табиат мұхофазаси фондларида маблағтарни тұплаш табиат мұхофазаси табиат мұхофазаси табиат мұхофазаси тадбірларини, баъзи илмий тадқиқтіларни, янги норматив-методик хужжатларни тайёрлаш бүйіча ишларни молиялаштиришни бошлашып имкон берди.

1999-2001 йилларда табиат мұхофазаси маҳаллий фондларига 467,7 млн. сұм тушилди. Маблағтарнинг маҳаллий фондларға тушиши, ундан фойдаланиш 13-жадвалда күрсатылған.

13-жадвал

Ўзбекистонда табиат мұхофазаси маҳаллий фондларига умумий маблағ тушиши ва улардан фойдаланиш, млн. сұм
(Национальный доклад ... 2002)

	1997 й.	1998 й.	1999 й.	2000 й.	2001 й.
1. Умумий тущым, хаммаси	88,9	127,3	162,6	213,7	254,0
Шу жумладан:					
- ифрослантириш учун тұловлар;	57,1	93,6	124,2	152,6	177,3
- жарималар дағындар;	11,2	23,8	24,0	43,0	53,9
- жарима (пеня) ва бошқалар.	7,1	8,3	14,4	18,1	22,3
2. Умумий қаржатлар, хаммаси	90,9	113,0	156,2	212,1	237,4
Шу жумладан:					
- мәтінмурый чиқымлар, қаржатлар (моддий техника базасы);	24,2	27,8	22,8	29,9	34,1
- табиат мұхофазаси обьектларини күрши, илмий-тәжірибелі ішлары, табиат мұхофазаси табиатлары, хисесалы жетіншілдік;	9,2	14,2	42,0	35,1	39,8
- табиат мұхофазаси тилемни ходимларини тайғерлаш ва қайта тайғерлаш;	3,8	2,9	3,5	6,8	3,7
- Республика табиатин мұхофазасының фондығы Ұтказыш (РТМҚФ);	13,7	30,7	34,9	67,5	61,2
- болашақ қаржатлар (экологиялық билимнелер тарбиети, экологик тарбия, табиатин мұхофазасының фондылары ходимлары тағынноти, жарималардан мұкофотлаш, нациаршылтудағы ва боянналар).	7,8	19,7	26,4	43,2	67,5
Итеп охирда маблағтар қолдиди	13,0	27,3	33,7	35,3	51,9

Дунёнинг түрли мамлакатларында түрли экологик-иктисодий инструментлар құлланылады (14-жадвал).

Айрим мамлакатларда атроф-мухит мухофазасини
бошқаришда иқтисодий усулларнинг қўлланилиши
(Гирусов Э.В. и др. ... 2002, бўйича)

Мамлакатлар	Ифлослангирни учун тўловдар:				Истеъ- молчи тўлов- лари	Махсу- лот учун тўлов- лар	Суғурта тўлов- лари	Айланма солик диффе- ренция- си
	ҳавони	сувни	чикниди билиш	шовкини билиш				
Австрия		+	+	+	+		+	
Бельгия			+		+		+	
Буюк Британия				+	+	+		
Германия	+	+		+	+	+		
Дания					+	+	+	+
Италия		+			+	+		
Канада					+			
Нидерландия		+	+	+	+	+	+	+
Норвегия					+	+	+	
АҚШ			+	+	+			
Финландия					+	+		
Франция	+	+		+	+	+		
Швеция					+	+	+	+
Швейцария				+	+			
Япония	+			+				

14-жадвалда таҳлил қилинган 15 мамлакатда 130га яқин турли иқтисодий инструментлар (ўртача бир мамлакатта 10та норматив тўғри келади) қўлланилади. Уларнинг ярмини тўловлар, 25% га яқинини субсидиялар, қолганларини бошқа иқтисодий рағбатлантириш усуллари ташкил этади. Турли мамлакатларда қўлланиладиган усулларнинг фарқ қилини уларнинг ўзига хос хусусиятлари, анъаналари, табиий шароити, ишлаб чиқаришининг технологик маданияти, тармоқ хусусиятлари билан боғлиқдир.

Бозор инструментларидан яна бири гаров тизими бўлиб, у қонунчилик йўли билан ёки ихтиёрий битим натижасида тўловларнинг белгиланиши ҳисобланади. Гаров тизими тўловлари потенциал хавфли товарларни сотиб олишда йигилади ва фойдаланилган маҳсулотнинг қайтадан келиб тушишида қайтариб берилади. У потенциал хавфли маҳсулотнинг баҳосига қўшиладиган суғурта бадаллари тизимиdir. Чиқиндишларни (ахлатни) қайта ишлайдиган корхоналарга утилизация учун потенциал хавфли маҳсулотларни йигиш ва топширишда маблаг (гаров) истеъмолчига қайтарилади. Шундай усул идишлар (тара), аккумуляторлар, электр батареялари ва бошқаларни йигишни (тўплашни) рағбатлантириш учун кенг қўлланилади. Бу усул

маҳсулотларнинг чекланган турлари доирасида кенг тарқалган. Одатда, ишлаб чиқарувчилар гаров тизимини қўллашдан манфаатдор эмаслар, чунки чиқиндилярни йириш, ташиш, қайта ишлаш харажатлари йиғиндиси қўшимча даромадлар йиғиндисидан юқори бўлади.

Бозор баҳоларини яхшилаш ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бозор интервенцияси, қоида тарикасида, бозор (баҳоларига субсидия (ёрдам) бериш) шаклида ўтказилади. Масалан, чиқиндилярни қайта ишлаш натижаси ҳисобланган хомашёларга шундай субсидия берилади. Шундай субсидиялашга ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга эҳтиёж шундай вазиятда юзага келадики, унда бозорда шакланган баҳолар рециклилаштириш харажатларини қопламайди.

Табиий муҳитни ифлослантириш хуқуқини сотиб олиш – сотиш ҳам бозор инструментлари қаторига киради (11-бобга қаранг).

Умуман, экология иқтисодиётининг экологик-иқтисодий инструментлари қуйидаги афзалликларга эга:

- экологик харажатларни тежаш нуқтai назаридан юқори самарадорлик;

- атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришга барқарор стимулни (рағбатлантиришни) ишлаб чиқишига ва шу билан илмий-техника инновацияларига қодирликнинг намоён бўлиши;

- умуман, экологик-иқтисодий бошқарув механизmlарининг ўзгарувчанлигини оширади ва корхоналарга табиат муҳофазаси фаолияти стратегиясини мустақил белгилап шароитини таъминлайди;

- келажак авлодлар учун етишмайдиган табиий ресурсларни сақлашни бозор баҳолари шаклланишининг механизмлари орқали таъминлашга имкон беради;

- табиат муҳофазаси фаолиятини зарур молиявий манбалар билан таъминлайди.

12.3. Молия-кредит инструментлари

Устувор экологик-иқтисодий муаммоларнинг ечимини тошида табиатдан фойдаланишни тартибга солишининг молия-кредит инструментлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар табиат муҳофазаси лойиҳаларини имтиёзли солиқка тортиш, кредитлаш ва субсидиялашни ўз ичига олади. Экологик сиёсатнинг устувор йўналишларига кам чиқиндили ва чиқиндисиз технология, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва жорий этиш, экологик

тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарипшининг энергия ва ресурсларни тежаш турига ўтиш, иккиламчи ресурслар ва чиқиндилардан фойдаланиш бўйича янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни жорий этиш киради. Экологик йўналтирилган солиқ сиёсатини шакллантиришининг мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш харажатларини барқарор молиялаштириш инструментларини яратиш, даромадларни юқори экологик хавф-хатар минтақалари фойдасига қайта тақсимлаш, шунингдек, баъзи ҳолларда субсидиялар асосида табиат муҳофазаси ва бошқа табиатни тиклаш фаолиятини амалга ошираётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Молия-кредит инструментлари таркибига қуйидагилар киради:

- табиат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш шакллари ва инструментлари;
- атроф-муҳит муҳофазасининг кредит механизми, заёмлар, субсидиялар ва бошқалар;
- табиат муҳофазаси жиҳозларининг тезлаштирилган амортизацияси режими;
- экологик ва ресурс солиқлари;
- экологик хавф-хатарни суғурталаш тизими.

Бозор иқтисодиёти шароитида табиатни муҳофаза қилиш соҳаси самарадорлигининг ҳал қилувчи омили уни моливий таъминлашнишнинг барқарорлиги ҳисобланади. Бунда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ва ифлослантирганлик учун тўловлар табиат муҳофазаси фаолиятини молиялаштириш тизимини шакллантиришга имкон беради.

Хозирги вақтда табиат муҳофазаси тадбирларини ва экологик дастурларни молиялаштириш қуйидаги манбаларга асосланиб амалга оширилади:

- 1) барча даражадаги бюджетлар;
- 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маблағлари;
- 3) бюджетдан ташқари ресурслар бўйича ва ҳудудий-экологик фонdlар;
- 4) экологик суғурта фонdlари;
- 5) банк кредитлари;
- 6) хорижий валютадаги заёmlар;
- 7) аҳоли маблағлари (фуқаролар ва юридик шахсларнинг шу жумладан, хорижий шахслар ва фуқаролар), халқаро ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари (взнослари);
- 8) бошқа молиялаштириш манбалари.

Айрим молиялаштириш манбалари шаклланипининг баъзи хусусиятларини ва аҳамиятини кўриб чиқамиз.

Барча даражадаги бюджетларнинг даромад қисмларига табиий ресурслардан фойдаланганлик ва атроф-мухитни ифлослантирганлик учун тегишли солиқлар, тўловлар ва ажратмалар келиб тушади. Бу даромадлардан ташқари юқори даражадаги бюджетта дотациялар, субсидиялар, субвенциялар (маҳалий органларга давлатнинг пул нафақаси тури, у дотациядан фарқ қилиб, маълум тадбирларни молиялаштиришга берилади, ундан мақсадли фойдаланиш тартиби бузилганда қайтариб берилиши керак) тушади. Улар табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини мақсадли инвестициялашга йўналтирилади.

Корхоналарнинг ўз маблағлари хўжалик юритувчи субъектлар фойдаси ҳисобига шаклланади. Табиат муҳофазаси тадбирларини ўтказишнинг ва табиат муҳофазаси асосий фондлари эксплуатацияси жорий харажатлари корхоналар маҳсулоти таннархига қўшилади.

Бюджетдан ташқари мақсадли ресурслар бўйича жамғармалар айрим табиий ресурс турларини муҳофаза қилиш ва такрор ишлаб чиқариш тадбирларини бажариш учун барпо этилади. Масалан, минерал-хомашё базаларини такрор ишлаб чиқариш, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва такрор ишлаб чиқариш, сув объектларини тиклаш ва муҳофаза қилиш бўйича бюджетдан ташқари фондлар ва бошқалар.

Бюджетдан ташқари экологик жамғармалар атроф-мухитни муҳофаза қилишини кўллаб-куватловчи инвестиция тизимининг янги элементи бўлиб, улар табиат муҳофазасининг шошилинч вазифаларини, атроф-мухитдаги йўқотишларни тиклаш, келтирилган зарарни қоплашни ва бошқаларни молиялаштириш учун тузилади.

Атроф-мухитни муҳофаза қилишининг ижтимоий жамғармалари аҳоли маблағлари, жамоат ташкилотларининг бадаллари ва хайр-эҳсонлари ҳисобига шаклланади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари (фондлари) ни таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган «Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги Низом» билан белгилаб қўйилади.

Экологик жамғармалар ва экологик сугурта таърифи дарсликнинг 4-бобида берилган.

Жамоат жамғармаларини ташкил этиш ва сарфлаш тартиби тегишли жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланадиган табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари тўғрисидаги низомлар билан белгилаб қўйилади.

Ўзбекистонда табиат муҳофазаси соҳасини молиялаштиришнинг барқарор таъминлаш тизимини шакллантириш учун

табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг молия-кредит инструментларини шакллантириш ва уларни ишга тушириш лозим. Бунга қўйидагилар киради:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни ва экологик дастурларни турли бюджет даражаси маблағлари билан молиялаштириш тизими;

- ривожланган экологик жамғармалар, инновация экология жамғармалари, корхоналарнинг экология жамғармалари тизими;

- йирик экологик дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш учун республика ва минтақавий экологик банклар ва маҳсус банклар тизими;

- табиат муҳофазаси тадбирларини молиялаштиришга Жаҳон банки, Европа банки ва жамғармалар, ташкилотлар ва фирмалар маблағларини жалб этиш;

- табиат муҳофазаси эҳтиёжларига корхоналарнинг ўз маблағларидан фойдаланиш;

- имтиёзли экологик инвестиция кредитлари тизими.

Ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазаси фаолиятини рагбатлантиришнинг муҳим инструментларига қўйидагилар киради:

- табиат муҳофазаси йўналишига эга бўлган тадбирларни имтиёзли кредитлаш;

- камайтирилган фоиз ставкасидаги заёмлар;

- ифлослантирувчи корхоналарга чиқармалар (ташланмалар)ни қисқартириш учун маҳсус тўловлар ҳисобланган субсидиялар.

- минтақаларга табиат муҳофазаси мақсадларига қайтариб олинмайдиган асосларда (текин) бериладиган инвестиция субвенциялари.

Имтиёзли кредитлаш сиёсати бюджетдан табиат муҳофазаси мақсадларига имтиёзли кредит беришни, шунингдек, банк кредитларини жалб этишин билдиради. Банк кредитлашининг бюджетдан кредитлашдан афзаллиги ҳақ тўлаш (пуллилик) ва қайтариш принциплари билан белгиланади ва улар кредитдан фақат мақсадли фойдаланишини ва табиат муҳофазаси тадбирларини минимал муддатларда ўтказишни рағбатлантириши керак. Бунда давлат банк-кредиторга солиқ имтиёзини (даромадга солиқ ставкасини камайтириш) беради ва шу асосда банкларнинг табиат муҳофазаси тадбирларини кредитлашини рағбатлантиради. Бундан ташкири давлат банкка камайтирилган фоизда кредит компенсациясига дотация бериши мумкин. Бу

кредитларнинг қайтарилиши ва пуллилигини кафолатлашга имкон беради. Корхонанинг ўзи кредитни тұлашни ўзининг экологик фонди билан кафолатлаши мүмкин.

Банк маблағларининг қайтарилиши муаммоси ечимини ипотека банкини (күчмас мұлкни гаровга олиб, пул берадиган банк) ташкил этишини тақозо этади.

Субвенциялаш бюджет молиялашининг қисми ҳисобланади. Улар ҳар доим маълум табиат муҳофазаси мақсадига берилади, бу маблағлардан фойдаланиш устидан назорат ўрнатылади. Субвенцияларнинг роли минтақаларда экологик инфраструктуралардың ривожлантириши билан белгиланади.

Молия-кредит инструментлари хўжалик фаолиятини ҳар томонлама экологиялаштиришни таъминлашта хизмат қилиши керак. Корхоналарнинг табиат муҳофазаси фаолиятига иқтисодий манбаатдорлигини таъминлаш мақсадида яна бир мухим инструмент – корхоналарга табиат муҳофазаси объектлари ва иншоотлари, тозалаш жиҳозлари ва бошқа экотехниканинг тезлаштирилган амортизация режимини бериши мухим аҳамиятта эга. Бу ҳолат жиҳозларнинг экологик эскириши ва құлланилаёттан техниканинг янги экологик стандартлар ва меъёрларга мос келмаслиги билан боғлиқдир. Машиналарнинг экологик эскириши табиий ресурслардан оқилюна фойдаланиш ва атроф-мухит ифлосланишини камайтиришни таъминлайдиган янги техникани ишлаб чиқариш заруратини көлтириб чиқаради. Агар техника тұла эскирган бўлса, уларнинг экологик стандартлар ва меъёрларга мос келмаслиги бу жиҳозлардан бундан кейин фойдаланишга имкон бермайди.

Шу билан боғлиқ ҳолда экологик соҳадаги жиҳозларнинг тезлаштирилган амортизациясини амалга ошириш талаб қилинади. Бунда корхоналар асосий фондларни капитал таъмирлаш ўрнига уларни янгилашга ҳаракат қиласылар. Экологик омилни ҳисобга олганда, тезлаштирилган экология нормаси 2-3 йил бўлиши мүмкин. Масалан, Канадада тозалаш жиҳозлари амортизациясига 2 йил муддат белгиланган, Францияда тозалаш жиҳозларининг 50% и бир йилда амортизация қилинади. Буюк Британия, Германия ва АҚШда тозалаш жиҳозларининг амортизация муддати 6 йил, Италияда шундай фондларнинг 45% и уч йиллик муддатда амортизация қилинади.

Экологик соликлар у ёки бошқа шаклларда барча иқтисодий ривожланган мамлакатлarda мавжуд. У дастлаб Европа Иттифоқи мамлакатларида 1973 йилдан бошлаб құлланила бошлаган ва «ифлослантирувчи тұлайди» принципига мувофиқ амалга оширилган. XX асрнинг 90-йилларида экологик соликқа тортиши кенг тарқалган.

Экологик солиққа торғыши объектларига күйидагилар киради:

- түргун манбалар ва харақатланувчи манбаларнинг (транспорт) атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариши;
- ер усти ва ер ости сув объектларига ифлослантирувчи моддаларни ташлаш;
- чиқиндилярни (захарлы(токсик) ва захарсиз) жойлаштириш;
- шовқин чиқариш, тебраниш (вибрация), электромагнит, радиация ва бошқа турдаги атроф табиий мұхиттега заарли тәссири.

Экологик солиқлар табиий ресурслардан фойдаланиш учун тұловлар ва түшумлар (ер солиги, сув хұжалик тизимларидан олинадиган сув учун тұловлар, ер ости бойликларидан фойдаланиш хуқуқи учун тұловлар ва болпқалар), шунингдек, экологик солиқлардан иборатдир.

Солиққа тортиш тизимиға экологик солиқларни киритиш тояси корхоналарнинг бюджеттеге ажратмалари үшбұ корхона атроф-мұхиттеге етказадиган заарарга тұғридан-тұғри ва бевосита бөглиқлигини белгилашдан ва шунга мос солиқларни ўрнатышдан иборат.

Экологик солиқлар тартибға солувчи ва молиявий солиқларға бұлинади.

Тартибға солувчи экологик солиқлар атроф-мұхиттеге етказадиган тәссириңін заарарини бевосита бартараф этишінде йұналтирилған ва бунда солиқ атроф-мұхиттеге етказадиган зиён билан үлчанади. Солиқ ставкаларини белгилашуда хұжалик фаолиятынинг техник имкониятлари күрсаткышлари ва иқтисодий рентабеллігі ҳисобға олинади. Солиқларнинг катта мосланувчандығыда (дифференциаллашында) атроф-мұхиттеге зиённи бартараф этиш сарфлары фойдалы бўлади. Тартибға солувчи экологик солиқларға атроф-мұхитни ифлослантириштегі тұловлар ҳам киради.

Молиявий солиқлар манбаларни үндериш ва уларни маҳсус экологик фонdlарда тұшлашынде йұналтириллади ва үндан турли табиат мұхофазаси тадбирлари молиялаштириллади. Бу экологик солиқларнинг хусусияти шундаки, улар хұжалик фаолиятынинг заарарлы оқибатлари билан қаттиқ бөгләнмәслиги керак. Молиявий солиқларни белгилашуда молиявий түшумларнинг фойдалилары ва узлуксизлігі мезонларига асосланиллади. Шундай солиқларға минерал хомашё базасини такрор ишлаб чиқариш ажратмалари, сув объектларини тиклаш ва мұхофазалашында ажратмалар, тұловлар мисол бўлади.

Экологик солиққа тортишни ривожлантириш истиқболларини күйидаги йұналишлар белгилайди:

- корхоналарнинг солиқ ва тұловларини уларнинг ишлаб

чикариш – хұжалик фаолияти экологиклигини ҳисобға олиб дифференциялаш;

- экологик акцизларни белгилаш;
 - солиқ оғирлиги марказини тоғ-кон саноати тармоқларига

күчириш.

Экологик хавф-хатарни суурталаш тизимиңинг шаклла-
ниши табий ресурсларни ўзлаштиришда техноген таъсир би-
лан боғлиқ бўлган фавқулодда ҳодисалар ва хавф-хатарлар содир
бўлиши эҳтимоли билан боғлиқдир.

Илмий техника тараққиёти, бир томондан, аниқланмаган хавф-хатарларни сонини қисқартиришга объектив шарт-шароитлар яратади, бошқа томондан эса янги техника ва технологияни жорий этиш, техник эксплуатация янги хавф-хатарларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Табиатдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларни тўлиқ бартараф этиб бўлмайди, лекин фан тараққиёти техноген оқибатларни олдиндан кўриш, улар билан боғлиқ бўлган хатарларни олдиндан билиш самарадорлигини ошириши мумкин. Хавф-хатарлар сугурта муносабатлари пайдо бўлишининг шарт-шароити ҳисобланади. Хатарнинг мазмуни ва пайдо бўлиши эҳтимоли кўрсатиладиган сугурта ҳимояси мазмуни ва ўлчамини белгилаб беради. Экологик хавф-хатар салбий экологик, ижтимоий, икътисодий оқибатларни келтириб чиқаради ва улар зиён шаклида исфодаланади.

Табиатдан фойдаланишдаги хавф-хатарларни баҳолашда түлиқ бартараф қылиб бұлмайдиган хавфли омылларни ҳисобга олиш керак. Улар технологик жараёнларнинг хусусиятлари, шунингдек, авария, ҳалокатлар, табиий оғатлар каби олдиндан билиб бұлмайдиган вазиятлар билан боғлиқдир.

Хавф-хатарларни баҳолащынг объективилги тасодифий во-
қеанинг бошланыш эҳтимоли қанчалик түғри ва аниқ баҳоланиши
билил белгиланади. Хавф-хатар эҳтимолини ҳисоблаш эҳтимоллик
статистикаси ва калта сонлар қонуны ассоцида амалга оширилади.
Хавф-хатарни объектив баҳолаш учун табиатдан фойдаланиши со-
ҳасида ноқулай ҳодисалар түғрисидаги ахборотларни, уларнинг на-
моён бўлиши тезлиги, табиатни ўзгартириш жараёнидаги сабаб-
оқибатларини тахлил қилиш ва умумлаштириш талаб қилинади.

Табиатдан фойдаланиши хавф-хатарларини баҳолашнинг муҳим муаммолари иқтисодий, ижтимоий, экологик ва инсоннинг бошқа ҳаёт-фаолиятига таалуқли бўлган зарар эҳтимолини аниқлаш ҳисобланади. Зарар (зийён)ни аниқлашнинг мавжуд методлари та-комилликдан анча узокда, улар табиатдан фойдаланиши зиёнининг мумкин бўлган турларини қамраб олмайди. Айрим бир вақтда сугурта соҳасидаги амалий фаолият амалдаги методикаларни такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишини талаб қиласди.

Қисқача хуросалар

Амалий экология иқтисодиётнинг инструментлари рафбатлантирувчи омиллардан хўжалик субъектлари иқтисодий манфаатларига таъсир кўрсатишга мўлжалланган. Улар бозорга йўналтирилган экологик-иқтисодий инструментлар ва молия-кредит инструментларига бўлинади.

Бозорга йўналтирилган экологик-иқтисодий инструментларга қўйидагилар киради: табиий ресурсларга тўловлар ва атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўлов; иқтисодий оборотга киритиладиган табиий ресурсларнинг бозор баҳолари; табиий муҳитни ифлослантириш хуқуқини сотиб олиш — сотиш механизмлари; гаров тизими; бозор баҳоларини яхшилаш ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида интервенция; тўғридан-тўғри бозор музокаралари тизими. Бу инструментлар турли йўналиши ва мазмунга эга бўлиши билан бир қаторда, улар ўзаро боғлиқ ва яхлитликда экологик-иқтисодий инструментларнинг умумий мазмуни ва моҳиятини белгилаб беради.

Ўзбекистонда иқтисодий-экологик инструментлардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар бозор муносабатларига ўтишнинг асосий хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Устувор экологик-иқтисодий муаммолар ечимини топишда табиатдан фойдаланишини тартибга солишининг молия-кредит инструментлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар табиат муҳофазаси лойиҳаларини имтиёзли солиқка тортиш, кредитлаш, субсидиялашни ўз ичига олади. Молия-кредит инструментлари таркибига қўйидагилар киради: табиат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш шакллари ва инструментлари; атроф-муҳит муҳофазасининг кредит механизми, заёмлар, субсидиялар ва бошқалар; табиат муҳофазаси жиҳозларининг тезлаштирилган амортизацияси режими; экологик ва ресурс солиқлари; экологик хавф-хатарни суғурталаш тизими. Бу инструментларнинг ҳар бирини ишга тушириш ўзига хос хусусиятларга эга.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Амалий экология иқтисодиётнинг экологик-иқтисодий инструментлари нима ва улар экологик-иқтисодий механизмлардан қандай фарқ қиласиди?
2. Экологик-иқтисодий инструментлар табиатдан фойдаланиш ва табиат муҳофазасида қандай аҳамиятга эга?
3. Экология иқтисодиёти инструментлари қандай турларга бўлинади? Уларнинг фарқини тушунтиринг.
4. Бозорга йўналтирилган экологик-иқтисодий инструментлар нима? Уларнинг таркибини билиб олинг.
5. Экологик-иқтисодий инструмент сифатида табиий ресурсларга тўловлар ва атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўловларни таърифланг.
6. Ўзбекистонда табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий методларини жорий қилиш босқичларини билиб олинг.
7. Бозор инструментларининг гаров тизими нима?
8. Экология иқтисодиётининг экологик-иқтисодий инструментлари қандай афзалликларга эга?
9. Экология иқтисодиётининг молия-кредит инструментлари нима? Уларнинг аҳамияти ва таркибини билиб олинг.
10. Табиат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириш шакллари ва инструментларини таърифланг.
11. Атроф-муҳит муҳофазасининг кредит механизми, заёмлар, субсидиялар хусусиятларини билиб олинг.
12. Табиат муҳофазаси жиҳозларининг тезлаштирилган амортизацияси қандай сабабларга боғлиқ?
13. Экологик солиқ ва ресурс солиқларини таърифланг.
14. Экологик хавф-хатарни суғурталаш зарурати ва хусусиятларини билиб олинг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
2. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва меъёрий хужжатлар. – Т.: «Адолат», 2002.
3. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий харакат революси. – Т., 1998.
4. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на XXI век. – Т., 2002.
5. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. –Т., 2002.
6. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Основы экоразвития. Учебное пособие. –М.: Изд-во Рос. Экон. Акад, 1994.
7. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1998.
8. Бобилев С.Н. Экологизация экономического развития. Учебное пособие. – М.: изд-во МГУ, 1993.
9. Бобилев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. – М.: ТЕНС, 1997.
10. Гиусов Э.В., Бобилев С.Н., Новоселов А.Л., Чепурник Н.В. Экология и экономика природопользования. 2-е изд. – М.: «Единство», 2002.
11. Экономические основы экологии. Учебник. В.В.Глухов, Т.В. Лисочкина, Т.П. Некрасова. СПб: Специальная литература. 1995.
12. Экологическая экономика. – М.: «Евразия». 1994.

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавф-сизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ап тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1993.
2. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш. Қонунлар ва норматив ҳужжатлар – Т.: «Адолат», 2002.
3. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат резаси. – Т., 1998.
4. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на ХХI век. – Т., 2002.
5. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т., 2002.
6. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Основы экоразвития. Учебное пособие. – М.: Изд-во Рос. Экон. Акад. 1994.
7. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1998.
8. Бобилев С.Н. Экологизация экономического развития. Учебное пособие. -М.: изд-во МГУ, 1993.
9. Бобылев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. -М., 1997.
10. Гирусов Э.В., Бобылев С.Н., Новоселов А.Л., Чепурник Н.В. Экология и экономика природопользования. – М.: «Единство», 2002.
11. Горелов А.А. Экология. Учебное пособие. – М.: «Юрайт», 2002.
12. Глухов В.В. и др. Экономические основы экологии. СПб: Специальная литература, 1995.
13. Наше общее будущее. Доклад международной комиссии по окружающей среде и развитию. – М.: «Прогресс», 1989.
14. Программа действий. «Повестка дня на 21 век» и другие документы конференции в Рио-де-Жанейро в популярном изложении. – Женева, Центр за наше общее будущее, 1993.
15. Реймус Н.Ф. Природопользование. Словарь справочник. – М. 1990.
16. Реймер Н.Ф. Экология (теории, законы, правила, принципы, гипотезы). – М.: «Молодая Россия», 1994.
17. Степановских А.С. Прикладная экология. Охрана окружающей среды. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.
18. Щодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Уқув қўлланма. – Т., 2002.
19. Экономическая экология. – М.: «Евразия», 1994.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I БҮЛИМ. «ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИ»НИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	8
I боб. ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИНИГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	8
1.1. Экология иқтисодиётининг пайдо бўлиши ва мазмуни, предмети ва обьекти.....	8
1.2. «Экология иқтисодиёти» фаниниг таркибий қисмлари ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари.....	12
1.3. «Экология иқтисодиёти»нинг илмий-тадқиқот методлари.....	13
1.4. «Экология иқтисодиёти» фаниниг аҳамияти, мақсади ва вазифалари.....	14
Қисқача хуросалар.....	16
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	17
Асосий адабиётлар.....	17
II боб. ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	18
2.1. Экология иқтисодиётининг умумий таърифи.....	18
2.2. Моддий ва номоддий экологик-иқтисодий неъматлар ва хизматлар.....	21
2.3. Моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар экологияси иқтисодиёти хусусиятлари.....	24
2.4. Экологик-иқтисодий барқарор ривожланиши концепцияси.....	28
Қисқача хуросалар.....	36
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	38
Асосий адабиётлар.....	39
III боб. ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИ ҚОНУНИЯТЛАРИ, ПРИНЦИПЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	40
3.1. Экология иқтисодиёти қонуниятлари ва принциплари тўғрисидаги тушунча ва уларниг умумий хусусиятлари.....	40
3.2. Экологияниг асосий қонунлари, принциплари, омиллари ва уларниг экология иқтисодиётида намоён бўлиши.....	42
3.3. Экология иқтисодиёти қонуниятлари.....	54
3.4. Экология иқтисодиёти принциплари.....	64
Қисқача хуросалар.....	68

Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	70
Асосий адабиётлар.....	71
IV боб. ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	72
4.1. Экология иқтисодиёти иқтисодий механизмларининг мазмуни ва моҳияти.....	72
4.2. Табиий ресурслар кадастри.....	73
4.3. Табиат муҳофазаси тадбирларини молиялаштириши. Экологик жамғармалар. Экология суғуртаси.....	76
4.4. Табиий-экологик ресурсларга тўловлар.....	81
4.5. Атроф-муҳит ифлосланишининг иқтисодий зиён етказишини аниқлаш методикаси.....	85
4.6. Табиат муҳофазаси тадбирларининг иқтисодий самарасини ҳи- соблаш.....	89
4.7. Экстерналия харажатлари. Табиий муҳитнинг асимиляция по- тенциали.....	93
Қисқача хулосалар.....	98
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	100
Асосий адабиётлар.....	101
II бўлим. ХУСУСИЙ ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИ.....	102
V боб. АТРОФ–МУҲИТ ВА УНИНГ КОМПОНЕНТЛАРИ ЭКОЛО- ГИЯСИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ.....	102
5.1. Атроф-муҳит ва унинг компонентлари.....	102
5.2. Табиий ресурслар классификацияси ва улардан экология иқти- содиётида фойдаланиш.....	106
5.3. Биосфера ва унинг компонентлари экологияси иқтисодиёти..	110
Қисқача хулосалар.....	119
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	120
Асосий адабиётлар.....	121
VI боб. ТАБИАТ КОМПОНЕНТЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ ИҚТИСО- ДИЁТИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ.....	122
6.1. Табиат компонентларининг умумий хусусиятлари ва уларни ба- ҳолаш йўналишлари.....	122
6.2. Атмосфера ресурслари.....	124
6.3. Сув ресурслари.....	128
6.4. Биологик ресурслар.....	131

6.5. Туироқ ресурслари.....	134
6.6. Минерал-хомашё ресурслари.....	137
Қисқача хулосалар.....	142
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	144
Асосий адабиётлар.....	145
VII боб. ХЎЖАЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА АНТРОПОГЕН ФАОЛИЯТ ТАЪСИРИДАГИ ЭКОТИЗИМЛАР ЭКОЛОГИЯСИ ИҚТИСОДИЁТИ.....	146
7.1. Хўжалик тармоқлари ва антропоген фаолият таъсиридаги экотизимлар экологияси иқтисодиётининг умумий таърифи.....	146
7.2. Саноат, транспорт ва шахар экотизимлари.....	154
7.3. Қишлоқ хўжалиги (аграр) экотизимлари.....	160
7.4. Рекреация экотизимлари.....	163
Қисқача хулосалар.....	166
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	168
Асосий адабиётлар.....	169
VIII боб. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ҲУДУДЛАР ЭКОТИЗИМЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИ ИҚТИСОДИЁТИ.....	170
8.1. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар экртизимларининг умумий таърифи.....	170
8.2. Давлат қўриқхоналари ва давлат миллий парклари (боғлари).....	175
8.3. Давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари.....	179
8.4. Дендрология парклари, ботаника боғлари, зоология парклари...	181
8.5. Алоҳида муҳофаза қилинадиган бошқа табиий ҳудудлар тизими.....	182
8.6. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар самараадорлигини ошириш тадбирлари.....	189
Қисқача хулосалар.....	191
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	192
Асосий адабиётлар.....	193
III БЎЛИМ. АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИ.....	194
IX боб. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА УНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ.....	194
9.1. Экологик вазиятнинг умумий таърифи.....	194
280	

9.2. Табиат компонентларининг экологик ҳолати.....	197
9.2.1. Атмосфера ҳавоси.....	197
9.2.2. Сув ресурслари.....	199
9.2.3. Ер ресурслари.....	200
9.2.4. Биологик ресурслар ва биохилма-хиллик.....	201
9.2.5. Ер ости бойликлари.....	203
9.2.6. Чиқиндилар.....	204
9.3. Вилоятлар ва туманлардаги экологик вазият ва уларнинг худудий фарқлари.....	206
9.3.1. Экологик вазиятнинг худудий фарқлари тұғрисида түшүнчә...	206
9.3.2. Экологик вазиятни баҳолаш мезонлари ва экологик районлаштириш.....	207
9.3.3. Вилоятлар ва туманлардаги экологик вазиятнинг худудий фарқлари ва уларни ҳысобга олиш.....	210
9.4. Орол дөнгизининг қуриши ва экологик-иктисодий сабоқлар: салбий антропоген таъсирнинг экологик ҳалокатта ва ижтимоий-иктисодий инқизорзга олиб келиши намунаси.....	213
9.4.1. Орол ҳалокати миқёслари, сабаб ва оқибатлари.....	213
9.4.2. Орол инқизориздан чиқыш йүллари.....	216
9.5. Текислик ва тоғ геотизимларидан фойдаланишининг экологик иктисодий хусусиятлари.....	218
Қисқача хуласалар.....	221
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	222
Асосий адабиётлар.....	223
Х боб. АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ ИКТИСОДИЁТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ.....	224
10.1. Амалий экология иктисодиёти тұғрисида түшүнчә ва унинг асосий инструментлари.....	224
10.2. Ўзбекистонда экологик иктисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари	225
10.3. Амалий экология иктисодиётининг глобал муаммолари.....	228
Қисқача хуласалар.....	231
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	232
Асосий адабиётлар.....	233

XI боб. АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ ИКТИСОДИЁТИНИНГ МАЬМУРИЙ-НАЗОРАТ БОШҚАРУВ ИНСТРУМЕНТЛАРИ..... 234

11.1. Экологик-иктисодий бошқарувнинг маъмурий-назорат инструментлари таркиби.....	234
11.2. Табиатдан фойдаланиши ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида-	

ги давлат бошқаруви органлари тизими.....	234
11.3. Табиат муҳофазаси қонунчилиги.....	238
11.4. Экологик мониторинг.....	240
11.5. Экологик стандартлар ва нормативлар.....	242
11.6. Хўжалик фаолиятини лицензиялаши.....	245
11.7. Экологик сертификация.....	246
11.8. Экологик экспертиза.....	248
11.9. Экологик-иқтисодий режалаштириш, мақсадли дастурлар....	251
11.10. Экологик аудит.....	254
Қисқача хulosалар.....	258
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	260
Асосий адабиётлар.....	261
XII боб. АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЭКОЛОГИК-ИҚТИСОДИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРИ.....	262
12.1. Амалий экология иқтисодиёти экологик-иқтисодий инструментларининг умумий таърифи ва таркиби.....	262
12.2. Бозорга йўналтирилган экологик-иқтисодий инструментлар...	263
12.3. Молия-кредит инструментлари.....	267
Қисқача хulosалар.....	274
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	275
Асосий адабиётлар.....	276
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	277

Макалаларни
даъвом этишади

CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART-I. THEORETICAL BASIS OF ECONOMICS OF ECOLOGY.....	8
CHAPTER-I. SUBJECT, METHODS AND TASKS OF ECONOMICS OF ECOLOGY.....	8
1.1. Subject and object of economics of ecology.....	8
1.2. Structure of economics of ecology and its connections with other courses.....	12
1.3. Scientific-researching methods of economics of econology.....	13
1.4. Essence, goals and tasks of economics of ecology.....	14
Brief conclusions.....	16
Questions for discussion and control.....	17
Main literature.....	17
CHAPTER-II.THEORETICAL BASIS OF ECONOMICS OF ECOLOGY.....	18
2.1.General definition of economics of economics.....	18
2.2. Physical and non-physical services and goods of ecology of economics.....	21
2.3. Characteristics of physical and non-physical services and goods of ecology of economics.....	24
2.4. Conception of ecologic-economic stable development.....	28
Brief conclusions.....	36
Questions for discussion and control.....	38
Main literature.....	39
CHAPTER-III. ECOLOGY OF ECONOMICS, PRINCIPLES AND THEIR USAGE.....	40
3.1.About laws and principles of ecology of economics.....	40
3.2. Main laws, principles, factors of ecology of economics and their appearance in the economy.....	42
3.3.Laws of ecology of economics.....	54
3.4. Principles of ecology of economics.....	64
Brief conclusions.....	68

Questions for discussion and control.....	70
Main literature.....	71
CHAPTER -IV. ECONOMIC MECHANISMS OF ECOLOGY OF ECONOMICS	72
4.1.Essence and meaning of economic mechanisms of ecology.....	72
4.2.Cadastre of economy of ecology	73
4.3.Financing the nature protection events. Ecologic funds. Ecologic insurance.....	76
4.4. Payments of natural ecologic resources.....	81
4.5. Defining methods of economic harm of nature pollution.....	85
4.6.Calculation of economic efficiency of nature protection.....	89
4.7.External expenditures. Assimilation potential of nature.....	93
Brief conclusions.....	98
Questions for discussion and control.....	100
Main literature.....	101
PART-II. PRIVATE ECOLOGY OF ECONOMICS.....	102
CHAPTER-V.GENERAL DEFINITION OF ECOLOGIC ECONOMICS OF ENVIRONMENT AND ITS COMPONENTS.....	102
5.1. Environment and its components.....	102
5.2. Classification of natural resources and their use in ecology of economics.....	106
Brief conclusions.....	119
Questions for discussion and control.....	120
Main literature.....	121
CHAPTER-VI.ECONOMIC CHARACTERISTICS OF ECOLOGY OF NATURE COMPONENTS AND THEIR EVALUATION.....	122
6.1. Genaral characteristics of nature components and their evaluation methods.....	122
6.2. Resources of atmosphere.....	124
6.3. Water resources.....	128
6.4. Biologic resources.....	131
6.5. Soil resources.....	134
6.6. Raw-mineral resources.....	137

Brief conclusions.....	142
Questions for discussion and control.....	144
Main literature.....	145
CHAPTER-VII.HOUSEHOLD BRANCHES AND ECOLOGY OF ECONOMICS IN THE EFFECT OF ANTORPOGEN ACTIVITY.....	146
7.1. Household branches and general definition of ecology of economics in the effect of antorpogen activity.....	146
7.2. Industry, transport and city eco-systems.....	154
7.3. Agriculture ecosystems.....	160
7.4. Recreation eco-systems.....	163
Brief conclusions.....	166
Questions for discussion and control.....	168
Main literature.....	169
CHAPTER-VIII.ECO-SYSTEMS OF PRIVATELY PROTECTED AREAS.....	170
8.1. Genaral definition of eco-system of privately protected ares.....	170
8.2. Governmental protected areas and national parks.....	175
8.3. Protected areas and natural monuments of government.....	179
8.4. Parks of dendrology, zoology and botanics.....	181
8.5. Another privately protected system of natural areas.....	182
8.6. Increasing the efficiency of privately protected areas.....	189
Brief conclusions.....	191
Questions for discussion and control.....	192
Main literature.....	193
PART-III. PRACTICAL ECOLOGY OF ECONOMICS.....	194
CHAPTER-IX. ECOLOGIC CONDITION OF UZBEKISTAN AND ITS PRICING PRACTICE.....	194
9.1. Genaral definition of ecological condition.....	194
9.2. Ecologic condition of nature components.....	197
9.2.1. Atmosphere air.....	197
9.2.2. Water resources.....	199
9.2.3. Land resources.....	200
9.2.4. Biologic resources and their types.....	201
9.2.5. Mineral resources.....	203

9.2.6. Waste.....	204
9.3. Ecologic condition in regions and their differences.....	206
9.3.1. About regional differences of ecological conditions.....	206
9.3.2. Pricing lists of ecologic condition and ecologic regioning.....	207
9.3.3. Regional differences of regions.....	210
9.4. Shrinking of Aral Sea and ecologic economic lessons: effects of negative anthropogenic to ecologic crisis and social economic crisis.....	213
9.4.1. Aral Sea tragedy, reasons and results.....	213
9.4.2. Solving the problems of Aral sea tragedy.....	216
9.5. Ecologic-economic efficiency of mountain utilization.....	218
Brief conclusions.....	221
Questions for discussion and control.....	222
Main literature.....	223

CHAPTER-X. GENERAL DEFINITION OF PRACTICAL ACTIVITY OF ECOLOGY OF ECONOMICS..... 224

10.1. About practical activity of ecology of economics and its main	
10.2. Main trends of ecologic economical policy in Uzbekistan.....	225
10.3. Global problems of practical ecology of economics.....	228
Brief conclusions.....	231
Questions for discussion and control.....	232
Main literature.....	233

CHAPTER-XI. REGULATING INSTRUMENTS OF PRACTICAL ECOLOGY OF ECONOMICS..... 234

11.1. Structure of regulating instruments of practical ecology of economics.....	234
11.2. Governmental organization in the sphere of nature utilization and protection of environment.....	234
11.3. Laws of nature protection.....	238
11.4. Ecologic monitoring.....	240
11.5. Ecologic standards and normatives.....	242
11.6. Licensing the household activity.....	245
11.7. Ecological certification.....	246
11.8. Ecological expertise.....	248
11.9. Ecologic-economical planning and goal-oriented events.....	252
11.10. Ecological audit.....	254

Brief conclusions.....	258
Questions for discussion and control.....	260
Main literature.....	261
CHAPTER-XII.ECOLOGIC ECONOMICAL INSTRUMENTS OF PRACTICAL ECOLOGY OF ECONOMICS.....	262
12.1. Structure and definition of ecologic economical instruments of practical ecology of economics.....	262
12.2. Ecologic economical instruments directed to market.....	263
12.3. Fiancial credit instruments.....	267
Brief conclusions.....	274
Questions for discussion and control.....	275
Main literature.....	276
LIST OF BIBLIOGRAPHY.....	277

ЖУМАЕВ ТУРОБ ЖУМАЕВИЧ

ЭКОЛОГИЯ ИҚТИСОДИЁТИ (Дарслик)

Нашр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамгармаси директори
Курбонмурод Жумаев

Мусаввир:

Ақбарали Мамасолиев.

Муҳаррир – З. Йўлдошев

Техник муҳаррир – Ш. Тоғниев

Мусаҳис – Ж. Йўлдошев

Компьютерда саҳифаловчи – М. Фойимназаров

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришига берилди 04.11.2003 й. Босишига рухсат этилди 20.01.2004 й.

Қоғоз формати 60x84 1/32. Офсет босма усулида босилди.

Нашр босма тобори 18. Нусхаси 1000.

Буюртма № 35

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамгармаси наприёти.
700000, Тошкент, Ж.-Неру, 1.

«YOSHLAR MATBUOTI» масъулияти чекланган жамият.
700113, Тошкент шаҳри, Чилонзор-8,
Қатортол кўчаси, 60-йй.



ЖУМАЕВ Тураб Жумаевич — «Минтақа иқтисодиёти ва экологияси» кафедрасы доценти, иқтисод ғанлари номзоди. У 1 та монография, 2 та рисола, 4 та үқув құлланма, 100 тадан ортиқ илмий мақолалар мүаллифи.

Илмай ишларининг асосий мавзуси — тоғ ҳудудларини иқтисодий ривожлантириш, атроф-муҳит мухофазаси мұаммолари.

